

Тулистон
Матёқубова

1

Саъдиёна

84/5930)
M 33.

Гулистон
Матёкубова



Сайёамма

Меърлар




ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2018

ЎЗИГА ХОС ПОЭТИК ОЛАМ ЯРАТГАН КЎПҚИРРАЛИ ИЖОД СОҲИБАСИ

Қорақалпоқ адабиёти Марказий Осиёдаги ўз анъана ва тажрибасига эга, истеъдодли ижодкорларга бой адабиётлардан бири. Бу адабиётнинг яна бир ўзгачалиги шундаки, қорақалпоқ адабий муҳитида турли миллатга мансуб шоир ва ёзувчилар қалам тебратади. Ва ҳар бири умум қорақалпоқ адабиётига ўзларини дахлдор санаб, уни ҳар жиҳатдан ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Жумладан, бир гуруҳ ижод аҳлининг Қорақалпоғистонда яшаб қорақалпоқ адиблари билан бир сафда, ёнма-ён ўзбек тилида ижод қилиб келаётгани ибратлидир.

Таниқли шоира, ёзувчи ва публицист, жамоат арбоби Гулистон Матёқубова (Аннақиличева) ана шу сафдошлари қаторида ёрқин таланти, сержило ва сермаъно поэтик олами билан алоҳида кўзга ташланиб турадиган ижодкордир. Шоира, мана, салкам элик йилдирки, адабиёт майдонида самарали ижод билан банд. У ҳаётга, адабиётга ўз йўли, ўзига хос йўналиши билан кириб келди ва бугунги мартабага эришди.

Гулистон Матёқубова (Аннақиличева) 1948 йилда Тўрткўл шаҳрида таваллуд топди. У Тош-



кент давлат (ҳозирги Ўзбекистон Миллий) университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Дастлаб Тўрткўл тумани радиосида суҳандон, муҳаррир, 1981 йилдан туман газетасида масъул котиб, сўнг Бош муҳаррир лавозимларида ишлади.

Г. Матёқубова (Аннақиличева)нинг 1985 йилдан кейинги меҳнат фаолияти Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғланади. У Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси котиби, Жўқорғи Кенгеснинг қўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси, «Аму тонги» — «Қорақалпоғистон тонги» газетаси Бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси депутаты сифатида фаолият олиб борди. Ҳозирда у Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Қорақалпоқ адабиёти» газетасининг Бош муҳарриридир.

Кўряпсизки, Г. Матёқубова (Аннақиличева)нинг ижтимоий-сиёсий фаолияти қай даражада кўп қиррали бўлса, ижоди ҳам шу даражада ранг-баранг ва сермахсул. У адабиётнинг деярли барча жанрларида ижод қила олиш қобилиятига эга.

Унинг «Бахт келтирган баҳор», «Ҳаяжоннинг етти ранги», «Ойдин остона», «Мен сен учун яшайман», «Йўллариингга чиқдим», «Интизорлик», «Жайхун ёқасида ўсган бой-

терақ», «Нурли кунлар», «Юрак билан юзма-юз», «Дарёга ботаётган қуёш», «Излаганларим», «Муҳаббат юрти», «Қайтмоқ учун кетмоқдаман», «Ота уйим», «Ватан руҳи», «Уйғониш нашидаси», «Гулойим» ва бошқа кўплаб китоблари Тошкентда, Нукусда нашр қилинган.

«Земля отцов», «Прекрасная чувство», икки томлик «Избранные» номли китоблари, «Стихи-РУ», «Проза РУ» интернет сайтларида 300 дан ортиқ назм ва насрдаги асарлари рус тилида эълон қилинган. Гулистонга Москвадаги «Творчество народов мира» халқаро ассоциациясининг лауреати унвони берилган.

Гулистоннинг «Устюртга йўл» киносценарийси асосида бадиий фильм яратилган. Қатор кино қисса, драмалари ҳам китобхонларга маълум.

Машҳур «Қирқ қиз» эпоси асосида «Гулойим» номли опера учун либретто ҳам ёзгани муаллиф талантининг серқирралигидан дарак беради. Агар бу рўйхатга унинг нашрдан чиққан адабий суҳбатлари, мулоқотлари, мактублари, шеърият назариясига доир илмий қарашларини, шунингдек қорақалпоқ ва жаҳон адабиётидан қилган таржималарини ҳам қўшиб ҳисобласак, муаллифнинг нақадар самарали ижодкор эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Албатта, гап бу ерда ижодий фаоллик ёки сермахсулликда эмас. Гап шундаки, ҳар қандай ижодкорнинг ёзувчилик маҳорати, бадиий салоҳияти кўп ёзгани ёки қанча китоб чоп эттиргани билан ўлчанмайди. Балки, яратган асарининг бадиий эстетик қиммати, ўқувчиларнинг маънавий-ахло-

қий, фалсафий қарашларини чуқурлаштиришга таъсир кўрсатгани мезони билан белгиланади. Агар Г.Матёқубова (Аннақиличева) асарларига шу нуқтаи назардан ёндашсак, аксарияти бадиий ижод қонуниятларига жавоб беради. Ҳар бир асарининг ёки нашрдан чиқарилган ҳар бир китобининг адабий жамоатчилик, мутахассислар, ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олингани, тақрирларда, мақолаларда ижобий баҳолангани, ўйлайманки, фикримни тасдиқлаши мумкин. Баъзи китобларининг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилари уюшмасида, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида тақдимот тадбирларининг ташкил этилгани, анжуманларда ҳар икки адабиётнинг атоқли адиблари, таниқли адабиётшунос танқидчилар томонидан муносиб баҳолангани юқорида айтилганларга яна бир далилдир.

Г.Матёқубова (Аннақиличева)да камдан-кам ижодкорда учрайдиган яна бир фазилат бор. У қорақалпоқ тилини ўз она тилидек яхши ўзлаштирган. Бу эса шоирага қорақалпоқ тилида ижод қилиш имконини берди. Шу маънода Гулистон икки адабиётга бирдай хизмат қилиб келаётган фидоий ижодкор десам, кўпчиликнинг фикрини ифодалаган бўламан. Шоиранинг асарлари ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ тилларида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон нашриётларида кўп мартаба босилди. Икки жилдлик «Сайланма асарлар»ининг рус тилида чоп этилгани русийзабон ўқувчилар учун ўзига хос туҳфа бўлди.

Г.Матёқубованинг ҳар икки қардош адабиёт олдидаги хизматлари, ижтимоий-сиёсий фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Қорақалпоғистон халқ шоири» фахрий унвонлари; Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти; «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотлангани, том маънода унинг адабиётимиз олдидаги фидокорона хизматларининг давлат даражасида эътироф этилгани рамзидир.

«Сайланма» чоп этиш анъанаси ўзбек ва бошқа адабиётларда анчадан бери бор тажриба. Қолаверса, бу тажриба у ёки бу ижодкорнинг ўз ижодкорлари билан иккинчи учрашуви, бошқача айтганда, сараланган ижод маҳсули билан таништиришнинг янги босқичи, ўзига хос тақдмоти ҳамдир. Шундай экан, Гулистон Матёқубова (Аннақиличева)нинг «Сайланма асарлар»ини эълон қилишга киришгани адабий жараён, китобхонлар учун ўзига хос янгилик бўлишига ишонаман. Ҳар бир китобга муаллифнинг 1979—2018 йилларда, хилма-хил жанрларда битилган, янги давр талаблари асосида сайқалланган энг сара асарлари киритилган.

Муҳтарам китобхон! Агар эътибор берган бўлсангиз, «Сайланма»даги бирор асар тўғрисида махсус тўхталмадим. Аминманки, адабиёт ихлосмандлари «Сайланмалар»га кирган асарлар билан батафсил танишади, шоиранинг ўзига хос поэтик олами сирларини идрок этиб, муайян хулосаларга келиш имконига эга бўлади.

Бу имконият сизни бефарқ қолдирмайди. Ва ишонаманки, ушбу «Сайланма асарлар»нинг адабий жараёндаги қадами қутлуғ қадам бўлади. Муҳими, адабиёт мухлислари қалбидан ўзига муносиб жой эгаллайди.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
Филология фанлари доктори, профессор.



ЁШЛИГИМ

Ёшлик, сен умримнинг кўркам фаслисан,
Қувноқ ҳаётимнинг баҳорисан сен.
Қуёшдек нур сочиб фикрим ёритган,
Қалбим орзуларининг наҳорисан сен.

17 ёшдаман, қалб ҳаяжоним,
Худди денгиз каби мавж урар гоҳо.
Қуёшдай нурланар фикру хаёлим,
Гоҳ дилимда янграб, куйлар дилрабо.

О, ёшлигим, бунча қайга шошасан,
Ҳали экин экиб боғ яратдингми?
Дарёдай мавжланиб қайга оқасан,
Ҳали халқ ишончин адо этдингми?

Ҳали кўп ишларни қилишинг керак,
Сени кутмоқда-ку поёнсиз чўллар.
Ҳали олдингда-ку порлоқ келажак,
Шошма сен ёшлигим, ўстирай гуллар.

Мен оқлай, Ватаним, халқ ишончини,
Курашай мен Элимнинг ойдин бахтичун,
Чунки мен ёш авлодман бугун,
Янги ҳаёт қурай аямай кучим.

1965 йил

ОРЗУМ

Тезроқ катта бўлсам дейман-у,
Ўтган кунларимни санайман.
Халққа хизмат қилсам дейман-у,
Илм дарёсида яйрайман.

Бўлдимми деб самимий, камтар,
Дўстларимга боқаман мудом.
Оддий одамлар даврасидан,
Ўрин олиш менинг мурдаом.

1965 йил

ҚИШЛОҚ СУКУНАТИ

Қишлоқ сукунатда ором олади,
Ёришганича йўқ фусункор осмон.
Ху, дала йўлида тез-тез одимлаб,
Қайга шошилади шаҳло кўз жонон.

Ким безовта қилди дилдорни бунча,
Ёки пахтазорда ёри кутарми?
Табассум ярқирар гунча лабида,
Ёки куз тонгига ғазал битарми?

Узоқда кўринар жилвагар денгиз,
Қизни қучоқ очиб кутган пахтазор.
Чаққон қўллар тинмай пахта теради,
Чаноқларга боқар кўзлари хумор.

Субҳидамда уни «оқ олтин» ишқи,
Далага чорлади, бермади уйқу.
Мана энди қуёш, уни эркалаб,
Кокиллари тараб, сочади ёғду.

1966 йил

КУЗ ЛИРИКАСИ

Дарахт новдасидан узилди япроқ,
Заъфарон вужуди ғамдан силкинди.
Толлар куз елида турар қалтираб,
Ҳаммаси қалбимга солади қайғу.

Япроқ узилади, тинмайди бир зум,
Сўқмоқ йўлақларим хазонга тўлди.
Само чехрасида бир тунд табассум,
Табиат ғам чекар, билмам не бўлди.

Кузни қариликка ўхшатиб шу дам,
Хаёлга толаман отамни ўйлаб.
Табиат яшарар келганда баҳор,
Яшил япроқларда ҳаётни куйлаб.

Хазонлар отамнинг сочидаги оқ,
Лекин отам қайтиб яшармас бироқ.

1966 йил

ҲОСИЛ ТҶЙИГА КЕЛ...

(қўшиқ)

Узоқдасан менинг қора қошлигим,
Хаёлларим сенга бўлади ҳамроҳ.
Қувончимсан, бахти дур, қуёшлигим,
Юрак розин айтиб ёнимдасан гоҳ.

Йўлингга ишқимни поёндоз қилай,
Кела қол, азизим, дилинг чоғ қилиб.
Ҳалол меҳнатимиз самарасин кўр,
Сени кутаяпмиз дурдан тоғ қилиб.

Сен-чун ҳам бошқардим «пўлат от» рулин,
Кўриб қувонсин деб зар армуғонин.
Пахтазорда отди феруза тонглар,
Яратгунча пахта кумуш-хирмонни.

Ҳозир ўша кўм-кўк рус ўрмонида,
Зумрад далангни эслаб сурарсан хаёл.
Ҳосил тўйига кел, аскар полвоним,
Хабарчи шўх елни дарровкутиб ол.

Кел, шунқорим,
Фақат тезроқ кел,
Ҳосил тўйига ет,
Шамол бўлиб ел...

1966 йил

ГУЛ

Табиатнинг эрка малаги,
Тиниқ шабнам яноқларингда.
Навбаҳорнинг феруза тонги,
Ел қувлашар япроқларингда.

Қуёш заррин кокили билан,
Эркалайди сени ардоқлаб.
Инсон севиб дўсти, ёрига,
Элтар сени ўпиб-қучоқлаб.

Чўлпонкўз қиз сувқуйиб сенга,
Парваришлар қалбин тафтида.
Ўйлаб кўрсам она тупроқ ҳам,
Кўтараркан сени кафтида.

1967 йил

БИР ШЕЪР ИШҚИ

Илҳом келиб, тутқазар қалам,
Ва етаклар диёрим бўйлаб.
Кўз-кўз қилар чиройин олам,
Шеър ишқи-ла қоламан ўйлаб.

Бир шеър ёзсам...
Мени шу шеърим,
Олиб кирса ҳар хонадонга,
Одамларга завқ бера олсам,
Шу шеър нуқта қўйса ҳижронга.

Шу шеър яқин дўстлар қалбига
Олиб кирса олам-олам нур.
Сухбатларга мазмун қўшса-ю,
Юракларда ёнса ташаккур.

Йўқ! Ҳаловат истамайман, йўқ,
Мен шу шеърни битмагунимча
Кетма илҳом, мендан ҳеч йироқ,
Орзуимга етмагунимча...

Бир шеър ишқи яшар қалбимда...

1967 йил

АЛДАНМА ЮРАК

Қалбимдан қутлайман, кечаги шеъринг,
Зўр чиқибди, деса талпинма, эй дил.
Бу ҳали илк мева, катта кетмагил,
Меҳнатнинг оғири истиқболда, бил.

Баъзан эса сенга ҳамроҳ бўлар ғам...
Гоҳида шеър чиқмас ўзинг кутгандай...
Лекин сен куйинма, ўртанма ҳечам,
Ҳаммаси ўтади у галдагидай.
Ўткинчи ҳисларга алданмасин қалб.

1967 йил

ИЛҲОМ САБАБЧИ

Яна бир кун ўтди,
Ҳар кунга ўхшаш.
Ҳар кунгидай қайноқ, етти соат иш.
Бахтдан энтикмадим,
Қалбимда йўқ ғаш.
Ўтган кунларим ҳам шундай осойиш.

Кўчамга қайрилсам,
Дарахтлар бесўз.
Қаддини тик тутиб қарши олади.
Ишга кузатади йўлкамдаги из.
Дарчамда гулпарда,
Хайр деб қолади.

Сени учратгунча шу эди ҳаёт,
Сени учратдим-у, ўзгарди бари.
Ўйлар қуюн бўлди, саволлар қат-қат,
Сабабчиси сенсан — сен илҳом пари.

Қалбимга кирдинг-у, олдинг тинчимни,
Барглар шивирлашиб айтди ашула.
Менингчалик асир этолдинг кимни,
Шеърлар ёлқинидан,
Қалбимда шуъла...

1967 йил

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

Фасллар ичида кузни севаман,
Япроқлар шивири, суҳбати қизгин.
Йўлакка тўшалар, ранглари заъфарон,
Баҳслашиб, новдадан ўгирар юзин.

Пилдираб тушади, пастга энтикиб,
Шамол узоқларга олиб кетади.
Шўхлиги тутади, қувноқ боладек,
Ҳар тонгу ҳар кеча шундай ўтади.

Хаёлчан боқади, дарахт новдасин
Тарк этиб, йўлакка тўкилган япроқ.
Яланғоч новдалар ўкинмас ҳечам,
Қиш уни ўрайди қорига оппоқ.

Новдалар қайғуриб қаддин букмайди,
Келажакка ишонч унда ифтихор.
Яшил либосига ўрайди уни,
Севинч олиб келиб яна гулбаҳор.

1967 йил

МУҲАББАТ

Кимгадир бахт олиб келасан,
Кимга қувонч этасан ҳады.
Кимдир бахтсиз сенинг дасти лдан,
Кимдир сенга тўқир мадҳия.

Кимдир сенинг номингни қўшиб,
Ёр куйида куйлар экан маст.

Уни асир этган шу қўшиқ
Бошқача куй унга керакмас.

Садоқат деб номланган боғинг
Вафо гулларига тўлиқдир,
Кимки ҳамроз ўша гулларга,
Ҳижрон ундан йироқ бўлибдир.

Бугун дилим остонасида
Сени кўриб вужудимдир лол.
Менга мудом йўлдош бўл севги
Қалб уйимда сен мангуга қол.


1967 йил

ГУРУР, ҲАЁДАН

Нега энди севганимга қиласан гумон,
Унутдингми, ойдин тунлар висол дамида.
Ишқий шеърлар битганимни, огоҳ-ку осмон,
Маъно кўриб юлдузларнинг табассумида.

Сўра-сўра, айтиб берсин боғимдаги гул,
Шу гулларни сенга атаб авайлаб кўнгил.
Хаёлингда ёна-ёна қўшиқ айтганман,
Инонмасанг сўра, бундан огоҳ-ку булбул.

Сўраб кўргин эсаётган қувноқ сабодан,
У ҳам огоҳ қалбимдаги сенга вафодан.
Фақатгина сен билмайсан қалбим сирини,
Буни сенга очолмайман гурур, ҳаёдан.



ЮЛДУЗЛАРГА ЎХШАТМАНГ БИЗНИ...

Самодаги қўш юлдуз мисол,
Бир-бирига бунчалар яқин.
Деяр эмиш бизни кўрганлар,
Кўзларидан чақнатиб чақин.

Ҳавас билан боқишар эмиш,
Эшитдингми, буларни эркам.
Қалбимизда ёнмасмиш ташвиш,
Гўзал эмиш бизларга олам.

Бир-бирига боғланган юрак,
Қўш юлдузга ўхшаши ёлғон.
Янглишманг ҳеч улуғ одамлар,
Ҳар юракнинг ўзи бир боғбон.

Юлдузларнинг оралиғида,
Қанча йиллик узоқ йўллар бор.
Қалбимиз-чи, агар билсангиз,
Бирга тепар соф ва беғубор.

Юлдузларнинг нури бор аммо,
У ҳеч қачон иситмас ерни,
Қалбимиз-чи, агар билсангиз,
Қамраб олган бутун меҳрни...

Юлдузларга ўхшатманг бизни...

1967 йил

САДОҚАТ ВА СЕВГИ

Қиз ўйлашдан қўймади уни,
Куйдирса ҳам ҳижрон юрагин.
Бедор ўтди қанчалар туни,
Ардоқлади орзу-тилагин.

Ардоқлади қалбига илк бор,
Ўт ташлаган муҳаббатини.
Қийналса ҳам кутди интизор,
Кўрсатиб чин садоқатини.

Меҳнат қилиб тополди иқбол,
Ҳурмат қилди уни барча эл.
Манглай тери тўкилган ердан,
Баҳор унга тутди даста гул.

Йиллар ўтди...
Бехосдан бир кун,
Кириб келди йигит уйига.
Кириб келди ўша бевафо,
Ҳеч тинчлик бермаган ўйига.

— Гуноҳимни ўт, деди йигит,
Янглишибман чиройга учиб.
Нима қилиб оқлай ўзимни,
Мана келдим ёнингга учиб.

Қиз бошлади уни далага,
Меҳнат қилиб кўрсат ўзингни.
Раҳмат эшит азиз халқингдан,
Синай мен ҳам берган сўзингни.

...Қиз ўйлашдан қўймади уни,
Мана бугун ёнида ёри.
Севгисини меҳнатда тоблаб,
Топди улар халқ эътиборин.

1967 йил

МАШАҚҚАТ КЕРАК

Неларни ўйламас одам боласи,
Орзу-умид мудом тошар қалбида.

Зотан умидсиз ҳеч яшамас инсон,
Ҳаётнинг мазмуни, қизиғи шунда.

Орзу қанотида учсам-да мудом,
Уни ёнгинамда кўраман фақат.

Одамлар қалбига йўл очиш-чун ҳам,
Ирода керакдир, керак машаққат.

1967 йил

САККИЗЛИКЛАР

Оққа чулғанмоқда қадрдон замин,
Кўзни қамаштирар нурдай соф оқлик.
Қор ёғар, қор ёғар бир зум тинмайин,
Она тупроқ узра ёйилар поклик.

Кузги зафарларни ўйлар деҳқоним,
«Ҳосил яхши бўлар, ёғаверсин қор».
Аслида ирода, ғайрат, журъатни,
Табиатдан олган ахир пахтакор.

Белкуракка суяниб вазмин,
Ҳорғин боқар далага ота.
«Она тупроқ сахий сийнаси,
Жавоҳирлар тўла хазина.

Эрта наврўз чигитга қўшиб,
Меҳрин ерга кўмар минг-минг қалб.
Олтин кузда кумуш чаноқлар,
Шу меҳрни улашар жамлаб».

. . .

Далам чеккасида бир чинор,
Хазонларга тўшалмиш пойи.
Шивирлашар гўё новдалар,
Сўлигандай кўркам чиройи.

Ўтган дамлар мазмунли, ўктам,
Қаддин асло дол этмас чинор.
Салқингина сояси билан,
Одамларга бўлган мадакдор.

. . .

Менинг ёниқ қалбим мисоли дарё,
Унинг тўлқинида ташвишли ҳаёт.
Мазмунли умримнинг серзавқ дамларин,
Ҳар бири мен учун азиз, олтин бахт.

Лекин унга сифмас туҳмат, ифволар,
Инсон қалби буни кўтармас асло.
Ахир шўх тўлқинга баъзан илашган,
Хор-хасни ирфитиб ташлар-ку дарё.

. . .

Гар осмонни қопласа булут,
Ёш тўкар у ерни ҳўл қилиб.
Чақмоқ чақар, само гумбурлар,
Юдузларнинг бағрини тилиб.

Лек тиз чўкмас унга табиат,
Қучоқ очиб кутар барчасин.
О, она ер, инсон ва сенинг,
Иродангга ўқийман таҳсин.

Мурғак ҳали шеърий мисралар,
Богбон эккан нозик ниҳолдек.
Лекин унда қалбинг акси бор,
Самимий ва ширин хаёлдек.

Ниҳол унар парвариш қилсанг,
Ардоқласанг меҳрингни қўйиб.
Мевасиз деб синдирманг толни,
Сояси бор унинг ҳам қуюқ.

1967 йил

ТЎРТЛИКЛАР

Ёнимдан кетмайсан, хаёлдасан шод,
Вужудимга ҳоким бўлибсан инон.
Юлдуз-ла чароғон бўлгандай осмон,
Бахтни биз этамиз бирликда бунёд.

Ўзингни безама, кўнглингни беза,
Меҳнат қилиб қадоқ қўлингни беза.
Тупроқ миннатдор бўп қадаминг ўпар,
Гул экиб юрмоғинг йўлингни беза.

Зангори осмонни ёритган қуёш,
Элни ҳам баҳраманд этар нуридан.
Қуёшдек кўқдамас ерда бўлсам-у,
Жой олсам одамлар қалбин тўридан.

СЕВИШИНГ ҲАМ СИРМИ!

Ўтли нигоҳингда мен сир кўраман,
Тўлқин ташлаб, *нозли юришингда ҳам.*
Табассумингда ҳам сир *яширинган,*
Сўзларинг ҳам сирли, ўзинг ҳам, эркам.

Баъзан тўлиб-тошиб, ҳаяжон билан,
Ухлаёлмаганинг сўзлайсан такрор.
— Нега? — десам,
Кулиб шўх боқасан-да,
Бу сир, — дейсан.
Мен-чи, ҳайронман дилдор?!

Ўринсиз бўлса ҳам саволим, айт-чи,
Мунис табассуминг менга меҳрми?
Мени севасанми, эрка шаддотим,
Ёки бу ҳам ҳали қалбингда сирми?

1967 йил

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ ОЛДИМДА...

Йигирмага тўламан бу йил,
Не кўрибман ҳали ҳаётда.
Орзуларга тўла содда дил,
Тобланмадим ўтда, саботда.

Йигирма йил ўтди орадан,
Мурғак ҳамда бахтиёр кунлар.
Юрак мудом ёнар саволдан,
Бедор ўтиб саноқсиз тунлар.

У йилларки, ўтиб кетдилар,
Кимдир қалба орзу ила шод.
Мисра-мисра ғазал битдилар,
Шоирларим дилида имдод.

Қадоқ қўлли забардаст халқим,
Келажакка қўйди пойдевор.
Сокин юлдузли тун қўйнида,
Янги куйлар битди бастакор.

Бу йилларки,
Ҳатто самонинг
Сирин очиб ойгача етди.
Пахтакорим яратган хирмон,
Тоғлардан ҳам юксалиб кетди.

Ҳаёт сабоқлари олдимда,
Кунлар мени олға ундайди.
Машаққат-ла курашиб, куйлаб,
Хур келажак мени имлайди.

Йигирмага тўламан бу йил.

1968 йил

ИЛҲОМ ВА ҚАЛАМ

Шоир қилиб яратган эмас,
Онажоним мени азалдан.
Шеърни севдеб ўргатган эмас,
Сўйламаган шеърдан, ғазалдан.

Лекин энди шеърлар, мисралар,
Юрагимни сақлаб тургандек.
Шоирларни севаман жондан,
Қалбим ғазал билан ургандек.

Навоийни севганлигим рост,
Ўртанганим ғазалин ўқиб.
Қанча тунлар ўтади бедор,
Зимдан тинмай ғазал, шеър тўқиб.

Мангу, мангу ёзсам дейман шеър,
Шу муддао қалбдан қолмайди.
То тирикман илҳом ва қалам,
Мени ҳечам тарк этолмайди.

1968 йил

КУЗ

Ненидир шивирлаб эсади шамол,
Даламга бугун ҳам юлдузлар посбон.
Гўё рашк қилгандай дур-чаноқларни,
Ялт-ялт қилиб улар самода сарсон.

Далам сўқмоғига тушади чирт-чирт,
Дарахт новдасини тарк этиб япроқ.
Қишлоқ оғушида ажиб сокинлик,
Пахтазор чайқалар қўшиқдай қувноқ.

... Оппоқ тонг яширди тунги жимликни,
Қуёш пахтазорга босмасдан лабин,
Далада бошланди жўшқин бир ҳаёт,
Жасорат чулғаган одамлар қалбин.

Худди қишлоқда тўй, шошади улар,
Шошади ҳазил ҳам ёқмай баъзида.
Дур чаноклар кумуш ҳадя қилади,
Топилмоқчи улар айтган сўзида.

Бир сўзки, бу сўзда қишлоқ тақдири,
Одамлар меҳнати бўлган мужассам.
Тоғлардан ҳам юксак хирмон армуғон,
Қилажак меҳнатдан дур унган далам.

1968 йил

ҚУВОНЧ ОЛИБ КЕЛДИ ЯНГИ ЙИЛ...

Кеча дўстлар билан Янги йил кутдик,
Бугун у биз билан ташлайди қадам.
Янги довон ошган одамлар билан,
Меҳнат майдонида яшнайти олам.

Қиш. Ҳаммаёқ оқ, келиндек кўркам,
Кўчада қор, новдаларда қор.
Аёз чимчилайди, аяш билмайди,
Ҳаммасининг ширин нафосати бор.

... Бугун қор ёғади,
Аммо шаҳримга,
Оқ либос кийгизиб кетибди биров.
Оқ маржон тизилган дарахт новдасин,
Бағрига олибди тонгдаги қиров.

Шохларни силкитиб жажжи қизалоқ,
Онасига боқар, лабида кулгу.
Янги йил келтирган, қиш олиб келган,
Одамларга шодлик, ғайрат ва бахт бу.

1968 йил

Эҳ танти ўйларим, бебош хаёллар,
Гоҳида сокинсиз, гоҳ ўзимдай шўх.
Ҳечам эринмайсиз, чарчамайсиз ҳам,
Дастингиздан менга бир зум тинчлик йўқ.

Эҳ танти ўйларим, бебош хаёллар,
Севиб, юпатасиз қийнаса ҳижрон.
Гоҳида юракка оловқалайсиз,
Дастингиздан ошиқ ҳоли паришон.

Эҳ танти ўйларим, бебош хаёллар,
Бахтимни ахтариб самода зимдан.
Орзуимга кўприк ясайсиз тинмай,
Гоҳ кулиб боқасиз юдузли тунда.

Эҳ танти ўйларим, бебош хаёллар,
Гоҳо ғамдан сўйлаб элим ўтмишин.
Эслаб тургин дея қалбга соласиз,
Содда кунларимнинг ширин ташвишин.

Эҳ танти ўйларим, бебош хаёллар.

1968 йил

КУМУШБИБИ ОТАБЕКНИ КУТМОҚДА

(А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романига)

Ўйларимга сайқал бермоқ бўламан,
Ўйлар-ла сийлайман қора сочингни.
Ўйлар-ла кўзингга телмуриб узоқ,

Ўйлар-ла ёнимга чорлаб ўзингни,
Сенга ёлбораман, кетма деб йироқ.

Бугун қора тун ҳам қалбимга ҳамдард,
Бугун кўринмайди юпанчим юлдуз.
Бугун кўринмайди бетоқат ой ҳам,
Қуёш ҳам жамолин кўрсатмай кундуз,
Бугун қувончимга бердилар барҳам.

Тонг яқин, булутни қувмоқда шамол,
Қачон қувиларкин қалбдаги булут.
Орзуларга рахна солганича у,
Қалбим куйдирмоқда, қолмади умид,
Қолмади на шодлик ва на-да кулгу.

Интизор юрагим сени кутади,
Висолинг баҳордай қувнатар қалбим.
Сен келсанг шу кулбам нурдай чароғон,
Орзулар мусаффо, қолмайди ғамим,
Ҳаётим, севгимга сен ўзинг посбон.

1968 йил

КЕЛИНГ

Келинг, меҳмон кутиш кўҳна одатим,
Кафтингизни қўйинг қайноқ кафтимга.
Амударё тошқин бахт, саодатим,
Миннатдор элимнинг юрак тафтидан.

Келинг, меҳмон учун ҳатто жонини,
Сўраса беришга тайёр халқим бор.
Оғир кунда ҳатто бурда нонини,
Дўстлари-ла баҳам кўрган бу диёр.

Келинг, Тўрткўлимнинг қуёши сизга,
Менинг меҳрим мисол бўлсин поёндоз.
Бошлаган шеъримнинг энг боши сизга,
Ҳамроҳ бўлсин мудом сизга қўшиқ, соз.

Келинг, мадҳ қилайлик бугун дўстликни,
Хоразм эли-ла тепар юраклар.
Қалблар туташ Амудаги кўприқдай,
Қайғу-ғамимиз бир, бирдир тилаклар.

Келинг, меҳмон кутиш кўҳна одатим,
Хоразмча бир қўшиқ айтгим бор.
Келинг, мушоира қилайлик дўстим,
Қалбларда шеър бўлсин қўшиқ ва гулёр.

1968 йил

ДИЁРИМГА КЕЛИБДИ БАҲОР

Дилда илҳом қайнаб тошади,
Қайдин олди юрак бу завқни.
Хаёлларим бебош шошади,
Манзил қилиб узоқ-узоқни.

Субҳидамда эсан шабада,
Новдаларга ёпишар бориб.
Аста силаб куртаклар лабин,
Сўнг сўзлайди ёниб ва ёниб.

Ирмоқларнинг сувини ўйнаб,
Шивирлайди кулоқларимга.
Барг ёзмоқчи бўлган ғунчанинг,
Ўпиб олар яноқларидан.

Қувнаб-қувнаб ҳаддидан ошар,
Чарчаш нима, келмас ёдига.
Гоҳ Амунинг сувида тошар,
Гоҳ рубобнинг куй «Баёт»ида.

Менинг эса қўлимдан ушлаб,
Олиб кетди кенгликлар томон.
Яшилликдан кўзим қамашди,
Унда тамом ўзгача осмон!

Бу ерда ҳам тинч турмас, кезар,
Майсаларни силкитиб майин.
Мангу ўлмас бир қўшиқ тузар,
Куйлар жўшиб, куйлар тинмайин.

Қалбда илҳом қайнаб тошади,
Субҳидамдан шодлик бўлиб ёр.
Бунинг боисини эл сўйлар:
«Диёрингга келтирдим баҳор».

1969 йил

СУБҲИДАМДА ЁҒИБДИ ЁМҒИР

Айрилиқдан сўзладинг ёниб,
Кўзларимдан кўзингни узмай.
Мен на бир дард сезолдим ундан,
Ҳали ҳижрон боғида кезмай.

Бирдан хира тортиб кетди тун,
Юлдузларнинг юзида парда.
Туман ичра боқиб мен беун,
Фақат сени кўрардим якка.

Икки дилни қийнади оташ,
Шу оташда ҳижрон мужассам,
Қандай тотли ёнингда яшаш,
Тугамаса дердинг ушбу дам.

Рухимизга шунчалар монанд,
Табиат ҳам ҳам чекар ёмон.
Ой, юлдузни қилмайин писанд,
Булутларга тўлди кенг осмон,
Туманларнинг ичида қолиб.

Хайрлашдик....
Оғир, на чора.
Қийноқларнинг барини олиб,
Яширади юрак бечора.

Тонг отди.
Мен истадим сени,
Кўрай дедим изларингни бир,
Тунги издан асар қолдирмай,
Субҳидамда ёғибди ёмғир.

Атиргулнинг япроқларида,
Марвариддек томчи қолибди.
Қайғурмагин ёринг қайтар деб,
Дилдан аламларни олибди.

Субҳидамда ёғибди ёмғир,
Яхши ҳислар адо этай деб.
Севги асло ҳижронсиз бўлмас,
Қулофингни тутгин айтай деб.

Субҳидамда ёғибди ёмғир.
«Вафо билан кутгил ёрингни,

Ҳаёт сени синади ахир,
Сўнг қайтарди гул баҳорингни.

Қийналишнинг гашти ўзгача.
Қани сенда ирода, сабр?»
Изларимиз қўймай ўчириб,
Субҳидамда ёғибди ёмғир...

1969 йил



II
Қуёш
қўшиқлари



СОҒИНЧ САТРАРИ

Куй таралар, мунгли бир куй узоқ-узоқдан,
Ўйларим ҳам шу куйлардай ғамгин ва дардли.
Куй таралар, мунгли бир куй сен кетган ёқдан,
Сен ҳам эшит бу қўшиқни жоним-ҳамдардим.

Кечагидай тун чароғон, беғубор, сокин,
Сенга томон интилмоқда дарбадар ўйлар,
Нигоҳларинг ёнишини қўмсайман сенинг,
Кутмоқдаман, яна келгин ёнимга дилбар.

. . .

Кетмай тургин кўзим ўнгидан,
Хаёлларим жамлайин бир зум.
Тарк этмагин ўйларимни сан,
Майли, қилма менга табассум,

Телба қалбим бироз тинчисин,
Висолингга тўйайин шу кеч.
Хаёлдаги бу тотли онлар,
Ҳижронлардан ололсинлар ўч.

. . .

Кўчаларга ҳазинлик чўкмиш,
Новдаларнинг боқиши маъюс.
Йўлакларга тўлмиш хазонлар,
Барининг ҳам гуноҳқори куз.

Туйғуларим, эзилган, ғамгин,
Ҳисларим ҳам бугун заъфарон,
Қарашларим дардли ва ўйчан,
Гуноҳқори сен берган ҳижрон.

. . .

Салқингина шабада сездирмайин эсади,
Майин қанотларида айлангандай кенг уммон.
Сочларимда ўйнайди, туйғуларга эрк бериб,
Коинотни қучғудай қалбдаги умид, армон.

Рубобларда янграйди авжли шўхчан оҳанглар,
Бошқача бир оташ бор қалбдаги ҳисларимда,
Қанотланган орзулар қулоғимда янграйди.
«Ҳижрон ғамин кўрмагин ҳаттоки тушларингда».

1970 йил

. . .

Сой бўйида иккимиз фақат,
Бошин эгиб олган мажнунтол.
Қизийди биз бошлаган суҳбат,
Тепадан ой боқади хушҳол.

Лермонтовнинг ёниқ шеърлари,
Оғушига сингиб кетамиз.
Уни мафтун этган қирларни,
Биз ҳам яёв кезиб ўтамиз.

Уни алдаб бевафо дилдор,
Севгисини ўтларга отмиш.
Шу дамдандир шоир ҳам илк бор,
Оромини буткул йўқотмиш.

Шу боисдан ҳар сатр, мисра,
Шоир қалби каби ёнолган.
Бизлар каби шеърга ташна дил,
Уни ўқиб меҳри қонолган.

«...Сизга ёддан шеър ўқийман мен,
Қулоқ бўлар бор вужудингиз,
Завқ-шавқ-ла шеър тўқийман мен,
Илҳом берар жуфт юлдузингиз.

Атрофдаги буткул мавжудод,
Қулоқ тутар диллар розига.
Шивирлаб шеър ўқиётгандай,
Қўшилар шўх сабо созига».

Ана шундай менинг ўйларим
Ҳам ташвишим, ғамим, куйларим.
Сиз ҳам шеърни севсангиз дейман,
Шу орзулар ғамини ейман.

Лекин шу кун келади албат,
Сиз ҳам шеърга бўласиз ошно.
Байтлар сизни қилади сармаст,
Орзуларим эмасдир рўё.

Дилингизга ишонажакман,
Далда беринг менга озгина.
Шеър ва сиз-ла бир ёнажакман,
Қалб мақсадим тингланг жонгинам.

Сиз ҳам мендек байтларни севинг,
Майли ёлғиз қолдирсангиз ҳам.
Нигоҳингиз қўмсаганимда,
Шеърлар менга бўлади ҳамдам.

1970 йил

СОҒИНЧ

Сени соғинаман,
Эшит бу ниҳом,
Қулоғу вужудинг ларзага солсин.

Сени соғинаман,
Эшитгин мудом,
То дилдан фироқнинг ўчини олсин.

Сени соғинаман,
Субҳидам кулар,
Нурин тўкиб кирар
Кулбамга қуёш,
Ҳорғин шабада ҳам,
Хонамда елар,
У сени излайди, кўзларида ёш.

Сени соғинаман,
Яна чўқди тун.
Ёлғизим бугун ҳам, йўлингга боқиб,
Юлдузлар юзини,
Булутлар тўсар,
Ё мендан рашк қилиб, ё дилим ёқиб.

Сени соғинаман,
Неча оқшомлар,
Дард чеккан юрагимнинг бўлди гувоҳи.
Сени соғинаман,
Эҳ ушбу онлар,
Сенга етармикан, армонли оҳим.

Сени соғинаман,
Қувончим-бегим,
Ҳижрон зорларидан чиқмоқда-ку дуд.
Сени соғинаман,
Юпан, деб менинг,
Қўлларимга аста тутарлар мактуб.

Сени соғинаман...

1970 йил

ОЛТИН ТАХТ

Бугун хат келди, сендан хат келди,
Меҳринг яширинган бир парча қоғоз.
Шу оппоқ қоғозни суюб, авайлаб,
Кўзларимга суриб айлағум эъзоз.

Сенинг бармоқларинг ушлаган уни,
Ҳар қатор устида тўхтаб нигоҳинг,
Суюклигим, менга қувонч юбординг,
Муҳаббат, вафонинг шу деб гувоҳи.

Бугун ҳижронинг ҳам қалбга берар завқ,
Бегим, сени кутмоқ менга зўр бахтдир.
Армонинг, орзуинг мен ўзим билсам,
Сен-ла ҳаёт менга бир олтин тахтдир.

АМУ СЎЗЛАЙДИ

У барини сўзлайди менга...
Айтганлари ҳақиқат фақат,
Гоҳ жилмайиб, гоҳ маънос боқиб,
Гоҳ ғазабли нигоҳ-ла боқиб.

Гоҳ ханда-ла ҳадя айлаб бахт,
У барини сўзлайди менга...

Тўлқинида олам ва олам,
Сирлар ётар, очилмаган ҳеч.
У оқади тинмайин бир дам,
Кимлардандир олмоқчидай ўч.

Ва дардини бўзлайди менга:
Ўтмишини сўзлайди менга...

. . .

– «Кунлар эди у дам бешафқат,
Етимларнинг бошлари ўксик,
Ҳаёт ўзи эди кўр-зулмат,
Тақдирлари қора ва кемтик.

Онасишлар чекарди нола,
Ва фалақдан кутарди шафқат,
Баъзида оч ота ва бола,
Қандай чора кўрсин табиат.

Мен ҳаммасин кўрдим, чидадим,
Қонлар оқди сувга қўшилиб,
Ғазабимни зўрға яширдим,
Ғамли кўзларимни чирт юмиб.

Соҳилларим кўрмади қувонч,
Ошиқларнинг оҳларин ютдим,
Тўлқинларим шу одамларнинг,
Шодлик тўла кунларин кутди.

Лек бу умид яна ва яна,
Бегуноҳлар қонидай оқди!
Одамларнинг қора қисмати,
Қалб тубимни ўртади, ёқди!

Чидолмадим, бошладим туғён,
Тўлқинларим ҳаддидан ошди,
Томирларда қайнагандай қон,
Бағримга бир олов туташи.

Ва ўпардим соҳилларни мен.
Табиат бир куч қилди инъом,
Шу даҳшатли тошқиндан кейин,
Берибдилар Жайхун деган ном.

ҲИЖРОН ВА МУҲАББАТ

Ойдин энди атроф, йўқ эди ғубор,
Кўзларимга узоқ тикилганингда.
Бир ойга тикилиб, бир менга қараб,
Ҳижрон қўшиғини тўқиганингда.

Дақиқалар ўтди,
Ўтди ҳафталар.
Сўнг қанча фурсатлар кетдилар шошиб,
Мен ҳамон шу куйни қўймадим дилдан,
На кечдим, на ундан кетдим адашиб.

Сўнги тун, садоқат қўшиғи тилда,
— Кўзингдаги намми?
— Ҳа, дейман кулиб.
— Оғирми? — дейишар,
— Йўқ, қийналмадим.
Кўзим яшираман ҳолимни билиб.

Ҳамон сўрашади:
— Ғамгин куйлайсан?
— Ҳижрон тоғлари бор елкаларимда.
— Қандай кўтарасан? Жавобим тайёр:
Садоқат, ёр куйи шу дилларимда.

Қалбинг азобию кўзларинг намин,
Одамлардан ахир, яширма фақат.
— Бу қалб азобимас, кўзнинг намимас,
Бу икки қалбдаги ҳижрон, муҳаббат.

1970 йил

Жайҳун бўлиб она тупроқнинг,
Ғам-фарёдин ютмоқчи бўлдим,
Ва шу куйи оқиб йўлимда,
Мен бош олиб кетмоқчи бўлдим.

Шу дамдандир бу тонглар менинг,
Тубларимга сингиб кетмишдир,
Ва ҳозир ҳам тоштирган мени,
Ўша қонли, қора ўтмишдир.

Энди тошсам мени одамлар,
Жиловлашар тинчлангин дея,
Бахтли турмуш, фаровонликдан,
Менга сўзлаб қўшиқ, мадҳия.

Мен шу заҳот у дамлар ўтмиш
Эмаслигин эсга оламан.
Тўлқинларнинг қўлидан тутиб,
Эркалайман, йўлга соламан»

. . .

... Аму барин сўзлайди менга,
Ғамларини, қувончини ҳам.
Энди унинг шўх тўлқинлари,
Юртга мудом улашар кўклам.
Унинг асовбебош кучидан,
Уйимизда нур сочар чироқ.

У ўлкамни нурга буркайди,
Тинч, фаровон яқину йироқ.

1970 йил

ОНА, ЯНА БИР КУЙЛА...

Яна бир эшитай ўша оҳангни,
Она, шу аллани яна бир куйла.
Шу баҳор тунида эсладим уни.
Кўзларимни юмиб, гўдакдай тинглай.

Она, шу аллани яна қўмсадим,
Ўзим ҳам биламан, бола эмасман.
Улғайтиб нур бердинг шу кўзларимга,
Сенга «болалигим қайтар» демасман.

Фақат оҳангига қулоғим тутай,
Сен ўша аллани куйла яна бир.
Хаёлимда етай шўх онларимга,
Ҳаммаси ҳам ахир тушдай барибир.

Ўша оҳангларга дилим интизор,
Куйлагин, мен яйраб эшитай алланг.
Қулоғини тиккан якка мен эмас,
Бағримда сен севган азиз неваранг.

1970 йил

СЕН ТОМОНГА КЕТДИ ГУЛ БАҲОР

Яна новдаларга энмиш яшил ранг,
Яна гул шаҳримда ажиб майинлик.
Яна новдаларда бошқача оҳанг,
Атроф яшнаб кетди сепли келиндек.

Унут бўлди тамом қорли кечалар,
Ҳазин куз тонгининг маъюслиги ҳам.
Табиат дилимга қуйган лирадан,
Дилнавоз куй оқар олам ва олам.

Ўтли қарашингни қўмсар юрагим,
Сен баҳор, қайтадан чалгин янги соз.
Ҳисларим шу создай сен томон елсин,
Мени сен томонга бошлар эҳтирос.

Яшил бутоқларда булбуллар куйи,
Яшил майсаларда янги соз, гулёр.
Қалбим ҳисларини олиб етаклаб,
Сен томонга кетди бугун гул баҳор.

Сен уни қаршила мени кутгандай,
Анҳорлар бўйига, долазорга элт.
Ва нафасинг теккан ол долалардан,
Гулдасталар тузиб элга тақдим эт.

1971 йил

ОСМОН ВА ҚАЛБИМ

Само ғамнок кўзларида ёш,
Аламидан ерни қилди ҳўл.
Она тупроқ ҳайрат-ла боқди,
Таъзим қилиб бошин эгди гул.

Сабо эсди, дайди булутни,
Ҳайдаб солди йироқ-йироққа.
Гул кокилин сийпалаб майин,
Ўтиб кетди бошқа бир ёққа.

Қуёш бирдан чарақлаб кетди,
Лабин босди тупроқ юзига.
Нафис гунча жилмайди мунис,
Тикилгандек ёрнинг кўзига.

СЕНИ КУТГАНДА

Куни бўйи тинмади бир зум,
Бир зум тинмай қор ёғиб кетди.
Мен қуёшни кутдим-у, лекин,
Туйғуларга қор ёғиб ўтди.

Деразамга урилиб, чертиб,
Ёғаверди кети узилмай.
Мен-чи, бугун баҳорни кутиб,
Боқар эдим кўқдан кўз узмай.

Алданибди ширин ҳисларим,
Баҳор шабадасини кутиб.
Табиат ё ҳазиллашдимми,
Қори билан савалаб ўтиб.

Сени кутдим, ёлғизлик қийнар,
Йўлларингга қалбим интизор.
Сен келсанг гар ёнимга шодон,
Хонамга ҳам киради баҳор.

1971 йил

ФАҚАТ СЕВГИ ҚОЛАДИ

Боғда қушлар овози тинди,
Қуёш пастга нигоҳ ташлади.
Муҳаббатда ёнган икки дил,
Дилкаш, мунис қўшиқ бошлади.

Бу – севгимнинг нурли қўшиғи,
Жаранглади баҳор тонгида.
Ғунча бўлиб боғда очилди,
Куй бўп сингди булбул оҳига.

Она замин тинглади қўшиб,
Сокинланди асовдарёлар.
Еру кўкни тутди шу қўшиқ,
Ойлар кечди кунлар оралаб.

Бари ўтди,
Йиллар тўлқини,
Нигоҳлардан учқунни олди.
Қора сочга қўндирди қиров,
Фақат қалбда шу қўшиқ қолди.

1971 йил

ЁНИМДАСАН

Юлдузларга ўхшатиб сени,
Шеър битардим ўраб нурларга.
Хаёлимда шодон яшардинг,
Эъзозлардим сени шеърларда.

Рухсорингни чизиб хаёлан,
Нигоҳларинг қилар эдим ҳис.
Учрашганда кўзлар сўзлашди,
Меҳримиздан баҳор бўлди қиш.

Ёнимдасан энди бир умр,
Дадажон, деб чуғурлар ўғлим.
Кўзларимда сен берган ғурур,
Мангуликка сен менинг бахтим.

1973 йил

ЭЛЛИКБОҒ

...Бу навбаҳор эркалиги, қувноқликлари,
Бугун қайта яшартирди Эликқалъамни.
Раста-раста ястанган у бепоён ерлар,
Неча қайта кутиб олган бундай кўкларни.

У наврўзлар учратмаган бу олтин тупроқ,
Ичра бундай тошқинликни, бахтиёрликни.
Фидойилик, меҳнат ишқи қайнаган қалблар,
Ҳеч кўрмаган бундай чексиз пахтазорликни.

Энди баҳор Эликқалъам боғлари узра,
Қут-барака сепин буткул ёйиб ташлади.
Ердан дурлар ундиргучи мард деҳқон билан,
Меҳнат гаштин суриб дадил қадам ташлади.

Ҳар одимда бунёд бугун обод гулбоғлар,
Эликбоғ деб аталажак бу Эликқалъа.
Шинам уйлар, хиёбонлар гулга кўмилар,
Танийолмас балки уни эндиги кўклар.

1976 йил

ҚАДРДОН ЕР

Қадрдон Ер, она тупроқ бағрингни сенинг,
Фақат қўшиқ, гулёрларга келади кўмгим.
Вужудимда тугён урар туйғулар жанги,
Сенинг ишқинг, сенинг мадҳинг куйлайди кўнги.

I

Мен тандирга ўтин ташлаб ёпганимда нон,
Зуваладан қўлларимда хамирнинг юқи.

Унда сенинг ҳароратинг сезаман тупроқ,
Ҳис қиламан она ернинг буюк ҳимматин.

Буғдойзорлар кўз одимда очарлар чирой,
Сен авайлаб донлардан яратган миллиард.
Бошоқларда тафтинг, аксинг жилоланади,
Буюклигинг оқ нонларда ҳис қилади қалб.

Ер ҳиссини туймоқ бўлсанг сен нонларга боқ,
Одамзоднинг умри учун яралган тупроқ.

II

Ўзбек деса пахта мадҳи келар тилларга,
Олқишлар қадок қўлли ўзбек деҳқонин.
Мен ҳам шу эл тупроғининг бир заррасиман,
Элим қурбли кийинтирса бутун жаҳонни.

Тўкин-сочин дастурхоним уйимнинг файзи,
Атрофимда меҳнат аҳли бахтли ва масрур.
Бу масрурлик фақат ўзинг, ўзинг туфайли,
Севимли Ер сен туфайли нигоҳларда нур.

Сен туфайли меҳнат аҳлин умидлари оқ,
Одамзодни кийинтирар бу қадим тупроқ.

III

Гуллар тўла, гуллар тўла азал бағрингда,
Яшилликни, оддийликни кашф қилган сенсан.
Қайғули дил ғамин олиб, аламин олиб,
Гўзалликка юз буришни ўзинг буюрган.

Қадамлардан зирқирайди кўксинг то абад,
Бағринг тилиб не куйларга солмаслар сени.

Сен барибир қучофингни кенгроқдан очиб,
Гўзаллигинг дариф тутмай суйдинг одамни.

Нафис-нафис гулларингдан дасталаб қучоқ,
Одамзодни авайлаш-чун яралдинг тупроқ.

IV

Ҳар бир они, қувонч ғами сен билан кечар,
Инсон отли у улуғ зот тирик сен билан.
Дарахт экар яйраб-яшнаб қолсин деб абад,
Ёшин яшаб бўлганини сезгани ҳамон.

Ўзи эса савоб ишин санар беташвиш,
Қучофингда беҳудага ўтмабди йиллар.
Сенинг бағринг хазинадир, у яратувчи,
Яна сенга қўшилади, қайга ҳам кетар...

Инсонларнинг умри сенсан, сўнггида бироқ,
Жонсиз танни яшириш-чун яралган тупроқ.

1976 йил

ҚИШ КИРДИ

Хазонларни тўплаб сочиб,
Сархуш шамол елади.
Чексиз яйдоқ далаларга,
Юлдузлар тўкилади.

Дарахтлар қип-яланғоч,
Хазон учар ҳавода.
Чирт узилар сўнгги япроқ,
Видолашади новда.

Новдаларга юлдуз қўниб,
Авайлайди юпатиб.
Нақшин-нақшин қор либослар,
Қад-камолин безатиб.

ҲАЁ ЯРАШАР

Қошларинг бўяма қизгина,
У ўзи шундай ҳам қора-ку.
Борига қил ахир қаноат,
Юзларинг чиройи ҳаё-ку.

Майин кул, қаҳ-қаҳа не ҳожат,
Чехрангга яраша табассум.
Кулгингда ҳам ҳаё барқ урсин,
Сен ҳали гўдақдай шўх, маъсум.

Не ҳожат севгидан урма лоф,
Сўзлама қалб сирин ошкора.
Ҳаё қил, авайла ҳисларинг,
Соф дилга тушмасин сўнг яра.

Сен гулсан табиат яратган,
Минг кўзлар сен томон қарашар.
Ҳаё қил, нигоҳинг ўйнатма,
Қиз болага ҳаё ярашар.

1976 йил

АЛЛАДА ҚИЗ ОРЗУСИ

Алла учар, алла учар,
Қўшни қиз ҳовлисидан.
Беланчақда ором олар,
Мунчоқ кўзли бир ўғлон.

Алласига орзуларин,
Қўшиб куйлар шаддод қиз,
Укасидан минг ўргилиб,
Қувончлари бир жаҳон.

Қувонч тўла куйларида
Укажони улғаяр.
Алп қоматли йигит келар,
Қадамидан чиқиб ўт.

Онасининг, дадасининг,
Орзулари ушалар.
Нигоҳлари чақнаганда,
Қизлар, қиё боқиб ўт.

...Укажони ухламоқда,
Оппоқ-оппоқ чақалоқ,
Орзуларин куйлаётир,
Опажони юракдан.

Мактуб билан йўллаган у
Дил розини ёрига.
Алласида янграмоқда
Энг самимий тилаклар.

Алла тинар, алла тинар,
Қиз ўй сурар, жилмаяр.
Укажони беланчақда,
Ухлар ёқимтой маъсум.

Севгани-ла турмуш қурса,
Тўйлари ўтса ширин.
Ахир у ҳам она бўлар...
Қиз лабида табассум.

ЎЙИНЛАРДА ҚОЛСИН ...

Бир одам келади қўлтиқтаёқда,
Кўча шовқинига тутиб қулоғин.
Милтиқ кўтарганча бир тўда бола,
Чопиб ўйнашади, қалблари жўшқин.

Жўшқин қалбларида ҳаприқар шодлик,
Ура садолари кўмар атрофни.
Қўлтиқтаёқдаги одам кузатар,
Болалар чангитиб ўтган тупроқни.

Уруш ўйнаётган бу қувноқ тўда,
Ҳақиқий урушни билсин қаёқдан.
Уларга термулиб турган шу одам,
Тинчлик-чун ажралган эди оёқдан.

Майли, ўйнайверинг кўча чангитиб,
Ўйинларда қолсин у даҳшатли кун.
Ҳақиқий урушни кўрмангиз асло,
Ўша совуқ номнинг отлари ўчсин!

1976 йил

ТИКЛАНГАН ЁШЛИК

Фишт қўяди йигит деворга,
Иморати кўкка чўзар бўй.
Ху сояда, ариқ бўйида,
Ота ўтиради суриб ўй.

1976 йил

Ўфилларин қўллари қадоқ,
Меҳнатсевар, ёқимли шодон.
Меросхўри — фарзандларига,
Нурсиз кўзлар боқар меҳрибон.

Бугун ўфлонлари қурар уй,
Қароргоҳдир шинам иморат.
Ёшлигини ўйлайди ота,
Юрагида шукур, қаноат.

Дил қувончи шуларни дея,
Умри ўтди нотинч, ҳалақда.
Ғалабага эришиб келди,
Машаққатлар кўп бу фалақда.

Катта ўғил бўлганда ҳозир,
Кичикларга бўлар эди бош.
Оналари қайғуриб озиб,
Беролмади қайғуга бардош.

Умр кунларининг гувоҳи,
Эскирганди кулба, иморат.
Тўрт ўфлони чиқди бел боғлаб,
Ота қилар шукур, қаноат.

Тикладилар уйни янгидан,
Ота турди иззат-икромда.
Тиклагандай бўлди ёшлигин,
Келинлари келар саломга.

1976 йил

ЧАҚАЛОҚ УХЛАЙДИ

Чақалоқ ухлайди...
Бу ҳали биринчи уйқуси унинг.
Илк бора нафасин ростлаб олди у,
Жажжи қўлларида, митти лабида,
Ажиб бир табассум, ажиб бир кулгу.

У ҳали билмайди тепада осмон,
Билмайди кун нима, нима ўзи тун.
Ҳаттоки, исми ҳам қўйилгани йўқ,
Мурғаккина юрак туғилди бугун.

У билмас шу чексиз осмон остида,
Ҳам бахт бор, ҳам кулгу, ҳам қайғу-алам.
Билмайди парвона ёнида она,
Табиат бағрида гўзалликлар жам.

Жилмайди уйқуда лабларин очиб,
Она бағри миллион қувончга тўлди.
Шивирлади митти қулоқларига,
Сен бахтли ўлканинг фарзанди бўлдинг.

1976 йил

ЭРКА ЎФИЛЧАМ

(Ўғлим Саҳига)

Чақноқ, мунис кўзларинг-ла бир ширин
боқиб,

Гала қушлар чуғурига қулоқ тутасан.
Суюкли ўғилчам, менинг эрка ўғилчам,
Бу бетиним чуғурлардан нени уқасан?

Қушлар парвоз қиладилар ҳавода эркин,
Сен-чи, шўх-шўх силкитасан жажжи
қўлларинг.

Суюкли ўфилчам, менинг эрка ўфилчам,
Шу қушлардай озод бўлсин сенинг
йўлларинг.

Эркин қушлар парвозини қилгандай ҳавас,
Кўзларингда ёнган чақноқ ўтни кўраман.
Суюкли ўфилчам, менинг эрка ўфилчам,
Сенга шундай эркин, баланд парвоз
тилайман.
1976 йил

ҚУЁШНИНГ РАСМИНИ ЧИЗИБДИ ЎҒЛИМ

(Ўғлим Султонга)

Эртак айтар бувижоним неварасига,
Чуғурлашиб саволларга кўмарлар уни.
Эртаклар ҳеч тугамас — неварга ўйи,
Ҳар кеч ярим қиладилар эртак-ла тунни.

Бугун қуёшнинг расмини чизибди ўғлим,
Бувисига уқтиради бийрон бидирлаб:
«Бу қуёшни ўзим чиздим болалар учун,
Ер юзига зиёсини тенг сочсин нурлар.

Бу нурлар бахт, тинчлик бўлиб сочарлар зиё,
Зўравонларни куйдирар, аёвсиз қирар.
Олис юртда яшаётган кичик дўстларга,
Зиёсидан меҳр, қувонч, салом улашар.

Тенгсизликни ер юзидан йўқотар буткул,
Бу қуёшим қовжиратар уруш отини.
Ҳам ёндириб, кулларини кўкка совурар,
Ёмонларнинг зор қақшатиб берар додини.

Бу ўлкамнинг қуёшидан бир нусха ахир,
Совға қилиб юбораман олис юртларга.
Шу нурлардан баҳра олсин менинг
дўстларим,

Ўт очсинлар ёвузликлар, очкўзликларга.

Бу қуёшим сочса нурин янграйди қўшиқ,
Бир қўшиқки, унда фақат шодлик куйланар.
Ёвузликлар йўқ бўлади, бутун ер шари,
Фақат тинчлик қўшиғин айтиб айланар».

Бугун қуёшнинг расмин чизибди ўғлим,
Илиб қўйса бўлмасмикин уни осмонга.
Эҳ, ўфилчам, орзуларинг бунчалар яхши,
Бунча яхши бахт тилашинг ерга, инсонга.

Ўғлим, бир кун орзуларинг буткул ушалиб,
Ер юзида барқ уради қувонч, кулгу, бахт.
Сенинг мурғак тасаввуринг тўқиган эртак,
Ҳур умрлар яратади жаҳонда албат.

1976 йил

ЭЪТИҚОД

Мен бир қалбда дилрабо куйман,
Ҳамроҳ менга орзу, армоним.
Мақсадларнинг ғамини ейман,
Шу ташвиш-ла кечар ҳар оним.

Меҳр билан ёнма-ён ўсдим,
Қайси орзум қолган манзилда.
Жавобин қутмаёқ дўстим,
Ҳаётимга бир назар ташла.

Ўз умримдан розиман минг бор,
Бахту қувонч мудом йўлдошим.
Ўғилларим уйимнинг гули,
Ёнимда-ку толе қуёшим.

Фарзанд меҳри ёнган қалбимда,
Шеър ишқи ҳам яшар умрбод.
Янги уфқ очар олдимда
Меҳнат билан сингган эътиқод.

1976 йил

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИГА

Эй она тупроғим, бағри кенг юртим,
Қушлар чуғурига тўла боғларинг.
Сен менга қулоқ тут, бироз сўзлайин,
Билган, ўқиганим офир чоғларни.

Майса, гиёҳларинг унутган балки,
Бахт дея олишган алп ўғлонларни.
Шаҳид кетган мардлар кураши мана,
Гулёрга буркади гул давронларни.

Тўкилган қонларнинг гувоҳи ўзинг,
Ўзинг гувоҳ қонли, мудҳиш ўтмишга.
Сен эсла, сен эслат улар барини,
Эсла у номларни яккама-якка.

Бодом гулларида, лола рангида,
Тўкилган қонларнинг қолган-ку акси.
Кумуш шудрингларга чўмилган майса,
Уларнинг қонидан унган-ку асли.

Уларнинг ирода, ғурур, саботин,
Мағрур теракларга берибсан ўзинг.
Тийрак кўзларнинг чақноқ ўтини,
Олибди шубҳасиз қуёш, юлдузинг.

Уларсиз кечмоқда бугун гул ҳаёт,
Гул ҳаёт уруғин экканлар қани?
Эсла она тупроқ номларин бир-бир,
Ахир сен-ла тирик уларнинг номи.

Шу бағрингда гуллар унсин деб мудом,
Умрлари жангда ўтган югурик.
Номларин эсда тут яккама-якка,
Гар билсанг сен улар номи-ла тирик.

1976 йил

ҚЎШИҚ ЯНГРАМОҚДА

Қўшиқ янграмоқда.
Қўшиқ айлантирар ер куррамизни.
Қўшиқ-ла юксакка интилар инсон,
Қўшиқ яратмоқда қалбда ҳис-туйғу,
Қўшиқларга тўла бу қадим жаҳон.

Шаҳлокўз ҳинд қизи айтганда қўшиқ,
Сирли ҳислар қамрар танда ҳаяжон.
Франция, Инглиз қўшиқларини,
Халқи куйлаганда титрайди осмон.

Мустақиллик ишқи сермавж куйларда,
Қитъада ягона бахтдек таралди.
Шу куйдан Кубада дадил ва янгроқ,
Жарангдор, ёқимли қўшиқ яралди.

Қўшиқ янграмоқда ҳавони кесиб,
Чили осмонидан таралмоқда соз.
Араб дўстим бугун авжи пардада,
Келажак яратар куйдай дилнавоз.

Қўшиқлар янграйди.
Қўшиқ жаранглайди ер куррамизда,
Бизнинг қўшиқлардан андоза олиб.
Жўр бўлади жаҳон ўлкам куйига,
Қўшиқлар янграйди мағрур ва фолиб.

1976 йил

ДЕРАЗАМДА КАМАЛАК НУР...

Деразамга урилади даста-даста нур,
Камалак нур, у ёйилар тарам ва тарам.
Кўнглим яшнаб шу нурларга юзим тутаман,
Нурлар менга шивирлашар: келди деб
кўклам.

Шу нурлар-ла ҳис қиламан сулув
баҳорнинг,
Шўхликлари, гўдақдайин ширинлигини.
Сочларимни ой нурида ювиб, авайлаб,
Ўйларимга сингдираман сокинлигини.

Далаларим бағри бугун тўлиб кетдилар,
Тракторлар гумбуридан само янграйди.

Илк куртаклар, новдалардан ўпичлар олиб,
Нур ўйнайди, далаларда нур ялтирайди.

Бирдан ёмғир қуя бошлар новдани ювиб,
Тупроқ ҳиди тутиб кетар борлиқни зумда.
Файрат жўшар томирларда шу ҳиддан яйраб,
Кўклам яшнаб, ҳам она Ер, ҳам табассумда...

1976 йил

ЯНВАРЬ ҚОРИ

Қандай яхши камалак қор ёғиши,
Новдаларда шода-шода марварид.
Деразалар ортида қиш хониши,
Ёғаётир еримизга оқ умид.
Қандай яхши!

Қандай тотли остонага йил тортиб,
Қори билан кириб келса шу январь.
Дехқон билан дала кезиб, юк ортиб,
Зафарлардан сўйласа у дил яйрар.
Қандай тотли!

Туғён урар юракларда қиш шавқи,
Янги тилак, янги умид сизга ёр.
Она ерга ёғаётир шеър завқи,
Гул умримиз беаётир оппоқ қор.
Қандай завқли!

1978 йил

КЕЛИНЧАК КЕЛАЁТИР

Катта йўлда шамол каби,
Машина елаётир.
Гул юзида ибо, ҳаё,
Келинчак келаётир.

Ўт чақнаган кўзларида,
Кулар гул, бахт учқуни.
Орзулари уммон каби,
Ёри кутмоқда уни.

Шўх сабо ҳам «Ёр-Ёр» айтиб,
Бахт куйин куйлаётир.
Яноқлари ял-ял ёниб,
Келинчак келаётир.

Армонли йўл, оқ ойдин йўл,
Умидларидай узун.
Шу йўл бўйлаб кузатмоқда,
Бугун ҳаёт ўз қизин.

1978 йил

МЕНИ БУГУН БАХТИМ КУЙЛАТАР

Мен онаман — гўдак кулгуси —
Илк орзуси менинг бахтимдир.
Тинчлик бўлса жумла жаҳонда,
Бу бахт менга мангу тақдимдир.

Илк умидим ғунчаларида,
Уфурган бўй-тошқин ҳисларим.
Болалигим ўтган кўчада,
Топмасам-да бугун изларим.

Етаклайди қўлимдан ушлаб,
Самимий ва дилкаш туйғулар.
Мен бахтимни, бахт мени топди,
Бугун мени бахтим куйлатар.

1978 йил

ДИЙДОР

(«Солдат ҳақида баллада»
фильмини кўриб)

Бир дам сукут қилсанг-чи, эй бесабр
шошқин шамол,
Шовуллама, сокинлан, эй тиниқ сувли
шалола.
Бошингизни эгиб бироз жим бўлинглар
бошоқлар,
Фарзандининг дийдорига тўйиб олгунча она.

Ҳозиргина бағри тўлди, ўғлин боши
кўксида,
Ҳозиргина қорачиғлар нурига нур
қўшилди.
Ҳозиргина дала йўли ғувилларди кимсасиз,
Ҳозиргина бутун қишлоқ, бутун водий,
қир тўлди.

«Аяжоним» — пичирлайди жангчи ўғлон
лаблари,
«Болагинам» — Она қалби ҳаприқар
ҳаяжондан.
«Кетиш лозим, Ватан чорлар» — кўзлар беун
сўзлайди,
Она кўзи йўлда қолди жони узилиб жондан.

Шошар ўғлон она тупроқ, поклиги учун
курашга,
Она боқар: кетиб борар юрагининг парчаси.
Насибалар бут бўлсин деб, хонадонлар тинч
бўлсин деб,
Она йўлга кузатади армонларин барчасин...

1978 йил



АМУДАРЁГА

Ариқларга сувкелди бугун,
Яйраб қолди барра майсалар.
Минг бор ҳақли тупроғу майса,
Сувга қониб, раҳмат айтсалар.

Ариқларга сувкелди бугун,
Яшил рангни ёйиб ташлади.
Бобо деҳқон қуёшдан мамнун,
Бўғотларни очиб ташлади.

Ариқларга қуёш тўкилар,
Сувга қўшиб нур ичар уруғ.
Ой далалар узра тикилар,
Амударём қадаминг қутлуғ!

Сен ризқ бўлиб оқянсан бугун,
Гул ҳаётни бағрингга олиб.
Эртаги гул умримиз учун,
Оқавергил ҳайқириб, тўлиб...

1979 йил

ЭҲТИРОМ

Пахтакорим, отаётган ҳар нурафшон тонг,
Даланг узра сочар экан шаффоф бир ёғду.
Шу ёғдулар тафти билан бўлиб ҳамоҳанг,
Ерда чигит ниш уради,
Қалбингда — орзу.
Ниш уради мурғак гиёҳ нурга талпиниб,
Эзгуликка ташна дилинг унга парвона.
Сен жисмингни, қалб меҳрингни тупроққа бериб,
Оқизасан, жилдиратиб эгатлар аро.
Ташлаётган қадамингдан тўкилиб журъат,

Ўзингимас, ҳар ниҳолни ўйлайсан шу он.
Далаларда ҳал бўлади куздаги хирмон!
... Ҳали куздан сўзламайлик, унга анча бор,
Пешонада ажинларнинг ортади сони.
Ҳар ғўзани парваришлаб, авайлаб такрор,
Баргларининг орқасидан кўзлайсан шона.
Пахтазорни атайдилар мардлар майдони,
«Сув — зар, сувчи заргар» дея қўядилар ном.
Қўлинг силтиб, тан олмайсан бу мақтовларни,
«Ерга ҳозир меҳр керак», — не бу эҳтиром.
Далаларда жанг кетмоқда, пахта учун жанг,
Кўзларингда ёниб турар кураш тўфони.
Рўзгор ташвишлари учун тополмайсан вақт,
Лабларингда енгил ҳорфинликнинг нишони,
На ҳаловат, на тиним бор куну тунингда,
Кўсак таққан ҳар новдага қўшасан жонинг,
Ғўзаларнинг ҳар тупида юздан ҳам ортиқ —
Чаноқ ясаб қўяжаксан бўлса имконинг.

1980 йил

ИШЧИЛИК ШАРАФИ

*Тўрткўлда тўқимачилик комбинати ишга
тушиши муносабати билан*

Даладан тўпланиб той-той пахталар,
Ҳақиқий олтинга айланганида:
Пахтакор деҳқоним ишин мақтаниб,
Катта минбарларда сўйлаганида:
Сен камтар ишингни нозик ипларга —
Майин толаларга яшириб қўйиб,
Донфинг тарқаса ҳам олис юртларга,
Ўз ишингдан кўнглинг тўлмай ё тўлиб,
«Бу менинг газламам», — демадинг халқим.
Бугун станокдан илк газламангнинг,

Кичик ўрамларин оларкансан жим,
Фақат ҳаяжондан титрайди қўлинг,
Ҳайқирмоқ, мақтанмоқ бўлса ҳам ҳаққинг.
Кечагина пахта терган қўлларга
Бугун бу дастгоҳлар ярашиб турар.
Сенга ишонч билан, умидлар билан
Бутун Ўзбекистон қарашиб турар.
Заҳматинг беқиёс, бундан кўнглим тўқ,
Фуруринг ишингдан юксақда турсин.
Сен катта халқимнинг кичик авлоди,
Ишчилик шарафи муборак бўлсин.

1980 йил

ОДАМЛАР

«Одамлар келдими..?»
Отажон, шу бўлди сўнги сўзингиз.
Ўзингиз фарзандлар бағрида ётиб,
Одамларга интиқ бўлди кўзингиз.

Биримиз сувтутиб, биримиз суяб,
Енгиллатмоқ бўлдик дардингиз озроқ.
Ялиниб, ғойибдан малҳам кутардик,
Сиз-чи, одамларни кутдингиз кўпроқ.

Дўсту ёрларингиз ҳаммаси келди,
Кўчамизга сиғмай кетди одамлар.
Ўзлари қадди дол, бизни суяшди,
Сизни сўнги йўлга кузатган дамда.

Англадим мен бугун «Дўстларни чақир», —
Дея нечун бизни шоширганингиз.
Англадим, айрилиқ йиқитмасин деб,
Улар паноҳига топширганингиз.

Аста-аста битар жароҳатимиз,
Аста-аста тўлар яримта тақдир.
Сиз бўлиб бошимиз силаётганлар,
Қалби сиздек улкан одамлар ахир.

1982 йил

ЗАРО

*Явдат Илёсовнинг «Сўғдиёна»
романини ўқиб...*

Қирғоққа урилар қора тўлқинлар,
Кўпикларни сочиб увлар шиддаткор.
Қайларга чўзилган бу ожиз қўллар,
Сицилия уни узишга тайёр.

Сўлгин юзларида ғамнинг сояси,
Нола қилиб ўтар, сўраб бурда нон.
Гоҳ бошлар аламли бир ҳикояни,
Шамоллар шарқ ёқдан эсгани замон.

Шарқнинг ловиллаган қуёшин эслаб,
Тилга олар яна учар қумларни.
Ялтираб кетади шунда мунг кўзлар,
(Қумлар тўлдирмаган нечун уларни?!)

«Ўчмас эди кўчма гулханда ўтлар,
Муқаддас рақслардан айланарди бош.
Жангга отланганда мард массагетлар,
Онадай мадаккор бўларди қуёш.

О, Қуёш, нақадар юксак эдинг сен,
Шарқнинг шоҳларидай буюк, енгилмас.
Буюклар бирига хотин эдим мен...»
(Эй шамол, бу гапни ёйма, илтимос.)

Ахир бу гапларга ким ишонар, ким?
Йўқот бундан унинг исқирт гавдасин.
У чўлда дарбадар қолганда, балки
Бўрилар эмасди жонсиз танасин.

Ҳаёт жазолади ҳушини олиб,
Қутиларди жонин ҳам олганда у.
Тошлоқ кўчаларда оч, юпун қолиб,
Қиларди энг осон ўлимни орзу.

Аммо лойиқ эмас бу мукофотга,
Ҳазар қилар унинг жонидан ажал.
Қандай тухфа кутган эди ҳаётдан,
Ёрини ёғийга сотгани маҳал?!

... Майли, шафқат қилгин Зарога ажал,
Бирорта бурчакда қолмасин изи.
Энди ботирларин хоинларига
Ҳеч қачон тушмасин она Шарқ кўзи!

1982 йил

ЖАННА Д'АРК ТЕРГОВИ

— Жангларга бошлаган буйруғингни айт?
— Душманни қиринглар деганман фақат.
— Худонинг қизи деб аташар сени,
Сен инсон боласи эмасмисан, айт?

— Халқнинг қизи деб ҳам аташар мени,
Менинг исмларим кўп эрур беҳад,

Қалбимда яшайди сиз айтган худо,
Мен унинг измидан чиқмагайман ҳеч.
Қилсангиз ҳам мени танимдан жудо,
Унга сиғингумдир мудом, эрта-кеч.

Менинг хазинамни сўраяпсизми,
Қизиқтирдими яна мен минган от ҳам?
Халқ — ганжим, хазинам, кўраяпсизми,
От ҳам она халқим, учқур қанот ҳам.

— Нега кийиб олдинг эркак либосин?
— Мардларнинг либоси ёқади менга.
— Кўрганинг ростмиди нурлар уюмин,
Улар шундай кийин дедими сенга?!

— Кўп нарсани айтган менга овозлар,
Бу овоз халқимнинг энгилмас саси.

— Бу сўзларинг учун берасан жавоб!!!
— Кимга, худогами... У эшитмоқда.

— Халос бўлмоғингга недир ишончинг?
— Халқимдир ягона ишонч, таянчим.

— Кўзларингда нафрат, сўзингда нафрат,
Кимсан сен, бунчалар сўйлайсан баланд?!

— Босқинчи зотини ҳеч тан олмайман,
Мен эркак интилган Францияман!

1982 йил

БАХТ

Авжга чиқиб ловулайди ўт,
Тандир юзин оқ қилайин деб.
Кулчаларим пишар қизариб,
Одамларга ризқ бўлайин деб.

Тандир бўлиб қизгин бу ҳаёт,
Тоблар бизни алангасида.
Пишиб элга наф берсак, раҳмат,
Олқиш олсак, бахтимиз шунда.

1982 йил

ЗАМИН ТИЛАГИ

Истайман: вужудим узра одамлар
Ташлаган ҳар қадам умр яратсин.
Илдиз отиб, ўссин дарахтлар,
Саратон тафтида соя таратсин.

Майли, кўксим аро чандиқлар солиб,
Елкални тўлдириб чечаклар ўссин.
Бағрим тилсин деҳқон кетмонин олиб,
Меҳнат шамоллари бағримда кезсин!

1982 йил

БУВИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Уч қора хат бўлиб мени йиқдилар бирдан,
Юрагимдан учиб кетган уч бургут-шунқор.
Бу айрилиқ доғин қандай кўтардим, билмам...
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Ўтдилар-ку бу оламдан алам, ёш билан,
Дом-дараксиз кетганларга кўз тикиб абгор.
Яшаяпман сизлар учун чўнг бардош билан,
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Толеимга шукур дейман бахтингиз кўриб,
Чеккан ранжу фироқларим бўлади бекор.
Бу бахтни деб минг бор ўлиб, минг бор тирилиб,
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Насибасидан айланай, дастурхон ёйсам,
Уч мардимнинг ўрни тўлиқ, бўш бўлмас
зинҳор.

Сизлар борсиз, кўз юмишга ҳаққим йўқ
ҳеч ҳам,
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

1982 йил

МАНГУЛИК

Оналар авайлаб асраган тумор
Эгалари энди қайтиб келмайди.
Қирларга сеп ёйиб такрорлар баҳор:
Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди.

Шамоллар жўр бўлар унинг сасига,
Ярим кўнгиллар сира тўлмайди.
Дардли ҳовур чиқар Ер нафасидан:
Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди.

Бир ҳовуч тупроқни чангаллаб қолган
Метин панжаларда замин гуллайди.
Улар чинор бўлган, улар гул бўлган,
Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди.

1980 йил

ЁШЛИК

Биз ёмғирмиз, она Ерга томчи-томчи
ёғилган,
Биз денгизмиз, томчилардан ирмоқ бўлиб
йиғилган.
Бағри кенгу, бардоши мўл минг асрлик
тоғларимиз,
Мевалари ширин-шарбат болга тўла
боғлармиз.

Замин бўйлаб сочилгандир бутун жисми
жонимиз,
Меҳнатимиз қудратидан уммондай
имконимиз.
Биз умрмиз, миллион-миллион умрларга
поғона,
Биз ҳаётмиз, келажакни яратгувчи ягона.

1980 йил

СУКУНАТ САСИ

Қизлар олди қўлига дутор...
Эшитаяпсизми?
Сукунатнинг майин жаранглашини,
Гуллар атир бўлиб сепилишини
Сезаяпсизми?
Еллар тўхтаб, тинглар жонсарак.
Ахир бу садолар
Оҳанг эмас, юрак...

1980 йил

ҚЎШИҚНИНГ ОВОЗИ

Торнинг нозик қўлларидан сирғалиб тушдим,
Мен қанотли туғилганман, тин олмай учдим.

Севишганлар орасида баъзан бўлдим сўз,
Дардиларга шифо бўлдим, ожизларга кўз.

Мен бормасам беваларнинг қароғи туман,
Мен бормасам, ғариб ўтар не-не анжуман.

Мудраётган туйғуларга теккизаман чўғ,
Мен йўқ қалбнинг дардлари ҳам, севинчи
ҳам йўқ....

Торнинг нозик қўлларидан сирғалиб
тушдим...
1980 йил

ЮРАГИМГА

Сен-ку тошқин денгиз бўлганда,
Шиддатингдан тўлқинга тўлиб,
Кемалар ҳам соҳилларингда
Турар эди сузмоқдан қолиб.

Сен-ку оташ, қуёш бўлганда,
Антарктида улкан музлари
Эриб кетиб ҳаммаси бирдан
Тошар эди уммон сувлари.

Яхшиям сен менинг кўксимда
Уриб турган кичик юраксан.
«Одамларга яхшилик бўлсин»,
Деб куюнчак, жони ҳалаксан.

«Фарзандларим ичикмадими»,
Юмушдан сўнг уйга интиқсан.
Фарзандларинг қувноқ, шўх кўрсанг,
Яна куч-қувватга тўлиқсан.

«Совқотасиз, қалин кийининг»,
Деб илтижо қиласан гоҳи.
Ташқарига кетар чоғида
Ўзинг суйган умр йўлдошинг.

Яхшиям сен менинг кўксимда
Уриб турган кичик юраксан.
Муҳаббатинг ва меҳринг билан
Кимларгадир ахир кераксан.

1980 йил

АМУ СОҲИЛИДА

Аму соҳилида оқшомлар ойдин,
Юлдузлар нигоҳи сеҳрли илиқ,
Лойқаланиб ётар қудратли тўлқин,
Нурлар беланчаги елларга интиқ.

Аму соҳилида оқшомлар салқин,
Ҳу, кема келади қирғоққа шошиб.
Кокиллари кумуш яримта ойнинг,
Кема, ҳей, оқимда кетма адашиб.

Аму соҳилига бош урар тўлқин,
Сув узра сеҳрли субҳидам кулар.
Оқшомни қайтариб олиб келиш-чун,
Нариги соҳилга ошиқар кема...

1980 йил

КАВКАЗ ИЛҲОМЛАРИ

I

Мен сизни танимай қолдим
Тонгда, Кавказ,
Ҳаволар бунча хуш,
Бунча оромижон.
Мен сизни танимай қолдим
Тонгда, Кавказ.
Уфқлар бунча кенг,
Йўллар бунча равон!

Бир шода маржонни
Қўлга олди қуёш.
Тоғлар оша тақди
Эман бутоғига.
Маржонга ўралиб
Уйфондинг, Эй Кавказ.
Бир зум қулоқ солгин
Қалбим титроғига.

Ям-яшил сўқмоқлар
Мовий нурга тўлди.
Чечаклар бош эгиб,
Айладилар ноз.
Неки, мен, ҳуснингга
Олам ҳайрон бўлди.
Салом сенга, Кавказ,
Ассалом Кавказ!

II

Оқшомнинг тонгларга талпинишлари,
Боғларинг қуёшни соғинишлари,
Оқ қайинзорларнинг хуш оғушлари,
Осмонни тўлдирган эркин қушлари...

Фақат шу юртга хос,
Бу сенсан, Кавказ!

Бундайин жаннатни ким топар, қайдан?
«Тоғлар ҳалқа»сида булут безовта,
Насимлар нозидан рақс тушар новда,
Туман сайр қилади яшил бедовда,
Тушмас, бари рост,
Бу сенсан, Кавказ!

Қоялар қўриқлар юлдузларингни,
Ҳар тонг шабнам ювар гул юзларингни,
Шамол шивирлайди бол сўзларингни,
Жаннатдан ҳам сулувкундузларингни
Ишвасида ноз,
Бу сенсан, Кавказ!

Алихонка¹нинг мовий тўлқини,
Қума² боғлар аро чорлайди уни,
Уйқусиз ўтади юлдузли туни.
Ким ахир ҳис қилмас,
Ҳис қилмас буни!
Тўлқинларинг соз —
Бу сенсан, Кавказ!

1983 йил

ЛЕРМОНТОВГА

Осмон қора рўмол ёпинди,
Булутларинг кўзларида ёш.
«Эвоҳ, бу не ҳолдир, не бўлди»,
Юзларин яширди безовта қуёш!

Ҳу, тоғ ортидаги кичик қулбада,
Ўқилмаган китоб қолди сарғайиб.

² Кавказдаги дарё номлари.

Қоғозлар учади шамолда дарбадар,
Столда сиёҳдон, патқалам вариб.

Чўққига «Замона Қаҳрамонлари»
Шоирнинг жисмини дафн этдилар.
Неча ойдин оқшом, узун кундузлар,
Унинг ҳаётлигини айтиб ўтдилар.

«Бештов ва Маъшуқ»нинг ҳар қоясида
Шоир руҳи мангу кезиб юради.
Кавказ ўрмонлари ҳикоясида
Бу руҳ Эльбурс каби мағрур туради.

1983 йил

ҚУЁШГА ҚАРАТИБ ҚУРИНГ ДЕРАЗАЛАРНИ!

Қуёшга қаратиб қуринг деразаларни,
Майин, майин илиқ шамоллар
Елпиб ўтсин дарпардаларни.
Сўнгра қуёш узатсин сизга
Дасталанган рангин нурларни.

Қуёшга қаратиб қуринг деразаларни!

Кундай ҳароратли, ўтли журъат билан,
Дадил одимлайлик йўлларда,
Ҳаётга ташналик, яратиш ишқи
Оловлансин дилларда.

Қуёшга қаратиб қуринг деразаларни!

Ёруғ тонгда туфилган гўдак, —
Яноғида қуёш нурлансин.

Токи, тонгдай ойдин келажак,
Шу нурларга йўғрилиб қолсин.

Қуёшга қаратиб қуринг деразаларни!..

1980 йил

НОН ЁПГАНИМДА

Мен тандирга нон ёпганимда,
Ўтлар тугёнларимдай ёнар.
Аввал ўзим пишаман, сўнгра
Қизаради оппоқ кулчалар.

Мен тандирга нон ёпганимда,
Патиримни мақтаб ейишар.
— Нондай азиз бўлсин шеъринг ҳам,
Нондек тансиқ ёзгин, дейишар.

Туйғуларим ўтда тобланиб,
Кулчаларга қарайман бир-бир.
Нега шеърим ҳам оловланиб,
Ёнмас, айтгин, сен, соҳир тандир?..

— Ҳовлиқмагин, шоира-келин,
Сен тандирга нон ёпганимда,
Олов бўлиб ёнасан, билгин,
Нонларингнинг лаззати шундан!

Хира десанг ёзганларингни,
Ёққан аввал вужуд-жонингни.
Қалб тандири қизиса, кейин,
Нондек ёпгил ҳис-туғёнингни...

1980 йил

ИККИ ТИЛАК

I

Гоҳо менга ўйчан тикилиб,
Ёш боладай овунтирар
Онажоним ўргилиб,
Олисларда элас-элас
Янграб экан алласи,
Ташвишларим бир лаҳзада
Кетар чоки сўкилиб.
Келажак тонготарининг
Ойдини олар кўзим
Ўғилларим бир навқирон
Йигит бўлишар шу зум.
Мен уларнинг камолидан
Суюнаман энтикиб,
Орзулардан инар яна
Лабларимга табассум.
Лекин ҳали кичкинтойим
Ухляяпти йўрғада,
Каттасининг ақл-хуши
Қўлидаги варракда.
Ҳар бирининг ташвишлари,
Шодликлари бир жаҳон.
Йигит бўлиш қайда дейсиз —
Ҳали улар гўдак-да.
Ана, бири варрагини
Ел измига топширар,
Мени кўриб фалтагини
Чўнтагига яширар:
— Варрагимни юлдузларга
Етказаман, ойижон,
Менга яна ип беринг деб,
Ҳовлиқтирар, шоширар...

Бири эса эркаланар
Дадасин елкасида,
Биз уларни улғайтамиз
Севиб, кўнглин кўтариб.
Тилагим шу: фарзандларим
Юк бўлмасин заминга,
Яшай олсин
Юртнинг офир-енгилини кўтариб.

II

Жажжи оёқларин ерга —
Босди болажон.
Йиқилиб лат емасин деб,
Дилда ҳаяжон.
Қуёш унга қучоқ очиб,
Чиқади пешвоз.
Кўк япроқлар шивирлашиб,
Қўшиқ бошлар соз.
Сурил, йиқил, олға интил,
Жоним, болажон.
Сени кутар янги манзил,
Ҳам янги замон!
Қадамларинг дадил бўлсин,
Бўйинг чўзилиб.
Қизларнинг ноз уйқулари
Кетсин бузилиб...

1982 йил

ТУТ

Тут бардамдир шохларин кессалар ҳам,
Меваларин пиширмай, узсалар ҳам.
Кўк либоссиз, яланғоч қолса ҳамки,
Баргин қуртга емиш деб солса ҳамки,
Армони бир, орзуси бир — шу ҳавас:
Қиз эғнида ҳилпираб юрса атлас!

1982 йил

ҚИЗ МУҲАББАТИ

Қиз қайтди сой бўйидан,
Паришон нигоҳлари.
Ҳавода айланади
Дилдан учган «оҳ»лари.

Ора уч қадам эди,
Етмоғи қийин бўлди.
Тил учидаги сўзин
Айтмоғи қийин бўлди.

Тун бағрига кўмилди
Қизгинанинг нафаси.
Кўкка сочилиб кетди,
Юрагидаги саси.

Юлдузларга айланди
Оташин ҳис-ҳаяжон.
Нурлар ерга интилар
Тўкилмоқ истаб ҳамон...

1982 йил

ХАТ

Ойга гоҳ-гоҳ хўрсиниб қараб,
Бир йигитга мактуб ёзар қиз.
Еллар дарпардани силкитиб,
Қиз сочларин ўйнайди ёлғиз.

Кўқдан бир-бир келар тўкилиб,
Ўқисам деб шу хатни юлдуз.
Осмон чоки кетар сўкилиб,
Чиқар қуёш шаддо, алвон юз.

Сергак тортиб, хижолат бўлиб,
Мактубини яширади қиз...

1982 йил

МАНЗАРА

Тоғлар елкасида биллур гулдаста,
Уфққа ёйилар оқ-оппоқ туман.
Шабада шивирлар қуёшни кутиб,
Турибди эгарлик оқ ёлли саман.

1982 йил

ТУНДА

Сув ётар қирғоққа бош қўйиб,
Кўкда ҳам, кўлда ҳам ой кулар.
Гўзалликнинг содиқ соқчиси каби,
Шамол кўл гирдида югурар.

1982 йил

...

Булут, тўкил, ёмғир бўлиб куйлагин,
Новдаларга кийдир яшил кўйлагин.
Бу ҳолда севилмай ўтиб кетасан,
Севгисиз умрми умр, ўйлагин.

1982 йил

ДАЛАЛАР ҚУЁШГА ЯҚИНДИР

Тонг юлдузи пастга интилди,
Орқасида қолди ёруғ из.
Тол барглари ерга тўкилди,
Шу томонга югурди бир қиз.

Қиз ҳайрондир, далалар тўла,
Юлдуздай беш учли чаноқлар.
Лўппи-лўппи пахтаси билан
Юлдузлардай ёруғ чарақлар.

1982 йил

...

Ёмғирга юз ювиб уйғонди дунё,
Қумрилар «хув-хув»лаб тонгни чорлади.
Майсанинг кафтида бир қатра шабнам,
Титраган камалак бўлиб порлади.

Сен қара,
Бокира боғларга,
Қуёш уфққа тортган нур чизиқларга.
Шу тонг софлигига тўлдириб дилни,
Кўклам сингиб кетсин қорачиқларга.

1982 йил

ЁЗ ОҲАНГЛАРИ

Еллар елиб ўтар қуёш қадамин,
Дарахтлар қилт этмай кўкка термулар.
Боғларнинг қувончи, кўрки, ҳамдами,
Тупроқнинг ушалган армони улар.

. . .
Қуёш тушларига киради шабнам,
Қатралар нур бўлиб майин титрайди.
Қуёш қўлларини узатар боққа,
Тушларига кирган шабнамни излаб.

Туташиб кетади узун сўқмоққа
Уфқдаги излар.

Олов ҳароратига етмасдан кучи
Новвот нашватилар ерга тўкилар.
Шохларга сифмаган тошқин бахт учун
Тупроқни ўпар...

. . .
Алвон кўйлагини кийиб қизларнинг
Қуёш боғлар орқасига ботади.
Кўкка аста чорлаб чўнг юлдузларни,
Теримчи қиз ҳорғин уйга қайтади.

Бағрига босади сокин пахтазор,
Сувда қалқийётган ойнинг бўлагин.
Гуллар баргларини тўкар беозор,
Кўринар илк кўсак — ғўза юраги.

Зумрад қўлларида севинч узатиб,
Тўлишиб кетади серҳосил шохлар.
Кундузни шафаққа ҳорғин кузатиб,
Баргларга илашиб қолар нигоҳлар...

1983 йил

АНЖИРЛИ БОҒ

Тонг палласи кўқдан туман кўчди,
Ой совқотиб, исинай деб тушди ўтлоққа.
Дийдираган юлдузларнинг қути ўчди,
Ва сочилиб сингиб кетди анжирли боққа.

Анжирларнинг лабларидан боллари томиб,
Кулиб турар сарғиш япроқларни оралаб.
Тик сўқмоққа тикилади кўзлари толиб,
Қизлар келиб терақолса уни саралаб.

Ёз офтоби ҳады этган меҳр, ҳароратдан,
Анорлар ҳам бағри тўлиб қирмизланар.
Ишкомлар маст бутоқлардаги шарбатдан,
Дастурхоннинг кўркин очар оқ олмалар.

Ҳу, қаҳрабо шафақ ичра кириб офтоб
Далаларга қолдиради ўт рангини.
Энди дунё баҳоргача тинглар,
Қишлоқ қизларининг қўшиқ тўлиб, жарангини.

КУЗ ОҶАНГЛАРИ

(Сонетлар)

I

Тип-тиниқ сувларни ўпар сумбула,
Майсалар дийдираб тонгги шабнамдан.
Қуёш узоқлашар кула ва кула,
Боғларга айланиб қолган ўлкамдан.

Тошади табиат саховатлари,
Дастурхонга тўкиб бор бисотини.

Ёзнинг ерга синган куч-қудратлари,
Тўлдиради сахий куз ҳаётини.

Қовунлар сифмайди ўз палагига,
Тонгларни соғиниб кўксин тилади.
Япроқлари сифмай ўз қучоғига,
Боғлар бор баргини елга беради.

Рақсга тушар еллар бу ҳаяжондан,
Япроқлар ёзни деб кечмоқда жондан...

II

Юлдузни яшириб битта-битталаб,
Қуёш ўзи чиқиб келар шафаққа.
Ҳаяжонга тўлиб бораётир қалб,
Тилла маржонларин силкир бутоқлар.

Салқин яноғини эгатга босиб,
Эгатлар бошида жимирлайди сув.
Шамол қанотига фулғула осиб,
Боғларга тўқади безовта туйғу.

III

Уфқларга туташиб кетган далалар,
Ғўзалар қўлида очилган пахта,
Ғўё кўқдан тушиб маржон юлдузлар —
Қўниб олишгандай очиқ чаноққа.

Бу хабарни тонгга етказмоқ бўлиб,
Шамоллар еларди шошиб бетоқат.
Бирдан яримта ой кетади тўлиб,
Шабнам ҳам баргларга қўшар тароват.

Қишлоққа ёйилар дала севинчи,
Пахта очилди! Суюнчи, суюнчи!

IV

Шамол шамолларнинг қўлидан тутар,
Боғларга етаклаб кетар бир-бирин.
Майсалар майсага елкасин тутар,
Уларни авайлаб айланар замин.

Тераклар кифтидан сирғалиб қуёш,
Ям-яшил ўтлоққа сингиб кетади.
Бирдан тарк этади боғларни бардош,
Ҳаммасин сумбула олиб ўтади.

Яланғоч боғларни тушида кўриб,
Ҳовлиқиб уфққа чиқар юлдузлар.
Еллар нафасидан туман тўкилиб,
Қисқариб кетади узун кундузлар.

Қуёш нурларини қизғана бошлар,
Дарахтлар либосин ечади шамол.

V

Сокин сўқмоқларни оралаб ўтар,
Учрашувга интиқ шошаётган қиз.
Хаёллар тумандай тарқалиб кетар,
Қора тол тагида тўхтаб қолар из.

Муздай салқинларга тутиб юзини
Шудрингда чўмилар ойдин полизлар.
Айвондан тополмай она қизини
Юраги бетоқат, боғидан излар.

Серсоя толларга яқин томонда
Тинади сершовқин машина саси.
Қиз ёнар, йигит ҳам ёнар тугёнда,
Еллар қўшиб қўяр улар нафасин.

Бу оташ нафаслар қўшиғи кузнинг,
Яқинлатар тўйин йигит ва қизнинг.

1983 йил



IV
“Ойдин остона”
китобидан

БАҲОР КЕЛДИ, ОНАЖОНИМ

Баҳор келди, табиатнинг пок армонлари,
Майса бўлиб, чечак бўлиб кўкарди ердан.
Онажоним, атрофингга қара, сездингми,
Қуёш кўкка чиққан эди сенинг қалбингдан.

Баҳор келди, ҳароратли қучоқлари кенг,
Пойларингга бошин уриб шамоллар елар.
Сен умрингнинг баҳорини бергандинг менга,
Онажоним, уни сенга қайтаргим келар...

1983 йил

БАТАН

Бир қўшиқда айтилганидай
Оддий эдинг бола ўйимда
Ва бошланган эдинг ўйимдан,
Ҳали нозик гулдай кўнгилда.
Унган кичик чорбоғ — боғ эдинг,
Сўнг қуш бўлиб учдингу кетдинг,
Бу боғчага бош уриб, сизмай,
Бир қўшиқда айтилганидай...

Меҳр эди у полапон қуш,
Армонлардан юраги сархуш.
Бағринг очдинг, у қанот ёйди,
Орзуларин кўксингга ёйди.
Булут бўлиб тўссалар уни,
Қўшиқ бўлиб кунга ёлборди.
Умр йўли таниш-нотаниш,
Меҳр эди, у полапон қуш.

Не қилардим сен бўлмаганда,
Юрак ишқинг-ла тўлмаганда?!

Йўлга чиқсам, ёнда бўлдинг сен,
Қайғу чексам, далда бўлдинг сен.
Умидларни менга бердинг-да,
Дединг: «Яша, умр олдингда».
Шодлигим ҳам, ғамим ҳам сенда,
Не қилардим сен бўлмаганда?!

Тўйиш мумкин эмас ҳеч қачон,
Бахтдан тўлиб кетса ҳамки жон,
Рози бўлиш мумкин тақдирга.
Бироқ қайғу қийнаган вақтда
Қарамасдан тақдирга — бахтга,
«Тўйиб кетиш» мумкин ҳаётга!
Сенга эса Ватан — Онажон,
Тўйиш мумкин эмас ҳеч қачон!

1983 йил

БАҲОР БИЛАН СУҲБАТ

Юлдузларим, кўқдан тушиб
бағримни тўлдир,
қил вақтичоғлик,
Қир-адирлар,
алвон бўлиб
кўзларим тиндир,
тонг отар чоғи.
Майсаларга айландими
тупроқ севинчи,
баҳорим, жоним!
Ёмғир ёғиб,
далалардан сўрар суюнчи
шошиб, қувониб.
Деразалар
кенг очилган

БАҲОР КЕЛДИ, ОНАЖОНИМ

Баҳор келди, табиатнинг пок армонлари,
Майса бўлиб, чечак бўлиб кўкарди ердан.
Онажоним, атрофингга қара, сездингми,
Қуёш кўкка чиққан эди сенинг қалбингдан.

Баҳор келди, ҳароратли қучоқлари кенг,
Пойларингга бошин уриб шамоллар елар.
Сен умрингнинг баҳорини бергандинг менга,
Онажоним, уни сенга қайтаргим келар...

1983 йил

ВАТАН

Бир қўшиқда айтилганидай
Оддий эдинг бола ўйимда
Ва бошланган эдинг ўйимдан,
Ҳали нозик гулдай кўнгилда.
Унган кичик чорбоғ — боғ эдинг,
Сўнг қуш бўлиб учдингу кетдинг,
Бу боғчага бош уриб, сизмай,
Бир қўшиқда айтилганидай...

Меҳр эди у полапон қуш,
Армонлардан юраги сархуш.
Бағринг очдинг, у қанот ёйди,
Орзуларин кўксингга ёйди.
Булут бўлиб тўссалар уни,
Қўшиқ бўлиб кунга ёлборди.
Умр йўли таниш-нотаниш,
Меҳр эди, у полапон қуш.

Не қилардим сен бўлмаганда,
Юрак ишқинг-ла тўлмаганда?!

Йўлга чиқсам, ёнда бўлдинг сен,
Қайғу чексам, далда бўлдинг сен.
Умидларни менга бердинг-да,
Дединг: «Яша, умр олдингда».
Шодлигим ҳам, ғамим ҳам сенда,
Не қилардим сен бўлмаганда?!

Тўйиш мумкин эмас ҳеч қачон,
Бахтдан тўлиб кетса ҳамки жон,
Рози бўлиш мумкин тақдирга.
Бироқ қайғу қийнаган вақтда
Қарамасдан тақдирга — бахтга,
«Тўйиб кетиш» мумкин ҳаётга!
Сенга эса Ватан — Онажон,
Тўйиш мумкин эмас ҳеч қачон!

1983 йил

БАҲОР БИЛАН СУҲБАТ

Юлдузларим, кўкдан тушиб
бағримни тўлдир,
қил вақтичоғлик,
Қир-адирлар,
алвон бўлиб
кўзларим тиндир,
тонг отар чоғи.
Майсаларга айландими
тупроқ севинчи,
баҳорим, жоним!
Ёмғир ёғиб,
далалардан сўрар суюнчи
шошиб, қувониб.
Деразалар
кенг очилган

соғиниб сени,
интиқ, интизор.
Юрак тошар
сиғдиролма
туйғуларини,
безовта, бедор.
Соғинчми бу,
юракларда
қулф ураётган,
айтгин, баҳорим?
Ҳаяжонми, куртакларда
талпинаётган,
Ё тонг хумори?
Новдаларда
менман яйраб
қулф ураётган,
бетоқат, хушҳол,
Ҳаётдир у,
юрагингда талпинаётган,
мангу олиб қол!
Юлдузларим,
Кўқдан тушиб,
Бағримни тўлдир,
Қил вақтичоғлик.

1983 йил

«НЕЧУН ЎЗИН ОЙ СОЙГА ТАШЛАР»

(Дарахтнинг туши)

...Ялангликда туш кўрар дарахт:
«Ой ўтирмиш баланд шохида,
Бошин эгиб маъюс ва карахт,
Узоқ боқиб уфқ пештоқига.

Оҳ тортармиш алам билан, «оҳ» —
Дер эмиш у ўйламай-нетмай.
Ўзин сойга ташлармиш ногоҳ,
Майин саси заминга етмай,
Сойдан топиб ойдин манзилгоҳ,
Беркинармиш шамолни кутмай.
...Ҳала-ғовур бўлиб юлдузлар,
Нурлар чопиб излармиш ойни.
Бирин-кетин юлдузлар учар,
Оқ кўланка тўсармиш сойни...»

Шохларини силкитар кимдир,
Дарахт бирдан кетар уйғониб.
«Бу қандай туш, бу қандайин сир?» —
У қирсиллар, инграр тўлғониб.
Қўлларига урилиб шамол,
Шафақ томон тортқилай бошлар.
Дарахт баргларида бир хаёл:
«Нечун ўзин ой сойга ташлар».
Сўнг термилиб шивирлар кўкка:
«Юпун қолдинг ойсиз, юлдузсиз,
Кўк чамани — юлдуззор қайда?
Энди ким-ла сирлашамиз биз?»

...Бирдан уфқда кумуш занжирли
Оқ дарвоза очилиб кетар,
Дасталанган етти хил нурни
Замин очган этакка тўкар.

Тушиб кетар этакдан бир нур,
Дарахт унга тутар қўлларин.
Ойга бергум мен уни ахир,
У беади уфқ йўлларин.
Шундай дея дарахт силкиниб,

Эгилар у сойнинг пойига,
Ойни кўрар, у-чи, беркиниб,
Мўралармиш кун чиройига.

Нур жимирлар кун қароғида,
Қорачиклар равшан, ярқироқ,
Ой асраган қалб ардоғида —
Якка орзу — қуёшни кўрмоқ.
Уфқдаги оқ дарвозанинг
Шилдираса кумуш занжири.
Овозидир у янги тонгнинг,
Бу оламнинг янги бир умри.
Шу умрга бахш этиб кучин,
Кун кўзида тошар тугёни.
Олам қайта яшарсин учун
Тонгда ойнинг узилар жони.

...Яланглиқда дарахт туш кўрар,
Ой йўқолди, бу қандайин сир?
Осмон қорачиғига сифмай,
Кўқдан ерга интилар умр.

1983 йил

. . .

Бу оқшом юлдузлар чўнг, йирик эди...

И.ЮСУПОВ

Шу кеча тонг отмасин сира,
Деразамда ой ўзин кўрар.
Ажиб порлар тун юлдузлари,
Йўқ, йўқ, улар сенинг кўзларинг.
Дарчамдаги нури — сўзларинг,
Қуёш биздан қилмасин гина.
Шу кеча тонг отмасин сира.

Шу кечада ҳавасим менинг,
Етмаса ҳам нафасим менинг,
Кўрдим, юлдузлари йирик, чўнг,
Менинг армонларим билан тенг.
«Сен ҳам бизлар билан юргин», денг,
Юракка тор қафасим менинг,
Шу кечада ҳавасим менинг.

Шу кечанинг бўлсам ойдини,
Тонгга асло бермасдим уни,
Вужудимга жойлаб олардим,
Қучоғида мангу қолардим.
Тугёнлари бўлиб ёнардим,
Юлдузларга етарди уним,
Шу кечанинг бўлсам ойдини...

1985 йил

. . .

Мақтовлар не бу умрнинг сўқмоқларида,
Бир кун келиб йўқоларлар беному нишон.
Сенга интиқ шу кўзларим қароқларида
Шеър ишқининг тугёнлари ёнмоқда ишон.

Биламан-ку, шамолларга ишониб, шошиб,
Эси кетиб тўп-тўп булут кўкка ўрлайди.
Кетиш истар улар ҳатто қуёшдан ошиб,
Шамол тинса, тўкилишин улар билмайди.

Мен биламан!
Мақтовлар ҳам худди шамолдай,
Эсган пайтда шовқин-сурон билан ўтади.
Ё ҳавасу, ё ёлғон ишқ учун висолдай,

Сохта туйғулари билан алдаб кетади.
Шеърят-чи?

Кўзни олиб равшан ҳилолдай,
Кўқда туриб, ерда бизни мафтун этади.

1985 йил

. . . .

Сигарет тутайди кулдонда,
Чекилмай қолиб.
Юрак талпинади тугёнда
Энтикиб, толиб.
Оқ варақ юзига тўкмоқда
Дардларин шоир.
Хонани оқ тутун тутмоқда,
Тутунми? Ахир —
У шоир нафасин давоми.
Туйғуларга қул.
Қоғозда сатрлар ёнади,
Кулдонда-чи, кул!

. . . .

Юрагингда оппоқ уфқ бўлиб,
Ҳовучларим тутиб шудрингга,
Оқ меҳрдан кўнглим тўқ бўлиб,
Армон бўлиб, дард бўлиб сенга,
Сингиб кетсам қароқларингга.

Сен ненидир изласанг, ўзим
Йўқотмишинг бўлиб топилсам,
Тонгда уйқу элитса кўзинг,
Ўша уйқу мен ўзим бўлсам,
Сингиб кетсам қароқларингга...

1984 йил

. . . .

Чақмоқ чақди қалбимда бирдан,
Ёришдилар хира хаёллар.

Хотиралар чақнаб яшиндай,
Ўша тунни ёдимга солар...

Эсингдами кеча чўзилиб,
Отмай қийнагани ўша тонг.
Сабрларнинг ипи узилиб,
Инграб қолди дарбадар оҳанг.

Кўз ёшларим томиб қўлингга,
Ўчиргани ҳислар оловин.
Сен-чи, ғамгин тикилиб менга,
Дединг: Нечун, нечун йиғладинг?

Индамадим... Агар сен ҳозир
Бўлсанг эди бир зум ёнимда,
Очиларди сен билмаган сир,
Чақмоқ чақди бугун қалбимда...

1984 йил

БУВИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

...Кўзларингга қараб юр, болам,
Поку нопок оёғинг таги.
Номинг тоза сақла, сен — Она,
Тоза эрур она матлаби.

Кўзларингга қараб юр, болам,
Умр йўли пастдир-баланддир.
Қоқилмагин, қизим, сен — Она,
Улги олар сендан фарзандинг.

Кўзларингга қараб юр, болам,
Ўнгу сўлинг ёнаётган ўт.

Лоқайд, совуқ бўлма, сен — Она,
Она бўлиб ёниб яшаб ўт.

Кўзларингга қараб юр, болам,
Сен яхши бўл: дўстдир, душмандир.
Кўп янглишма қизим, сен — Она,
Оналарнинг хатоси — жабр!

Кўзларингга қараб юр, болам,
Умр ўхшар тошқин дарёга.
Бир соҳилда қолма, сен — Она,
Она тинса, тинар дунё ҳам!

1984 йил

УЛЛИБОҒ

Элик ёшга тўлган чаман Уллибоғ,
Элик йилда эл бўлганинг муборақ.
Шонли йўлни босиб ўтган Уллибоғ,
Байроқдору зўр бўлганинг муборақ.

Ҳар бир дамнинг эрталарга бахт бугун,
Не подшолар чиқолмаган тахт бугун,
Режаланган ҳар бир ишинг нақд бугун,
Бахт уйига йўл бўлганинг муборақ!

Шарафли меҳнатнинг имкони сенда,
Тўрткўлнинг обрўли деҳқони сенда,
Илк қаҳрамонларнинг макони сенда,
Чаманларда гул бўлганинг муборақ!

Тўлиб оққан Боғёп кумуш камаринг,
Дастурхонлар баракаси — боғларинг,
Ортада қолди омоч тортган чоғларинг,
«Оқ олтин»га мўл бўлганинг муборақ.

Давраларга чиқса, халқинг полвондир,
Ким сени енгилди деса ёлғондир,
Сен ўзинг бир ёнсан, барча бир ёндир, —
Барчадан ҳам зўр бўлганинг муборақ.

Меҳнат майдонида мард Норбой бўлиб,
Йигитларинг алпдай, қизлар ой бўлиб,
Меҳмон учун боғинг эрам жой бўлиб,
Дўстга очиқ дил бўлганинг муборақ.

Тошар оқ чашмаси Ойша опанинг,
Тиниқ ойнасисан аҳду вафонинг,
Бугун пайти келди тўйнинг, сафонинг,
Тўрткўлимда тўй бўлганинг муборақ.

Кенг даланда терим қизиб, авж олсин,
Беллашувда Калтаминор бир толсин,
Ютуфингга Ўзбекистон қувонсин,
Хирмонларинг тоғ бўлгани муборақ.

1983 йил

...

Севаман деб айтманг сира ҳам,
Қарашингиз ўзи бахт-қувонч.
Нигоҳларга парда тортмас ғам,
Сўлмаса биз эккан гул-ишонч.

Севаман деб айтманг сира ҳам,
Керак эмас шунчаки бир сўз.
Қорачиғим хиралатса нам,
Бунинг гуноҳкори — фақат сиз.

Севаман деб айтманг сира ҳам,
Сўзлаб турсин менга туйғулар.
Муҳаббатда бўлсин шу сўз кам,
Қадримизни оширмас улар.

Севаман деб айтманг сира ҳам,
Сингиб кетай қучофингизга,
Тугамасин биз ёққан ишқ-шам,
Ҳислар очган сўқмоғимизда...

Севаман деб айтманг сира ҳам...

1983 йил

ЁЗ СОНЕТИ

Осмонга қон бўлиб ёйилар қуёш,
Бетоқат шамоллар тинади ерда.
Тоғларга кўрк бўлган мағрур қоятош,
Қуёш панжасида ботади терга.

Шаршара шошади кўксини босиб,
Аламда қолдириб чўнг қояларни.
Булут нигоҳига қўяди осиб,
Зангори туманлар оқ сояларни.

Тоғларнинг тошига сўнг бор урилиб,
Шаршара қўшилар шошқин ирмоққа.
Қуёш тугёнлари кетар сурилиб,
Олмалар қизарган яшил булоққа.

Замин дастурхони тоза ювилиб,
Шошилар боғларга кенг ёйилмоққа.

1983 йил

ПАХТА ВАҚТИ

...Пахта очилди,
Далалар ёришди ёз осмонидай,
Ҳар битта чаноқнинг бахти очилди,
Севилган қизларнинг ҳаяжонидай.

Эсингдамикан?..
Нур томган юзига қараб қизларнинг,
Уларни қуёшга ўхшатган эдинг,
Йўқ, дўстим, қуёш-ку асли ўзлари!

Шунда чидамай,
Деган эдинг: «Ҳозир Москва салқин»,
Яшайсизлар бундай иссиқда қандай?
– Юраги ҳам қуёш бизларнинг халқининг.

Қуёшдай ёниб,
Улар далаларга меҳрини берар,
Кўсаклар бу олов меҳрга қониб,
Оппоқ қувончини биз-ла баҳам кўрар.

Кўқдан офтоб ҳам
Тушар Ўзбекистон далаларига,
Бугун оламдаги жамики оташ
Нур бўлар ҳар чаноқ толаларида.

Эшитганмисан,
Пахта вақти ҳақда Ўзбекистоннинг,
Бу шундай кунларки, дугонам,
Ҳаловатин олар ҳар тирик жоннинг.

Пахта очилди..
Келгин пахта вақти бизлар томонга.
Сен кўрган ранг-баранг гуллар товланар,
Той-той пахта ортган узун карвонда.

1983 йил

ТОШДА КЎКАРГАН ГУЛ

Иброҳим Юсуповдан

Одам одам бўлиб тилга келгали
Достонлар яратиб китоблар ёзмиш.
Ўз-ўзин ўрганиб бўлган йўқ ҳали,
Одам тошдан қаттиқ, гулдан ҳам нафис.

Инсон елкасидан юкнинг оғирин
Олса Асқар тоғлар қўзғала бошлар.
Қуш чўқиса Прометейнинг бағрин,
Одам қийналади, қилт этмас тошлар.

Шу қора тошларни ёриб баҳорда,
Ўсган гулни кўриб жонинг қувонмиш.
Мақтаниб, ҳовлиқиб ўйларсан шунда:
Одам тошдан қаттиқ, гулдан ҳам нафис.

Брестда тош эриб, темир тобланди,
Охирги дамгача олишди солдат.
Карбишевмузлади, Гастелло ёнди,
Таслим бўлганда ҳам тош билан пўлат.

Бироқ мангу тарих тошига номин,
Мардлик ўти билан кетдилар ёзиб.
Бу ёзилган беш сўз шундай ўқилар:
Одам тошдан қаттиқ, гулдан ҳам нафис.

Инсон кўнглидаги меҳру шафқат,
Агар қуёш бўлса, тош гуллар эди.
Агар дарё бўлса ишқу муҳаббат,
Чўллар атлас кийиб ловулар эди.

Сўнги нонин бериб ўз йўлдошига,
Одамзод йиқилиб дармони кетмиш.
Ёзсанг арзир унинг қабр тошига:
«Одам тошдан қаттиқ, гулдан ҳам нафис».

Кўнгил — бир гўзал боғ, парвариш этиб,
Тотли мевасин еб, оралаш мумкин.
Бир кулган юз билан вақтин чор этиб,
Бир ёмон сўз билан яралаш мумкин.

Гулласин деб инсон кўнглининг боғи,
Боғбон гуллар билан умрини ёзмиш.
Гуллар хазон бўлар кеч кузак чоғи,
Одам кўнгли эса гулдан ҳам нафис.

1983 йил

ДЎСТЛАРИНГ КЎПАЙСИН

(Ўғлим Шухратга)

Ўғлим, сени сўради бугун
Ўзингга ўхшаган қора кўз бола.
Бир туйғу яйратди қалбимни менинг,
Улғайиб қолибсан болажон, қара.

Дўстлар орттирибсан — билмабман,
Вақт бизнинг Амудай оқар бунча тез.
Ҳали бир гўдак-ку деб даданг билан,
Баъзида сен-ла ҳеч ҳисоблашмабмиз.

...Дўстларинг кўп бўлсин сенга ҳамқадам,
Қўшилувчи қувонч ҳам ташвишингга.
Бўйларингни бўйлаб ўсар кўнглим ҳам,
Яраб қолсанг, ўғлим, эл-юрт ишига.

1985 йил

ОТАМ ХОТИРАСИГА

Узун экан, қайтмадингиз, сиз кетган йўллар,
Бугун очдик сиз кузақда кўмган анжирни.
Эккандингиз кафтдек ерга анвойи гуллар,
Бўй чўзади айтмоқчидай бизга бир сирни.

Яхши кўриб, сиз ўтқазган эртаги олма
Куртаклари софинчини тонгга улади.
Сокингина кезар эдим сизни тополмай,
Шунда боғда бир туп бодом қийғос гуллади...

Қиз йигитни севар жон-дилдан,
Айтишга ҳеч ҳадди сифмайди.
Учрашувда ҳаяжон билан,
Тугён билан дилин тиглайди.

Йигит қизни севар жон-дилдан,
Қиз ҳуснда тенги йўқ дилдор.
Йигит чўчир бир оғиз сўздан,
Шу ҳуснга етар деб озор.

1984 йил

МЕНИ ЎЙЛАШИНГГА ҚОЛСИН ФАҚАТ ТУН...

Е.Евтушенко

«Узоқларга кетиб бир софинтирай!»
«Қайга ҳам кетардинг бизларсиз ўзинг?»
Наҳотки, бу ҳазил чинга айланди,
Бугун шу софинчга тутқунман ўзим.

106

Унга хат ёзаман: «Аҳволлар қалай,
Рўзғор ҳам иш қийнаб қўйгандир бутун?
Азизим, илтимос, болаларга қара,
Мени ўйлашингга қолсин фақат тун».

Хаёт — дутор,
Симлар билан қувончу гам тортилган.
Хаёт — карвон,
Эрталарнинг оғир юки ортилган.
Янгра, дутор,
Очиқ кўнгил қўшиқлари тинмасин.
Тинма, карвон,
Эрталарнинг юки ерда қолмасин.

1984 йил

УМР ВАЗИФАСИ

Биринчи муаллимим А.Раҳматуллаевга
бағишлайман.

Ассалом муаллим!
Сизга ёзар хат
Хаёт кўчасидан битта қизингиз.
Эсингиздамикан, ўша кўчага,
Бизни оқ йўл тилаб кузатганингиз?

Биз ўн эдик...
Йўқ, йўқ, юзу минг эдик,
Эзгу истагингиз баримизга етди.
Эсингиздамикан, гоҳ койиб, гоҳ суюб,
У бебош болалик зумда ўтиб кетди.

107

Қўлингизда кўрсак азиз «Алифбе»ни,
Панжангизда қуёш кетар эди порлаб.
Эсингиздамикан, жиддий турардингиз,
Сиз топширган шеърни гар бормасак ёдлаб...

Ҳарфлар ичида кўрдик қалбингизни,
Ҳис қилдик шу қалб-ла Ватан ишқини.
Эсингиздамикан, азиз муаллим,
«Алифбе»дан бошлатдингиз умр машқини!

Бу машқлар бизларни кўп қийнар эди,
«Эга»сини топсак, йўқоларди «кесим».
Эсингиздамикан, «от» билан «феъл»ни
Ажрата олмасак, жим қолиб бир зум,

Ўргатар эдингиз жон фидо қилиб.
Бизнинг кўзлар эса бебош, ўйинқароқ,
Анҳорга юмалаб кетган коптогин,
Кулча ё конфетни ўйлар эди шу чоқ.

...Шунда ҳеч биримиз билмаган эдик,
Кулча қадоқ қўллар меҳнати эканин.
Эсингиздамикан, сиз ҳарфлар билан,
Бизларга ўйлашни, билишни ўргатдингиз.

Эсингиздамикан, бизларни кузатиб,
Йиғлаган эдингиз, йиғлаган эдингиз.

Балки ўшанда:
«Қандай бажаради булар эртага,
Уй вазифасинмас, умр вазифасин,
Лойиқ фарзанд бўлишарми элга, Ватанга»,
Доб ўйладингиз...

Азиз муаллим!
Уй вазифасин
Гарчи бажармадик доим бекам-кўст,
Умр вазифасин бажариш учун
Бизлар меҳнат билан тутинганмиз дўст.

Имтиҳонлар бугун синфда эмас,
Ватанимнинг суюк қучоғидадир.
Гоҳ трактор рули, гоҳо дастгоҳда,
Пахта даласида тонг чоғидадир.

Раҳмат, муаллим!
Уй вазифасин
Аниқ ва пухта
Бажаришга ўргатганингиз.
Ҳаёт кўчасини кўрсатганингиз.

«Булар умр вазифасин қандай, қай йўсин,
Уддалайди», дея кузатганингиз.
Ва ҳаётда борлигингиз учун,
Раҳмат, муаллим!

1983 йил

МАЙСАГА АЙЛАНГИМ КЕЛАДИ

I

Сўқмоқда шод-хуррам келар йигит-қиз,
Кўкраклар қайнаган ҳисларга қафас
Шамоллар бир фурсат эсмай тулинг сиз,
Майсалар, илашманг, жиминг бир нафас.

...Майсага кўмилар қизнинг сочлари,
Ўримга қўшилиб кетар майсалар.
Улар тилсим туйғуларга беланди,
Ўтли муҳаббатга айланди улар.

Муҳаббат гуллатган умр мавжида
Майса бўлиб қолгим келади жуда.

II

Ху, анҳордан сакраб жуфт жайрон келар,
Майсалар уларга очади сўқмоқ,
Бирин бири қувиб жовдирар кўзлар,
Шамол каби елар, гоҳ қолар тўхтаб.

Ям-яшил зулфларни тортқилар узиб,
Шодон ва беозор ўтлайди улар.
Мен яшил сочларга тилайман тўзим,
Мадад бер уларга, ўтли туйғулар.

Кийиклар ўтлаган оқ-ойдин тонгда,
Майса бўлиб қолгим келади жуда.

III

Соҳилга бош қўйиб чайқалади сув,
Яланглик ортида бор якка қабр.
У ерга кўмилган ёшлик ва орзу,
Чақмоқдай чақнаган мардона ғурур.

Қабр атрофида шу орзу бўлиб,
Ўша ёшлик бўлиб унган майсалар.
Армонларга тўлиб, умидга тўлиб,
Ям-яшил баҳорга айланган улар.

Мангуликка шошган узун йўлларда,
Майса бўлиб қолгим келади жуда.

1982 йил

ҚОРА ДЕНГИЗ ТЎЛҚИНЛАНАР...

Туркумдан

Соҳилиннга ярашади оппоқ кемалар,
Ҳам бетоқат тўлқинларнинг талпинишлари.
Шўх денгизим, майли сени қора десалар,
Сачратавер тўлқинланиб оқ севинчларинг.

Кўрган ғамгин тушларимни айтмоқчи бўлиб,
Дардларимни бўлишай деб келдим қошингга.
Қучоғингда чўккан кўнгил сувингдай тўлиб,
Тўлқинланиб ўтирибман қадим бошингда.

Ҳаммага тенг, покиза кенг қучоқларингда
Бола каби эркаланмай бўларми ўзи?
Фақат кулгу, фақат қувонч ҳамма ёғингда,
Салом, менинг мовий сувли оппоқ денгизим!

1983 йил

ТОНГЛАР ҚОЛАР ДЕНГИЗДА

Рашки келиб дарахтларнинг узун бўйига,
Зарпечаклар шохларига чирмашиб ётар.
Кенг қучоқди тўлқинланган денгиз бўйида,
Чечакларнинг оғушида оппоқ тонг отар.

Салқингина елар эсса наъматакларнинг
Лабларида очилади қип-қизил гуллар.
Қайрағочлар уфқни кўзлаб мардона ўсса,
Сўқмоқларга эгилади зумрад анжирлар.

Анорларнинг армонлари гулга айланиб,
Қирмизланиб шохларига тизади маржон.
Пастда эса зарпечаклар ётар зорланиб,
Арчалардай қад тикламоқ уларга армон.

Жоним, Кавказ, сувларингга юзимни чайиб,
Яшил бахмал қирларингда ётдим боладай.
Бунчалар пок, озодасан, ҳар дам ажойиб,
Майсаларинг шабнамлардан тутди менга май.

Ташлаб кетмоқ увол шундай қучоқларингни,
Кўркамлигинг кўзни, сўнгра кўнгилни олар.
Тарк этмоққа кўзи қиймай тонглар ҳам сени,
Мовийланиб Қора денгиз бағрида қолар.

1983 йил

ЯШИЛ ШЕЪР

Шеър ёзибман кеча тушимда,
Майсаларнинг баргларин тизиб.
Яшил рангга бўялиб изим,
Шеър ёзибман кеча тушимда.

Шудринг тушиб, барра майсалар,
Ой нурида ялтирар эмиш.
Тўлар эмиш сўқмоққа кумуш,
Шитир-шитир қилиб мисралар.

Майсаларга кўмилиб сархуш,
Кенг ўтлоқда кичик жон бўлиб.
Гоҳ ҳаяжон, гоҳ тугён бўлиб,
Баргларга тўш уриб учар қуш.

Уйғонмасам нетарди, ахир,
Шеър ёзибман кеча тушимда.
Ёзиларми шу шеър хушимда,
Майса каби тиниқ, яшил шеър...

1983 йил

ЗАМИН ТИЛАГИ

Истайман: вужудим узра одамлар,
Ташлаган ҳар қадам умр яратсин.
Илдиз отиб, ўссин дарахтлар,
Саратон тафтида соя таратсин.

Майли, кўксим аро чандиқлар солиб,
Елкални тўлдириб чечаклар ўссин.
Бағрим тилсин деҳқон кетмонин олиб,
Меҳнат шамоллари бағримда кезсин!

1983 йил

ИККИ СОНЕТ

Сочи – Сухуми йўлларига

I

Шошилтиринг мени, шамоллар,
Ҳу, узилган юлдузга томон.
Мўлтир-мўлтир сўнар ҳиллолар,
Бир бахтидан айрилди осмон.

Шошилтиринг мени, шамоллар,
Йиғлаётган гўдакка томон.
Тойчоғимдан сўрайин ҳоллар:
Қани, кулгин, кулгин, болажон.

Шошилтиринг мени, шамоллар,
Қалбим илҳақ талпинган томон.
Уни ўртаб қўймиш аламлар.
Йўл бўйида интиқ ва нолон.

Шошилтиринг мени, шамоллар,
Қутиш ёмон, ёлғизлик ёмон.

II

Сурилинг, ҳей, булутлар, бундан,
Мен осмонни кўрай мусаффо.
Ёмғир бўлиб қуйилинг бирдан,
Тозалансин ёқимсиз ҳаво.

Сурилинг, ҳей, булутлар, бундан,
Кўкка дадил чиқсин қуёшим.
Бир нажотбахш ҳарорат билан
Қуриб битсин кўзларнинг ёши.

Сурилинг, ҳей, булутлар, бундан,
Яшнаб кетсин камалакларим.
Нигоҳларинг равшани шунда.
Парвоз бўлсин капалакларга!

Сурилинг, ҳей, булутлар, бундан,
Нур тўкилсин шод тилакларга!

1983 йил

НЕКИ НИЯТ ҚИЛСАМ...

Неки ният қилсам, йўлдошим бўлди,
Сени кўзларим-ла қалбга боғладим.
«Гул узиб берсайди» деб армон қилдим,
Шунда гулзор томон илдам чоғландинг.

Қўлимга тутқаздинг бир жуфт қизил гул,
Бармоқларинг тафти қолди бандида.
Гулзорга айланди, ҳайҳот, бу кўнги,
Фунчаси барг ёзди бахтим тонгда.

Бу гуллар баргининг хушбўйи бўлак,
Бу гуллар дунёда ягона ўзи.
Чунки менга йўлдош қалбдаги тилак,
Чунки бу бўстоннинг боғбони ўзинг.

Неки ният қилсам, йўлдошим бўлди...

1983 йил

ДЕНГИЗДА СУВ ТЎҚИНЛАНАР...

Денгизда сув тўлқинлар,
Дилда эса туйғулар.
Олислардан сузиб келар
Оппоқ-оппоқ кемалар.
Кемалардай сизга илҳақ
Сузиб кетар орзулар,
Ҳамроҳ бўлар зумрад тўнли
Ўрмон, баланд тепалар...

Денгизда сув тўлқинлар,
Қирғоқларга сапчийди,
Тушларимни мовий-мовий
Оқимларга айтаман.
Юраккинам оғриб турар,
Юраккинам санчийди.
Оғриқларим, дардларимни
Сувга бериб қайтаман.

Денгизда сув тўлқинлар,
Узоқлашма, кетма деб,
Яқинлашар ҳу олисда

Ярқираган кемалар,
Дилда туйғу тўлқинланар,
Туйғуларнинг дарди кўп,
Оқимларга тўкилиб у,
Гирдоб бўлиб айланар.

Денгизда сув тўлқинланар
Изларимга урилиб.
Мен қайтаман, қадамларим
Қушдай енгил кўчади.
Ташвишларим оқимларга
Кетган каби сурилиб,
Олdda умр денгизининг
Оқимлари кутади.

Кўнгил сувдай тўлқинланар,
Қайтдим дер денгиз бўлиб.
Энди ташвиш-армонларинг
Денгиз каби кенгаяр.
Юраккинам оғриқлари
Кетмагай беиз бўлиб,
Янги-янги орзуларим
Тўлқинларда улғаяр.

Денгизда сув тўлқинланар,
Дилда эса орзулар...

1983 йил

ОЙ ПАРЧАЛАРИ

Келинчак оппоқ елкаларига
Қоп-қора кокилин ёйиб юборди...
Шабада шошилиб ойга ёлворди:
«Кумуш тароқ бўлгин».
Тароқ кокилларин оралаган дам
У оппоқ елкалар
Тўлиб кетди ойнинг парчаларига...

1983 йил

ЁШЛИК

Ўрикзор ёнида тип-тиниқ ҳовуз,
Олис болаликдан қолган хотира.
Довучча терардик ҳовуч ва ҳовуч,
Парво ҳам қилмасдик нордон-тахирга.

Нордон довуччадан дил равшан тортиб,
Қийқириқлар тинмай сочиларди боққа.
Шунчалар бетоқат, бесабр бўлиб,
Осилардик ўриклар пишмаган бутоққа.

Шунда биз бутоқлар аро тортилган
Ярқироқ, оқ ойдин, равшан нур эдик.
Ушбу ҳаёт отли улкан бўстонда,
Худди довуччалардек хом ва ғўр эдик.

Нурдаги ойдинлик дилларга кўчди,
Ҳамон пишмоқдамиз, етилмоқдамиз.
Ҳаёт қуёш бўлиб тоблади бизни,
Фарқ пишган ўрикка айланмоқдамиз...

1982 йил

Сўқмоқлар,
Сиз мени тонг пайти
Далалар бағрига етакланг.
Еллар, ҳей, эсинглар сарсари
Ҳар ниҳол нур йиғар этаклаб.
Далалар устида оқарган
Тонг яна оппоқдир, ойдиндир
Ва мени бағрига чақирган
Далалар қуёшга яқиндир.

1982 йил

V
“Севиб қолсин”
китобидан



ТИНИҚ ОСМОН

Тиниқ осмон каби кўнгил топ-тоза,
Дилда хира ўй йўқ, осмонда булут.
Салом сенга баҳор, улуғ шаҳзодам,
Салом ойдин саҳар, салом яхшилик,
Тиниқ осмон каби кўнгил топ-тоза.

Салом, кенг саҳронинг бўзтўрғайлари,
Бошларим устида қоқингиз қанот.
Шамоллар уйғотинг тинч тўғайларни,
Бугун бошланияпти жўшқин бир ҳаёт,
Салом, кенг саҳронинг бўзтўрғайлари.

Салом, жажжи барглар ёзган куртагим,
Улкан шохаларнинг кичкина жони.
Меҳрдай товланар қуёш ҳайрати,
Ернинг осмон бўлиб ётган армони.
Салом, жажжи барглар ёзган куртагим.

Салом, азиз дўстим, қара, тонг яқин,
Қара, яна Наврўз кўкда ҳам ерда.
Уфқлар тозаланар чақмоқлар чақиб.
Чақмоқлар чаққандай янги фикрда,
Салом, азиз дўстим, қара, тонг яқин.

Умр ўтди дема, ҳали йўл узоқ,
Ҳали курашлардан қайтган йўқ сабот.
Кўп йиллар орқада қолса ҳам бироқ,
Ҳар тонгда янгидан бошланар ҳаёт,
Умр ўтди дема, ҳали йўл узоқ.

Салом, баҳоримнинг тоза саҳари,
Нотинчу курашчан ўйларим салом,
Баҳор қувончлари чақмоқ сингари
Жону вужудимга сингингиз тамом,
Салом, баҳоримнинг тоза саҳари.

1984 йил

СЕВИБ ҚОЛСИН СЕНИ

Дунёда энг нафис, азиз сўзларни,
Сен менга, мен сенга шивирлаб айтсак,
Энг тоза ёруғ нур чулғаб кўзларни,
Қандай бахт бир замон ёшликка қайтсак.

Унда ўсиб турар эркин ва озода,
Бўйи балаңд-балаңд кўркем тераклар.
Сўқмоқлар четида ям-яшил майса,
Тупроққа айтади сирли эртаклар.

Юракларни тоза сақлади бу сир.
Турли ёлғонлардан бизни асради.
Бу эртак бизларнинг шўх болалиқдир,
Ҳам бизни улғайтган аллалар саси.

Айт менга энг нафис азиз сўзларни,
Ёнимизга тушсин осмондан юлдуз.
Сени севиб қолсин бутун умрга,
Сочлари қирқ ўрим, қора кўзли қиз...
1984 йил

КУЗ

Куз кирди,
Бунчалар тез кирди.
Шамол олиб келди салқин ҳавони.
Июль хайрлашар кенгликлар билан,
Август,
Август,
Олтин рангли зардоли.

Боғларда нашвати шарбатга тўлди,
Анжирлар симирди қуёш меҳрини.

Тераклар қўлида ҳорғин мудрар ёз,
Япроқларга жамлаб қуёш сеҳрини.

Салқин жунжиктирар бутун вужудни,
Саратон дамларни хотирга солиб.
Шамоллар, сиз қайга шошасиз бирдан,
Ҳали кузга эрта, қаранг ёз ҳолин.

Ёз кезар боғларда...
Олмалар тўлиб,
Оқариб-қизариб пишар тонгларда.
Ёмғирларнинг салқин нафаси бўлиб,
Намхуш шамол келар дарё ёқлардан...

Мен ўлчай бошлайман ўтган кунларни,
Йўқ, кунларни эмас, ҳафта, ойларни...
Йўқ, ойларни эмас, ўтган йилларни,
Гоҳ қуриб,
Гоҳ тўлган жилға, сойларни.

Улар қайда қолди, боғлар олдимиз?
Гуркираган боғми?
Қуриган боғми?
Тортилган дарёми?
Қайтган денгизми?
Бўшашган ўримми,
Оқарган сочми?

Ё совуққон фикр, пушмон андиша,
Кетди, энди келмас... лекин ҳар кузда.
Такрорланаверар бугунги сурат.
Қайтиб келаверар бугунги ҳолат.

Мен унда Гулистон исмли қизмас,
Узун-узун терак ё чинор бўлиб,

Ё бир лаҳза бутун муҳаббати-ла,
Барқ уриб очилган қизил гул бўлиб
такрорланаман.

Мен унда бўлмасман: замин бўлади,
Менинг миттигина жонларим билан.
Ожиз ҳаяжоним билан кўкарган,
Нозик майса бўлар – дардим кўтарган.

Дарёлар бўлади, сувлари аччиқ,
Кўзларим ёшидай шўр ҳамда тахир.
Кенг уфқлар бўлади кўнглимдай фақат,
Фақат такрорланмас мен ўтган умр.

Қайси аср бўлар, унда билмасман,
Оёқ изларимни кўмади қумлар.
Ёз, куз келаверар, бир мен келмасман,
Ва бу кенгликлардан ўтади кимлар.

Йўл деб ўйлаганим умр тугайди,
Тугайди заминга бошини уриб.
Йўлнинг тугар жойи шаҳар ё кўча,
Ё тўқай, ё соҳил ёки кенгликлар.

Умр эса тугар оёқ остида,
Кафтдаккина ерда тугайди умр.
Шамол ўқий бошлар узун қасида,
Ечилар шу замон афсун ва сеҳр.

Одам қайта бошлар ўзин аслига...
...Ҳа, у олдин бир кафт, бир чимдим
тупроқ.

Бир ҳовуч сув эди, тиниқ, покиза.
Тоғлар баланд эди, йўл эди узоқ.

Тупроқдан ясалган зангор бир кўза,
Ниҳолга эгилиб қуяр эди сув.
Мен эса ҳаётга келмасдан бурун,
Настарин гул эдим, тонг каби сулув.

Туфилдим. Яшадим, гулистон бўлдим.
Баҳор эркалатди — кузларни севдим.
Умрни йўл дедим, узун йўл дедим,
Одамлар одимлар, гуллар дарахтлар.
Шу хаёлга узун йўлдек бойландим,
Ҳаяжон, кулфатдан, гоҳ қувонч, бахтдан...

. . .

... Ҳали ёз тугамай куз кирса бирдан,
Тугаса мен йўл деб ўйлаган умр.
Хазон ранги урган япроқлар билан,
Маъюс сирлашаман, пичирлайман хайр!

Хайр ёзим! Хайр гуллаган фасл,
Йўл ҳам тугаб қолди, юлдузлар сўнди...
...Янглишибман, умр йўл эмас экан,
Умр ёнаётган аланга-гулхан...

Ҳа, умр бу — ёнфин, гурлаган гулхан,
Гоҳ чарсиллаб қолар аланга олиб.
Гоҳ тутай бошлайди, зах тортган хазон,
Гоҳ қизарар чўғлар ёнмоқдан толиб.

Ўз вақтидан бурун куз кирди мана,
Боғлар алангаси — йиғлайди хазон,
Оёқлар остида гўё мунг, аза,
Кўнгил алангаси — йиғлайди армон.

Ҳазин хазонларни ким кўрган тонгда,
У оловга ўхшар — лекин тутайди.

Бутун ёз қўшиғи ғамгин оҳангда,
Хазонлар бағрида маъюс тугайди...

Куз кирди...
Бунчалар тез кирди...

1984 йил

ҲАР ТОНГ

Ҳар тонг отган сайин янги кун кириб,
Мен учун янгидан кашф бўлар умр.
Кеча ўлган бўлсам қайси бир гапдан,
Қайси бир азобдан тирилар сабр.

Айтгим келган сўзни айтолмай қолиб,
Бўғзимга тиқилиб алланималар.
Ҳақиқат ёлғонга айланиб қолиб,
Гўё тинч дарёда чўккан кемаман.

Тиниқ нигоҳларим хиралашгандай,
Иккиюзлиларнинг бир «мийиғи»дан.
Бардошу сабримга тилайман тўзим,
Ҳақиқат ва ёлғон оралиғида.

1984 йил

ТУН ДЕГАН ШУНЧАЛААР...

Тун деган шунчалар узун бўлурми?
Ёнган дилда шунча тутун бўлурми?
Ҳар оғриқ чувалган тугун бўлурми?
Саволларим кўпдир, умр эса ёлғиз.

Дил ўртанса кучинг кўзга етарми?
Баҳор берган қудрат кузга етарми?

Армонлар қаламга, сўзга етарми,
Қалам кўп, қоғоз кўп, умид эса ёлғиз.

Шохага илашиб қолган рўмолми?
Сочингми паришон, ёки хаёлми?
Қоғозга тўкканинг армонми, зорми?
Осмонда ой ёлғиз, Ерда мен ёлғиз.

Дарчага урилган шамолми, ёмғир?
Нолишлари ғамми, кулфатми, тақдир?
Ўнгми бу, ё тушми, тилсимми ё сир?
Дилдан орзу учар, осмондан юлдуз...

1985 йил

САВОЛ

Тупроқ билар отган одимдан,
Ёпиқ қолмас бирорта қилмиш.
Искандарнинг шохи борлигин,
Шамолларга ёйган-ку қамиш.

Шуни билиб туриб одамзод,
Нечун алдар бирини бири.
Ўйлаганин яшириб, ҳайҳот,
Қисқа қилар узун умрини.

Лекин билмас сўнгги макони —
Қабри айтиб турар жаҳонга:
Гул бўлиб тўғри сўз инсонни,
Сассиқ алаф бўлиб ёлғонга.

1985 йил

ОРТДА ҚОЛДИ

Ортада қолди ёмғирли кунлар,
Бунча олис бугун осмон ҳам.
Кетаяпман, ҳорғин, чарчаган,
Дармону куч кетган оёқдан.

Дам олишга на бир гўша бор,
Бўлса қани кафтдек бир соя.
Кундуз бедор, оқшом ҳам бедор,
Интиламан тошқин бир сойга.

Сувлар оқмас, йўқдир ўт-ўлан,
Интилганим сой ҳам йўқ йўлда.
Дил сўзлашар бир сароб билан,
Зумрад боғлар фақат кўнгилда.

...Ишонаман тугар бу бўшлиқ,
Жазирама сахро ҳам тугар.
Кўзларимга қуйилиб бир ишқ,
Кўнгил оппоқ умидни туяр.

Бу умиддан яшнар дилда боғ,
Юрак сезар ҳаёт лаззатин.
Кетар дилни озорлаган доғ,
Кўзлар топар меҳр, иззатни.

Унут бўлар барча машаққат,
Унут бўлар чарчоқ, кулфат, ғам.
Бор экансан меҳр-оқибат,
Бор эканман ҳаётда мен ҳам.

1985 йил.

ЁМФИР ҚУЙДИ

Қайлардандир булутларни келтирди шамол,
Ёмфир қуйди кўз ёшларим каби томчилар.
Юрагимга тинчлик бермас безовта хаёл,
Дарахтларга эса тинчлик бермас томчилар.
Ёғ ёмфиржон, қуй қаттиқроқ, тинмай ёғавер,
Табиатнинг биз билмаган сирлари талай.
Қувончларинг ёмфир билан улаш томчилаб,

Сен осмонни,
Мен кўнглимни бўшатиб олай...

1985 йил

ИШОНМАЙМАН

Ишонмайман, сенинг узунлигинга,
Деразам олдида мук тушган оқшом.
Кўнглим, ишонмайман бутунлигинга,
Ҳар дам, ҳар кунингдан қолар бир армон.

Толиққан нигоҳим бугун сенинг ҳам,
Ўткирлигинга ҳеч ишонч қолмади.
Қаламим, қоғозга ёзганинг мубҳам,
Шеърларинг кўнгилини юпатолмади.

...Унда ким учун бу куйиб-ёнишлар,
Оқшом бағридаги бу унсиз нола.
Ишонмайман сира, наҳот эртага,
Тонг наврўз элидан келтирса нома...

Ишонмайман, сенинг узунлигинга,
Деразам олдида мук тушган оқшом...

1985 йил

ИШОНАМАН ФАҚАТ ТУШЛАРГА

Ишонаман фақат тушларга,
Сизга ишонч қолмади ҳаёт,
Тушларимда ўзимни таниб,
Қайтар қалбга мақсад, куч, сабот.

Тушларимда дўстлар беғараз,
Бир-бирини йўқлар соғиниб,
Меҳр-оқибатли одамлар,
Кўпайтирмас кўнгили доғини.

Омон сақлар мени тушларим,
Сохта иззат, сохта ҳурматдан.
Сохта кулги, ҳасадга тўла,
Мулозамат ва оқибатдан.

Сенга ишонч қолмади ҳаёт.

1985 йил

КЕЛ, БАҲОРИМ...

Орол, сенинг бизни ташлаб кетганингми бу,
Изларингда оқ қумларни шамол учирар?
Ҳа, қумларинг тузинг билан шамол қўлида,
Лекин етим кемаларни қайга кўчирар?

Кемаларнинг энг охирги тўхташ жойи шу,
Тўлқинингга тўшларини боса олмаслар,
Ўз дардига ўзи чўкиб ётар кемалар,
Оқ чорлоқлар энди бунда ортиқ қолмаслар.

Баҳор келди, булутлардан бўшамас осмон,
Баҳорми шу, қушлар учмас чарх уриб бошда?
Баҳорми шу, ариқларда сувтўлиб оқмас,
Баҳорми шу, ойдин нури қани қуёшнинг?

Май, шамолнинг дарахтларнинг жонидан ўтди,
Куртаклари бўртган новда ожиз силкинар.
Наҳот баҳор сувларингда муз қотиб ўтди,
Нур ўрнига саҳарингда совуқ қор қуяр.

Ярми қуриб, ярми сўлган узун тераклар,
Яп-яланғоч қўлларини чўзган қайларга?
Қуёш ердан баҳорними, ёзни дарақлар,
Наҳот энди ўрдак, розинг қайтмас сойларга?

Баҳорми шу? Боғларингда абру найсонмас,
Кўз ёш каби аччиқ ва шўр бўйлар таралар.
Тепамизда кенг бағрини очган осмонмас,
Инграётган буталармас, етим кемалар.

Ҳеч бўлмаса борлигини сен билдир баҳор,
Қиш қорига ҳеч ўрин йўқ илиқ бағрингда.
Табиатда не бор, бари шу оқшом бедор,
Сен дуч бўлма лоқайдликнинг қаттиқ қаҳрига.

Бош кўтарсин мудраётган кўм-кўк ўт-ўлан,
Айюҳаннос солиб ўтсин момогулдирак.
Кел, баҳорим, бу ерларга иссиқ қон билан,
Илиб кетсин совуқларда музлаган юрак.

1985 йил

ҲОЛАТ

I

Кетмоқчи эмасман мен сени ташлаб,
Кўнгилсиз сўз билан дилингни ғашлаб.

Руҳим қазо эди, яшамаяпман,
Уни кўймоқ учун жой ахтаряпман.

...Агар етса бирдан вақти-соатим,
Жимжит қабристонга қўйма жасадим.

Билсанг шамолларда эрку ихтиёр,
Мен чексиз кенгликда у-ла қолгим бор.

Қабрим атрофида елсин шамоллар,
Тўрт ёғимдан келиб солсин суронлар.

Шамол учун йўқдир девор, дарвоза,
У уфқлар дардини қилар овоза.

Тонгда ойдан ойдин нур бўлиб қайтар,
Юлдузлар ҳақида нурланиб айтар.

Гоҳ яқиндан, гоҳо узоқ ёқлардан,
Салқин саҳарларда зумрад боғлардан.

Узун теракларнинг шивирларини,
Райҳон, атиргулнинг хуш бўйларини.

Соғинсам келтириб олдимга тўкар,
Ўғилларим бўлиб қабримни ўпар...

Булутлар ҳам йиғлар, туман ҳам инграр,
Ёмғирлар тўкилиб қабримни тинглар...

• • •
II

Неча ойким ёзолмайман шеър,
Айтилмаган сўзларим талай.
Ер айланар, ўқмас бошимда,
Кўнгил бўм-бўш бир карвонсарой.

Кет! Кет қалбдан чалкаш фикрлар,
Кетинг нохуш, хира хаёллар.
Ўз ҳолимга қўйинглар мени,
Сочларимга тегманг шамоллар.

Паришонлик сочларим иши,
Тушкунликдан эзилган юрак. —
Вужуд қақшар номаълум ҳисдан,
Яхшиликми? Ё ёмон дарак?

Ҳаётми шу, бунчалар ҳиссиз,
Қани баҳор талпинишлари.
Ёзнинг илиқ оқшоми қани,
Кузнинг тутаб, сўнг ёнишлари.

Қани қишнинг бир тутам куни,
Дийдиратган совуқлари йўқ.
Ҳолсиз руҳнинг нотавон уни,
Юрагимга қадалган бир ўқ.

Кет! Кет қалбдан чалкаш хаёллар,
Тарк этинглар дардкаш вужудни.
Ёзилмаган ёлғизим шеърим,
Нечун сен ҳам мени унутдинг.

1986 йил

ДАРДКАШ

Дардкаш вужуд, қани бугун юрагингни оч,
Ойлар тўлиб, қуёш кулиб бир қўшиқ айтар.
Кўзларимга нур бўлади, кўнгилга қувонч,
Билолмасман ойми, қуёш ранглари қайси?

Мовий рангни олиб кетар туман бағрига,
Куннинг тиниқ нурларини қизғонар булут.
Келаётган ғамни туюб вужуд оғриси,
Юрагимни тилка-пора айлайди сукут.

Бўшаб қолган боғлардаги хазонлар каби,
Бўшаб қолган юрагимда хаёллар гирён.
Бошга тошдай урилади кимнингдир гапи,
Зор-зор йиғлар, ёлғизланиб қолган ҳаяжон.

...Бунчалар кўп бу ҳаётнинг бурилишлари,
Гоҳида паст, гоҳда баланд олда сўқмоқлар.
Гапу сўзлар озайтирмас бу ташвишларни,
Кўзим ҳақни, яхшиликни излар, сўроқлар.

Кўнаверсам, кўрдим десам барин бахтимдан,
Умрми шу англамасам оғир-енгилни?
Келмай қолса айтар сўзим керак вақтида,
Тилка-пора қилгим келар бундай кўнгилни...

1986 йил

ИЛИНЖ

Ёмғир ёғди,
Кўз ёшлари муҳаббатимнинг
Боғу роғлар,
Тоғу тошлар
Бағрини эзди.

Кўз ёшларим
Дардларимга
Дош бера олмай,
Кўк майсалар,
Тош бағридан
Қўлларин чўзди.

Потраб чиққан
Майса эмас,
Умидларимдир.
Кўзларимга кўчаётган
Кўм-кўк бир севинч,
Дарахтларда бўртаётган
Покиза куртак,
Сўнаётган умидларга
Беради илинж...

ТУЙҒУЛАР СОВИГАН

Туйғулар совиган,
Фикрлар тинган.
Хаёллар чувалган,
Бош-оёғи йўқ.
Дафтарда қайси кун
Ёзилган бир шеър
Гўё кўзларимга санчилган бир ўқ.

Кел, юракни бўл сен,
Дардкаш сатрлар,
Тирқираб қон оқсин
Туйғуларимдан.

Қонлар илитмаса
Фикримни агар,
Мени тарк этади орзуларим ҳам.
Мени тарк этади,
Жумбоқ умр ҳам...

1985 йил

ҲАММАСИ КЕТГАНИ ЙЎҚ

Йўқ, қалбдан ҳаммаси кетгани йўқ ҳали,
Япроқлар ҳам бари хазон эмасдир.
Қисқариб кетса ҳам бу куз кунлари
Ой, юлдуз тунларга жондир, нафасдир.

Улар оқшомларнинг дардкаш синглиси,
Тонгларнинг мададкор дўстидир улар,
Чарчоқ кўзларимга ором қуйгучи,
Жафокаш кўнгилга чироқдир улар.

Шу сабабдир, сени чорлайман қишим,
Кел, дарчамга босиб совуқ юзларинг.
Менинг қайғуларим, дардим, ташвишим,
Қор бўлиб ёғсин-у, ёпсин изларни.

Балки шунда бари унут бўлади,
Кўнглимни ёритар қолган умидлар.
Бўшаган боғларга қорлар тўлади,
Бўшаган юрагим барин унутар...

1985 йил

МАНЗАРА

Оқшом тушаётир сен кетган йўлга,
Қоп-қора булутлар қайгадир шошар.
Зилдаин хаёллар ўрнашиб дилга,
Беозор юракда оғриқ уйғотар.

Сўнгра бўшаб қолар бу беҳол юрак,
Боғлар бўшагандай гавжум излардан.
Ҳаётнинг сўнгидан бергандай дарак,
Совуқ бир сокинлик ўтар кўзлардан.

Совуқ ҳаво билан қоп-қора туман,
Пардалар осади кўк ойнасига.
Бераҳм шамоллар ҳам аёз билан,
Урилар зим-зиё тун сийнасига...

1986 йил

КУЗ ЎТИБ БОРАР

Сезяпсанми, куз ўтиб борар,
Ўтиб борар ажиб бир фасл.
Қуйиб берди биринчи ёмғир,
Намхуш шамол эсди муттасил.

Йўл четида бўйдор қайрағоч,
Тонгда тўқди сўнгги япроғин.
Ким кутдйкан, мен каби узоқ,
Қалб дўстини, жону жаҳонин.

Эсладингми, шу кунлар бир бор,
Куз киргунча ўтган дамларни.

Мен йўлларга кўнглимни такрор,
Ёниқ ўйларимни тўкканим.

Бугун сокин, сарғайган боғда,
Кезиб юрар сирли бир нафас.
Сезяпсанми, кеч тушар чоғда,
Бўшаб қолар сўкмоқлар бирпас.

Жимлик чўккан гўшалар аро,
Инграб юрар ҳориган шамол.
Ёқавайрон ва мотамсаро,
Менинг ожиз умидим мисол.

Эшит, кузнинг мунг нидосини,
У кўнглимни такрорлаб турар.
Юрагимнинг муддаосини,
Тушунар у — ёмғир қуйилар.

Кўрмадингми, тунд булутларни,
Чўчитдими момоқалди роқ.
Куз киргани унутиларми
Титратганда ер-кўкни чақмоқ.

Нега, нега индамайсан ҳеч,
Ҳеч бўлмаса ўтди, де баҳор!
Қиш келганда балки бўлар кеч...
Ўртамизга ёғиб кетар қор...

1986 йил

ҒАМГИН ҰЙЛАР

Ғамгин ұйлар наво бұлиб шамолга ұтар,
Ва таратар бу құшиқни хазонли боққа.
Қушлар майин қанотларин силкитиб кетар,
Тушларимга ҳам кирмаган номаълум ёққа.

Сўнгра боғдан қайтиб қалбга кўчар у құшиқ,
Меникидир хаёлларнинг мунгли нидоси.
Ой эгилиб шивирлаган булоқлар тиниқ,
Тун ва кундуз орасида нурлар савдоси.

Менинг кўзларимга келиб тинар у құшиқ,
Тиниб қолар беҳаловат, безовта юрак.
Уфқлар-ку камалакранг нурларга тўлиқ,
Самовий туйғулар, кетинг, сизга не керак.

Сиз эмасми ора йўлда қолдириб мени,
Энди устидан куласиз отиб қаҳқаҳа.
Хазон ранги юзларимга кўчган у кунни,
Унутмасман, унутмасман бир дам, бир лаҳза.

Умидларга суянаман кўнгил малҳами,
У қалбимнинг уфқидаги парқу булутлар.
Ботаётган қуёш эса кўнгил алами,
Эски құшиқ дилга қайтар, қандай унутай...

Ғамгин ұйлар наво бұлиб шамолга ұтар...

1986 йил

БУЛУТЛАР...

Қоп-қора булутлар муштдай юракда,
Ўзин қай томонга уришни билмас.
Паришон хаёллар намхуш шамолдай,
Баргларга осилиб қолар бир нафас.

Шохалар эгилар то ерга қадар,
Ҳансираган тупроқ – ёнган вужудим.
Осмонга айланиб қолсам мен агар,
Ёмғирга бурардим барча умидим.

Томчи-томчи бұлиб қуярдим ерга,
Ниш урган ўтларга бахш этардим жон.
Сўнгра озод шамол, тонг билан бирга,
Чексиз кенгликларни айлардим макон.

Шарбат тўла боғлар, сўлим гулларнинг,
Чангу ғуборини бир-бир ювардим.
Уфқларга туташ узун йўлларга,
Камалак рангида камар бўлардим.

Булут бўлолмайман ерга ёғгучи,
Кўз ёшим бўшатар тўлган юракни.
Фақат умидлардир ҳаёт ёғдуси,
Кулфат ҳам, ҳасрат ҳам унга керақдир.

Дарахт, ҳар гиёҳни дилга боғлайман,
Узун тераклардан излайман далда.
Баъзан гувлаб турган боғга ўхшайман,
Баъзан япроқлари тўкилган толга.

Оёғим остида ингранган тупроқ,
Кўнглини бўшатиб йиғлаган осмон.
Ҳаммаси ўзимга таниш, яқинроқ,
Ҳаммаси ҳам менинг вужудимда жон.

Шундан булутларни юракка олгум,
Шундан баъзан осмон, баъзан тупроқман.
Барибир қачондир шулар-ла қолгум,
Шундан кенгликларга қадрдонроқман...

1986 йил

АМУГА

Кўнглим очган сайин хуш ёқар сенга,
Сувинга ёйилиб кетар дардларим,
Қайғум ҳам, кулгум ҳам фақат сен билан,
Бугун сен тўлмаган мовий дафтарсан.

Сен қачон тошасан, тўласан бот-бот,
Янги каналларни тўлдирганингдай.
Сенда орзу, сенда умид ва сабот,
Изингда яшил боғ қолдирганингдай.

Бағринг тўлиб турса, шу икки қирғоқ,
Жаннатларни чорлаб тургани турган.
Сен гоҳ сокинланиб, гоҳо тошароқ,
Ўзинг янги ерга урганинг урган.

Одамлар изидан қумларга сингиб,
Сувинг камаймоқда, ҳатто сезмайсан.
Ризқу рўз, насиба улашиб юриб,
Ҳеч кимдан ҳеч нарса тама қилмайсан.

Тўлқинларинг соғинч бугун Оролга,
Тортилиб кетмоқда соҳилин ташлаб.
Ям-яшил боғларни кўмиб саволлар,
Узун теракларнинг кўзларин ёшлаб.

Оқ чорлоқлар маъносилкитиб қанот,
Учмоқдалар узоқ бошқа соҳилга.
Сен Жайхун бўлиб тош, кўпир, мавжлар ур,
Орол қайтиб келсин кўҳна соҳилга.

Ўзга юртга кетсам насиба тортиб,
Сен балад тоғларнинг қорларини ол.
Тўлқинларинг мени етаклаб юрсин,
Кўнглим каби тўлсин, қайтмасин Орол...

ШОИРЛАР ҲАҚИДА

«Шоир халқи озроқ телба бўлади», —
Бирдан айтиб қўйдинг, ўйлаб ўйламай.
Сўнг ҳазилга буриб, дединг:
— Ўргатинг,
Мен ҳам бир қотириб қўшиқлар ёзай...
— Сен шоирлар ҳақида нима биласан?
Улар қандай яшар,
Сен ҳам яшаётган ушбу ҳаётда,
У ўтган лаҳзадан сен ҳам ўтасан,
Биламан, хулосанг:
«Яшаш — ҳаёт-да!»
Туғилган уй,
Кўчанг — ота ватанинг,
Қўни-қўшни,
Ёр-дўст,
Яқинларинг кўп.

Хотирангда узоқ қолмас кўрганинг,
Ўйлаб ҳам юрмайсан,
Чунки сенингча
Ўтган ўтди,
Кетган кетди-да....

Қўшнилари тез-тез сўраб йўқлайсан,
Чунки бордир яхши, ёмон кунимиз.
Дўстинг излаб келса гумонсирайсан,
«Бир гап бор, бўлмаса йўқдамас мени».

Етти ўлчаб, сўнгра кесишларинг бор.
«У топиб сўзлайди, айтар сўзини,
У-чи ишинг тушса, дарров битказар,
Бу керакли қилар доим ўзини...»

Давраларда эса,
Ёнингдагилар
Дарровпастан келса,
Кўнглинг тўлади.
Чунки сен бошқача...
Улар ўзини
«Камтарроқ тутишса тўғри бўлади».
Кийиминг ой сайин ўзгариши шарт,
Костюмга мос рангли галстук, кўйлак.
Туфли ҳам шунга мос...
Қолади фақат,
Аввалги ҳолича муштипар юрак.

Дарвоқе, юрак...
Ахир у эмасми ҳаёт компаси,
... Лекин мен биламан,
Сенинг кўксингда
Қўлингдаги япон соатича

Қадри йўқ унинг.
Тинглаб ҳам кўрмайсан
Безовта сасин,
Қоқилсанг-да ҳаёт баланд, пастида...

Чунки сен шоир, ё
«телба» эмассан...

...Шундайлар бор,
Агар жонидан сўйса
Севимли кўзларга термулиб туриб,
Унинг вужудини кўриб билади,
Ўтган кунини ҳам,
Эртасини ҳам,
Шу кўзларга қараб
Айтиб беради.

Ёрқин тилаклари,
Тоза туйғулари-чун
Туғилган кунларда
Тилла безак эмас,
Оддий қизил гуллар
Совға қилади...

Сен...

Сен ҳатто шуларни ҳис қилолмайсан —
Хотининг,
Қизчанга
Янги кўйлаклик,
Чиройли зар рўмол олиб келсан.
Ўйлайсан! Рўзғор бут,
Камчилиги йўқ.
Шуларни катта бир бахт деб биласан.
Чунки сен шоир, ё

«телба» эмассан...
Шоирлар-чи?
Сен шоирлар ҳақида нима биласан?

... Севиб қолса,
Ўзини унутиб севади шоир.
Севиб қолса,
Фақат уни эмас,
У келган кунларни,
У кетган йўлларни,
Сўнг узун тунларни
Севиб қолади...
У севса,
Қушларни тушуна бошлар.
Қалдирғочлар хурсанд,
Қумрилар маънос.
У севса,
Осмон бўйи ўсар дарахтлар,
Барча ранг йўқолар
Қолар мовий тус.
Қуёш қуёш эмас,
Парча ўт бўлиб,
Ўрнаша олади қароқларига.
Севиб қолса,
Тугён, ҳаяжонлари,
Қатма-қат бўлиб,
Ўтган умри қайтар юракларига...

Сен...
Сен шоирлар ҳақида нима биласан?
У кўрса,
Ўзини унутиб кўради.

Бошқаларнинг ўрнига доим
У ўзини қўйиб кўради.
Қийналганлар билан қийналиб,
Кимнингдир кичкина қайғуси учун,
Катта бир дард билан қуйиб билади.
Бахтни эса ҳашамларсиз
Тоза юракларда кўради...

У айтса,
Ўзини унутиб айтади.
Қийналиб кетса ҳам
Бирдан кўнгли оғримасин деб,
Ҳақ гапни ичига ютиб айтади.
Лекин бошқаларни шундай довдир кўрса,
Нега чайналасан,
Ундай эмас-ку деб,
Ҳар сўзини аниқ, тиниқ айтади...

Сен...
Сен шоирлар ҳақида нима биласан?

Сен уйингни ўйлаб ўтирган маҳал,
Унинг кўзларида яшайди дунё.
Сен ўз ташвишларинг қилломайсан ҳал,
У ўзга дардларга излайди даво.

Киндик қони томган оддий бўсагадан,
Бошланар унинг ҳам ота макони,
Лекин тўхтаб қолмас кўча бошида,
Улғайиб,
Кенгайиб борар Ватани...
Қанчалар қайғурса қўшни овулни,
Узоқ дўстини ҳам шунча ўйлайди.

Етти ёт бегона демас ҳеч кимни,
Ҳаммани тенг, бирдай қўллайди...

Оддий нарсалар йўқ унинг назарида,
Фасллар мўъжиза,
Инсон муқаддас.
Яхшилик кутади ҳар бир лаҳзадан,
Юракдан узилар ўтган ҳар нафас...

Бошқалар...
Бошқалар унутиб кетиши мумкин,
У унута олмас, унутиш офир.
Ўз ўқида эмас,
Унинг юрагида
Айланиб турган сўнг
Бутун бир замин...
Балки «телба» қилиб
Қўйгандир тақдир...

Сен...
Сен шоирлар ҳақида нима биласан?

1982 йил

ГУЛДАЙ ЯША

Кенгликларни қўмсаб тонг билан,
Тоғдан пастга интилади сув.
Сўқмоқларга ёйилар туман,
Ўрагандай сирли бир қайғу.

Сув келади, майсаларга жон,
Ниҳолларга куч эна бошлар.
Қуёшини порлатиб осмон,
Оташини улаша бошлар.

Нигоҳимни тортар бир чечак,
Сўлғин барги — маъюсдан маъюс.
Шамол недан бермоқда дарак?
Сувюзини қоплар мовий тус.

Кафтларини кенг очиб тупроқ,
Сувтутади ғамгин чечакка.
Баргларига солади қулоқ,
Суяб қўяр баланд теракка.

Топиб кучли мададкорини,
Чечак энди унга чирмашар.
Айтиб дарди, дил изҳорини,
Барглар қуёш нурын талашар.

Кўнглим, гулдай мададкоринг топ,
Гуллар сирдош, дўстдир одамга.
Айта олар ғамини ғамдай,
Қувончини ёяр оламга...

1986 йил

ЕР УЗРА

Ер узра қаламим текканда,
Тушуниб, тушунмай қувондим.
Қўлларим алифбе тутганда,
Ҳайратга айланди қувончим.

Билмаганларимга интилиб,
Кўрдим умидларнинг суратин.
Ахтардим, яхши сўз, яхшилик,
Шеърларга айланди ҳайратим.

1986 йил

ЭСЛАШ

Гоҳ, гоҳ...
Эсингизга тушар...
Кимнингдир,
Қачондир
Панд берганлари.
Кимнингдир.
Қачондир
Кўнглингизга тегиб,
Сўнг сиздан узоқлаб
Қочиб юрганлари.
Кимнидир сўкасиз
Ёмон одам деб,
Виждони йўқ дейсиз аллакимларни.
Катталарга ёқиш йўлин топган деб,
Қоралаб ташлайсиз
Яна кимларни.
Кимдандир ўпкалаб
Хўп гердайган деб,
Тулки, маккорлигин айта бошлайсиз,
Орасида, биз ҳам ой эмасмиз, деб,
Ёмон одатларни очиб ташлайсиз...

...Мен ҳам кўзим тиниб,
Ўйлай бошлайман.
Ўйлайман дунёнинг каму кўстларин
Бир даладан нон еб,
Бир дарёдан сувичиб юриб,
Икки сўзлайдиган баъзи дўстларни
Кўнгил оғриб кетар.
Қўйинг, дейман
Ўзгартирайлик гап мавзусини.

Яхшилар ҳам кўп-ку ҳаётда,
Улар босим эзгуликнинг тарозусида.
Қуёш чиқар шунинг учун ҳам,
Тунимизни ёритади ой.
Бир ёмон кўнглингиз қолдирган бўлса,
Ўнлаб яхши дўстлар кўтариб юрар...

Биз шуларни эслаб яшайлик,
Яхши қилайлик ният, тилакларни,
Ўзимиз ҳам.
Эртаги кунимиз ҳам тоза бўлади,
Эслаб яшасак фақат яхшиларни...

1986 йил

ҲАЛИ СЕНИ...

Ҳали сени чорламаган эдим,
Кутмаган ҳам эдим тўсатдан,
Ижозатсиз келиб қолибсан.

Ярашиқ бўларман, дедингми?
Ўримларим оралаб қўниб.
Оқ шуъладай гоҳ ёниб, тиниб.

Тўхта! Юрагимдан сўрагин,
Ўтли тугён кўзларимга боқ.
Қора сочларимга қўнган оқ.

Ҳали сени чорламаган эдим...

1986 йил

ДАРАХТЛАР ШОХИДА ОППОҚ ҲАЯЖОН...

(Қиш октавалари)

I

Туннинг изларига оппоқ пар ёпиб,
Энтикиб, ҳовлиқиб қор ёғаётир.
Кўзимга хаёллар оқ парда тортиб,
Тошқин ҳисларимга зар ёғаётир.
Булутлар орзу ва умидни ортиб,
Ер узра шошиб, такрор ёғаётир.

Қор зулмат бағрини тилар бетиним,
Қорлар гирдобида оқаради тун.

II

Боғда ёлғиз қолган турнага ўхшаб,
Оқшом изфирини кўчар қалбимга.
У жуфтини кутар шу ерда қишлаб,
Мен матонат, чидам тилайман унга.
Кўзи толар жуфтин йўлига қараб,
Нигоҳларин тикиб уфқлар ортига.

Турна қур-қурига қўшил туйғулар,
Тўлдир юрагимни оппоқ орзулар.

III

Мен ўқиб бўламан тонгдан эртароқ,
Ярим кеча қўлга олган китобни.
Тинчлан, юрак. Сени тарк этсин чарчоқ,
Қаршила уфқда чиққан офтобни.
У сенинг кутганинг тунлари уйғоқ,
Тонг сенга йўллади у моҳитобни.
Бошларинг устида айланар оқ қуш,
Сен қалбингни қийнаб ёзганларинг туш.

IV

Узун қиш тунлари қалбимга кўчар,
Нега бунча мушкул тонгнинг отмоғи.
Менинг нигоҳимда юлдузлар ўчар,
Ўчмас ой ёритган оқшом чироғи.
Деразам тагида оппоқ пар учар,
У қиш юрагининг дардли титроғи.

Яширмоқчи бўлиб совуқ қилмишин,
Заминга оқ чодир ёймоқда қишим...

V

Қор эмас, орзулар ёғар сўқмоққа,
Дарахтлар шоҳида оппоқ ҳаяжон.
Қиш ўрик гулларин сочибди боққа,
Оппоқ туйғулардан яйраб кетар жон.
Шафақ кулимсирар узоқ-узоқда,
Гўё у баҳорни кутади хандон.

Боғларда изфирин инграсин майли,
Сени севгум оппоқ ҳислар туфайли.

VI

Сен енгмоқ бўласан мағрур ва дадил,
Қаҳр ва ғазабнинг отига миниб.
Муз бўлиб қолайсан ерни, лекин бил,
Қаҳрингни парчалар қуёш кўриниб.
Сен тупроқ деганинг ўт, қайноқ кўнгил,
Аёзларинг сочма, бекор уриниб.

...Севаман баҳордан енгилишингни...
Ирмоққа сув бўлиб қўшилишингни...

УМРНИНГ ҲАМ

Шеърлар ёздим сенга бағишлаб,
Яшаб қол деб сатрларимда.
Шамол эсар кўнгилни ғашлаб,
Сочиб гуллар атирларини.

Беҳуш этар атиргул иси,
Беҳуш этган каби соғинчинг.
Мовий эди ёмғирлар туси,
Ўғирлаган вақтингда тинчим.

Бераҳмсан, хотираларим,
Ситамгарсан узоқдаги дўст.
Сенинг қилган жафонг сингари,
Умрнинг ҳам ситамлари кўп...

1986 йил

ЯНГИ ТОНГ

Юракдаги оғриқ сенинг сўзингми,
Ху, узилган шуъла менинг кўзимми?
Сўзларни, кўзларни тунларга боғлаб,
Мен нечун йўқотдим аниқ изимни.

Йил эмас, ой эмас, кунлар бўлинди,
Мен ўтган сарафроз йўллар бўлинди.
Қай томон юрмоқни билолмай бугун,
Кўнгил тилкаланди, ўйлар бўлинди.

Бўлинган орзуни ким ҳам тушунар,
Йўлу йилларимни бўлган ҳам шулар.
Соҳилига чиқсам Аму тортилиб,
Кўнгидай оғриниб тўлғонар сувлар.

Севганим толларим, сизни соғиндим,
Не учун қолмадим, сизни соғиндим.
Энди шивирингиз эшитолмайман,
Тиниқ орзуларим, сизни соғиндим.

Уфқларда турар узилмаган жон,
Бу менинг шеърларим — дилдаги туғён.
Адашсам ҳам яна интилаяпман,
Янги тонг қаноти чиққан полапон...

НАФОСАТ, НАЗОКАТ

Нафосат, назокат, нозик туйғулар,
Яхшилик, покиза, нурли орзулар.
Қайфият, севинчлар, алам, қайғулар,
Остин-устун қилманг кўнглимни менинг.

Кўзларимга кўчиб қолган оқ сўзлар,
Яшил сўқмоқларга босилган излар.
Жўшқин қўшиқ бўлиб янграган кезлар,
Остин-устун қилманг кўнглимни менинг.

Булутли, ёмғирли, туманли осмон,
Дардимга дард қўшган, тўлмаган армон.
Нозик ҳисларимга тутқин ҳаяжон,
Остин-устун қилманг кўнглимни менинг.
Яхшиликлар билан яшовчан умр,
Гоҳ севинч, гоҳ ситам келтирган тақдир,
Кулфату ғамларда қайтмаган шаштим,
Остин-устун қилманг кўнглимни менинг.

Унда бир туганмас тоза меҳр бор,
Ҳеч қачон бу сирни қилолмас ошкор.
Йўлига интизор, бахтга умидвор,
Остин-устун қилманг кўнглимни менинг.

ИККИ САККИЗЛИК

I

Наҳот ўчди биз ёққан гулхан,
Бир лаҳзалик ёмғир зарбидан.
Осмон тиниқ шишадай равшан,
Куллар қолди чўғлар ўрнида.

Қандай бахтли эдик иккимиз,
Шод кузатиб гулхан ёнишин.
Иккимизни ёндириб унинг,
Ўйламабмиз ўчиб қолишин...

II

Кетиб бораяпмиз бу йўлда,
Унутган, йўқотган нарсамиз бисёр.
Орқада унутиб қолдирганларни,
Олдиндан топишга ҳамма умидвор.

Ҳаммамиз шошамиз йўл бўйи,
Кўнгилда тўлмаган гўё илинж бор.
Ҳеч ким тўхтамас бир манзил ҳам,
Бу йўл ҳаёт — бири кам дунё...

1986 йил

МАКТУБ

...Сира хат ёзмайсиз,
Наҳотки сўз йўқ,
Наҳотки ҳеч гап йўқ,
Бир гаплашгали?
Нега жимсиз?
Наҳот кўнгил шунча тўқ,
Қайта қуриш бўлиб

Турган маҳали.
Наҳотки армонлар,
Бус-бутун бўлса,
Беадоғ баҳсларни,
Қўмсамасангиз?
Ишонмайман,
Бугун ой бутун бўлса,
Ва шунчаки ўтиб кетса,
Тун, кундуз...

Мен биламан,
Бизнинг кўқда ой ярим,
Тунларим эса
Узундан-узоқ,
Сиз ҳам мен сингари,
Ҳа, мен сингари,
Бу ҳақда ҳеч кимга
Айтмайсиз бироқ,
Қаранг,
Биз интилган мақсад ушалди,
Келди-ку баҳсларда яшаган дамлар.
Йўлини топганлар ярмида қолди,
Ўзин «қайта қура» ўша одамлар.
Айтинг, вақт отлардек елиб кетганда,
Кўп бўлдимиз бизнинг йўқотганимиз.

Бепарво бўлдикми яхши-ёмонга,
Тош каби қотдикми рост олдида биз.
Ҳаёт шу экан деб тинчидикми? Йўқ!
Айтишдик, тортишдик, қайта туғилдик.
Бизга ёлғонлардан отсалар-да ўқ,
Ростнинг синмаслигин, кучини билдик.

Яшадик оқ бўлиб виждонимизга,
Унга ёлғон-яшиқ қўша олмадик.

Меҳнат билан келдик бахт олдиға биз,
Унга кимларнидир орқа қилмадик.
Биз бахт деганимиз мана шу кундир,
Курашдик, айтишдик, қайтмадик сира.
Қандай кутган эдик ушбу бугунни,

Наҳотки Сизни тинч қўйса хотира.
Наҳот яшаяпсиз хотиржам, бироқ,
Дейсиз, не бўлса-да умр ўтар тез.
Мен айтсам унгача ҳали йўл йироқ,
Ҳали жуда узоқ қуёш ботар кез.
Гаплашайлик, дўстим, қуёш ботмасдан,
Келинг, бугун менга ўтиринг яқин.
Дилни сиз менга, мен сизга очмасдан,
Айтинг, қандай яшаб бўлади ахир.

1986 йил

ҚОЛИНГ МЕН БИЛАН

Булуғлар қаердан келдингиз бугун,
Қайси осмонлардан қувғин бўлдингиз?
Равшан кўзларимга тўлдириб тутун,
Ойдин уфқларни тўсиб қўйдингиз.

Турибсиз бунчалар тутоқиб, тўлиб,
Чексиз кенгликларга сифолмаяпсиз.
Рангингиз оқариб, хун-гирён бўлиб,
Кимнинг чангалидан чиқолмаяпсиз?

Барча дардингизни бир ёнга қўйинг,
Мен сизни аядим, жоним булуғлар.
Келинг, келинг, менинг бошимдан қуйинг,
Сиз сабаб азобим бугун унутай.

Ёғинг менинг кўнгил кенгликларимга,
Ўчиринг ўткинчи қийноқлар доғин.

Сиз-ла келган еллар мен билан бирга,
Ғамгин хаёлларга кўмсин дил боғин.

Осмон ҳам ёришсин ўйчан кўнглимдай,
Сиз ёғинг, тўхтаманг, тинманг бу кеча.
Тун менинг энг яқин, дардкаш синглимдай,
Қолажак мен билан сўнги дамгача.

Қуйиб-қуйиб ёғинг, беармон ёғинг,
Вужудимга сингиб қолинг мен билан.
Биламан, йўқ маълум қароргоҳингиз,
Маънос юрагимни айлангиз ватан...

1986 йил

КАЙФИЯТ

Нима бу кўкракни чангаллаб олган,
Қора панжалари совуқ ва хунук.
Недир айтмоқ бўлиб, сўнг қотиб қолган,
Туманлар тўзғийди хира ва сўниқ.

Не учун кўзимга тўлган шуъланинг,
Таъми бунча тахир, бунчалар аччиқ.
Юрак тортиб кетар орқага, ахир...
Ахир қайлардадир уфқлар очиқ.
Мен яшаш истайман, чекин ҳорғинлик,
Кел, кўнгилни тўлдир тиниқ туйғулар.
Тошлар орасидан чинқириб интиқ,
Музларни синдириб, ингранар сувлар...

Кел, қонимга қўшил уфқдан тушиб,
Узун теракларга жон бўлган оқлик.
Қара, пойларимда эриб бормоқда,
Яшаш истамаган тошдай совуқлик...

1986 йил

СИЗ ҚАЧОН ТУГАЙСИЗ

Сиз сирли хаёллар, тугайсиз чаққон,
Орзу-мақсадмисиз, ё ёлғон сароб?
Тоқати тоқ бўлиб оқарар осмон,
Кунлар қийналмоқда соатни санаб.

Новдалар шитирлар айтиб дардини,
Хазонлар ёнмоқни этмишлар талаб.
Ёмғирлар ювмоқда боғлар гардини,
Кўзлар қийналмоқда йўлларга қараб.

Кенгайиб кетгандай бугун осмонлар,
Қуёш кулиб чиқар ёмғирдан кейин.
Юзларим ёндираб ўт-ҳаяжонлар,
Кўнгил қийналмоқда соғиниб уни.

Сиз қачон тугайсиз, сирли хаёллар,
Юлдузлар тонгларда кетдилар учиб.
Юракка кўчгандай бетинч шамоллар,
Сўзлар қийналмоқда шеъримга кўчиб...

1986 йил

ХОТИРАЛАР

Хотиралар тинч қўймас,
Хаёлларда йўқдир эрк.
Кунларимни ўйласам,
Барча йўллар боши берк.

Ёзилмаган сатрлар,
Айтилмаган сўзларим.
Юрагимда эзилар,
Ўзимни изин излайин,

Қайда ўтган изларим,
Туман қоплар кўзларим.

Айтилмаган сўзларим,
Тўлдилингиз кўзларим...
Тўкилингиз қоғозга,
Айланингиз мен учун,
Тиниқ, аниқ овозга.
Айтилмаган сўзларим,
Тўлдилингиз кўзларим...

1986 йил

ДЎСТИМ

Дўстим,
Азиз дўстим менинг,
Кузнинг намхуш кунлари бошланди...
Майсалар маъюсдир,
Фунчалар мунгли,
Улар очилишин, очилмаслигин,
Ё фунчалигича сўлиб кетишин,
Ўйлаб қайғу билан ўтказар тунни...

Дўстим,
Узилган ҳар япроқ шохаларданмас,
Худди юрагимдан узилаётгандай.
Булутлар бағрига ёпишган титроқ,
Худди вужудимдан таралаётгандай.
Салқин-салқин еллар
Ўйларим каби
Туйғуларим каби совиётгандай,
Ҳарорати сўниб кетган қуёшни,
Оқ олмалар олиб қолаётгандай,
Тарк этгиси келмас кекса боғларни...

Дўстим,
Азиз дўстим менинг,
Совиб бораётган оқшом бағридан,
Йиғлаётган юдузлараро,
Шундан нафисроқ сўз топаолмадим.
Сени чорламоқ-чун бугун ёнимга,
Худди ўт тушгандай жонимга,
Ёниб кетаяпман дўстим...
Дўстим, азиз дўстим менинг,
Кузнинг намхуш кунлари бошланди...

ҲАЁТ ЎТАР

Ҳаёт ўтар, кунлар ўтади,
Озаяди умр кундан-кун.
Кўпаяди яна хатолар,
Кўпаяди билмаганларим.

Мен чиқолмай турган зинадан,
Рост баландга чиқиб боради.
Елкалари тушиб афтода,
Ёлғон пастга тушиб боради.

Эргашаман ростнинг кетидан,
Катта, оғир изини босиб.
У залворли, мағрур кетади,
Оёқларга зилдай тош осиб.

Мен қийналиб юқорилайман,
Енгил кўчар бирдан қадамлар.
Атрофимда аниқ кўраман,
Атрофимда яхши одамлар.

Атрофимда юрар эзгулик,
Янглишларни тўғрилаб, қўллаб.
Ҳаёт сен-чун бутун умрлик,
Мангуликка туради йўллаб.

Яхшиликнинг қўллари узун,
Яхшиликнинг йўллари оқдир.
Рост-ла ёнма-ён бўлиш қийин,
Ёлғон ундан ҳам қийинроқдир.

Ҳаёт ўтар, кунлар ўтади,
Озаяди умр кундан-кун.
Ёлғон қақдинг букиб кетади,
Рост қақдингни тиклайди бутун.

ЯНГИ КУН

Уфқлар бунча ёруғдир бугун,
Ҳузурига имлайди мени.
Қўлингни бер менга янги кун,
Ўзим олиб кетайин сени.

Сўнг яширин юракларимга,
Сочларимга қўшиб ўрайин.
Менинг меҳрим керакми сенга,
Осмон қадар қилиб берайин.

Нечун бунча типирчилайсан,
Қўрқма оловнафасларимдан.
Тизгинсиз ҳис-туйғумни бериб,
Бўшатайин қафасларингдан.

Сен озодсан тунни енгган мард,
Мен эркинман бир шоир қизинг.
Туфилажак кунга қасдма-қасд,
Қизил гулдай яшнайди юзим.

Бутунисан кичик умрнинг,
Юзларингдан севиб ўпаман.
Сен меники, менинг кунимсан,
Бахтдан тоғдай ўсиб кетаман...

Қўлингни бер менга янги кун,
Олиб борай дўстлар ёнига.
Жадаллашган ўй-хаёлларнинг,
Қўшиласан ҳаяжонига.

Қўшиласан қайта қурилган,
Лаҳзаларга, дўстлар ишига.
Янги куним, жонажон куним,
Яшаб қолгин юрт ташвишида.

Умр сени мақтаниш билан,
Қўшар тинчлик ва эрк изига.
Сўнг бошига кўтариб Ватан,
Улашади дунё юзига...

Қўлингни бер менга янги кун...

1986 йил

ЙЎҚОЛГАН ДЎСТЛИК

Биз дўстмиз дейишга топади имкон,
Тилига кўчмайди кўнглидаги гап.
Дўстликни ҳасадга қилди у қурбон,
Сўнгра сохталикни айлади талаб.

Дўстни йўқотди у ҳақни ёлғон деб,
Игнадай гапни ҳам туя қилган кун.
Учрашсалар фақат сўзга берди зеб,
(Эмган-да одамзод она хом сутин)

Ахир узун, узун умр ипига,
Узоқ йиллар билан уланар дўстлик.
Бир лаҳза етади узилишига,
Аралашса ёлғон ва тилёғламалик...

Йўқ, у душман эмас, душман эмас у,
Лекин ундан хавfli унинг қилмиши.
Сиртига чиқармай ичидагини,
Кўнгли гап бўлса ҳам кулиб туриши.

Душман ошкор қилар душманлигини,
Ўйларин яшира олмас ҳеч кимдан.
Улар йўқотдилар улуғ дўстликни,
Самимийлик, ишонч йўқолган кундан.

ДЎСТЛАРНИНГ КЎПЛИГИ

Дўстларнинг кўплиги зебу зийнатдир,
Безайди умрнинг басту бўйларин.
Дўстларнинг кўплиги обрў-шухратдир,
Ақлнинг чархидир дўстнинг ўйлари.

Дўстларнинг кўплиги кўнгил бойлиги,
Тўлдирар ҳаётнинг камисин-кўстин.
Қувончдан қувониб, қайғудан куйиб,
Ярим кўнгилни ҳам тўлдирар дўстинг.

Дўстлар юрагида гуллаган боққа,
Кўнгил дарё бўлиб оқса ҳам камдир.
Ҳар одамнинг шундай дўсти бўлмаса,
У бутун ҳаётда ярим одамдир.

...

Хушрўй атиргулнинг нафис бандини,
Ушласанг тикани оғритган каби.
Учрайди баъзи бир дўстлар ичида,
Тилда дўст, кўнгида бошқа матлаби.

У ёлгон юзини яшириб юрар,
Йўлларда қовлайди тўхмат деган чоҳ.
Ичидан кулса ҳам, ёлгондан қуяр,
Тоза виждонларга туширади доғ.

Ўйламаган пайтда бошга тегади,
У четдан ирғитган ифлос, қора тош.
Ўйлайман, шундайлар бўлмаса агар,
Қайси синовларда синалар бардош.

1982 йил

МАНЗАРА

Шамол.
Хазон.
Сарғайган боғ.
Қип-яланғоч новдалар.
Тўлган ойнинг юзида доғ,
Ёмғир тушар майдалаб...
Дарахт, шохда сўнги япроқ,
Ёлғизликдан дийдирар.
Ёмғир музга айланган чоғ,

164

Биллур кўйлак кийдирар.
Керак эмас зар кўйлаги,
Ўлдиради ёлғизлик.
Зор қақшайди барг вужуди,
Қарғайди совуқ кузни.
Кучай, шамол, эс қаттиқроқ,
Йирт сарғайган кийимин.
Пастда кутар илиқ ўчоқ,
Ва япроқлар уюми...

1986 йил

ЎЙИНГДАН НЕ КЕЧДИ

Ҳозир ўйингдан не кечди умидлим,
Паришон сочларим ўйчан ёздим мен.
Кутдим келишингни интиқ, умидли,
Шу кун сенга атаб шеърлар ёздим мен.

Хаёлчан сатрлар сирғалиб қалбдан,
Оппоқ варақларда хазондай учар.
Хазонлардай мунгли ўчиқ рангларга,
Фамгин нигоҳимдан хира ранг кўчар.

Шеър учун дард керак бўлса у кўзда,
Кўзимдан тўкилар, тўлади варақ.
Мендан аяганинг бир оғиз сўзда,
Қолди ёруғ кунлар ва ёруғ ҳаёт.

... Шу кун шеърлар ёздим мен сенга атаб,
Сен эса келмадинг, мени унутдинг.
Келди ҳали август бўлса ҳам кузак,
У мен билан сени интизор кутди.

Қуёш ҳарорати қайтмаган ҳали,
Ана, очилмоқда ҳозирги гунча.

165

Майин ку-кулайди саҳарда қумри,
Қайғуси қанчаю ҳасрати қанча?

Сен қулоқ тутдингми қумри сасига,
Дарчангдан бир қара, у қандай сайрар.
Совуқ шудрингларга чўмилган майса,
Қумри «хув-хув»идан исиниб яйрар.

Шу кун сенга атаб мен шеърлар ёздим,
Сен-ку ўқимайсан, эшитмайсан ҳам.
Қорайиб келаётган осмонга айтдим,
Ғамгин булутларга бўлсин деб ҳамдам.

Нечун индамайсан, момоқалди роқ,
Гулдираб чалмайсан қўнғироғингни?
Чақмоқларинг билан дилни ёритиб,
Уйғотмайсан мудроқ ўйлар тоғини.

Сирдош дўстим йўқдир сизлардан бошқа,
Булутлар соғинчим ортган карвонлар.
Осмон кенг кўнглимдир, дардимдир боғлар,
Гуллар — туйғуларим, қайғум — хазонлар.

...Ҳозир ўйинингдан не кечди умиддим,
Кузак шунча эрта тушдим, ахир.
Ҳали август, ҳали ёздан умид кўп,
Бунчалар бераҳм бўлмагин тақдир...

Шу кун сенга атаб шеърлар ёздим мен...

1986 йил

АЙТОЛМАДИМ

Айтолмадим дардларим сенга,
Юрагимни очолмадим ҳеч.
Орамиз ҳам узоқлаб кетган,
Баҳор ўтган, бўлса ҳамки кеч,
Тингла мени, кўзларимга боқ,
Мен сўйлайин, сўйлайин узоқ.

Мен сўйлайин, сўйлайин узоқ.
Шамол эсиб ёмғир қуйганин.
Гапга келмас тилларим бўлиб,
Кўкнинг ғамгин куйлаганларин.
Саволларим бежавоб қолиб,
Осмон толиб, юраклар толиб.

Осмон толиб, юраклар толиб,
Мен ёзимни йўқотиб қўйдим.
Ололмадим ўзимни қўлга,
Лекин барин яхшига йўйдим.
Тунлар узун, тонг отмаса ҳам,
Янги кунга бошим бўлди ҳам.

Янги кунга бошим бўлди ҳам,
Сўнг танидим ўзим ўзимни.
Сен қайтардинг мени ҳаётга,
Тоғиб бердинг ўчган изимни.
Ёмғирларга юзимни тутдим,
Кўнгилдаги дардни унутдим.

Кўнгилдаги дардни унутдим,
Бор экансан бир оғиз калом,
Бор экансан кичкина меҳр,

Ярим кўнгил тўлишди тамом.
Умр мени, мен уни топдим,
Фам юзига меҳрингни ёпдим.

Фам юзига меҳрингни ёпдим,
Келмасанг ҳам ёнимга майли.
Тиниқ фикрим, ойдин ўйларим,
Яхши сўзим сенинг туфайли.
Сен жонимда шеър тўла дафтар,
Ҳар сатрида бир чаман унар.

Ҳар сатрида бир чаман унар,
Қайтиб келар дарёларга сув.
Қайтиб келиб турналар учар,
Қайтиб келар юракка орзу.
Сен яшарсан кўнглимда менинг
Тўлдирарсан умримни менинг....

ЮРАК ЭМАС – ТОШ

Билсанг сўқмоқларда унган майсалар,
Ҳисларим эди.
Қадамларинг топтаб кетдилар уни,
Сўлдилар энди.
Дарахтлар қўлида кунга талпинган,
Умид ва армон.
Энди на қайтар у, на кунга етар,
Ўртада сарсон.

Юлдузлар юзидан тўкилаётган,
Нур эмас, кўз ёш.

Шуларни билмасанг кўксингда урган,
Юрак эмас — тош!

1986 йил

БЕГОНА БЎЛДИКМИ

Бегона бўлдикми бир-биримизга,
Ҳижрон изларига хазон тўшалган.
Юлдузлари сўнган оқ тунимизнинг,
Сени йўқотишдан кўрқиб яшарман.
Кўксимда тўлғонган юрак эмасдир,
Сен ярадор қилиб ҳолдан тойган қуш.
Сайрашга тили йўқ, учишга мадор,
Умр умр эмас, алғов-далғовтуш...

1986 йил

КЕЛМАСАНГ ТОНГ ОТМАС

Келмасанг тонг отмас, чиқмагай қуёш,
Мени эсламасанг эмас шамоллар.
Фақат булутларнинг кўзларида ёш,
Дераза ортида инграр хаёллар.

Бу бугун...
У кунни қушлар чирқиллаб,
Сирим ошкор этди ўзин тилида.
Кумуш новдаларда жийдалар гуллаб,
Атирларин тўқди юрар йўлингга.

Кўнглим сатрларга жойлай олмадим,
Бу қувонч сифмасди жумла жаҳонга.
Меҳримни кўнглингга бойлай олмадим,
Юлдуз меҳрим бўлиб чиқди осмонга.

У сенга термилар энди ҳар куни,
Оқшомлар узаяр, тонглар отмагай.
Ўтмайди лаҳзалар, ўтмайди умрим,
Бугун мени эслаб ортга қайтмасанг.

Келмасанг тонг отмас, чиқмагай қуёш...

1986 йил

ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизлик қийнаган ғамгин боғларга
Юрагимдай бўлиб тўшалар қуёш.
Сукунатга сирдош тоғу тошлардай,
Ўзин ошкор этмас сабр ва бардош.

Энди учрашмаймиз, бу менга аён,
Мен қолдим, сен кетдинг, ҳатто хайр демай.
Кузатди кўнглимдай қоронғи осмон,
Кўнгил дарёсига чўкмоқда кема.

Хатарли тўлқинлар чил-парчин қилиб,
Ҳалок қилар бўлди кўнгил кемасин.
Не учун ўйларим, орзумни билиб,
«Хайр кўришгунча энди» демадинг.

...Ёлғизлик қийнаган ғамгин боғларга,
Сўлган хазонларни ёйиб юрар куз.

Сен дом-дараксиз кетган ёқлардан,
Кўнгил дер:
Уз энди,
Умидларинг уз!

1986 йил

СЕН КЕТАСАН

Сен кетасан ҳозир мени қолдириб,
Кетасан булутсиз, ёмғирсиз ёққа.
Мен билан соғинчни, ғамни қолдириб,
Кетасан олислаб мендан узоққа.

Қувончли лаҳзалар ўтди бир зумда,
Ажаб. Айтолмадим бир оғиз калом.
Бари қолиб кетди армон, орзумда,
Ҳисуси ҳаяжонлар бўлдилар тамом.

Сўзлар кўмилдилар ҳаяжонимга,
Энтиккан нафасда қолди саволлар.
Булутлар ёғолмай қолди осмонимда,
Тарқаб кетди туман, хира хаёллар.

Вужудимда қолди катта, оғир тош,
Қолди оғриқ яра кўнгилга ботиб.
Кипригим намланган севинчми, кўз ёш,
Туйғулар бу ёшга фарқ бўлманг ботиб.

Сен кетасан ҳозир, мендан йироққа,
Қандай отар тонгим, ўтади куним.
Гар қийналиб қолсанг менсиз у ёқда,
Азизим, айблама, айблама мени...

1986 йил

ОЙ ЧИҚМАЙДИ

Ой чиқмас бу оқшом осмонга,
Бир-бир сўниб борар юлдуз ҳам,
Азобланар ҳис-ҳаяжонлар,
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Ташқарида зорланиб шамол,
Урилади деразамизга.
Киприкларга урилар савол,
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Қайда экан ўйларнинг сўнгги,
Оғриқ бўлиб ботар кўзимга.
Нечун келмас тушларнинг ўнги,
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Нечун менинг тоза меҳримни,
Англамайсан илиқ сўзимдан.
Остин-устун бўлган умрнинг,
Гуноҳқори фақат ўзингсан.

Икки томон айрилди бир йўл,
Йўл четида сарғаймоқда куз.
Баҳор қайтмас...
Бу пушаймоннинг,
Гуноҳқори фақат иккимиз.

1986 йил

ИШОНЧ

Бу йўлларни ўлчаш қийин,
Ўлчаш қийин, узундир,
Орамизни олис қилган,
Узоқ қилган ўзимдир.

Билолмассан ўйларимни,
Азобларим билмассан.
Қорачиқда қолган дардни,
Кўролмассан, кўрмассан.

Соғинчларим сенинг билан,
Ёнингдан ҳеч кетмагай.
На келишга, на кутишга,
Сенинг сабринг етмагай.

Ўлчолмасанг, билолмасанг,
Келолмасанг бирор он.
Ҳеч бўлмаса бу меҳрга
Ишон, азизим, ишон.

1986 йил

СОҒИНДИМ ДЕГАН СЎЗ

...Соғиндим деган сўз озлик қилади,
Интизорлигимни айтмоқчи бўлсам.
Йўллар бунча узоқ,
Бунчалар узоқ,
Ёнингга бир замон қайтмоқчи бўлсам.

Сени кўргим келиб ёруғ кунларнинг,
Кўзлари қоп-қора тунга боғланди.
Узун-узун йўллар уфққа тутшиб,
Туманга айланди, дардга айланди.

Мен ўша кунларни бир ёнга қўйиб,
Ёнингда қайтадан келиб дунёга.
Сўзларингга қулоқ солгим бор билсанг,
Бу истак энг улкан бахтдан зиёда.

Сени кўргим келар...



VI

“Мен сен ушун

яшайтман”

китобидан



*Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ шоири.*

АЁЛ ЮРАГИНИНГ НОЗИК ТУЙҒУЛАРИ

Қадимий Жайхуннинг Тўрткўл, Беруний, Манғит соҳилларида ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркманлар азал-азалдан аралшиб яшайди. Уларнинг ўзлари ҳам, дўстлари ҳам, тиллари ҳам аралшиб, қўшилиб кетган, баъзан уларни бир-биридан ажрата олмай қолади киши. Уларнинг бошқалардан ажратиб турадиган бир хусусияти — улар ўз она тилида сўзлаб, ёзиш билан бирга, атрофидаги ҳамма қардош тилларни, қочиримларни яхши билади, ҳаммасини ҳам эркин, шу тил имлосида ўқийди, тушунади, тинглайди, керак бўлса сўзлайди ҳам. Гулистон Матёкубова ана шундай халқ ичидан чиққан талантили шоира.

Тўрткўл қадимги Хоразм воҳасининг улкан маданият ўчоғида пайдо бўлган, қадимдан белгили эл. Унинг атрофида ҳозир ҳам Гулдурсин, Тупроқ-қалъа, Қирққизқалъа, Аёзқалъа сингари хоразмшоҳлар қурган кентларнинг баланд деворлари минораланиб, тарихий ўтмиш хаёлларига чўмиб, қуюқ туманларга чўкиб туради. Бу муқаддас диёр ота-боболаримизнинг қадим замонлардаги доно чўпчакларига бой, дунёга машҳур «Қирққиз» достонининг ва уни янги авлодларга етказган атоқли баҳши Қурбонбой жиронинг ватани. Бу жиронни Гулистон ҳам тинглаб ўсган.

Мени қувонтирадиган яна бир нарса — бу атрофларда, айниқса, нозик табиатли, сулув шоира қизлар кўп. Уларнинг номларини айтайин: тўрт-

кўллик Раъно Ромонова, Гулчеҳра Раҳимова, Саодат Ибадуллаева, Қурбонбика Юнусова, Мунаввара Юсупова, Зулайҳо Давлетова, Ўғилжон Нуруллаева, берунийлик Лола Хўжаниёзова, Эликқалъадан Зулейҳо Нурметова, Манғитдан Гулнора Матёкубова, Хонимжон Ражабова ва бошқалар. Мен Гулистонни шу юлдузлар чаманининг чўлпони деб атагим келади.

Гулистоннинг устози, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия шундай ёзади: «Менга Гулистон Матёкубованинг шеърлари айниқса ёқади. Шеърининг мисралари қалбининг алангаларидан ўтиб тургандай жонингизни иситиб ўтади. Мавзуи кенг, турли-туман ва бир-бирига ўхшамаган, лекин ўқиб чиққач биласизки, бу Гулистон Матёкубованинг қаламига мансуб». (Зулфия. Асарлар. VI жилд. 254 саҳифа, 1986 й.)

Гулистон назмда ҳам, насрда ҳам қалам теб-ратади. Республикамизда таниқли журналист сифатида белгили. Лекин у қайси жанрда ижод қилмасин, барибир, шоира. Унинг шеърларини ўқиганимизда, айниқса, лирикасидан шоиранинг табиати, жонюраги, руҳий дунёси изтироблари ва қувончи, умидлари ва армонларига чин кўнгилдан ишонасиз, ҳаммаси рост экан, дейсиз. Нозик аёл табиати, унинг инсон қайғуси билан қайғудош қалби, ҳаёт ташвишлари билан қайнаб турган тоза булоқдай тип-тиниқ.

Гулистоннинг ижоди билан мен аввалдан танишман. У ҳозирги замон ўзбек, қорақалпоқ шоирлари босиб ўтган машқ қилиш, эргашиш, изланишнинг машаққатли йўлларида ўтиб, ўзининг равон сўқмоғига чиқиб олди. Бу сўқмоқ гоҳ гуллар орасидан, гоҳ тонгги шудринга чўмилган майсалар устидан, гоҳ тошлоқ йўллардан, гоҳ иссиқ ва

ёқимсиз шамоллар орқали ўтиб, одамлар қалбига
йўл излайди. Гулистоннинг шеърларини уйнинг
деразасини сал очиб қўйиб ўқисангиз, шамол
кириб сизга шивирлайди. Бу Аму бўйларида
туғилган шоиранинг юрагидан тўкилган туйғулар
эканини билиб, беихтиёр унинг хаёлларига
қўшилиб, суҳбатлаша бошлайсиз. Бу Гулистоннинг
шеърлари! Мен талантили шоира синглимга ҳамisha
омад тилайман.

1993 йил

ЎҚУВЧИМГА

Дўстим менинг,
Сенга айтмай, кимга айтаман.
Чунки сен қўлингга олиб китобим,
Сатрлар дардига қулоғинг тутиб,
Кўзларинг гоҳ ёниб, гоҳида тиниб,
Кўнгил сирларимни ўқимоқдасан.

Шу дам мен ҳаётман,
Балки кетганман...
Бунинг фарқи йўқ...
Сен балки синглимсан,
Балки инимсан,
Балки тенгдошдирсан,
Ким бўлсанг ҳамки,
Менинг дўстимсан...

Дўстим менинг...
Билмоқ бўлсанг,
Мен шу бой ҳаётнинг ғариб бир жони.
Хотиржам дунёнинг
Тиниб-тинчимаган

Безовта, нотинч
Ўзин ўтга, сувга,
Уриб яшовчи
Бир ҳаяжони.

Қора кўзим,
Митти юлдуздай кўзим,
Кўрган яхшиликлар
Митти булоқдай
Тоза бўлиб, мунис кўнглимга ўтган.
Кўрган ёмонликлар,
Тошқин денгиздай
Бижғиган кўпигин кинин сачратиб,
Мени минг бор
Ўлдириб кетган...

Осмон қора тортиб,
Туманлар изғиб,
Юрган кечаларда,
Дардларим қолган.
Хато-пушаймонлар
Юракка ботиб,
Соғда ўйларимнинг
Тинчини олган.

Дўстим менинг,
Мен кўрган тонгларнинг,
Бир ёноғи оқ,
Бир ёноғи қора ёвузликлардан.
Мунис бир онанинг,
Фарзанд доғидан,
Қон бўлган жигари,
Минг тилка-пора,
Ёвузликлардан.

Мен кўрган қуёшнинг,
Бир нури ёрқин,
Ундан кимларнингдир,
Бағри бутундир.
Мен кўрган қуёшнинг,
Бир нури тутун,
Ундан кимларнингдир,
Бағри тутундир.

Бағри тутунларнинг
Йўллари қисқа,
Саломга узатган
Қўллари қисқа...

Дўстим менинг,
Гар мени тушунсанг,
Мен англаб ёзган,
Юракдан ўтказиб ёзган гапларни,
Бу дунёнинг пасту баландин кезган,
Узун-қисқа оёқлардан қолган изларни
Қандайин ҳис қилсам,
Қандай тушунсам,
Шундай таърифлайман,
Шундай ёзаман.
Ростларга ҳамдардман,
Вафога ҳамдам.
Ёлғон — тухматларга,
Бало-қазоман.

* * *

Бугун дўстим яна сен-ла биргаман,
Шу ҳаво,
Шу осмон,
Шу шамол билан.

Кенгликлар бағридан бирга қайтаман,
Ёнингга шу савол, шу хаёл билан.

Баҳорда ниш урган зумрад майсанинг,
Қўлларида қуриб улгурмай хазон.
Тошларга чўғ бўлиб босила бошлар,
Уфқлардан ёйилган офтоб — алвон.

Эндигина яшил ёпинган кенглик,
Юзлари қовжираб сарғая бошлар.
Осмон ҳам,
Шамол ҳам,
Қуёш ҳам порлаб,
Даштга олов пуркаб,
Ўт дамин ташлар.
Тинар бўзтўрғайнинг жарандор саси,
Тошларга ёпишар қўрқинчли садо.
Ва қотиб қолади узун йўлларда,
Қўлларини чўзиб саксовул — гадо.
Тугаб бораётган умрмикан, ё
Очилган лоланинг сўнгги нафаси.
Қовжираб тугаган майсалар янглиғ,
Сиқилиб тораяр кўкрак қафаси.
Шамол ўйларимни билгандай бўлиб,
Кўнглим дардларини англаб, тушуниб,
Ахтара бошлайди
Мангу уйқуни,
Излайди мен учун осуда қабр.
Ҳам тугар сарғайган кенгликлар аро
Ёруғга интилиб ягона умр.
Ҳа, дўстим,
Бу умр шундайин жумбоқ,
Қуёши шоҳга ҳам, гадога ҳам тенг.

Тонглари нур эмас, ўрар топишмоқ,
Нурлари вафога, жафога ҳам тенг.

Ёлғони ростидан баландда юрар,
Хиёнати устун имон — виждондан.
Баъзан бу иллатни яширмоқ бўлиб,
Нуқсон ахтарамиз айбсиз замондан.

Аслида замон бир баҳона боис,
Табиати шундай Одам Атонинг.
Ёвузлик, эзгулик,
Хиёнат, вафо
Этагидан тутган
Қадим дунёнинг.

Шундан ёлғону рост қўшилиб кетган,
Шундан яхши, ёмон оёқ остида.
Армон, умидларга қўлини силтаб,
Умр давом этар умр қасдига.
Кулфату азоблар,
Хато, пушаймон.
Каби кўпдир ҳали англамаганим.
Бу чала дунёнинг туганмас армон,
Чексиз умидларин тинламаганим.

Бугун мени сергак, ҳушёр торттирди,
Оқ билан қоранинг ўргатди фарқин.
Шундан дўстим дея фақат ўзингга,
Кўнглим очаяпман жафокаш халқим...

1987 йил

ҲАЛИ ДАФТАРИМНИНГ ВАРАҚЛАРИ КЎП

Ҳали дафтаримнинг варақлари кўп,
Очиқ турар кўнгил ойнаси каби.
Юлдузлари билан кўркам, ўктам кўк,
Мен-чун очиб қўйган деразаларин.
Оппоқ дафтаримнинг варақлари кўп.

Ҳаммаси меники чеки йўқ уфқлар,
Аччиқ, хира, қора тумани билан.
Қаранг, шошқин шамол кимнидир йўқлар,
Бу мен яхшию ёмоним билан,
Ҳаммаси меники чеки йўқ уфқлар,

Оппоқ дафтаримни тўлдирар бари,
Деразамга посбон дарахтларим ҳам,
Йўлидан ҳеч қайтмас дарё сингари,
Дўстлар билан гўзал гул бахтларим ҳам,
Оппоқ дафтаримни тўлдирар бари.

Яхши сўзлар учун асрай уларни,
Ҳали дафтаримнинг варақлари кўп.
Яшаб улгурмаган тоза кунларим,
Кўзим, юлдуз бўлиб варақларни ўп!

Яхши сўзлар учун асра уларни
Дўстлар, дўстлар учун асра уларни...

1987 йил

ЁРУҒ КУНЛАР

Тонг гўёки кўзларимда отиб келади,
Ёришади олам гўё вужудларимда.
Шамол ойдин шуълаларни тўплаб елади,
Қуёш чиқиб келар ойдин умидларимдай.

Инсон борки, унинг билан орзу, армон бор,
Шулар билан узаяди умр йўллари.
Шулар билан отмаган тонг, тоза осмон бор,
У инсонни орзу-умидларсиз қўймайди.

Болаларга кўчар экан кўнгилнинг дарди,
Бир ёнимда умид яшар мени қўллаган.
Нигоҳимга қўнса гоҳо азоблар гарди,
Армонлар бор, авайлаган, ёлғиз қўймаган.

Бу умидлар, бу армонлар сеҳрли нурдай,
Елкам узра чўккан тоғни йиқиб ташлайди.
Ўғилларим узун қилган қисқа умрнинг,
Йўлларим узун қилган қисқа умрнинг,
Йўлларида сонсиз ёруғ кунлар яшайди...

1987 йил

ЁНҒИН

Қўқда ёнғин, сувларда ёнғин,
Ёнғин юлдузларнинг бағрида.
Кел, бир учқун, мени ҳам ёндир,
Кул қил аламларнинг доғини.

Нафасларда ҳарорат қолсин,
Лаҳзаларнинг дардли ҳамдами.
Қалбим ёнсин, вужудим ёнсин,
Тўрт ёнимда оловнинг дами.

Ўргатди-ку ахир табиат,
Ўйнаб-кулиб, яйраб яшашни.
Нигоҳларни боғласа кулфат,
Булуғлардай тўлиб йиғлашни.

184

Қувончлардан гулларда яшнаб,
Баҳор бўлиб қирлар ошмоқни.
Ташвишларни бир томон ташлаб,
Дарёлардай тўлиб-тошмоқни.

Бугун менга ёнмоқни ўргат,
Юрак ёнсин, сўз ёниб кетсин.
Кўзларимни куйдиргучи дард,
Олов бўлиб шеъримга ўтсин...

Бугун менга ёнмоқни ўргат,
Яшамоқни берган табиат...

1987 йил

КЕЛДИНГИЗМИ ЖОНИМ ҚУШЛАРИМ

Келдингизми жоним қушларим,
Ҳали баҳор келмаган боққа.
Гул лаҳзалар тушга кираркан,
Муаттар ҳид урар димоққа.

Шошдингизми, жоним қушчалар,
Баҳор дея шошилдингизми?
Табиатда кўринмас кучлар,
Йўлладими биз томон сизни?

Гуллар эмас бодом шохида,
Ҳали қорнинг изи кетмади.
Ҳали шамолларнинг оҳидан,
Совуқ, музли нафас кетмади.

185

Ҳали йўллар қироқли, қорли,
Ҳали туман кўзни тутади.
Шуълалардан узилган зорни,
Шамол юлдузларга тутади.

Шошдингизми, жоним қушларим,
Кенгликларни соғиндингизми?
Энди баланд дарахтлар эмас,
Баланд уйлар қаршилар сизни.

Кўчамизнинг шундай ёнида,
Бола очиб яйрашиб такрор,
Қур-қурингиз ҳаяжонидан,
Яшилланиб, бўй олган чинор...

Бугун сизни қаршилай олмас,
Қанотингиз толмасин, қўнинг.
Меҳрни дил унута олмас,
Янги аср кирмоқда, кўнинг!

Бетон энди майсалар унган,
Тонга пешвоз чиққувчи сўқмоқ,
Замин, тупроқ бу даврга кўнган,
Тонглар оғир ингранар бироқ.

Титроқ чулғаб қанотингизни,
Қалбингизга тўлмасин туғён.
Бизлар очдик кенг бағримизни,
Юрак омон,
Орзулар омон.

Сиз келсангиз баҳор ҳам келар,
Учинг дадил, биз томон учинг.
Ҳали баланд чинорлар унар,
Умидларнинг омонлигичун.

Кенгликларга қуринг кенг уя,
Келинг қушлар, сизни кутамиз.
Қанотингиз толмасмин дея,
Чинор кўксимизни тутамиз...

1987 йил

ДИЛ ШИШАСИ

Қалқиб чиқинг хатоларим кўзимга тўлиб,
Тозалиқдан ҳам улуғвор айтинг, нима бор?
Келинг, дадил тилга кўчинг аниқ сўз бўлиб,
Янглишлардан дил шишасин босмасин ғубор.

Майли, пушмон бўлиб, мени азобга ташланг,
Қийинчилик бўлинг, майли, юрар йўлимда.
Иккиланиб турганимда мени ёлғиз ташлаб,
Ўтиб кетманг қурол бўлиб ғаним қўлига.

Нима бўлса, менинг билан, мен билан бўлинг,
Ахир сизни бошқа эмас, ўзим юбордим.
Энди сергак кузатяпман, ўнгим ва сўлим.
Чатнайди-ку дил шишасин босса ғуборлар....

1986 йил

ТИНЧЛАН ШАМОЛ

Тинчлан шамол, тўхта бирпас, аксинг туширай,
Аксинг чизай ўзинг каби нотинч сатримга.
Сени бирпас тинч кўрмайман, кўрмайман сира,
Тинчлан бирпас, қолма илҳомининг касрига.

Хаёлларим сенинг енгил қанотларингда,
Эркин-эркин парвоз қилар узоқ йўлларга.
Измингдаги ўзгарувчан булутларингдай,
Тўшаллади гоҳ сувларга, гоҳ гулларга.

Тинчлан шамол, новдаларни силкитмасдан тур,
Теракларнинг бўй-бастини чизиб олайин.
Кўнглимга синг, менинг билан бирпас хаёл сур,
Қийналмасанг сенинг билан мангу қолайин.

Ортиқ бахт йўқ, енгил-енгил шамол бўлмоқдан,
Уфқларда камалакнинг бағрига сингиб,
Қанотингда бир қадамдир яқин-йироқлар,
Яшар эдим эркинликнинг измига кўниб.

Тинчлан бирпас, ҳозир сени сатрларимга,
Яхши кўрган шеърларимга олиб киргим бор.
Хоҳи ўнгим, хоҳи тушим, токи тирикман,
Кўзим, сўзим, ўзим сендай бўлсам деб бедор,
Сени тоза шеърларимга олиб киргим бор.

Тинчлан шамол...

1987 йил

УМИД

Ташқарида ингранган кимдир,
Бошпанасиз шамоллар дайдир.

Осмон титрар, ёмғир қуймоқда,
Хаёлларми, кезар узоқда?

Парда тортар ойнага туман,
Шубҳа солар кўнгилга гумон...

Ёмғир билан томчилар умид:
Кут, Кут...
Кут, кут!

ЁМҒИР ҚУЙДИ БИРДАН

Ёмғир қуйди бирдан, боғларнинг ранги,
Чангу губоридан артилди тоза.
Ер-кўкни тутгандай бўлди оҳанги,
Кўнгил, сен олдингми кўқдан андоза...

Баҳору ёз ўтди, умр ўтмоқда,
Осмон-ку ёмғирдан кейин баркамол.
Куз ҳам подшоликнинг тахтин тутмоқда,
Узоқ қолмоқликни қилмоқда хаёл.

Кузнинг тунд чехраси менинг кулфатим,
Ёмғир томчилари кўзларим ёши.
Эшит, сен ҳам кузнинг мунгли суҳбатин,
Ҳам эсла, ёмғирдан сўнгги қуёшни.

Наҳотки унутсанг ҳаяжонларни,
Меҳр-оқибатни қилмай юз хотир.
Бизни яқин қилган сирли онлардан,
Наҳот эсламоққа ҳеч нарса йўқдир.

Сен ташлаб кетгандай, куз ҳам кетади,
Қанотлари толган кўнгил каптарин.
Мени ўртаб-ўртаб шеърга ўтади,
Сенга айтмоқ бўлган барча гапларим....

1987 йил

ХАЁЛЛАР ...

Хаёллар юракка ботади офир,
Туманлар боғларга боғланган каби.
Бунчалар чигалсан, чалкашсан тақдир,
Қаерда охириг, қандай матлабинг?

Кунлар қадим тарих баланд дарахтин,
Ожиз барги каби чирт-чирт узилар.
Қайда қувончларинг, қаерда бахтинг,
Жавобсиз саволлар қалбга тизилар.

Томирларингдаги қирмиз қон ичра,
Қувонч ҳам, қайғу ҳам тинади бир кун.
Ишониб яшадинг содда кучингга,
Севги, меҳр, ишонч, садоқат бутун.

Умр бутун, орзу-мақсадлар тўқис,
Не учун кўзларинг ҳамиша ғамгин.
Дарёлардай тошса туғён тўла ҳис,
Шодон қаршилайсан орзулар тонгин.

Тонгларда излайсан, ҳамон излайсан,
Умрнинг чалкашган чигалларини.
Текис йўлни қўйиб нечун кўзлайсан,
Офир, пасту баланд тош йўлларини.

Бу йўллар қаерга олиб боради,
Ким сени қўллайди, толсанг, йиқилсанг?
Бу йўлда қадаминг изи қоларми?
Яхшилик изласанг, яхшилик қилсанг...

Хаёллар юракка ботади офир...

1987 йил

190

КЎНГЛИМГА ҚУЛОҚ СОЛ

Сен бугун кўнглимга қулоқ сол,
Ҳам қара боғларнинг маънос юзига.
Кетма деб осилиб ёзнинг қўлидан,
Йиғлар япроқларин тўкиб изига,
Сен бугун қулоқ сол гуллар сўзига.
Дарду озорларин, кел, бўлишиб ол,
Сен бугун кўнглимга қулоқ сол...

Сен қачон эшитдинг бундай қўшиқни,
Дардли, сокин, ювош...
Гоҳ бирдан қистов.
Майинлик, дағаллик қўшилиб кетиб,
Қара, эриб борар тонгдаги қиров.
Олтин ранг тўқкандай боғларга биров,
Мунис оҳанглари юпатар ишқни,
Сен қачон эшитдинг бундай қўшиқни.

Сен қачон кўргансан бундай суратни,
Қара, осмон дардли кўнглимга ўхшаш.
Шамоллар ҳеч ерга сиғолмай дайди,
Офир булутларнинг ранглари ўчган,
Қара, ҳорғин қуёш қолмоқда кучдан.
Кўзларимга чизиб соғинчли дардни,
Сен қачон кўргансан бундай суратни...

Сен қачон кўргансан бундайин тушни,
Туманлар тўкилиб келар боғларга,
Сокин дарёларнинг оппоқ тўлқини,
Ўйларни оқизар ёшлик ёқларга.
Қирқ ўрим сочли қиз турар узоқларда,
Қўл силтаб кузатар ёшлик — оққушни,
Сен қачон кўргансан бундайин тушни...

Сен бугун кўнглимга қулоқ сол!

1987 йил

191

МЕН ЧИҚҚАН ЙЎЛ

Мен чиққан йўл ҳали жуда узундир,
Баъзан ортга қайтмоқ хаёллари бор.
Умид гоҳо ярим, гоҳо бутундир,
Иккилансам офир саволлари бор.

Мен чиққан йўлларда қизил гул унар,
Ушламоқчи бўлсам тикони ёмон.
Қийинчиликларга гоҳо дил кўнар,
Гоҳ юпатар, гоҳо йиғлатар армон.

Мен юрган йўлларда оқ қуёш чиқар,
Гоҳо орзуларнинг чеки кўринмас.
Гоҳ тунлар ой тўлиб, шуълалар тўкар,
Кийиклар беозор ўтлаб юрар маст.

Булутлар чекинар, туман чекинар,
Шамоллар тингандай бўлар шу дамда.
Ҳамроҳим шеърият деган бахт билан,
Қушлар далда бериб учар тепамда.

Йўлларнинг четида толлар чайқалар,
Қўлларин уфққача чўзар тераклар.
Камалак шафаққа сингиб йўқолар,
Йўл офирлигидай бериб дараклар.

Бу йўлларда кузнинг салқинлари бор,
Бор ҳали боғларнинг сарғайишлари.
Ҳали ёмғир қуйиб такрор ва такрор,
Эзар дарахтларнинг мунг, нолишлари.

Бу йўлда олмалар қаддин тиклолмай,
Кутаётганмикан, шохлари эгик.

Меваларин тўкса, мен юртга тутай,
Олма қад ростласин юртга кўз тикиб.

Турналар арғумоқ қуриб бу йўлда,
Учиб бораётир иссиқ ёқларга.
Бир умид уйғонар турна кўнгилда,
Қалбим ҳароратин берсам боғларга.

Бу боғдан ҳеч кимса қайтмаса ортга,
Қушлар бола очса, кетмаса учиб.
Улар безак бўлса оддий ҳаётга,
Офир дард улғайган юртидан кўчин...

Ҳали бу йўлларнинг баланд-пасти кўп,
Баланд-пастин гоҳо ёпади қорлар.
Нигоҳлар, оқарган кенгликларни ўп,
Совуқ шамолларга лекин ишонма.

Ҳали бу йўлларга келади баҳор,
Совуқ хаёлларинг эриб кетади.
Сен сира ҳовлиқма, шошилма зинҳор,
Ўтади, ўтади, бари ўтади.

Гуллайди бодомлар,
Довуччалар ўрик,
Бу йўлда анқийди жаннатнинг иси.
Ой узун йўлларга энг равшан кўприк,
Бу йўлда кўп ҳали битмаган ишим...

Ёнимиздан анҳор оқиб ўтмоқда,
Одамлар бепарво тингламас уни.
Анҳор чети майса, бетонланмоқда,
Айтгим келар баланд овозда шуни.

Бу йўлда гужумлар кафтини тутиб,
Уруфин сочмоқчи ариқ бўйига.
Бетонга урилар умидин ютиб,
Ўрмонлар киради туши, ўйига.

Қаерга тортилар Амунинг суви,
Қаерга чекинар мовийранг Орол,
Қаерда юртимнинг жаннат орзуси?
Кўпни ўйлантирар бу катта савол.

...Узоқ манзилларга кетаяпман мен,
Ўйларим тозадир, мақсадим тоза.
Билсамки қай юртнинг кўз ёшлари сел,
Бахтим бир бўлагин қилай андоза.

Бу йўлга чиққанам бутун юрт кўрди,
Кузатиб турибди дўст ҳам, душман ҳам.
Дейман, ортга қайтма, бўл, дадилроқ бўл,
Босган ҳар изингга шеърият ҳамдам...

1987 йил

. . .

Мен ўша кўчага қайтгим келади,
Тераклари баланд, толлари кўркам.
Салқин шамоллари майин елади,
Ҳар отган тонгида туғилар кўклам.

Мен ўша кўчага жуда қайтгим бор,
Йўлларимда ариқ тўла сувлари.
Кўз олдимда хушбўй гулли жийдазор,
Юракда ёшликнинг оқ орзулари.

Ўтган умрим менинг ўша кўчадир,
Ўша кўча менинг бугунги куним.

Жаннатга алмашиб бўлмас гўшадир,
Шу кўча отажак тонгдаги умрим...

1987 йил

ШЕЪРИЯТ

Сен менга мададсан шеърият,
Суянчиқ, таянчсан шеърият,
Жонсавил, бир оддий қизингга,
Туганмас қувончсан шеърият.

Биласан, шамоллар саҳарда,
Мен билан сирлашар яширин,
Сехргар бўлмасанг агарда,
Ҳаммаси қоларди яширин.

Ҳар баҳор турналар қайтади,
Мен интиқ йўлига боқаман.
Булутлар тоза сўз айтади,
Ҳовлиққан ёмғирдан уқаман.

Кўнгилда туғилар яхши сўз,
Яхшилик ҳаммаси сен билан.
Сен борсан сатрлар нақши сўз,
Сен билан юксалар гул Ватан.

Уқасан кўзларим намланса,
Кимнингдир етказган озорин.
Соғинчлар азобга айланса,
Ўзингга тўкилар дил зорим.

Мен сенга сирларим айтаман,
Дардларим бирма-бир айтаман.
Дўстларим чарчаса сўзимдан,
Ўзингга бир умр айтаман.

Сен дилга мададсан шеърият.

1987 йил

ОҚШОМ ФОШ ҚИЛГАН СИР

I

Юлдузли тун...
Салқин шамол, ёз оқшоми,
Узоқ овул
Икки уйда ўчмади чироқ,
Она нечун хавотирли, йўқ ҳеч ороми,
Уйга сифмас, қора тунга термилар узоқ.

Келинининг безовтали нигоҳларидан,
Гўё савол тўкилади бетоқат, ҳайрон
Алам, дарди сифмаётган дил оҳларидай,
Гоҳ кўқарар,
Гоҳ қораяр
Бўзарган осмон.

Она сира кўз узмайди теракли ёқдан,
У уйда ҳам чироқ ёниқ, безовта бир ҳол.
Ит ҳам чўзиб увиллайди қўшни чорбоқда,
Икки қўли тиззасида она-да бир ҳол...

У уйда ҳам чироқ ёниқ, бориб келсами,
Койиб, сўкиб олиб келса бебош ўфилни.
Тонг ҳам энди зориқтирмай ота қолсами,
«Наҳот онанг қайғулари учун туғилдинг?»

Қайда қолди ахир она ёлғиз армони,
Келин тушса уйи тўлиб қолар дерди-ку.
Қайдан билсин дарё каби ўглин тугёни,
Тўйдан кейин ичга сифмай тошиб кетди-ку.

Тошиб кетди...

Айбли эмас биргина ўзи:
«Аввал уйлан, кейин бир гап бўлар кўрамиз».
Бу ўгитлар ахир фақат онанинг сўзи,
Ёлғизгина она сўзи, ўфил ҳам ёлғиз.

«Тонг отсин-чи, майли келин, бор энди ухла».
Она қўли қалтиради, мушти тугилди.
Тиззасидан дармон кетиб чўзилди ерга,
Ғамгин дарддан қовоқлари оғир юмилди.

II

Ёз оқшоми...
Бу уйда ҳам чироқ ўчмади,
Бахтдан тўлиб ёнган кўзлар тикилар тунга.
Онасини ранжитса ҳам сира кечмади,
Кечолмади шу меҳрдан бағри бутун-да.

Ой бўзарар...
Дарахтларнинг шитир-шитири,
Қайлардадир шамолларнинг безовта саси.
Нечун энди очолмади олдин бу сирни,
Сир!
Ичига қайтиб кетар йигит нафаси.

...Яноқдаги томчи ёшлар дурми, ё юлдуз,
Кўз ёшларга ювилганми бу сирли дунё.
Кўз ёшлар-чун туғилганми ахир сулув қиз,
Кўз ёшларга фарқ бўлсинми бу умид, армон?

Қора сочлар тўлдиради оппоқ елкани,
Меҳр билан силар уни оғир, дағал қўл.
Уфқ дарё...

Кема келар оппоқ елканли,
Чақиради иккисини узун-узун йўл.

Йигит оғир хўрсинади, тилга келмас гап,
Қандай топсин юпатгучи, илиқ сўзларни.
У томонда ўғлин кутар онаси титраб,
Ҳам ёш келин, ёшга тўлиб ғамгин кўзлари.

III

Ёз оқшоми...
Икки уйда ўчмади чироқ,
Ошкор бўлди узоқ йиллар яширинган сир.
Келин билар, энди бахтнинг йўллари узоқ,
Она куяр, умидларин ўчирди умр.

Тонг яқиндир, кўкни ёруғ қуёш тўлдирар,
Рашк оғриғи тўлдиради келин кўнглини.
Она дилин тошдай қаттиқ бардош тўлдирар,
Йигит кўнгли икки ёққа кетар бўлиниб...

Ёз оқшоми...
Икки уйда ўчмади чироқ,

1987 йил

ОРТДА ҚОЛДИ

Ортада қолди ёмғирли кунлар,
Бунча олис бугун осмон ҳам.
Кетаяпман ҳорғин, чарчаган,
Дармону куч кетган оёқдан.

Дам олишга на бир гўша бор,
Бўлса қани кафтдек бир соя.
Кундуз бедор, оқшом ҳам бедор,
Интиламан тошқин бир соя.

Сувлар оқмас, йўқдир ўт-ўлан,
Интилганим сой ҳам йўқ йўлда.
Дил сўзлашар бир сароб билан,
Зумрад боғлар кўнгилда.

...Ишонаман, тугар бу бўшлиқ,
Жазирама саҳро ҳам тугар.
Кўзларима қуйилиб бир ишқ,
Кўнгил оппоқ умидни тугар.

Бу умиддан яшнар дилда боғ,
Юрак сезар ҳаёт лаззатин.
Кетар дилни озорлаган доғ,
Кўзлар топар меҳр, иззатни.

Унут бўлар барча машаққат,
Унут бўлар чарчоқ, кулфат, ғам.
Бор экансан меҳр-оқибат,
Бор эканман ҳаётда мен ҳам.

1987 йил

КУЗ СОНЕТЛАРИ

I

Баргларин тўкмоқда дарахтлар яна,
Яна боғ-роғларнинг сарғайди ранги.
Мен жим ахтараман хазонлар аро,
Йўқотганларимни, яшил оҳангни.

Қани у топ-тоза, тиниқ, кўм-кўк кун,
Қани овозингдан титраган юрак.
Қани, отаётган тоза тонг учун,
Барг ёза бошлаган покиза куртак.

Ҳарорат алмашар сукунат билан,
Тиниқ бир ҳорфинлик қуёш, ойда ҳам.
Юр кенгликларга деб қистаб қўймаган,
Илиқ шамолларим қани, қайдасан.

Тонгларда қоларман, дея ўйлаган,
Нурлар бугун хира ўйни ҳайдасин.

II

Анорлар кўксини ситади севинч,
Жилмаяр кўрсатиб ёқут тишларин,
Шоҳдаги охирги баргда бир илинж,
Шамол учирмасин бор соғинчларин.

Уфқ қизаради кундан ранг олиб,
Атиргул барглари хомуш сирғалар.
Алвонлана бошлар қировда қолиб,
Жийда қулоғида қирмиз сирғалар.

Боғлар гўзаллиги кўчар саватга,
Дастурхонлар кўрки очилар бирам.
Ишкомлар қайишар офир шарбатдан.

Оёқлар остида хазонлар гилам,
Тераклар қилт этмас қотиб ҳайратдан,
Наҳот биздан шунча тез кетса кўклам.

III

Кечаги куртақда бугун оқ олма,
Бунча тез ўзгарар боғлар ҳаёти.
Ё олдинга кетмас, ё ортда қолмас,
Бир лаҳза тўхтамас ҳаёт соати.

Юрагим, шу соат монанд бўл сен ҳам,
Тинма, ўз ҳолимга қўймагин мени.
Тоғда — куз, лекин сен, сенда ёз, кўклам,
Кузни қўй, сен мени ўйлагин, мени.

Сен мудом қайнаган ҳисларга ҳамдам,
Совуқ туйғулардан асрагин мени.
Боғлар ўзгарди, ўзгарар одам,
Сурон билан келар хазонли кезлар,
Сен куздан четда бўл, ўзгарма ҳеч ҳам,
Қара, ҳеч ўзгармас кўкда юлдузлар.

IV

Шамол шамолларнинг қўлидан тутар,
Боғларга етаклаб келар бир-бирин.
Майсалар майсага елкасин тутар,
Уларни авайлаб айланар замин.

Тераклар қўлидан сирғалиб қуёш,
Ям-яшил ўтлоққа сингиб кетади.
Бирдан тарк этади боғларни бардош,
Ҳаммасини мезон олиб кетади.

Яланғоч боғларни тушида кўриб,
Ҳовлиқиб уфққа чиқар юлдузлар.
Еллар нафасидан туман тўкилиб,

Қисқариб кетади узун кундузлар.
Қуёш ҳам қизғона бошлар нурларин,
Шамол ечинтирар дарахтларни.

V

Чақнаган чақноқнинг кулгусин кўриб,
Олтинлана бошлар яшил япроқлар.
Шамоллар уларни бандидан узиб,
Дарахтлар пойига келтириб ташлар.

Тонгларга қўлларин узатган кўйи,
Тўлдириб-тўлдириб зумрад кафтини.
Новдаларга берар бутун ёз бўйи,
Япроқлар оловдай офтоб тафтини.

Кунда бир яшнайти мовий ғўзалар,
Саратон ўт пуркаб куйдиrolмайди.
Дехқоннинг ардоқли меҳридан улар,

Очилар, кўксида армон қолмайди.
Чақнаган ҳар чаноқ баҳор қизидир,
Улғайгач чаноққа сифмади ахир.

VI

Юлдузни яшириб битта-битталаб,
Қуёш ўзи чиқиб кетар шафаққа.
Лўппи кўсақлардай тўлишади қалб,
Мовий маржонларга тўлар бутоқлар.

Салқин ёноғини эгатга босиб,
Бўғотлар бошида жимирлайди сув.
Шамол қанотига фулғула солиб,
Боғларга тўкади безовта туйғу.

Субҳидам узатган биллур шудрингга,
Лабларини тутиб очилар ғунча.
Барглар салом бериб узилар, кунга,
Бу ёз очаётган сўнгги тутунча.

Туғаб бораётир ёз имконлари,
Тўкилиб баргларнинг ҳаяжонлари.

VII

Олмалар севинчин тўкар этаклаб,
Кўкда юлдуз базми, олмазорда тўй.
Барглар чапак чалар нозли, эркалаб,
Булулар, бир фурсат дағдағанни қўй.

Сен тонгда қуёшни тўсганинг билан,
Йўқота олмассан ер ҳароратин.
Бугун у кўкдамас, ерда дафъатан,
Ошириб боғларнинг буюк қудратин.

Неки яшил кийган бўлса ёз бўйи,
Бугун эғнидаги қуёш либоси,
Анжир лабларида асалнинг ўйи,
Бу ўйлар орзуга айланиб қолсин.

Ёз бўйи ол қуёш ерга сингдади,
Ундан яна янги баҳор унади.

СЎЗ ҚЎШИҚҚА АЙЛАНАР...

(Ривъера боғида)

Шаҳар ўртасида бир кўркам боғ бор,
Сўқмоқлари равон, ҳусни беғубор.
Дарахтларнинг барги зумрад, забаржад,
Шамолларнинг жони шу боғга пайванд.

Озгина жилмайиб кулса гунчалар,
Олқишга кўмади бийрон қушчалар.
Барглар шивирлашса орам топар жон,
Не орам, вужудга қуйилар дармон.

Булутларни сермаб олмоқ қасдида,
Арчалар юксакка ўсар шахт ила.
Оппоқ шокосасин тутиб чеккада,
Магнолия ўсар қуёшга қадар.

Бир хиромонида товус қушларнинг,
Ўғирлаш шашти бор эсу ҳушларни.
Шохаларда сакрар шўх олмахонлар,
Кўрмай ўтган бундай жантни хонлар.

Фавворалар сочса тиниқ сувларин,
Камалак ранглари қучар уларни.
Гуллар жилосидан қамашади кўз,
Қўшиқ бўлиб учиб, яйраб кетар сўз...

Сочи, 1988 йил

КУРАШЛАРДА ЧИҚСИН ЖОН

... Яна тушларимга кириб чиқдингиз,
Тун бўйи ёнимда юриб чиқдингиз.
Менинг азобларим билиб чиқдингиз,
Қийин кунларимнинг таянчи отам.

Инграр оғриқлардан қалбим кўзлари,
Неча ой тарк этди мени сўзларим,
Ўзимдай эзилган бир шеър изладим,
Оғир ўйларимнинг юпанчи отам.

Сизни кўриб қалбга шеър қайтиб келди,
Ҳеч ким эшитмаган сир қайтиб келди.
Вужудим тарк этган умр қайтиб келди,
Кўнгил саройининг чўнг ганжи отам.

. . .

Ота, бу кунларки, бир алғов-далғов,
Ким дўстини сотар, ўзини биров,
Қуёш нурин эмас қуяди олов,
Кимлар куйиб борар, ким омон ота.

Устинг бутун, қорнинг тўқ деб дўқ уриб,
Ўзлари саройдек уйларни қуриб,
Бир эмас, икки-уч мошинда юриб,
Бузилди сиз тузган замон отажон.

Тинчи ҳам бузилди, юрт алами кўп,
Азоб-уқубати, қайғу-ғами кўп.
Ишончсиз, журъатсиз юрт қадами кўп,
Осмон ер, Ер бўлди осмон отажон.

Халққа ваъда, ўзига амал бўлашар,
Бахт, умид ўрнига шамол бўлашар.
Орзулар шу дея, хаёл бўлашар,
Адолат, тенглик йўқ ҳамон отажон.

Етмиш йил бу сизнинг умриниз эди,
Қай тонмонга қараб кетар халқ энди.
Ким белин бойлади кимлари кўнди,
Мен кўнолмайман бир он отажон.

Оролимиз кетди, келди ғам-кулфат,
Уй сайин бир тобут элга маломат,

Айбдорлар «йўқ», лекин кўп гапу гийбат,
Кулар устимиздан жаҳон отажон.

Майли тушларимга кириб туринг сиз,
Хато қилсам йўлга солиб туринг сиз.
Далда бериб туринг, койиб туринг сиз,
Курашларда чиқсин бу жон отажон...



VII
“Йўлларга
Ўқидим”
китобидан



БИЗ БИЛАН ҚОЛГАН УНУТИЛМАС ДАМЛАР

Қишнинг қирчиллама чилласи бошида истиқ-
лолнинг янги ялови ҳилпираб, ҳар тонги ўзининг
янги мадҳияси билан бошланадиган Ўзбекистонда
сурункасига қуёшли кунлар бўлди. Ўз ҳолича
кексарган дарахтлардан тўкилган хазонлар ҳам
тиллоранг, замона зайли туфайли ташвишлари,
юмушлари бир қадар вазминлашиб қолган
одамларнинг чеҳраларида кўтаринки руҳ,
рўшнолик, охир-оқибат, эришганлари мустақиллик
сурури дилларни нашъага тўлдириб юборди. Наво-
ий ҳазратларига қўйилган мумтоз ҳайкалнинг
нилий гумбази истиқлолнинг ёрқин истиқболлари
каби Осиёмиз осмонининг мусаффолиги, шарқ-
ликлар маънавиятининг юксаклиги, абадияти
рамзи бўлиб узоқ-яқинлардан кўриниб турди.

Ана шундай рўшнолик кунларда Биринчи
Президентимизнинг саъй-ташаббуслари ва шахсан
иштироклари билан Тошкентда Қорақалпоғистон
Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтди. Бу
унутилаётган қадриятларимизни тиклаш бобидаги
муҳим ютуқларимиздан бири эди.

...Қорақалпоқ халқининг қадим ва узун
йўлларида босиб қудратланиб келаётган адабиёти
ва санъати ўзининг янги, ёрқин босқичини намоён
қилди. Кенгликларга Орол ва Аму оша назар
солсангиз, турган-битгани тарихий қўрғонлар
овозини эсга соладиган бир қадар мунгли, аммо
киши руҳини қувватлантирадиган қўшиқларининг
дилимизда ҳарорати, фаройиб Ҳумо қушлари ва
кийикларнинг зийрак, жозибали ва чақмоқдек
ҳаракатларидан оройиш олган рақслар, мўйқалам
усталарининг ўчмас бўёқларида юз очган ҳаётнинг

турфа лавҳалари худди ҳозиргидек дийдамизда
суврати ҳамон руҳимизни сеҳрлаб турибди.

Ҳар сафарги бундай учрашувларда халқ
маданияти ҳаминша юксалишда, маънавиятлари
камолотда эканлигидан қувонамиз. Анча вақт-
ларгача ўша учрашувларнинг нашъасида яшаб
юрामиз. Санъатнинг ўша чаманидан дилимизда
гуллар дасталаймиз. Бу гуллар мовий, қизил,
сариг, яшил... бу гуллар юз хил, бу гуллар минг
хил... улар бир-бирини тўлдириб, яхлит чаман
бўлиб, латофати, мафтункорлиги дилимизда дўст-
лик ифтихорини уйғотади, кўксимизни улкан ва
сирли кўрғонлар каби баланд кўтаради. Зеро,
илдизлари тутшиб кетган бу улғу қўрғонлар,
бўйчан тераклару ўйчан чинорлар, боғлар, адир-
лар, туёқларидан ўт чақнатиб уфқдан-уфққа
отилиб яйраган кийиклар галаси пойидаги заминда
меҳрлари чегара билмас дўстона халқлар яшайди.

Зеро, қорақалпоқ жирови жирлаган «Алпамис»
билан ўзбек бахшиси куйлаган «Алпомиш» бир-
биридан гўзал, бири биридан моҳир, бир оламнинг
икки палласи янглиғ ўхшаш баҳодирномаларидир.
Ҳар икки дostonдан сел-сел қалбингизда сиз эъти-
қоди ягона алпомишлар миллатини аниқлашга
эҳтиёж сезмайсиз. Ўғилларимиз Алпомишга ўх-
шагиси келса, қизларимиз руҳида гўзал ва алп
Барчиннинг жасорати ва садоқати тўла қиёфаси
яшайди.

Эзгуликларга она ўзбек, яхшиликларга доя
қорақалпоқ, мўъжизакор қўш дарёемиз Аму ила
Сирни, интиҳо ваҳимаси кўксигача забт этса-да,
тўлқинларни тарк этмаган оппоқ чорлоқларнинг
умидбахш қўшиқлари элитган, аммо ҳушёр,
донишманд Орол қирғоғини тузликлар кенгай-
тириб бораётган ва бизлардан имдоа сўраб,

мадад кутиб яшаётган Орол ўтли сахронинг оловли шамолларида эгилиб-букилса-да, қуёшга интилишга куч топган чайир ва забардаст саксовуллар, Ошиқ Фариб ва Мастпошшалар ғоз овлаган Оқчакўлнинг қиёқлари, Бойсуну Қўнғиротнинг беадад яйловлари, дашту сахроларнинг идизлари оёғимиз остидаги она заминга сингишиб кетган томирдош, қондош, қариндош Қорақалпоқни ўзбеклар ўзининг бошкенти муаззам пойтахт Тошкентга хуш келибсиз деб кутиб олди.

Халқимизнинг бир-бирларини, айниқса, тўю шодиёналарда эзгу тилаклар, яхши сўзлар билан қутлаб, куй-қўшиқларини баҳам кўриш одатлари жуда қадимийлиги ва ҳамиша ёрқинлиги ва янгилиги билан меҳмону мезбон дилида бирдек хушнудлик уйғотади. Қорақалпоқ маданияти арбоблари билан бу сафарги учрашув ҳам дилимиз кошонасини баҳорий туйғуларга тўлдирди. Умум маънавиятимиз хазиначига бетакрор жавоҳирлар қўшди.

Мен бугун дилимга муҳрланиб қолган ажойиб туйғуларим, таассуротларимнинг ҳаммасини қозғашга туширишга уринмайман, зеро, бу тантаналарнинг ҳаммаси бугун Осиёмиз нигоҳида ўтди...

ГУЛИСТОННИНГ БЎСТОНИ

Халқимизда «Тўй ўтар, келин ёнга қолар» деган ажойиб мақол бор. Бугун мен қорақалпоқ дўстларимнинг қайноқ туйғулар билан тақдим этиб кетган янги китобларини ўқишга киришаман. Аҳдлик насабим голиб келиб мулоқотни Гулистон Матёқубова китоблари билан қалблашишдан бошлайман. Китоб дастлабки саҳифалариданоқ

мени қорақалпоқ адабиёти бўстонида илк бошлаб кирган халқ эртаклари, дostonлари, айтимлари, ўланлари кечган қадим ва узун йўлнинг давомига улангандай бўламан.

Гулистоннинг «Мен сен учун яшайман», «Севиб қолсин» деб аталган китобларини қўлимга оламан. У «Мен сен учун яшайман» китобини «Ўқувчимга» деган гўзал ва бақувват бир шеър билан бошлайди:

*Дўстим менинг,
Сенга айтмай кимга айтаман,
Чунки сен қўлингга олиб китобим,
Сатрлар гардига қулоғинг тутиб,
Кўзларинг гоҳ ёниб, гоҳида тиниб,
Кўнгил сирларимни ўқимоқдасан.*

Ҳа, ўқимоқдасан. Лекин шу китобга сўзбоши ёзган, Гулистоннинг устозларидан бири, машҳур шоир Ибройим Юсупов айтганларидай, деразаларини қия очиб қўйиб эмас, уларни ёпиб, ҳарир пардаларини ҳам тортиб қўйиб ўқий бошладим. Мен ташқарининг, техника тараққиёти кўча ва осмонни тўлдирган ғовур-ғувурларидан узоқроқда, танҳо ўлтириб Гулистон билан қалблашаяпман. Сатрма-сатр мен унинг юрагига, ҳис-туйғуларига ошно бўлиб бораяпман. «Митти» юракнинг ошкор ёниб, ошкор қувончларининг маҳрамига айланиб бораяпман.

Машҳур рус шоири Степан Шчипачев шундай деган эди:

*Океан тўлқинидай гумбурлаб бирдан,
Зўр зални ларзага солишга қодир —
Минглаб кучли қўлдан тошган қарсақдан
Ўзини бахтиёр ҳис этар шоир.*

*Бизнинг бундай шаддог замонда, аммо,
Бу қувончнинг ўзи етмайди зинҳор,
Ҳар кимдир кейин, хилватга танҳо,
Ўзи мисраларинг этмаса такрор...*

Гулистоннинг мисраларини кимлардир дилида, тилида такрорлаётганлигига ишонч билан китобни варақлашда давом этаман. Шеърдан-шеърга ўтиб, унинг қалб аталмиш бўстонида кириб бораман. Бу шеърларида лирик шоирнинг қалбини қоқ бўлиб, мавж уриб ётган илҳом дарёсини туйганча ўқишда давом этаман. Бу туйғуларда ҳеч қачон учрашолмайдиган қирғоқлар каби соғинчда гоҳ сокин, гоҳ жўшиб яшаётган қалбнинг ёниқ тўлқинларини ҳис қиламан. Бу шеърлар шоирнинг ўзи айтганидай, «икки уфқ, икки қирғоқ, икки қутб» орасида ижоднинг тотли, долғали, завқли синов майдонларида оғриқ ва қувончларидан йўғрилган бўлгани учун инсонга тафт бергувчи севги ва эзгуликлар ҳақидаги ҳаққоний туйғулар бўлгани учун китобхон билан ижодкор ўртасида дарҳол маҳрамлик пайдо бўлади.

Икки қутб, икки қирғоқ орасидаги изтироблар қанча оғир бўлмасин, бу қалб ўзанида осойишта ва сокин оқиб ўтган дарё замзамаларини, қутблараро ястаниб ётган бепоён кенгликларнинг манзараларини, жонажон халқи ҳаётининг ёрқин лавҳаларини муҳаббат, висолу соғинч туйғуларини муқаддаслаштира олган қудрат унинг жисмини кўтариб турган замин каби ҳаётбахшлигини қаламга олади. Шунинг учун шоиранинг эзгуликларга тўла қалби ҳижрон номли ашаддий рақибига ҳам эҳтиром кўрсатиб яшашдек азобдан лаззат олади, «икки уфқ аро куйлаб юришда» ўзига тўзим тилайди.

*Ёнингизда гулшанлар аро,
Инграб юрар тўзиган шамол.
Ёқавайрон ва мотамсаро,
Менинг ожиз умидим мисол.
...Бардошу сабримга тилайман тўзим,
Икки уфқ аро куйлаб юришда.*

Ёки:

*Бу йўлларни ўлчаш қийин,
Ўлчаш қийин, узундир.
Орамизни олис қилган,
Узоқ қилган ўзимдир.*

Соғинчнинг сабр косаларини ҳижрон тошлари синдиришга ожиздир, аммо сабр-тоқатлар, садоқату фидойиликларнинг баҳорий шаббодалари уларнинг муз ва қорларини эритиб юборишга қодирдир.

*Сен ҳақда ўйлайман мен ҳам баҳордай,
Илиқ шамолларга юзимни тутиб.
Ҳазонлар юзида қировлар қордай
Эриб бораётир мен каби кутиб...*

У руҳий ҳолатлар, туйғуларнинг рангларини она табиатдан излайди, ўхшашини топа олганда шодланади ва бу осойишталикни ўзи лоқайдликка йўйиб, ҳароратига аланга тилаб дейди:

*Юрагимни бердим қуёшга,
Ҳарорати сенга етсин деб,
Совуқ кунлар орамиздаги,
Шу меҳрдан илиб кетсин деб.*

Муҳаббатли юрак учун жуда кўп нарса керак эмас, унинг учун кичкина эътибор, яхши сўз ва меҳрдан қудратлироқ, куч йўқ. Гулистоннинг

лирик қаҳрамони икки оғиз илиқ, яхши сўздан кўнгли тоғдай ўсади. Унинг учун муҳими — севган кишининг шу борлиқда борлиги, яшаб юрганлиги, боши омонлиги...

*...Ишонч бўлсин юрар йўлларимга у,
Нотекис йўларда бўлсин суюнчиқ,*

Табиат... Нақадар гўзал ва саховатли, бағри кенг... Шоир унга дилидагиларини баралла айтади, сўрайди, тилайди, юрагини тўқади...

*Уфқлар йўлида туғилмоқ истаيمان,
Куррамизни рўйи рост кўрмоқлик учун.
Шафақлар бағрига сингишиб кетгайман,
Булултардан олиб қуёшнинг ўчин.*

Офарин! Бир қадар афсус, бир қадар гина, бир қадар жасоратли мардонавор сўзлар ила табиатга мурожаат этади.

Интизор туйғулар ўз ифодасини излаб еру осмон аро чарх уриб яна шоира юрагида қўним топади. Шу туфайли биз туйғулар рост, кечинмалар ўтли, манзаралари гўзал, фикрлари тиниқ, азамат сўзларда сайқал топган шеъриятдан ҳузур қиламиз.

*Ой фақат сени деб қалбимга ботади,
Кўнглимни очаман мен фақат қуёшга.
Тонглар энг аввало кўнглимга отади,
Мен қудрат тилайман сабрга, бардош...*

Туйғулар ойу юлдузларни кеза-кеза ўзига сабр-тўзим тилаб, яна ўша илк, қадим ва қадрли бўстонда, ойнинг рухсорини чизишга киришиб қолганини сезмайди, лекин руҳнинг оёқлари заминга боғланган, у заминимиздагина:

*Фунчалар лабига туғёнга айланиб,
Гулнинг сўзларини сўзласам шамолга.
Хуш анбарлар билан учса у айланиб,
Ва келиб фарқ бўлса безовта хаёлга.*

*Тунларнинг сукути кетсалар бузилиб,
Юлдузлар заминга келсалар яқинроқ,
Сўнг улар боғларга тушсалар узилиб,
Гулларни уйғотса ҳаяжон ва титроқ...*

Юрак нигоҳдан ҳам кенг бўлади. Нигоҳдан манзаралар, воқеалар яшин тезлигида ўтиб кетади. Юрак эса ёрқинми, мунглими, туйғулар нафасини, уларнинг ҳароратини сақлаб қолади. Ва унинг бир жилваси хотирангга ярқ этгудек бўлса, бу шеър туғилди демақдир. Ана шу маънода Гулистон ўзининг бой мулкига эга шоир. Бу шундай мулкки, унда туғёнлар алангаланиб теранликка ва маҳоратга айлангани сабаб шеърлари дилимизга яқин... Бунда шеъриятнинг масофа билмас фазилати, сеҳри, кишилар қалбини тўлқинга соладиган, яқинлаштирадиган ажиб қудрат мужассам!

Гулистонни яхши лирик шоир сифатида дилдан ўтказдик. Шоирнинг дарди, оғриғи, қувончи, бутун ҳаёти атиргулнинг рангида, тиконида, у қувват олган заминда, узун, ёлғизоёқ сўқмоқларда, ойдинли тунларда, қадим кўрфонларнинг янғроқ сукутида, Оролдан фарёд чекиб эсаётган шўрхок шамолларда, ўзани торайиб бораётган Аму бўйларида, деҳқонлар, чорвадорлар орасида... Буларнинг барчаси шоиранинг юрак дарди, ҳаяжони билан қоришиб кетадики, муҳаббатни заминдан, заминни дилдан ажратиб бўлмас.

«Оғир дарддир улғайган юртидан кўчиш», деб ёзади Гулистон. Ҳа, юртнинг дарди билан яшаш унинг, ҳаётининг бош маъноси эканини англаймиз «Йўлдаги хаёллар» туркуми, «Аму», «Орол» шеърларини ўқиганда...

Йўқ, бу шеърларни эшикларни очиб кўйиб ўқигингиз келади, токи бутун жаҳон эшитсин унинг дардини, оғриғи, нидою таваллолар тўла кучли овозини! У бизнинг ҳам Ватан — она тупроғимиз, халқимиз тақдири ҳақидаги ўйларимиз, яқин ўтмишимиз ва кечаги оғир-оғир афсусли кунларимиз, қанча-қанча йўқотишлар, олдиришлар, ишонувчанлигимиз, бағрикенглигимиз туфайли алданиб яшаганимиз ҳақидаги аччиқ-аччиқ, куйдиргич ҳақиқатлар ҳақидаги мардона сўзларимиздир.

Нима? Ҳаётда қувончларимиз бўладими, қурмадикми? Тузмадикми? Халқ фаровонлигини ўйлаб каналлар қаздик, ерларни ўзлаштирдик, келажакимиз деб фарзандлар — неча авлодни туғиб вояга етказдик, оз бўлмаса уларни ҳам ўзимизга ўхшаган кишилар қилиб вояга етказаёздик. Ва хайриятки, охир-оқибат кўзимиз очилди. Шоира бир шеърда шундай дейди:

*«Ўзинг айт, тўла-ку атрофимизда
Баҳони амалга қараб берганлар.
«Бари халқ учун» деб уқтириб бизга,
Фақат ўзин ўйлаб яйраб юрганлар»-*

ини кеч, жуда кеч англадик...

Инсоннинг куч-қудрати унинг табиатни бўйсундиришда, еру осмонни забт этишида... деб библия, табиатнинг миллион йиллик яшаш тарзини,

мувозанатини ўзгартириб юбордик. Натижада Марказий Осиёнинг зангор косаси Орол шўрхок соҳилларида бузилган кемалару кўзларида жонлари қотган «суйган» балиқларини... қолдириб ой сайин, кун сайин, соат сайин чекина бошлаганининг заиф шоҳиди бўлдик. Табиатнинг бу улкан фожиаси шоир юрагини ларзага келтирганда лаҳча чўғдай сўзларни ёзди, сатрлари дилларни куйдирди. Қайси манзилда турган бўлманг, меҳр-мурувватга, қатра сувга ташна соҳил сизни чорлагандай шоир дейди:

*«Бизни бу аҳволга солган кимлар, айт?
Шўрлаган галалар сўрайди мендан.
Қуриган дарахтлар мендан сўрайди,
Еру осмон гўё ҳукмга ҳайъат,
Гуллар менга гумон билан қарайди,
Беморим Оролга қарай олмайман,
Унинг ҳарорати куйдирар мени...»*

Оролга боғлиқ барча йўқотишлар бир-бирига боғланиб, шоирнинг дардига дард қўшади. Булар бир вақтлари ўзанига сифмаган Жайхун отлиғ ўктам ва «телба» дарёнинг бугун аро йўлда қолган ирмоқ нусхаси Аму, она ва бола хасталиклари, тупроқ ва ҳавонинг «шўри» — тузли шамоллар бирлашиб шоир руҳига бўрон янглиғ ёпирилиб киради, уни саволга тутаяди. Юраги дарддан лиммо-лим ёруғ эртаמידан умидвор шоир катта бир «ҳукм» кутади.

*«Бугун суг кетмоқда катта, оғир суг,
Оролим, бир сенми азият чеккан?
Сўров куну келди талончилардан,*

*Сен озроқ сабр қил, шошилмагин, кут,
Сени тўлғазамиз биз томчилардан,
Албат одил ҳукм чиқаради суд...»*

Мен Гулистоннинг шеърларини юрагимдан ўтказиб, Орол бўйларида хаёлан кеза-кеза унинг қувончлари, изтироблари уммонига фарқ бўлганимча ўйлайман: Бу юртнинг, бу ер, бу ҳаво, бу Ватаннинг дарди фақат Гулистоннинггина юрагини куйдираётгани йўқ. Қорақалпоқда мен номларини билганим, шеърларини ўқиб айримлари билан суҳбатдош бўлганим – ижодкор шоиралар борки, улар ҳам бу ажойиб ўлкани ҳаётга қайтариш учун шеър, сўз, амалий иш билан ҳаракатда эканликларини тасаввур қиламан.

Улар – Ширин Холмуродова, Гулистон Шомуродова, Набира Тўрешова, Фотима Мирзабоева ва бошқалар. Мен бу қизларнинг кейинги ижодларини ўқимаган бўлсам ҳам, уларнинг баракали ижод этаётганликларини кўнглим сезиб турибди.

Чунки, улар Ойбарчинлар, Гулойимлар, Олтин-ойлар, Сарвинозлар каби ботир момоларининг муносиб авлодлари эканига ишончим комил.

Гулистоннинг шеърлари, умуман, қорақалпоқ аҳллари ижоди ҳақида ҳузур билан узоқ-узоқ сўзлашим мумкин. Аммо мен Гулистоннинг менга аён ва маъқул инсонийлик, фуқаролик фазилатлари ҳақида ҳам икки оғиз гапирмоқчиман.

Биз, асосан, Гулистон Матёқубова шеърляти ҳақида бақамти суҳбатлашдик. Лекин ижодкор ижодини у яшаган ҳаёт, ундаги ўртак фаолиятдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Ижодкорнинг асарлари унинг ҳаёт тарзининг маҳсулидир.

Гулистонни биз таниқли журналист сифатида ҳам яхши биламиз. Унинг ўткир қаламидан чиққан, жиддий масалаларда ўзининг ҳаққоний сўзларини баралла айта оладиган жасур журналист сифатида халқ танийди.

Унинг республикамиздаги кўплаб мухлислари проза – насрий асарларини ҳам севиб ўқиган.

Гулистон Матёқубованинг жўшқин ҳаёти халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. У Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатидир. Халқнинг бундай ишонч ва ҳурматини оқлаш учун у ўзининг бутун меҳру садоқатини бағишлаб, ҳормай-толмай хизмат қиляпти.

Гулистон айни куч-қувватга тўла, қалбини умид ва хизматга хоҳиш туйғулари яшнатиб турибди. Ва шоира бу ишонч ва муҳаббатларга ҳамма вақт лойиқ қолиш учун бутун айтажакларини қаламга ортиб, ёрқин-ёрқин забардаст шеърлар ёзади.

Мен Гулистоннинг тақдим этиб кетган икки китобини мароқ билан ўқиб, қувончларимни ифода қилар эканман, бу кўркем шоирамизнинг «Ҳали ёзилмаган саҳифаси кўп» дафтарини янги, яратувчи меҳнаткаш халқимизнинг турфа яхшиликлари акс этадиган шеърлар билан тўлдиришини тилайман.

Мен бу шеърларни тасаввуримда кўриб турибман. Бу шеърлар умуммаънавиятимизни тўлдирадиган, шеърлятимизга ёрқин саҳифалар бўлиб кирадиган ажойиб ютуқларидан бўлишига ишониб турибман.

Саломатлик тилайман. Жўшқин илҳом ҳамиша Сизга ёр бўлсин!

*Салом билан
Сизнинг Зулфия.
30.04.1993 йил.*

ЙЎЛЛАРИНГГА ЧИҚДИМ

Йўлларингга чиқдим, келармикансан,
Мен сенга, сен менга керакмикансан,
Хаёлми, ё дардли юракмикансан,
Кеч пишар олманинг гулаганидай.

Берган ваъдаларинг ёлғон бўлдими,
Орзулар орзиқиб армон бўлдими,
Ё кўнглингда зарра гумон қолдими,
Сенинг келаман деб келмаганингдай.

Маконим айрилиқ, мен қарай, қарай,
Йўлларингга чиқдим гулгун лоладай,
Эсанг шамолларда забон қолмагай,
Сенинг севаман деб севмаганингдай.

1992 йил

МЕНИНГ ЮРТИМДАЙ

Менинг юртимдай юрт йўқдир оламда,
Таърифига мақтовсўзи етмайди.
Сахий, кўнгли очик меҳмондўст уйи,
Олдидан ўтганлар кирмай кетмайди.

Қуёшдай меҳри бор қалбимга кўчган,
Одий бир чўпи ҳам ўзимга керак.
Пахта отизининг олтин чаноғи,
Отажак тонгларга марварид зирак.

Сўзлаган сўзим бир, икки бўлмайди,
Келажак туғилар ой каби тўлиб.
Бундай юрт дунёга қайта келмайди,
Яшайвер Тўрткўлим тўрт гулзор бўлиб.

1992 йил

ТЎРТКЎЛГА

Боғлар гуллаб ётар қалбимдай тошқин,
Нозик бир новдага қуш бўлиб қўндим.
Мен уни топгунча шошдим, адашдим,
Иссиқ, совуғига бирдайин кўндим.
Дарахтлар бағрини кенгдан очдилар,
Ҳориган руҳимга мен топдим паноҳ.
Боғдаги ҳар ниҳол хушвақт эдилар,
Қуёшга кўтариб турган сўнг тупроқ.
Мен кўнган новда ҳам япроқлар ёзиб,
Шохалай бошлади баҳор келганда.
Мен ҳам кучга тўлиб кенг қанот ёзиб.
Парвозга шайландим боғлар тўлганда.
Учдим, кенгликлари берди куч-қувват,
Пастда далда бўлди узун дарахтлар,
Толсам, келиб кўрдим боғда ҳар гиёҳ,
Жондай яқин бўлиб қолган эдилар.
Бу боғдан баландлаб уча олмасман,
Мен учун баҳордир кузи, қиши ҳам.

1992 йил

БОҒЁП

Боғёп бўйи, теракларнинг шохиди титроқ,
Узун-узун соялари сувга тўшалар.
Соғинч билан келганимни сезарми бироқ,
Қадамларим ардоқлаган сокин кўчалар.

Тўрткўл ойдин тақдиримнинг нурли бир йўли,
Кўзим қорачиғи бўлган азиз масканим.
Менинг яхши ўйларимга беланчак бўлган,
Ардоқлигим, ота юртим, она Ватаним.

Сени истаб келдим бугун ишқ, тугён билан,
Ўн саккиз ёшимнинг бебош изин ахтариб.
Боғёп бўйларида юриб ҳаяжон билан,
Топдим, армон муҳаббатга айланган дардим.

Ана, сингиб бораётир ҳар бир дарахтга,
Менинг нотинч қалбим бўлиб ўтли бир оҳим.
Ҳам қайтиб бераётир ўтган умримни,
Янги чиққан ойнинг меҳр тўла нигоҳи.

Боғёп бўйи теракларнинг шоҳида титроқ...

1992 йил

ҚОРАҚАЛПОҚ НОМАЛАРИНИ ТИНГЛАБ...

Йўллар ястанади бағрини очиб,
Қоратоғ силкиниб бўйини тиклар.
Шамол анбар бўйин нозланиб сочиб,
Баланд тераклари кун нурын юклар.

Тортилган Оролнинг қирғоқларидан,
Чағалоқ қушларнинг ноласи келар.
Фарзандин бағрига эркалаб босган,
Мунис оналарнинг алласи келар.

Айт, сен Ажиниёз қўшиқларин деб,
Ибройим оғанинг шеърлари янграр.
Менинг йигит, сенинг қиз вақтларинг деб,
Оқариб, ярқираб отади тонглар.

Шамолга қўшилиб эркин номалар,
Кўнгилни яйратиб озод елгандай.
Аму бўйларининг салқин ҳавоси,
Хоразм юртига бориб келгандай.

Тўмарис чиққандай кенгликлар аро,
Қора сочларини елкага ёзиб.
Бердах нафасидан кўкараб саҳро,
Минг йиллик қумларга бахтини ёзиб.

Бир дам Махтумқули,
Бир дам Кунхўжа,
Тозалар қумларнинг дил ойнасини.
Отларнинг дупури сурон солгандай,
Қўзғатар чўлларнинг оқ сийнасини...

Янграйвер қўшиғим...

1993 йил

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

(Қўшиқ)

Тарихлар қаъридан келар бир нидо,
Одамзод юртига жон этар фидо.
Тупроғинг хазина, қуёшинг — ҳаёт,
То тоғлар бўй тиклар, оқар Амударё.

На қарот

Массагет урвоғин тишлаб келган юрт,
Тўмарис наслини асраб келган юрт.
Ўтмишин эртанги кунларга боғлаб,
Авлоди эркини истаб келган юрт.

Асрлар руҳида Бердах нафаси
Ерназар ботирнинг эркди ҳаваси,
Мустақиллик йўли — тарих йўлидир,
Дўстликдир синдирган қуллик-қафасин.

На қарот

Ўзбегинг, туркманинг икки соҳилда,
Қардошлик жон бўлиб яшар бахтингда.
Қозоқнинг чўлларин туташтиргувчи,
Ўтовлар бўй тиклар мармар тахтингда.

На қарот

Ҳамдўстлик сақлагай кекса Оролни,
Ҳамкорлик келтиргай ҳур истиқболни.
Саҳролар ичида гулистон диёр,
Қорақалпоғистон, ойдин иқболинг.

1992 йил

«ҚИЗКЕТГАН» БҮЙЛАРИ

(Ҳозирги Дўстлик канали)

Қизкетган бўйлари шовуллаб турар,
Қирғоқда сарғаяр бир туп қоратол.
Оқимлар юзида бир умид юрар,
Соҳилга чўқади бир мунгли хаёл.

Тўлқинлар урилар сокин қирғоққа,
Қоратол барглари чирт-чирт узилар.
Оқимлар оқизиб кетар узоққа,
Сувюзида барглар бир-бир тизилар.

Гирдоб айланади, барглар йиғлайди,
Толдан айрилишга кўзи қиймайди.

...

Кўп тушлар кўраман узундан-узоқ,
Атрофимда гўё соқчи оломон.
Йўлининг қай ерида у сирли тузоқ,
Қалбнинг қаерини кемирар армон.

Муҳаббат офтобдай қалбни иситар,
Алғов-далғов ўйлар олар тинчимни.
Мени қай манзилда ёмғирлар кутар,
Шамол қайда олиб чиқар қамчини.

Чуғурлаб-чуғурлаб учар қушларим,
Тинчим олар узун сирли тушларим.

...

Хаёллар эркалаб оттирар тонгни,
Бу қадим оламнинг сирлари кўпдир.
Бу кўҳна дунёнинг яраси янги,
Азиздир юртининг ҳар гиёҳ, чўпи.

Бир меҳр яшайди тупроқларида,
Ҳар дарахтда ўсиб, яшнар муҳаббат.
Дарёни тоштирган булоқларидан,
Оқар меҳр, сабр, журъат ва тоқат.

Ҳар япроққа ўтар ўтдай ҳисларим,
Қадим тупроғига ботар изларим.

...

Бу умр ҳар кимга очган бир сўқмоқ,
Унинг икки ёни ё гул, ё тикон.
Гулдай вужудимга ёйилса титроқ,
Ҳаяжонларимга бер озгина имкон.

Улар ёндирсинлар туйғуларимни,
Сўқмоғингда қолсин меҳр ва издат.
Очилган гул каби орзуларимни,
Шу сўқмоқда топиб берсин муҳаббат.

Тикани санчилса оёқларимга,
Қонларим қўшилсин бўёқларига.

...

Мен кетиб бораман ҳали йўл олис,
Боғлари, саҳроси, чангалзори бор.
Авраб қолар баъзан шайтон ё иблис,
Бу йўлларида борми менга мадақкор.

Бу йўл тақдиримдир, менинг йўлимдир,
Ёқасида кетган икки қўлимдир...

1994 йил

ЧИМБОЙ ЙЎЛЛАРИДА

Чидаб бу ҳаётнинг паст-баландига,
Омон олиб чиқиб ўз ғоясини,
Халқнинг дардига кўксини тутиб,
Қурбон қилиб сўнги жон, нафасини,
Минг ўлиб, минг бора тирилганларга
Биз ҳайкал қўямиз мрамор тошлардан,
Нури билан сийлаб турар қуёш ҳам.

...Оппоқ туз қоплаган қадим даладан,
Шўртаъм шамол уриб турибди юзга.
Чекингандай бўлиб сирли балодан,
Шўр сувоқиб ётар катта отизга.
Атрофда қуриган, сўлган оғочлар,
Шамоллар сасида ингранади дард.
Бу қандай бахтсизлик, бу қандай кулфат.

Бир четда шовуллаб турар тўранғил,
Шўртаъм шамол уни бука олмади.
Фақат ёлғизликдан кўнгли қоронғу,
Бу не оғу бўлди, юта олмади.
Шўрлаган тупроқда у турар мағрур,
Келажак кунларга ҳайкалдай қилиб,
Уни омон олиб чиқди ҳур умр...

1994 йил

ИККИ БАҒИШЛОВ

*(Ўзбекистон халқ шоири, Меҳнат Қаҳрамони
Зулфия таваллудининг 80 йиллигига ўқилди)*

I

Узун-узун карвон елкада юки,
Гоҳ хира, гоҳ ёруғ тонглардан ўтар.
Шу карвон йўлида бир кучли дарахт,
Баланд шохалари чирмашиб ўсар.

Тупроқ тилак қилар баҳор келганда,
Куртак умид ёзар новдаларида.
Узун-узун совуқ келганда,
Қуёш тирак бўлар гавдаларига.

Саратон ўт пуркаб куйдиrolмагай,
Совита олмагай муз изғиринлар.
Бўрон шохаларни синдиrolмагай,
Оғир юк карвонга мададир улар.

Тонгларга жон бўлиб бир тоза нафас,
Новдалар безагай сарвдай бўйин.
У боши устида булутга эмас,
Ёруғ уфқларга айтар дард, ўйин.

Очиқ кўнгли чексиз кенгликлар қадар,
Барглар шовулласа ёришар осмон.
Осмони омондир, уфқлари Хулқар,
Тўрт ёғида қуёш нурлари посбон.

Етти иқлим билар чидам, саботин,
Дўстлари беҳисоб яқин-йироқда.
Яхши ният билан бир қизи бугун,
Салом олиб келди Қорақалпоқдан.

Келди ҳар сўзингиз бир умр билиб,
Айтинг, тинглагай у осмон олдида.
Келди, мард бўлгиси келиб сиз каби,
Зўр бўлгиси келиб ҳижрон олдида.

Дераза олдида гулласа ўрик,
Ўзимизнинг Ҳамид Олимжон билан.
Ҳам орқа тоғимиз Ўзбекистон билан,
Биз сизни ҳар куни турамиз кўриб.

II

Оппоқ нур таралиб келар осмонга,
Қуёш жилваналар покиза, бегард.
Тонг бўлиб бир хабар айтгум жаҳонга,
Бобомиз Алишер Сиз беринг мадад,

Оппоқ нур таралиб келар осмонга,
Ёруғлик келмоқда Ўзбекистонга.

Ёруғлик келмоқда Ўзбекистонга,
Тоза нияти юк бўлиб карвонга.
Ҳар унган ниҳолга этиб жон фидо,
Боболар руҳ бериб ҳар битта жонга.

Ҳар жоннинг тилида илоҳий нидо,
Буюклик келмоқда Ўзбекистонга.

Буюклик келмоқда Ўзбекистонга,
Куч бўлиб тирилик қадим Кушондан.
Новда чиқармоқда бойтерагимиз,
Урпоқмиз Эфталит Турки – Хоқондан.
Пешанаси ёруғ келажакимиз,
Куч бўлиб тирилик қадим Кушонда,
Яхшиликлар келар Ўзбекистонга.

Яхшиликлар келар Ўзбекистонга,
Тупроқ тилак қилар баҳор келганда.
Дераза олдида бўй олсин ўрик,
Синмасин, сўлмасин довул, бўронда,
Зулфия яшарар, Олимжон тирик.

Тупроқ тилак қилар баҳор келганда,
Ўриклар гулласин Ўзбекистонда.
Ўриклар гулласин Ўзбекистонда,

Умидлар барг ёзсин озода замонда,
Меҳру соғинчимиз сизга аяжон,
Ўтган ҳар дақиқа армон, ҳижронда,
Келди, кутиб олинг Ҳамид Олимжон,

Умидлар барг ёзсин озода замонда,
Тарихлар тирилсин Ўзбекистонда,
Тарихлар тирилсин Ўзбекистонда,
Шеърят нафасин элиб жаҳонга,
Олам ярлақанган бокира қизин.
Шоирлар туғилиб буюк Туронда.
Осмон пойларига тўксин юлдузин,

Шеърят нафасин элиб жаҳонга,
Муҳаббат бўлдингиз Ўзбекистонга.

Муҳаббат бўлдингиз Ўзбекистонга,
Нодира қўлади аҳду паймонда,
Боболар силади азиз бошингиз,
Эътиқод бўлдингиз ҳар битта жонга,
Қуёшга кўмилди чўнг бардошингиз,

Нодира қўлади аҳду паймонда,
Садоқат бўлдингиз Ўзбекистонга.

Садоқат бўлдингиз Ўзбекистонга,
Шеърингиз жон бўлди ҳазрат инсонга,
Гул бўлиб кўкарди тоғларнинг тоши,
Туғилган тонларни йўрғақлаб шонга,
Бугун юрт эъзозлар, сийлар юрт боши,

Шеърингиз жон бўлди ҳазрат инсонга,
Сиз Она бўлдингиз Ўзбекистонга.

КУТИБ ОЛ БЎЗАТОВ АЖИНИЁЗНИ

«Ер ҳам эл биландир, эл ҳам ер билан»,
Зивар куйлаб ўтди ўт-меҳр билан.
Чархпалак айланар шу меҳр билан,
Саҳросига чорлаб баҳору ёзни,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Халқнинг дарди билан бор бўлган ерлар,
Айрилиқ азоби дор бўлган ерлар,
Ажиниёзига зор бўлган ерлар,
Қора кўз, гул юзли сулувлар нози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Эл дардини кўтармаган ботирмас,
Оқил фарзанд эл-юртидан айрилмас,
Мард йигитлар мол-дунёга сотилмас,
Етти иқлим оша кетсин овози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Қайтар шоир минган араб отлари,
Қайтар элдан қилган саховатлари,
Давру давронлари, фароғатлари,
Тўша йўлларига гул поёндозни,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Бир умр яхшига суҳбатдош бўлиб,
Ёнида севар ёр, қаламқош бўлиб,
Фалакнинг жабрига чўнг бардош бўлиб,
Шу элга интилар шоир парвози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Булбуллари қувди боғдан зоғларни,
Шоир қўшиқ қилар чеккан доғларин,
Юрт ўғлони мададкоринг, тоғларинг,

Довудкўлга қайтар ўрдагинг, розинг,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Бугун сени ҳеч ким ташлаб кетмагай,
Йўллариингга кўнглини зор этмагай,
Сен баландсан, ҳеч ким қўли етмагай,
Ўз тупроғин кўрмай ўтганлар озми,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Кўлларнинг бағридан учган оққушлар,
Ҳар тўрангил шохасида минг сирлар,
Шоирини асир этган сулувлар,
Асир этган сулувнинг турфа нози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Ҳеч ким кетмас бу ерлардан бош олиб,
Аждодларнинг руҳидан бардош олиб,
Одамларнинг кўнглига қуёш солиб,
Қўлларида турар назру ниёзи,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Фанимлар йўқ юрак, бағир доғланмас,
Кўнгил асло ёт элларга боғланмас,
Карвонларинг саҳро бўйлаб чоғланмас,
Боғларингда буюклик сарафрози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Бу замин жон берар, жондан айирмас,
Улли давлат бўлар, шондан айирмас,
Эт-тирноқ ажралмас, қондан айирмас,
Ота рози, раҳмон худо рози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Бахти тўкиё Туркистонда Кўнғирот,
Айро тушмас ашамайли ё қиёт,
Уларни боғлаган меҳрли ҳаёт,

Юрти учун жонин тикканлар озми,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Эр йигитнинг бошидадир юрт гами,
Дўст-ёри, овул – элат ҳамдами.
Ҳалол меҳнат билан ўтар ҳар дами,
Бахшилар қўлида гул, тилла сози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Бағрингдадир Зивар пушти-паноҳи,
Бошин урса, бошдин азиз даргоҳи,
Сифинганда ёлғиз раҳмон Оллоҳи,
Мўътабардир қўлда қалам-қоғози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Зиваринг келмоқда қадрингни билиб,
Софинчидан юрак-бағри тилиниб,
Бахтингдан, тахтингдан қувониб кулиб,
Йўқдир унинг ҳеч кимга эътирози,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

Бугун дутор тутган бармоқлар толсин,
Қўшиқлар кўнгилнинг дардини олсин,
Шоир Бўзатовда мангуга қолсин,
Жиров, бахшиларим созланглар созни,
Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.

1995 йил

ТАРИХ ТИЛГА КИРАР

Ш. Рашидов хиёбонига. Пекинга жўнаш олдиған.

Тарих тилга кирар ҳар бир сўқмоқда,
Ҳар дарахт баргида яшар мингта сир.
Йўллар чорлаб турса узоқ-узоқда,
Оёғим остига йиқилар умр...

Оёғим остида йиғлайди кунлар,
Юлдузли, юлдузсиз тунларни эслаб.
Фавворадан сачраб отилган сувлар,
Юзда оққан кўзим ёшига ўхшар.

Очилган гулларга тушади кўзим,
Очилган бахтимдай покиза, бегард.
Намхуш шамолларнинг шиддаткор сўзи,
Хазонлар бағрига бекинар минг дард.

Шу дард бўлиб тарих шу хиёбонда,
Бугун мени узоқ йўлга кузатар.
Мени чорлаётган йўллар армонда,
Яраси умидлар нурига ботар.

Узоқ йўл олдидан таъзимга келиб,
Она замин бўлиб бўзлайди юрак.
Яхшиликнинг ерда қолмасин билиб,
Яхшилик умидин қилар келажак.

Оқ йўл тиланг бугун менга, эй устоз,
Қадим Чин-Мочиннинг ипак йўлига,
Юртимиз бахтини айтиб борарман,
Хитой элига!

1995 йил

БАЙКАЛ БЎЙЛАРИ

Майин чайқалади новвотранг тўлқин,
Шишадай юзидан ўпгим келади.
Узун арчаларнинг етиши қийин,
Соҳилларга такрор шамол келади...

Намхуш салқинлари ёйилиб майин,
Зумрад ўрмонларнинг умидин сўзлар.

Вагон дарчасидан термулган сайин,
Қоракўз турк қизин юраги бўзлар.

Толим-толим сочлар қайин шохидай,
Елкаларни силаб майин сирғалар,
Байкал бағридаги сувлар оҳидай,
Синган арча шохи оғриб ингранар.

Монико жилмаяр,
Берлин кўчаларин эслайди балким.
Марселла кўзидай мовийранг Байкал,
Кузатиб қолади ҳаммасини жим.

Йўллар олиб қолар хотираларни,
Бизнинг нигоҳларда сурати фақат.
Пўлат рельслар эса такрорлар тинмай,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат...

. . .

Инсонга, осмонга, тоғларга, тошга,
Ўрайди ўрмонлар зумрад ранг рўмол.
Юзларида гўё оқ ҳарир парда,
Туман чўкиб борар мисли бир хаёл.

Байкал чайқалади,
Қўл ушлашиб айлангандай жуфт қорақайин.
Арчаларнинг ҳар шохида яшайди қуёш,
Нурларини оқ булутлар яширган сайин.

Ўрмонларда тонглар эмас, отади бардош...
Бизнинг нигоҳларда қолар сурати фақат,
Пўлат рельслар эса такрорлар тинмай,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат...

. . .

Кенгликлар, кенгликлар ўйимдай чексиз,
Пасту баландига зумрад тўшалган.
Эй кўнгил,
Кенгликлар бағрига чиқиб кетингиз,
Юрак ҳам, нигоҳ ҳам жиловидан тамом бўшаган.

Пўлат изларида мовий вагоннинг,
Эзилиб янчилар зумрад хаёллар.
Аввал сочин силаб мўғул қизининг,
Сўнг поездни қувар мовий шамоллар.

Нигоҳларни тортар отлар уюри,
Оқ чодир томонга қараб кишнайд.
Осмон қўриқлаган мўғул уйининг,
Ҳар бурчида қуёш мангу қишлайди.

Салом, эй табиат, ассалом само,
Сен ожиз кўнглимнинг кучли худоси.
Номи мўғул отлиқ йилқичи бобо,
Шу сулувайловнинг катта подшоси.

Қолгим келар оппоқ чодирга кириб,
Қийиққўз гўзалнинг ичиб чойини.
Чексиз кенгликларда оёқяланг юриб,
Чақиргим келади пастга ойини.

Атрофимда эса дунё жамланган,
Кипр, турк, болгар қизлари билан.
Туркман, қирғиз, қозоқ бир гўзалланган.
Кетиб бораяпмиз йўлларнинг
Кучли пўлат излари билан.

Рельслар бир сўз такрорлар фақат,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Вагонларда юз қиз,
Поезд чинқиради,
Шамол ёмғирларга тутар яна юз.
Ипак йўллари бирлаштиради,
Кундуз қуёш, оқшомлар юлдуз.

Жаҳон оналар Пекинга шошар,
Шошар меҳр, соғинч, севги, садоқат,
Улашар яхшилик, савоб, мурувват,
Пўлат рельслар ҳайқирган.
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат!

1995 йил

ЧИН-МОЧИН ҚУЁШИ

*Пекинда бўлганимизнинг саккизинчи
кун осмонда қуёш кўринди*

Булутларни бўлиб-бўлиб қуёш кўринди,
Соғинчларга тўлиб-тўлиб қуёш кўринди.
Чин-Мочиннинг рухларга бой қадим юртида,
Бир азобу ёлғиз дардим мингта бўлинди.

Хитой деворлари ипак йўлида эмас,
Бугун менинг юрагимда қад ростлагандай.
Гавжум Пекин кўчаларин баланд уйлари,
Соғинчларим туғенидан сал пастлагандай.

Буюклигин ҳис қилмасман бу катта элнинг,
Юрагимда Қоратоғнинг қора тошлари.
Қашқар, Тибет чорлаб турган бу қадим йўлни,
Ёритмайди на ойлари, на қуёшлари.

Турфа нурга чўмган Пекин кўчаларини,
Тўлдиради бутун дунё хотин-қизлари.

Минг дард билан нурга чўмган кечаларини,
Нурлантирар сулувларнинг ёнган кўзлари.

Бутун дунё дарди билан тўлғонар Хитой,
Бутун олам жўр бўлади меҳр куйига.
Она, Фарзанд, тинчлик яшар дунё ўйида,
Бугун Пекин осмонида кўринди қуёш,

Оқшом тушиб шафағига ойи ҳам тўлди.
Қизлар кетар, бу осмонда қолар бир оташ,
Пекин бугун оналарга муҳаббат бўлди.
Бугун Пекин осмонида кўринди қуёш.

1995 йил

САЛОМ МЕНИНГ ОНА ЮРТИМ...

*Тўрткўлга темир йўл келиши
муносабати билан*

Салом менинг, она юртим, армонли юртим,
Тонглариңдан истиқлолнинг шамоли келди.
Йиллар кутиб тахтга етган давронли юртим,
Боболарим ўтган йўлнинг давоми келди.

Қаъба янглиғ тавоблардан омон заминсан,
Яхшилиғу савоблардан омон заминсан,
Юрагимда ёнган парча Турон заминдан,
Аждодларни ёдга солиб саволи келди.

Қадим юртим, тарихларинг узоқ ўтмишда,
Оталарнинг бор мероси ақлда, хушда.
Таянчимиз бошингдаги хур Хумо қушда,
Келажагинг буюк, деган Фармони келди.

Бу йўлларда из қолдирган на бир замонлар,
Салтанатли Хоразмшоҳ, туркий хоқонлар,

Мен гуркираб ўсган вақтларда,
Турар эди бағрингиз тўлиб.
Гоҳ калта, гоҳ узун оёқларга,
Тўшалдингиз поёндоз бўлиб.

Сув қадрин кеч билган чоғларда.
Энди юрак англайди билиб.

1995 йил

ХАТОЛАР

Дарёларнинг сувларини қуритган одам,
Дарахтлардан сўра унинг қадрин, қимматин.
Табиатнинг сандиғини бўшатган одам,
Энди ўлчаб улаш сувни, ҳавони, вақтни.

Вақт — бойлик дея катта сўйлаган одам,
Вақт номидан қилган барча гуноҳларинг айт.
Оғу бўлди тўқайларга кирган ҳар қадам,
Энди сувҳам, тўқай ҳам йўқ, энди ортга қайт.

Минбарлардан халқим дея лоф урган одам,
Энди туздан оқарарми манглайи халқнинг.
Қилмишингдан бу ерларга кеч келар кўклам.
Хиёнатинг ярим қилди оналар бахтин.

Тўрдан тушнинг келмас сенинг, шуҳратинг — маҳкам,
Лекин сенга меҳри йўқдир эл билан юртнинг...

1995 йил

ОНАЖОНИМ

Ҳарфлар маржон, сенинг тасвириг
Тузаяпман қуёшим онам,
Етармикан орзумга умрим,
Сеникидай маҳкам ирода.

240

Мен танлаган маржонлар қатор,
Сен ҳақингда кутар яхши сўз.
Билсанг, сен-чун бор мақтовбекор,
Йўлда қолса соғинч тўла кўз.

Сўзларимнинг ранги ўчади.
Сочилади тузган маржоним.
Бари сен тарафга учади.

Сен кутасан жону жаҳоним,
Қудрат-меҳринг мени кучади
Мен — бу сенмасми, онажоним!...

1995 йил

МЕН САДОМАН

(Сонет)

Торнинг совуқ қўлларидан сирғалиб тушдим,
Юракларда кўрайин деб бир бор ўзимни.
Кўнгиб бериб тингласинлар, дедим сўзимни,
Оҳанг бўлиб нафасларга қўшилиб кетдим.

Узатдилар латиф лаблар мени ўт бўлиб,
Олиб кетдим шу лабларнинг ҳароратини.
Ҳам йўқотдим бир йигитнинг ҳаловатини,
Қиз қалбининг ишққа тўла тафтига кўмиб.

Диллар узоқ суҳбатлашди, бўлдим таржимон,
Туғёнларим қизилгулдай таратдилар бўй.
Мен симларга туғёнлардан тўқдим ҳаяжон.

Мен кирдиму давраларин кенгдан олди тўй.
Юракларга қувонч бўлиб қурдим ошиён,
Мен садоман, мен ноламан, мен бетоқат ўй.

1995 йил

241

АКСИМ ШЕЪРИМДА

Йўқ, йўқ, керак эмас, чалғитманг мени,
Ёлғончи мақтовлар, қуруқ шон-шараф.
Шеърият мен-ла кел то сўнги нафас,
Кўпир томирларда туйғулар сели.

Ахир мен шунчаки ҳавасга ёки,
Ном чиқариш учун ёзмаганман, йўқ.
Шеърият мен учун, тўғри, ўткир ўқ,
Юрагимда тошган қонларим каби.

Шу қонлар бошлайди эрталар сари,
Вужудим шеър бўлиб тўкилиб борар.
Туйғулар ҳукмига таъзимда турар,
Узру мақтовлардан чекиниб нари.

Кўзларим шеъримда ўз аксин кўрар,
Ой ўзини сойда кўргани каби.

1995 йил

ВАҚТ

Сен ҳақда ўйласам кўнгилдан, қўшиқ,
Кўзларимдан бир ўт ўта бошлайди.
Соғинч азоблари бўлади унут,
Меҳринг яна қалбга қайта бошлайди.

Сен ҳақда ўйласам хаёллар тиниб,
Туйғулар мавжида енгил учади.
Умидим булутлар бағрига сингиб,
Тоза томчи бўлиб ерни қучади.

Сен ҳақда ўйласам ёшлик ёқлардан,
Дардли шамол келиб силар сочларим.
Нафасимиз қолган узоқ боғларда,
Мажнунтоллар маънос ёяр сочларин.

Кўраман кунларнинг, ёшлик чоғлардан
Хуну гирён йиғлаб, узоқлашларин.

1995 йил

ҚИШ НОТИНЧЛИГИ

Деразамга нақшлар солиб,
Хаёлларнинг тинчини олиб,
Келдингми қишим!

Дарахтларни безаб пар билан,
Дилга кўчган оҳу зор билан,
Учар оққушим.

Дарёларнинг бўйлари сокин,
Аёз мағрур кезади беун,
Салобатли боз.

Узун теракларда бир хаёл,
Новдаларда мудрайди шамол,
Ўйларида ёз.

Муз чирсиллаб синади, қуёш,
Эритади, енгиллар бардош,
Тоқатлари тоқ.

Сукунатда баҳор нафаси,
Эзгу хаёлларнинг қафаси,
Ҳали йўл узоқ...

1996 йил

ДЕКАБРНИНГ ШЕЪРИ

Туман парда тортар тонгнинг деразасига,
Хира бир ранг кириб келар ҳорғин чоғларга.
Шамол узар қолган-қутган барглар бандини,
Сўнг эгилар таъзим қилиб жимжит боғларга.

Декабрнинг кўзларида мўлтирайди ёш,
Елкасига миниб олган қора булутлар.
Ўксима сен, азиз қишим, ўзим қайғудош,
Ўзим сенга суянчиқман, ўзим умидман.

Сени мендай яхши кўрар кимса бормикан,
Пар қорларинг кўзларимга ўтдай босилар,
Кунга чўзса қўлларини узун тераклар,
Жийдаларнинг қулоғига сирға осилар.

Тоғлар бўй-бастларини тўғрилай бошлар,
Эрта тонгдан сўқмоқларга тушади қиров.
Қуёш бору йўқ меҳрини боғларга ташлар,
Юлдузлардан бизга қараб тургандай биров.

Куни бўйи қолиб кетгим келар йўлларда,
Жоним қадар суюклисан мен учун қишим.
Олма шохи ўй суради бўм-бўш боғларда,
Шамол йиғиштириб қўяр ёзу куз ишин.

Ҳам вазминли,
Ҳам сокинлик,
Сабр ва бардош,
Кириб келар юрагимга янги йилингда.
Ёлғизликнинг ўйин сурма, ўзим қайғудош,
Жоним қишим, ўзим борман, мана, ёнингда...
Туман парда тортар тонгнинг деразасига...

1996 йил

ЯНГИ КУН

Уфқлар бунча ёруғдир бугун,
Ҳузурига имлайди мени.
Қўлингни бер менга янги кун,
Ўзим олиб кетайин сени.

Сўнг яшириб юракларимга,
Сочларимга қўшиб ўрсамми.
Менинг меҳрим керакми сенга,
Осмон қадар қилиб берсамми.

Нечун бунча типирчилайсан,
Қўрқма оловнафасларимдан.
Тизгинсиз ҳис, туйғумни бериб,
Бўшатайин қафасларингдан.

Сен озодсан тунни енган мард,
Мен эркинман, бир шоир қизинг.
Туфилажак кучга қасдма-қасд,
Қизилгулдай товланар юзим.

Бутунисан ярим умрнинг,
Юзларингдан севиб ўпаман.
Сен меники — менинг кунимсан,
Бахтдан тоғдай ўсиб кетаман.

Қўлингни бер менга, янги кун,
Олиб борай дўстлар ёнига.
Жадаллашган ўй-хаёлларинг,
Қўшиласан ҳаяжонимга.

Қўшиласан қайта қурилган,
Лаҳзаларга, дўстлар ишига.
Янги куним, жонажон куним,
Яшаб қолгин юрт ташвишида.

Умр сени мақтаниш билан,
Қўшар мустақиллик изига.
Сўнг бошига кўтариб Ватан,
Кўз-кўз қилар дунё юзига...

Қўлингни бер менга, янги кун...

1996 йил

ҚИШЛОҚДА КУЗ

(Манзара)

Қуёш уфқлар ёнбошига ботади,
Келинлар даладан қайтади...

Отизлар четида кумуш жийдалар,
Намхуш шамолларда нозли чайқалар.
Қирмиз сирғалар жуфту-тоқ бўлиб,
Кумуш япроқлардан аста сирғалар.

Келинлар кетаётган узун йўлларга,
Узун бойтераклар тикар кўзини.
Сарғайган хаёлчан қоратолларга,
Шамол уқтиргандай бўлар сўзини.

Ортида қолади оқарган чаноқ,
Кел, дегандай бўлар тонгда эртароқ,
Дув-дувтўкилади тут япроқлари,
Хазонларга тўлар четдаги сўқмоқ.

Узоқда далалар қорая бошлар,
Подалар кўринар яйловтомондан.
Сулув келинларнинг кўнглини ғашлаб,
Булут кўринади чексиз осмонда.

Қуёш уфқлар ёнбошига ботади,
Келинлар даладан қайтади...

1996 йил

СЎНГГИ ҒУНЧАГА

Очил гулим, сўлма илтимос,
Тонгда чиққан қуёшдай жилмай.
Қувончларинг менга ҳам ўтсин,
Бизни кўриб яйраб қолсин ой.

Очил гулим, бўм-бўш боғларга,
Гўзалликнинг сеҳрини кўрсат.
Дардларимдай оғир чоғларга,
Қайтиб келсин меҳру оқибат.

Гулим менинг, тонгларни чақир,
Тонглар сени, сен шамолни ўп.
Мен-чун яқин сирдошсан, ахир,
Сенга айтар гапим жуда кўп.

Гулим менинг, нозик хушбўйим,
Совуқ боғдан юрагимга ўт.
Нафислигинг ўстирар бўйим,
Гўзаллигинг вужудимда ўт.

Бу кимсасиз йўлларда юриб,
Совуқ ўйлар исинсин ёлғиз.
Сен туфайли сеҳрли гулим,
Қайтадан кашф этсин ўзин куз...

1996 йил

МАЙСАЛАР ҚОПЛАСИН...

Кетмоқчи эмасман мен сени ташлаб,
Кўнгилсиз сўз билан дилингни ғашлаб.

Сени хафа қилиш ниятимда йўқ,
Лекин кечаги гап, қалбга ботган ўқ.

Руҳим қазо топди, яшамаяпман,
Уни кўймоқ учун жой ахтаряпман.

Биламан, қабристон сўзи кўп совуқ,
Сен иссиқ меҳрим-ла ўзингни овут.

...Агар етса бирдан вақти-соатим,
Жимжит қабристонга қўйма жасадим.

Қабрим атрофида елсин шамоллар,
Тўрт ёғимдан келиб солсин суронлар.

Шамол учун йўқдир девор, дарвоза,
У уфқлар дардини қилар овоза.

Тонгда ойдан ойдин нур бўлиб қайтар,
Юлдузлар ҳақида нурланиб айтар.

Гоҳ яқиндан, гоҳо узоқ ёқлардан,
Салқин саҳарларда зумрад боғлардан.

Узун теракларнинг шивирларини,
Райҳон, атиргулнинг хуш сирларини.

Соғинсам келтириб олдимга тўкар,
Ўғилларим бўлиб қабримни ўпар.

Жимжит қабристонга қўйма жасадим,
Кераги йўқ мрамор, эсдалиқ тошнинг.

Кенгликларда қолдир менинг юрагим,
Шудир менинг сендан сўнгги тилагим...

Қабримнинг устида тўкма кўз ёшинг,
Шамол очса бўлди йўлин қуёшнинг.

Қуёш ҳароратин аямас тақдир,
Сенда йўқ ишончни у этар тақдим.

Қабрим зулматига у тўкар нури,
Сўзлар сенинг мендан яширган сиринг.

Сен асло қайғурма, сира йиғлама,
Азиз ўғилларим кўнглин доғлама.

Булуғлар йиғласин, шамол инграсин,
Ёмғирлар тўкилиб, қабрим тингласин.

Устимни майсалар қопласин униб,
Сенга атаб ёзган шеърларим бўлиб...

1996 йил

СОЧЛАРИ ҚИРҚ ЎРИМ...

Дунёда энг яхши нафис сўзларни,
Сен менга, мен сенга шивирлаб айтсак.
Энг ёруғ, тоза нур чулғаб кўзларни,
Қандай бахт бир замон ёшликка қайтсак.

Унда ўсиб турар эркин ва озо,
Бўйи баланд, баланд, кўркам тераклар.
Сўқмоқлар четида ям-яшил майса,
Тупроққа шивирлар сирли эртақлар.

Юракларни тоза сақлади бу сир,
Турли ёлғонлардан бизни асради.
Бу эртақ бизларнинг шўх болалиқдир,
Ҳам бизни улғайтган аллалар саси.

Айт менга энг нафис яхши сўзларни,
Ёнимизга тушсин осмондан юлдуз.
Севиб қолсин сени бутун умрга,
Сочлари қирқ ўрим, қора кўзли қиз.

... МЕН КЕТДИМ

Сен қолдинг, мен кетдим узоқ йўлларга,
Хаёлларим элар оппоқ қорларни.
Шамоллар сен ёққа ҳайдар ўйларни,
Ҳижрон йўлларида оҳу зорларим.

Бу сенсан умримнинг азоб гирёни,
Фақат ҳижрон бўлиб кўнгилга кирган.
Бошларим устида ўйлар осмони,
Ёмғир ё қор бўлиб қуйилиб турган.

Йўлимга тўшалар армон-қор бугун,
Қалбим иситолмас яккаш бир далда.
Тонглар отмай қийнар узун-узун тун,
Фамгин юрагимга қуяди зарда.

Қор чўккан боғларда дарахтлар ёлғиз,
Совқотган яланғоч шохларда армон.
Узоқ-узоқларга бошлар ёлғиз из,
Соябонни тутар меҳрибон осмон.

МЕН СЕНИ ИЗЛАДИМ...

Мен сени изладим, топмадим,
Мен сени топмадим, юрак тўхтади.
Кўзларимда тинди совуқ хаёллар,
Йўлларга тўшалиб дардди оҳларим,
Ўзин тўрт томонга урди шамоллар.

Тунда деразанга томчи томчилаб,
Мен бўлиб урилди муздай ёмғирлар.
Менинг юрагимни эзди қамчилаб,
Кўзимни тўлдирган ҳасратли сирлар.

Шунчалар узунми соғинч йўллари,
Шунчалар оғирми ҳижроннинг тоши?
Чўзсам сен томонга етмас қўлларим,
Ёғиб тугамайди осмоне кўз ёши...

Мен сени изладим, топмадим...

ДАРДИ КЎП БУ ДАРДСИЗ ЖАҲОННИНГ...

Бир сурув ўтлоқнинг четида,
Чўпоннинг амрига кўнади.
Бир сулув чорбоғнинг ичида,
Хаёллар қўйнига чўмади.

Бир йигит термулиб ўйлайди:
Шу хаёл мен бўлсам нетар, деб.
Нигоҳим етмаса чорбоққа,
Меҳрли ўйларим етар, деб.

Далаларнинг чети кўринмас,
Чексиздир қалбининг армони.
Уфқлардан келгандай сирли сас:
Дарди кўп бу дардсиз жаҳоннинг...

УМР ҲАМ ЙЎҚ, ЎЛИМ ҲАМ ЙЎҚДИР...

*Дўстларим шеър ёзишни қўймагингни,
деб қайта-қайта сўрашади...*

Ёзилмаган мунис шеърларим
Нечун мени бунча қийнайсиз,
Кўзим етмас хира нурларни,
Нечун юрагимга жойлайсиз.

Сиз туганмас оғир ўйимсиз,
Сизсиз асло яшаб билмасдим,
Умидларим сўник, қўнимсиз,
Менга далда бўлинг шеърларим.

Куч берасиз синган овозга,
Юракдаги дардни англайсиз.
Тўкилинглар оппоқ қоғозга,
Нечун мени мунча қийнайсиз.

Нечун хатоларни кўрмадим,
Ўтган кунлар эдингиз қайда?
Ёзилмаган мунис шеърларим,
Тушкунликни кўнгилдан ҳайданг.

Ҳайданг кўздан хира рангларни,
Мен ўзимни танишим керак.
Ҳам силкитиб губор, чангларни,
Ҳақни ҳақ деб тан олсин юрак.

Ёзилмаган мунис шеърларим,
Қўлларимдан мени тутингиз.
Гар сизлардан йироқлаб кетсам,
Мен қайтарман, албат кутингиз.

Сизлар билан тилларим бийрон,
Ҳам отилган ўқ эрур сўзим.
Ватанимдир ҳур Ўзбекистон,
Унга жонин тиккандир қизи.

Йўқдир сиздан айри тушган йўл,
Ҳар сатрингиз бир лахча чўғдир.
Тарк этсангиз агар сиз мени,
Умр ҳам йўқ,
Ўлим ҳам йўқдир...

КАЙФИЯТ

Мен жуда чарчадим яшашдан,
Кўзларим, сўзларим толиқди.
Мени кучли тўфонлар эмас,
Ёлғонлар, ғийбатлар, гап йиқди.

Мен жуда чарчадим, шеърларим,
Кўксимга беркиниб йиғлайди.
Меҳру оқибатни унутган,
Дўстларим кўксимни тифлайди.

Яшашдан чарчадим, йўлларда,
Кўрганим кўзимга сиғмайди.
Эшитган гапларим оғриниб,
Айтмоқчи сўзимга сиғмайди.

Яшашдан чарчадим, тин олиб,
Зулматлар қаърига беркинсам.
Бир томчи шабнамдек боғларда,
Сўқмоқлар сўнгига тўкилсам.

Қоп-қора сочларим елкамга,
Оппоқ билагимга ўралса.
Чарчаган вужудим тин олиб,
Соп-совуқ тупроққа беланса.

Оппоқ юзларимга тўкилган,
Тупроқлар лой бўлғай, лой бўлғай.
Устимга эгилиб йиғлаган,
Дўстиммас, ой бўлғай, ой бўлғай.

Мен жуда чарчадим яшашдан...

ЎРИЛМАГАН ҚОРА СОЧЛАРГА

Эшикларни ёпгим келмайди,
Очиқ қолсин майли ойна ҳам.
Шамол кирсин ётоқхонамга,
Силаб қўйсин совуқ пешонам.

Ўрилмаган қора сочларга,
Майли тароқ бўлиб урилсин.
Майли сўнгра кетсин тоғларга,
Кўзимдаги уйқу сурилсин.

Қайта бошдан англай ҳаётнинг,
Шамол каби беқарорлигин.
Шамол каби тезлигини ҳам,
Шамол каби бетакрорлигин.

Бу ҳаётда йўқотганим кўп,
Тополмасман, одамлар билсин.
Майли, шамол бостириб кириб,
Душманандай устимдан кулсин.
Эшикларни ёпгим келмайди...

СИРДОШИМ ЁМҒИР

Бирдам унутайлик улкан ҳаётни,
Турмуш ташвишларин, иш ташвишларин.
Ёмғир ювиб кетсин қайғу, ҳасратни,
Бошқалар ўйласин дунё ишларин...

Юрагимнинг яқин сирдоши ёмғир,
Бугун куни бўйи айтди дардини.
Бугун менга сени топиб берди умр,
Сен айт, мен осмондай тинглай дардингни.

Хаёлчан кўзларинг кўзимга ўтар,
Не учун бир бошда миллион саволлар.
Вақт каби тўхтамас, узоқлаб кетар,
Юзимга урилган намчил шамоллар.

Фақат сен кетмагин, кетма узоқлаб...
Ёмғирнинг остида қолайлик ёлғиз,
Ҳеч қачон унутмас, ҳар лаҳза йўқлар,
Бизлар ўтган сўқмоқ,
Ёлғизоёқ из...

ЮРАГИМГА

Мен ишга шошаман ҳовлиқиб,
Хамир юқи қолар бармоқларимда.
Ойи, қачон келасиз, деб йўлимни тўсиб,
Болалар осилар оёқларимга.

Юрак, сен толиқма бу ташвишлардан,
Билсам катта бахтдир барчаси.
Мен ҳеч чарчамайман ишлардан,
Чунки улар ҳаёт парчаси.

Тандирда қизариб кетади ноним,
Сут тошиб кетди деб чопганимда.
Юмушларга вақт тополмай қийналиб жоним,
Қувонаман типирчилаб қолганимда.

Фақат сен ҳовлиқма, битади ҳозир,
Ҳаммаси лаҳзалик юмушлар холос.
Сени эса кутар эртанги умр,
Отажак тонгларда улкан бир ихлос.

Улар ўғилларим.. узиб қўйиб бири тугмасин,
Бири эса йиртиб шимини,

Қоғоз варраклари учмаса,
Ҳовлиқтириб қўйишар мени.

Шунда мен қизишиб кетайин, майли,
Сен тор қафасингни шунда кенгроқ тут.
Ахир ҳаёт қизиқ шулар туфайли,
Ўзингни урганинг гоҳ сув, гоҳи ўт.

Сен қол ёлғиз, ёлғиз мен билан,
Мен сен билан ёзмоқчиман шеър.
Тўхта, кўп ҳовлиқма юраккинам,
Туйғуларга қорилсин фикр.

Сенга айтсам энг кераги шу,
Сену мен-чун катта ҳақиқат.
Биз шеърларда қолдирган туйғу,
Менинг учун иккинчи ҳаёт.

Эсингда тут ўша ҳаётни,
Кетдик, тўхтама ҳеч, юр қани...

ПАНОҲ

Мен паноҳ истайман Махтумқулидан,
Бобо, деб руҳини чақирар кўнгил.
Кўзларим ёшидан, ёшим селидан,
Олдимда кўринар қийин, оғир йўл.

Мен нажот истайман Махтумқулидан,
Адолат эшигин минг бора уриб,
У мени эшитар ҳақнинг йўлида,
У мени юпатар дардларим билиб.

Мен меҳр истайман Махтумқулидан,
Бобожон, муҳаббат қай сўзда, айтинг.
Илиқлик ёйилар совуқ кўнгилга,
У айтар энг ёруғ кунларга қайтгин!



ЮРАК СИНИҚЛАРИ

. . .

Дўстим,
Кўнглимни
Тушунтира олмаганим каби,
Тушунтиролмаيمان
Шеърларимни ҳам.
Мендан изоҳ сўраманг шеърга,
Унинг чеки,
Чегараси йўқ.
Ҳар ким ўз дардига ўхшатар,
Сўнг дардидан
Қанот чиқариб,
Уча бошлайди
Ё умид, ё умидсизлик осмонларида.

Минг одам ўқиса,
Ўйлар минг турфа,
Чунки шеърим
Ёзилган эмас,
Фавқулодда рўй берган ҳодиса...

. . .

Мен энди шундай яшайман Дўстим
Ва шундай кетаман бир куни.
Кўзимда бир сурат,
Мангу чизилган.
Қалбимда бир овоз,
Мангу чақирган.
Ягона моҳият ҳасратларимда,
Бир туйғу қонларим шиддатларида,
Бу Сиз.

Суратга термулсам кўзларимда ёш,
Овоздан вужудга киради титроқ.
Ҳасрат йўлларини ёритган қуёш,
Нурлардан ясайди бир боқий фироқ.
Энди шу айрилиқ,
Кўзлардаги нур.
Энди шу фироқдан сўроқлар қолар,
Энди жавоб излаб дарбадар умр,
Қалбимда бир сурат,
Бир сийрат қолар,
Бу Сиз...

. . .

Сиз туғилган кун,
Туғилди умр.
Фалақда пайдо бўлди бир юлдуз.
Мурғак қалбини
Чулғаб минг хил сир
Йиғлади,
Йиғлади
Кўзлари қора,
Сочлари қирқ ўрим ўрилган бир қиз.

Сиз туғилган кун,
Туғилди Олам.
Оламни ёритди энг ёруғ юлдуз.
Юлдуз ёнига,
Учиб борсам деб,
Мангу қолсам деб.
Интилиб, соғиниб,
Ўксиб, ўртаниб,
Ўзига сиғолмай йиғлади шу қиз...

Сиз туғилган кун туғилди қисмат,
Гоҳ сўнди,
Гоҳ ёнди,
Кўкда бир юлдуз.
Қирқ ўрим сочлари,
Қирқта ғам бўлиб,
Ўримга келолмай,
Ерда майсага
Айланиб қолди,
Кўзи мунгли қиз...

. . .

Дўстим,
Бошланяпти менинг кунларим.
Кунларки, сурати
Қалбимдан кўчган.
Кунларки, қонларга
Бўялган уфқнинг
Сарғайган кўксида
Турналар учган.

Кунларки,
Бекишан,
Лекин қўллари боғли.
Оёқлар тушовсиз,
Лекин занжирда.
Бахтим Ой.
Унинг ҳам бир чети доғли,
Ғунчасин ичига
Туккан анжирдай.

Мен билан қўшилиб,
Йиғлар қоратол.
Йўқ!

Қалб унга ҳамоҳанг,
Фарёд чекади.
Япроқлар шитирлаб тўкилар...
...Кетма,
Биз билан қол, қол...

Шунда қалб уфқида,
Бир юлдуз учади.
Қалбимдан узилган,
Армон-учқундай
Тушади олтиндай,
Барглар ичига.
Куч қўшила бошлар,
Толнинг кучига...

Мен энди шу ерда қоламан,
Юраги тупроққа қорилган,
Қоратолман...

. . .

Сизни кўргим келар,
Ёмғир ёғганда.
Ёмғирга қўшилиб,
Йиғласа шамол.
Кўнглимдай тунда, хира
Кўзим уфқида
Йиғлаб, ўксиб
Сўнар бир хаёл.
Сизни кўргим келар,
Ёмғир ёғганда.

Кўнглингиздай бегара,
Боғларга боқиб.
Кўзим учқунлари,

Ёқади хазон.
Хазон тутунлари,
Йиғлатдимикан?
Ёмғирга қўшилиб,
Томчилар армон...

Далалар четида
Тераклар маънос.
Баргларида ёмғир,
Номозшомгулнинг.
Сизни кўргим келар.
Ёмғир ёғганда,
Бағри бунча қаттиқ.
Ўртада йўлнинг.

У мени юбормас,
Юпатиб куйлар.
Куйларидан чиқиб келар
Эртаклар.
Сизни кўргим келар,
Ёмғир ёғганда.
Қуёшни кутгандай,
Намхуш куртаклар...

. . .

Сиз келмаган соҳилларда,
Мени дарё кутиб олди.
Сизни соғинган йўлларда
Меҳр қолди,
Юрак қолди.

Дарё тошди,
Шамол тиңди.
Мен йиғладим,
Улар кулди.

Кўкда юлдуз,
Кўнгилда сўз.
Ой юзида
Меҳрли из.
Учиб қўнди,
Сочингизга.
Мен улардан,
Улар мендан
Сизни қизғонди.
Қизғондим.

Тўлқинлар кўпирди,
Ҳаяжон қиздирди кўксимни.
Йўлларни шоширдим,
Айрилиқ шоширди.
Тақдирни Оллоҳга,
Мен Сизни,
Янги дунёнгиз —
Учинчи оламга топширдим....

. . .

Сизни кутдим,
Ичимда сукут ва фарёд.
Дунёнинг азоби оёқларимда,
Шамоллар сасидан келди нола, доа,
Сиз келмадингиз.

Сизни кутдим,
Кўзларим йиғлади ёшсиз.
Юрак чўкиб кетди нотинч кўлларга,
Бошимга лаҳзалар урилди тошсиз.
Илондай чирмашди сукут тилларга,
Сиз келмадингиз...

Мен кутдим,
Софинч йиғлайверди орамиздаги.
Менга кел деб, кўксин очди
Ер-тупроқ.
Синди бир ганж меҳр қалъамиздаги,
Энг яқин бир дийдор бизлардан йироқ,
Сиз келмадингиз.

Сизни кутдим,
Орзулар қасрига урилди қулфлар.
Сиз яна кимларнинг меҳри билан банд,
Юзимга ёш бўлиб тўкилди зулфлар,
Мен кутдим,
Ичимда сукут ва фарёд,
Сиз келмадингиз...

Сизни кутдим,
Мени эса кутди умрнинг сўнгги,
Мен энди ўлмоқнинг хаёлин сурдим,
Ҳеч бўлмаса тушим келмади ўнгги,
Мен энди тупроқнинг ичига киргум,
Сиз келмадингиз...

Биламан,
Сиз кутиб яшайсиз,
Тасодифларни.
Бир лаҳзалик лаззатдан кейин,
Икки лаҳза ором оласиз.
Сўнг унутасиз бу ўткинчи истак,
Биламан.
Тасодифлардан
Аямайсиз ҳеч нарсангизни.
Қалбингиздан бўлак...

Лекин, бир тасодиф...
У ором эмас,
Эмас у бир лаҳзалик лаззат.
У иккимиз учун берилган
Абадий қисмат.
У оғриқ,
У ҳасрат.
Қалбимиз уйига
Баланд тахт қуриб,
Подшоҳга айланган
Муҳаббат!

.....
Оллоҳ худди қарзга бергандай
Омонат Умр!
Қайтиб олар экан бир куни,
Худди Сиз
Менга берганингиз
Бахт ва қувончни.
Синдириб, бўлаклаб, парчалаб....
Қайтиб олаётганингиз каби,
Парчаланиб кетади қувонч.
Бўлак-бўлак бўлади бахт ҳам
Бироқ
Синомас,
Бўлинмас,
Пўлатдек маҳкам.
Софинч азоби
Парчалаб бўлмагай,
Йиртиб бўлмагай.
Айрилиқ,
Ҳижрон китобин.

. . .
Тонг — Умр шарпаси
Сокин туннинг
Безовта
Юрак тўлғоғидан
Туғилган.
Юмилмаган
Кўзлар боласи...

. . .
Ўлим ҳақ!
Уни қандай англари тириклар.
Марҳум олдида тўкилган,
Бир томчи ёш.
Мусибатли ҳасрат доғида,
Бўғзига тиқилган қора тош,
Кулфат...
Азиз ёд,
Тобут ортида қолган фарёд.
Ё қабр тошига ботган хотира
Биланми?
Мен эса Сизни, кутганда,
Ёнимда эканин биламан унинг...

. . .
Кетдингизми?
Келмайсизми энди?
Унутдингизми...
Саволларимдан
Ой бўлиниб кетар осмонда,
Бир синиғи ёнимга тушар...
...Ойнинг синиғидан қонаган
Оёғим билан

Келмасингиз билсам ҳам нечун
Қонлар томган
Йўллар бўйидан
Сизга пешвоз чиқавераман.
Оёқларим теккан сўқмоқда
Лолақизғалдоқлар кўкараб
Ва лаҳзада қуриб қолади,
Сизнинг менга меҳрингиз каби.

. . .
Дунёда одамлар кўп...
Миллион,
Миллиард улар
Ранги,
Ирқи,
Миллати бошқа.
Мен учун эса
Ёлғиз инсон бор.
Ҳазрати Инсон
Қалби,
Туйғулари,
Орзу, қайғулари,
Томирдаги қонидай ўхшаш.

Дунёда Меҳр кўп,
Муҳаббат, Ишқ кўп.
Тасодифларда,
Бир лаҳзалик ором бўлиб порловчи
Ё манфаат учун,
Ёки нафс учун
Ёлғонлар ичида яшовчи.

Мен учун эса
Қалбга айланган.

Бордир бир мўъжиза қудрат,
Сизни ўйлаганда
Яшариб, нурланиб кетувчи
Кўзларим ичида яшовчи
Муҳаббат.

У умр сир-асрорин
Қуяр ичимга,
У билан бу ҳаёт бошқа.
У ҳаёт бошқадир,
Мен унда яшайман,
Фақат тушимда.

Ёмғирлар фасли кирди,
Қўнгил гулханларин
Ўчирмоқ бўлиб,
Мен эса қўнглимни,
Ёмғирга бермай,
Олиб кетдим.
Ишқим кенгликларига
Кузда келадиган баҳорим учун...

Ўғлим менинг,
Боғимдаги дарахтим.
Илдизларингга тегмасин ҳеч ким,
Ҳар япроғинг яшнаши учун,
Тупроқ бўлиб тўкилмоқдаман.
Уни маҳкам чангалла,
Илдизларинг билан.
Тўрт ёнингда,
Янги ниҳоллар,
Ўсиб чиқиши учун.

Яшашдан чарчадим,
Сизни соғинишдан.
Ўзимни тириклай,
Ерга кўмишдан.
Чарчадим...
Тирик юришдан...
Яшаш эса,
Тирик юриш эмас.

Беморман,
Оғриқларим дилни тозалар.
Қалбни тозалар,
Яшайпман бир умид билан.
Сиз Борсиз!
Сиз бу лаҳзалар...
Мени даволайди
Юракдаги санчиқ.
Яралар оғриғи
Лаҳзаларда чандиқ.
Беморман...
Севганман...
Севилмаганман...

Ўрганияпман яшашни,
Кун билан тун
Ўртасида,
Ёлғон ва чин ўртасида.
Ҳақиқатга яқин бўлиб...
Хатолар исканжасида.
Яшашни ўрганияпман,
Яшашни ўргатяпти
Муҳаббат!

. . . .
Қиш билан қор бўлиб қолмоқчи эдим,
Музга айланиб,
Сўнгра сингим келмади.
Баҳор билан кетмоқчи эдим,
Эртаси қовжираб.
Сўлгим келмади,
Ёз қуёши билан.
Ботиб кетмоқчи бўлдим,
Куйиб, сўнгра ўлгим келмади.
Куз билан қолдим...
Қиш, Баҳор, Ёзларда
Топганларимни
Сиз учун асраб...

. . . .
Уйга қараб кетаман,
Уй йўқ,
Йўлга чиқиб кетаман,
Йўл йўқ.
Сизга қараб кетаман,
Сиз йўқ.
Қалбга қараб кетаман,
Дил йўқ.
Мен ҳавода,
Муаллақ турган
Оғриқман бугун...

. . . .
Чумоли ини
Қўпол, бесўнақай оёқ остида
Қолди бузилиб,
Келаётир чумолилар галаси
Тизилиб.

Йўқотмаганини
Излаяпти улар,
Изламаганини
Топармикан улар..?

. . . .
Туғилган кунимда
Ўтган Умр
Чиқиб кетаётир юракдан.
Энди асло,
Келмайди қайтиб.

Юрагимга сизга кенгликлар
Кўзларимга қилмоқда торлик.
Мен кутганим осойишталикмас,
Безовталиқ кириб келмоқда.
Мени ардоқлаган ҳур олам,
Саробга ўхшаб кўринмоқда.

Мен ғамгин
Ё таъмагин.
Балки худбин
Бер жавоб сўроқ.
Нечун кутаяпман ўзга оламдан
Бир табрик,
Бир қучоқ гул.

Йўллар узоқ...
Мени бу ёруғ оламга,
Келтириб,
Кетганлар
Келмасин биламан.
Балки мени онажониммас,
Туғган бўлса керак ёлғизлик.

Шунинг учун қалбим ичида
Фақат ёлғизлик
Қилади байрам,
Қилар тантана...

. . .

Яшашни Сиздан,
Ўргангим келар.
Сиз тонгни,
Уфқни тоза дейсиз.
Мен уфқда қонли из,
Юракка андоза дейман.
Одам одамга ҳавасда дейсиз,
Мен одам дардини,
Умид-ҳасратини,
Ўз ичига солиб,
Сўнг қулфлаб қўйган,
Қафасда дейман.

Менга яшаш оғир.
Ҳаёт — бир томчи ёш.
Сизга яшаш енгил.
Шу экан тақдир.
Ҳаёт — тегирмон тош,
Уни чархпалак айлантираётир...

. . .

Келинг дедим,
Сиз йўқ дедингиз.
Соғинч юрагимдан узилди,
Ўртадаги йўлми, ё денгиз.
Висол кўприклари бузилди.
Яшаб бўлдим энди,
Бу ёғи менсиз.

Узун-узун йўл,
Ҳеч ким эсламайди.
Бу йўлда мени.
Дарахтларгина,
Мунгли эгилар,
Менга ўхшаш.
Хаёлпараст шохлари билан,
Барглар очиб гул.
Йўлларнинг четида,
Узатарлар қўл...

. . .

Сиз қурбон қилдингиз,
Азиз лаҳзаларни.
Тоза туйғуларни,
Оппоқ меҳрни Ақлга
Ўзингиз тиклаган
Муҳаббат уйин.
Эшигин
Ўзингиз қаттиқ ёпдингиз.
У менинг юзимга эмас,
Қалбим пешонасига
Қаттиқ урилди.

Мен эса
Ўзимни қурбонлик қилдим.
Илоҳий ишққа,
Юрагимнинг синиқларин босиб,
Сирқираган дардим устидан.
Юриб келяман,
Ҳаётим — охирги манзилим.
Муҳаббат сари...

. . . .

Биламан,
Нодонларгина,
Бахтга сифмай,
Ўлдиранлар қалбин аёвсиз,
Муқаддас туйғулар.
Нафсга бўлар қул,
Янтоқлар гуллайди,
Сўлар атиргул.
Биламан,
Менинг қалбим ўлмас.
Абадий яшар,
Чунки мен,
Бахтсизлигим ичидан
Топдим Бахтимни...

. . . .

Қаердан қайтдим?
Кибор давралар.
Шодон лаҳзалар,
Кулган чехралар.
Сохта илтифот,
Тама ва манфаат
— ёлғончи дунё ...

Келдим қаерга?
Оғриқ яралар.
Ҳасрат, қайғулар,
Ўрганиш-ёниш.
Юракнинг доғи:
— Муҳаббат бағри,
— Абадий дунё.

. . . .

Қабристонга дабдаба эмас,
Сукут керак,
Сокинлик керак.
Оятларни
Шивирлаб ўқинг.
Қалб нуридан,
Тин олиб мангу,
Тупроқда тинч ухласин юрак.
Жаннат эшиклари очилсин.
Бутун бўлиб Эътиқод, Имон,
Қабристонга садақа эмас,
Олиб боринг покиза Виждон...

. . . .

Мен энди кўндим,
Бахтим ичидаги,
Бахтсизлигимга.
Сизнинг олдингизда,
Тўкилиб бўлдим.
Энди кўз ёшларим,
Тошга айланиб,
Яна қайтиб кўнглимга ботди.
Соғинч кенгликларига,
Айлаңди коинот.
Учиб кетаяпман,
Беқанот...

. . . .

Сизни топиб,
Мен Инсонни танидим.
Сўнг Оллоҳни,
Сўнг Ҳаётни,

Сўнг Ёлимни,
Таний бошладим.
У мени,
Олдин бўлаклаб,
Майда-майдалаб,
Айлантирди заррачаларга.
Юрагимнинг ҳар заррасида,
Ўзимни яхшироқ танишим учун...

. . .

Мен Сизга,
Нимадир айтмоқчи бўламан...
Бир сўз...
Биргина сўз.
Ҳар кимнинг
Ҳаёти ўзига берилган...

Биламан, мен
Шу сўзни айтган куни,
Самодан ёмғир эмас,
Тош ёғилгандай.
Қуёшдан нур эмас,
Қон тўкилгандай бўлади.
Умр ҳам тўхтар...
Юрак урмайди,
Аммо руҳимдаги
Муҳаббат ўлмайди!!!
Мен эса, умримни,
Сизнинг умрингиздан
Қайтиб ололмайман.
Сизнинг умрингизни ҳам
Жонимдан олиб,
Қайтиб беролмайман.

. . . .
Тун, шамол,
Хўрсинар осмон.
Кўзлар эмас,
Ёш тўкар хаёл.
Томчи-томчи,
Бўлинар армон.
Паришон сочлардан,
Сирғалар рўмол...
...Сарғайган рўмол,
Тиззадан пастда.
Бошқача ҳаёт,
Деразадан сиртда...

. . . .

Ақлим тегирмони,
Ўрганди.
Янчиб майдалашни,
Хиёнат, ёлғоннинг қайғуларини.
Виждоним оғрийди,
Тошлар майдаласа
Рўёбга чиқмаган орзуларини.

. . . .

Кулранг оқшом,
Кулранг армон.
Тўлғоғидан
Туғилади.
Оппоқ шуъла,
Ва оппоқ тонг.

. . . .

Умр ўтди...
Мен энди йўқман.
Қолди,

Шамолларнинг гув-гуви.
Узоқларда вақтнинг лаҳзаси.

Ўлимнинг ўтмиши.
Келажаги йўқ,
Бор совуқ нигоҳ —
Хиёнатга ўхшаш.
Қоп-қора шарпа...
У келар умрдай,
Бир марта.

...

Ўз умрини,
Яшолмас шоир.
Ёлғон дунё берган,
Ёлғончи бахтни.
Ростга айлантлар,
Лаҳзалик қувончни.
Шеърлари билан.
Мангуликка айлантлар,
Шоир-сеҳргар.

...

Тақдир бир асал-ла сийламас тўғри,
Раво ҳам кўрмагай фақат заҳарни.
Бахтингга қувонма, эй Одам Ўғли,
Билмайсан,
Эртага не бўлар,
Келаётган омадми, ёки хатарми?

Осмон тепамда деб кўтарма бошинг,
Қараб юр, оёғинг ости — Ерга ҳам.
Борар манзилимиз бирдир, ҳовлиқма,
Келиб-кетар жойимиз ҳам бир қадам...

...

Қайта туғиламан, қарашингиздан,
Руҳимга киради бошқа бир умр.
Минг бора айланиб кўз-қошингиздан,
Сизни менга инъом айламиш тақдир.

Тақдир ёзмишлари менинг қонимда,
Минг ўйлаб бир чора топа олмайман.
Бошқа жон яралди энди жонимда,
Энди бу умрни қайтаролмайман...

...

Мана, дарё
Ойнинг нурида.
Оқаради безовта бўлиб,
Бир пайтлари шу нурлар мени,
Қайта тукқан эди.
Ва шунда
Ўзим дарё бўлиб сероқим,
Оққан эдим қайта туғилиб,
Бир олам яратиб ўзимда.

Бугун эса
Дарё атрофин,
Эгаллабди ўзга, ёт олам,
Уни танимадим.
Тополмадим,
Сув эса жим.
Тўлқинлар қабр
Қаби кўмиб кетмиш хотирам.
Ў, дарё!
Дардли дунём менинг.
Майли, тузатилмас,
Хато бўлсин,

Мен топган,
Дард, оғриққа тўлган.
Ўша хур олам.
Мен эса, энг аввал,
Ундан дўзахнинг,
Эшикларин очдим.
Ёнаётган ўтлар ичидан,
Қайнаётган қонларда куйиб,
Жаннатимни топдим.

Дарё бўйидаги,
Бошқа оламлар,
Ҳавас қилсин менга.
Энди дарёнинг
Яратгучи гўзаллигидан,
Мендан ортиб
Қолмади ҳеч нарса...
Мана, дарё,
Оёқларимга бош ураётир.
Оқиб, оқиб ирмоқлар билан,
Гоҳ яқин,
Гоҳ йироқлар билан.
Билди,
Энди тополмайди.
Мендай хокисор
Садоқатли Дўст,
Бир Хилқат,
Сеҳрли Олам
У менинг,
Мен унинг пойига
Бош қўйгум,
Дарё!
Азиз дунём менинг,
Сувингда мени ҳам,
Олиб кет.

Кечиринг,
Тинчлик бермаса Сизга
Ибодатим,
Дуоларим,
Илтижоларим.
Кўзларимда ёш йўқ,
Нигоҳлар ҳорғин,
Кўксимдаги жарда
Кўмилиб ётар:
Сирим-хатоларим.

Хаёлларим
Томчи, томчи оғу бўлиб,
Бағримни эзади,
Ухлашга қўймас.
Ўз бахтим ўз.
Тушимга кирар.
У мен билан
Қолиб бир нафас,
Босинқирайди,
Довдирайди ўнгимдагидек.
Бир ёқлама
Муҳаббат билан.
Сизнинг тинчингизни бузади
Кечиринг,
Мени...

Сиз ҳақсиз
Яратилмиш
Йўқотилмиш бор.
Баҳор яратганин
Ёз қуритгандай.

Лекин Оллоҳ,
Ўзи танлаган одамларнинг
Яратганин
Даврлардан-
Даврларга
Ўзи асраб,
Ўзи олиб юради.
Дарёлар қайтади
Тоғлар тикланар.
Сувлар қурийди,
Чўллар кенгаяр.
Одамлар келади,
Одамлар кетар.
Биолар тикланар,
Деворлар қулар.
Эски қалъаларнинг
Синган ғиштлари,
Кундузлар сукутда яшар.
Тунларда сирлашиб,
Ҳурпайган бойқушнинг,
Совуқ нигоҳлари,
Нурсиз кўзлари билан.
Фақат шоир,
Фақат шоир яратган.
Оғриқлар,
Дардлар
Азоб чандиқлар,
Битмайди, кетмайди.
Яшайверади,
Яшайверади
Сўзлари билан...

Вақт афсунгар.
Ҳаёт бир,

Нечун икки соат ясадинг заргар.
Олтин сув ҳам,
Югуртириб унинг тилига.
Маҳкам қилиб
Ўрнатдинг сўнг
Икки қалбнинг битта кўнглига.
Улар юриб турар,
Фарқи шундаки,
Бири қўлда, бири қутида...

Битта юрак,
Бир меҳр учун.
Нечун икки соат
Ясадинг заргар.
Келадиган бахтли онларни
Билсин дедингми?
Ўзинг айт!
Яшашим учун
Қолган вақтинг нечоғли?
...Қаранг тақдир ишига
Умрим ўлчови
Қўлимдаги эмас,
Қутидаги
Соатга боғли!

Денгиз тўлқинлар
Ёғоч кеманинг
Кўтарилар оқ елканлари,
Намхуш шамол
Шивирларига,
Тўлиб кетар
Сув тўлқинлари.
Вақт бўлди,

Йўлга чиқмоқ вақти...
Кетсам,
Ортга йўл топиларми?

...Агар яна бор бўлсам,
Бор бўлганимдек.
Агар яна яшасам
Яшаганимдек.
Одамлар тўдаси ичра
Адашиб,
Ҳолсираб.
Бугунгидай узоққа
Йўл олмас эдим.
Келар эдим тўғри,
Ҳеч иккиланмай
Йиқилардим қоқ,
Кўксингиз ичига...
Афсус!
Вақт бўлди.
Кетмоқ вақти...

Яшадим, лекин,
Бошқаларга ўхшай олмадим.
Энди ким ёш тўкар,
Мен учун
Ўзимни излайман,
Кимнинг бағридан
Кимнинг ҳаётида қолибман.

Балки кимдир ўйлагандир мени,
Балки ёқтирмаганлар кўпдир.

Вақт бўлди!
Бугун сўнгги бор

Мен тикилмоқ бўлган нигоҳни,
Ахтараман.
Хайрлашмоқ учун,
Ёш биланмас,
Қайғу биланмас,
Видо билан хайрлашаман.

Бир вақтлар мен ҳам
Туғилган эдим.
Яшадим-юрдим
Дунёни кўрдим.
Яхшини, ёмонни, билдим.
Бахтим,
Бахтсизлигим,
Шундаки,
Бир Сизни Севдим,
Бир Сизни Севдим!

Вақт бўлди...
Кема денгизда...

. . .

Юракка санчилар,
Занглаган бир ўқ.
Ўтмас бир ханжар,
Олдга йўл йўқ.
Олда бўшлиқ,
Ортда чуқур жар.
Иккита йўл.
Икки томонга,
Бўлиб ташлар.
Юрак санчикларини
Ширин хотиралар
Нечун титкилар,

Тирнайверар
Юрак чандиқларини...
Нечун хайрлашдик,
Бегоналардек.

. . .

Шаҳарлик бўлиб,
Мағрур яшанг дейсиз.
Кибор давраларнинг
Тўрига тўлиб,
Менга эса азалдан
Буюрилган,
Ўзимнинг ичимда
Ўзим яшашим.
Қиёматлик дўст бўлиб,
Ёлғизлик билан.

. . .

Аҳволим сўрайсиз,
Ичимдан ташқарида
Ҳаммаси яхши.
Ичимда ёмон,
Ичимдаги
Дардларим пинҳон.
Азоблари, оғриқлари —
Жон беради,
Гоҳ олади жон.
Қийнаса бир ўзимни қийнар,
Кўзларимда томчи ёш эмас.
Бир томчи ўт,
Чўғ бўлиб қайнар.
Бу сирли ўт,
Сиртимга чиқмай.
Куйдиради бор

Биру борим.
Буни айтиб,
Етказайми
Сизга озорим,
Бу беадоғ,
Бир тугамас дара,
Қисматимда ёзиб қўйилган.
Фақат ўзим олиб юришим
Яратганнинг ўзи буюрган.

. . .

Қани эди,
Кўзларингиз ўтида.
Бир ёниб кул бўлсам-у,
Ўчиб кетсам.
Кўзларингиз ичига
Чўкиб кетсам.
Чўкиб кетсам,
Дийдор куни,
Яна... яна...
Қанотларим бўлмаса ҳам,
Учиб кетсам,
Учиб кетсам.

Ер қўзғолса,
Ер қўзғолса,
Ёрилса-ю,
Мен ичига
Тушиб кетсам,
Тушиб кетсам.
Қанча азоб,
Қанча қийноқ,
Ҳижрон ўртар,
Бу дардлардан.

Кундага бош қўйиб,
Бошдан кечиб кетсам,
Кечиб кетсам.

Жаллод кечар,
Кунда кечар.
Ханжар кечар,
Менчи...
Сиздан ...
Сиздан кеча оламанми?
Ҳеч қачон!
Ҳеч қачон!
Ҳеч қачон!

. . .

Бу сурат...
Ҳаётимнинг бўлаги.
Йўқ!
Ҳаётнинг ўзи
Нигоҳга айланиб
Термулади
Биргина менга
Фақат менга тикилар,
Оламнинг кўзи.

Орқада эса,
Ўтмиш изларига боғланиб.
Тошиб,
Жўшиб,
Яшнар бир даврон.
Беадоф юлдузлар
Чексиз шуълалар.
Макони осмон,
Тилсиз бир хилқат.

Кўнгли тўлиб кетиб,
Нур қилиб тўкиб.
Сўзлайверар,
Одам ўғли,
Дардларин...

...Бу сурат...
Қалбимнинг
Ичида яшайди.
Жонларим каби
Бу сурат,
Тикилганим сари жонланар.
Ана, шамол эсар,
Сочингиз тўзғитар
Ҳар толанинг ичига кириб,
Тахларин бузар...

Ана уфқ...
Олтинранг нурларни оралаб,
Оппоқ парқу булутларини.
Томчи-томчилаб
Лола қизғалдоқлар,
Лабига тутар...

...Бу сурат — Сиз.
Бор табиатни
Бағрингизнинг ичига солиб
Учиб кетмоқчидай,
Қанот чиқариб,
Талпиниб,
Интилиб турибсиз.
Бутун олам сизга кўксингизга,
Биргина мени
Сизга олмай!

. . .
Кўзларим ёшини ардингиз,
Йиғлама, дедингиз.
Меҳрингиз кучи
Менга куч берди.
Йиғламайман,
Энди йиғламайман дедим.
Ўргандим,
Кўзларим ёшини,
Ичимга ютишни ўргандим.
Ичимга тўкилган,
Кўз ёшларим.
Шўр тузга айланиб,
Бўғзимда қолди.
Энди йиғламайман,
Биламан.
Энди йиғласам
Кўзим ёшларини
Артмайди ҳеч ким,
Энди кўз ёшим.
Юзимга эмас,
Бўғзимдаги тошга томади.
Сиз энди кўз ёшим кўрмайсиз,
У менинг ичимда қолади!
Йиғлама дедингиз,
Йиғламаяпман...

. . .
Тугади,
Тугади ҳаммаси.
Узун-узун ширин туш каби,
Аммо қаттиқ қисиб.
Кўксимга ботиб,
Азоб берар темир занжирлар.
Узсам уни парча-парчалаб,

Тутқунликдан бўшатсам қалбни,
Занжирбанд қилинган хотираларни...

. . .
Туман орасидан
Шуъла сочган қуёш,
Ўхшайсан узоқдаги меҳрга.
Намхуш нафасингдан,
Ҳолсирайди жон,
Хира тортар кўзлар пардаси.
Сен қачондир,
Узоқда қолган,
Бахт хотираси,
Муаллақ турибди.
Бежон нурларинг
Унда ҳарорат ҳам,
Илиқлик ҳам йўқ.
Туман орасида
Совқотаётган қуёш.
Сен ёлғиз,
Тозасан — лекин узоқсан,
Тиниқсан — лекин қалбинг йўқ...

. . .
Тунга безак бўлолмадик биз,
Уни ой-юлдузлар бегади.
Ҳамроҳ бўла олмадик тунга,
Интиқиб етсак ҳам бу кунга,
Хайрлашамиз сўник ва бесўз.

Ҳаёт типирчилар кўксимда,
Тун ҳам нотинч, бўлар бетиним.
Суянаман ўзим ўзимга,
Бунча узун бўлмаса бу тун.

Ҳам қувонч, ҳам оғриғим учун,
Тун берилган эканми менга.
Лекин уни биз ташлаб кетдик,
У ғуссасин айтади кимга.
Бор дардлари ичига ботиб,
Тонг отгунча қораяди тун...

. . .

Кунлар ўтмоқда,
Ойлар ўтмоқда.
Ўтмоқдаман мен,
Сиздан кетиб
Яна Сизга
Қайтмоқдаман.

Сиздан кетиб
Ўзимга келмоқдаман,
Сизни яна ўзимда топмоқ
Ва яна ўзимдан
Кетмоқ учун.

. . .

Менинг гулим
Сизга аталган,
Сизга сақланган
Баҳорим бор эди, ягона.
Нечун тўсатдан пайдо бўлди.
Шошилган кузим.

Билсам,
Чақирилмаган
Меҳмонга ўхшаб,
Келиб қолибди.

Бахтим байрами,
Қалбим шодиёнаси.
Меҳрим тантанасига
Ва уятдан қовжираётир...

. . .

Интилади шафақ заминга
Тўшалгиси келиб,
Гардишин дарёга
Отади офтоб.
Кенг дала...
Эгатлар...
Яшил варақда
Сатрлар тизилган,
Қаранг, осмон берилиб
Ўқиётир китоб...

. . .

Бошқалардан қаттиқ қизғониб,
Сизни яшириб қўяман,
Юрагимнинг чуқур ерига,
Токи тополмасинлар Сизни.
Ичимдаги
Сирларим каби
Вужудимнинг
Ич-ичидан ҳам...

. . .

Келинг,
Яккалатиб
Қўйманг ёлғизликни,
Одам боласини
Хафа қилиш

Сизга хос эмас.
Мен эса
Бирор бир сўз
Айтолмаяпман
Сўзга сифмаётир соғинчим...
Ичга сифмаётир бу нафас.

. . .

Онамни кўраман
Кўзгуга қарасам.
Ўша азиз чеҳра,
Безовта нигоҳ,
Сўлғин юзлар узра
Узун-қисқа йўл,
Ажинлар,
Ажрлар
Қисмат сўрови,
Бир тақдир йўлининг
Отсиз улови.

Онамни кўраман
Кўзгуга қарасам.
Меҳр билан боққан кўзларда
Бир томчи ёш,
Тун каби мунг,
Тош каби бардош
Бир умрга тенг.
Лабининг четида
Алла нидоси.
Қалбининг ичида фарзанд жафоси
Елкасида қисмат юклари оғир
Армон билан тўла,
Бахт билан тўла,
Бир сирли умр.

Онамни кўраман
Кўзгуга қарасам,
Қайтар дунё
Онам суратида.
Менга қайтдимми?

Мурод тўла умид,
Яхшилик истаган,
Бир меҳр излаган
Йўллардан юриб
Ортга қайтдимми?
Онам тирилдимми
Менинг ичимда,
Ё мен айландимми
Онам жисмига.
Дунёлар ичида дунёлар излаб
Янги ном топдимми
ОНА — исмига.

Онамни кўраман
Кўзгуга қарасам,
У йиғлаб турар
Менинг кўзларим билан.
У сўзлаётир
Менинг тилларим билан.
Менинг кўнглим билан
Дардларга тўлиб,
Ўғилларин ўйлаб ўн,
Қизларини ўйлаб қирқ куйиб,
Маъюс тикилади.
Кўзгу — эса, кўзгу эса...
Дардларга чидамай,
Чил парча бўлиб
Ерга тўкилди...

Менинг эса
Армоним ўзимда,
Бир куни қизларим улғайиб,
Кўрармикан мени,
Ўзлари тикилган кўзгуда...

Онамни кўраман,
Кўзгуга қарасам...

. . . .

Шоир мен эмасман,
Шоир шамолдир.
Аввало сочингиз тўзғитиб,
Сўнгра хаёлларга гулу солади.
Сокин олмазорни уйғотиб,
Мунис майсаларнинг
Тинчин олади.

Шоир мен эмасман,
Дарё шоирдир.
Икки соҳилида дунё яратар,
Тўлин ой узилиб.
Тушса осмондан.
Юлдузлар нигоҳин
Сувга қаратар.

Шоир мен эмасман,
Шоир саҳардир.
Туннинг дарвозасин
Қулфини бузар.
Оппоқ нур улашиб
Жумла жаҳонга,
Янги куннинг янги бахтини тузар.

Шоир мен эмасман,
Одамлар шоир.
Қалбини очади бири-бирига,

Дардлари тўкилиб,
Сўнгра қаламда
Айланар шоирнинг шеърий
Сирига...

Шоир мен эмасман,
Табиат шоир.
Ер курраси каби
Чархпалак бўлиб,
Тинмай айланаётган
Ҳур қисмат шоир.
Қисматни дунёда
Улуғвор қилган,
Шоир муҳаббатдир,
Муҳаббат Шоир...

Шоир мен эмасман...

. . . .

Қўлингга бир китобни олиб
Варақладинг,
Сатрларга тикилдинг, сўнгра
Яна аста жавонга қўйдинг,
Сенинг юрагинга жойлашолмади
Китобга жойлашган фикрлар,
У фақат жавонга
Жойлашиб турар...

. . . .

Ҳозир дунё, мол даври,
Орзу ё хаёл даври.
Балки ўтиб замонлар,
Келар гул, ҳилол даври.
Унда Сўз бўлмас, Инсон
Дил билан гаплашади.
Яқин келиб Кўк Осмон,
Ер билан дардлашади.

Бошқа сайёраларга
Танимизмас, рух учар.
Шамол билан тўзонмас,
Фаришта, гулрух учар.

Кўқдан Ерга тушади
Зарсоч Қуёш қизлари,
Зулмат Ердан кўчади
Ўчар қора излари...

. . .

Қайғу, ҳасрат
Дунё мулкими?
Ёки инсон кўнглининг мулки?
Бахт ичига у қайдан кирди?
Аввал қайси пайдо бўлдийкин
Қайғу-ғамми,
Инсон ё Кўнгил?

. . .

Биламан,
Эсингизга тушаман баъзан,
Ҳаётингизда эса йўқман.
Ширт этиб шоҳадан
Узилган бир барг
Бақувват дарахтга билинмагандай,
Борлигим,
Йўқлигим,
Билинмас Сизга.

Япроқни чирпирак қилиб шамоллар,
Олиб кетган бўлса бенишон.
Мени Сизнинг ҳаётингиздан,
Чиқариб ташлади
Қисмат деб аталган шиддатли бўрон...
Биламан,
Эсингизга тушаман баъзан...

IX

“Излаганларим”

китобидан



ДЎСТИМ МЕНИНГ...

Дўстим менинг,
Азиз дўстим менинг!
Ожиз юрагимнинг кучли тираги,
Оху фиғонлари тонг билан туннинг
Журъатни излаган сирли эртаги.

Дўстим менинг,
Турли ўйлар қийнаб ҳорғин термулсангиз
Бу умр уммони оқизиб кетар.
Дардли дунёсига яқин келсангиз,
Куйиб кетмоқ учун бир учқун етар.

Дўстим менинг,
Сирли дунёлар ичра
Кириб кўрдингизми ҳеч бўлмаса бир —
Бир бора адолик дунёларига,
Садоқат, фидолик дунёларига.

Кўрсам агар Сизни у дунёларда
Фидоликларингиз кўнглим ўстирар.
Миннатдор нигоҳим нур, зиёлардан
Куч олиб тирилар, қайта яшайди.
Дўстим, кетдик яна шу дунёларга,

У бизларни мангу асло айирмас
Садоқат йўлидан бахтга бошлайди.

Дўстим менинг,
Азиз дўстим менинг!
Ожиз юрагимнинг кучли тираги...

ЯХШИЛИКНИНГ ЙЎЛЛАРИДА

Қайларгадир тортар мени номаълум руҳлар,
На ўзимдан, на умримдан тўлмайдди кўнглим.
Нигоҳимни тарк айлаган нурли шукуҳлар
Макон қилиб кетганлари у қайси кўнгли.

Эй табиат, сен юракка солдинг не армон,
На бир умид, на бир ният фикру зикримда.
Меҳр кўргизганларимда нечун йўқ имон,
Не у, оёқларимгача қаттиқ ўралган?

Қўлларимда тутганларим фақат эзгулик,
Қайтганлари кўкрагимга ботган қора тош.
Юрмаганим дўсту душман фарқини билиб,
Юзларимни ачиштирган қайноқ қонли ёш.

Бўшат менинг оёқларим, эй совуқ илон,
Силлиқ пўстинг аврамасин қора кўзимни.
Очкўз нафснинг тузоғига тушган, эй инсон,
Вужудимдан ололмайсан ёруғ сўзимни.

Шеърларимнинг ҳар қатори бир ўткир тифдир,
Тухмат қилган тилларингни бир-бир кесарлар.
Менга ёруғ тоза руҳни бахш этган тақдир,
Яхшиликнинг йўлларида мағрур ўсарлар...

ОСМОНИНГ БИР ОЛАМ

Мен бугун тавбалар қилдим, йиғладим,
Гуноҳларим бўлса кечир, эй Эгам.
Кўнглимга ёруғлик берган ўзингсан,
Сен берган муҳаббат яратди олам.

Сен берган меҳрдан яшардим, кечир,
Мен ўтган кунларим этмасман инкор.
Кўз ёшларим ювсин, поклансин умр,
Ахир ўзинг шундай яратдинг, Худо.

Кўзларим тўлдиран сен ёндирган нур,
Қара, осмонинг ҳам йиғлайди бугун.
Қара, ёмғир бўлиб тўшалар умр,
Қара, ечилмоқда қалбада бир тугун.

Қабул эт, эй Тангрим, тавбаларимни,
Шишадай артмоқда кўнглимни кўз ёш.
Осмон ҳам талатўп ғавғоларини
Тўхтатмас, барибир чиқади қуёш.

...Мен бугун тавбалар қилдим, йиғладим,
Гуноҳларим бўлса кечир, эй Эгам.
Мен ахир бошқача бўла билмадим,
Ўзинг яратгансан дард билан ҳамдам.

Сенинг осмонингдан мунг, дард оларман,
У ҳам йиғлар, мен ҳам йиғларман тинмай.
Бугун кўз ёшларга ботиб қоларман,
Тупроққа қорилган хокипой гулдай.

Мен бугун тавбалар қилиб йиғларман,
Гуноҳларим бўлса кечир, эй Эгам.
Кўз ёшларим билан қайта туғиларман,
Барибир мен билан меҳр ҳам, ғам ҳам.

Меҳринг яшартирар, ғаминг куйдирар,
Адоман иккисин ораларида.
Агар осий бўлсам кечир, эй Эгам,
Умрим ўтсин сенга тавбаларимда.

... Кўз ёшларим тинмай-тинмай йиғларман,
Ошиғу зор қизинг кечир, эй Эгам.
Бари юрагимда, қандай англарман,
Осмонинг бир олам,
Мен ҳам бир олам...

ҚАРАНГ, ОЙ ТЎЛҒАНАР, БУГУН КЎЗ ЁРАР...

I

Лаҳзалар, соатлар, кунлар, ҳафталар,
Янги туғилган ой умид этсалар,
Тонглар булут билан эриб кетсалар,
Шамоллар боғларга умид сепсалар,
Ниҳоллар барг ёзиб гуллар битсалар,
Дарёлар тўлсалар, тошиб кетсалар.

Сен қачон тошасан, юрагим маним,
Қачон ушаласан, тилагим маним.

II

Йўлларим ўтарлар очиқ даштлардан,
Кўнгил узолмасман яқин дўстлардан,
Асло чиқмас азиз сўзлар эслардан.
Тугёнлар чирқирар ёруғ ҳисларда,
Пушаймон яшайди каму кўстларда,
Яхшилик яшайди ширин тушларда.

Қачон ўнг бўласан меҳру оқибат,
Қалбимга тўласан қачон муҳаббат?

III

Саҳролар сеҳридан кўзлар лиммо-лим,
Чечаклар сукутда, явшанлар ҳам жим,
Тўрт томоним кенглик, тўрт томоним қум,
Мени кенгликларга чорлаётган ким,

Мунгли қўшиқларим тинглаётган ким,
Азобдадир жоним, фиғонда кўнглим.

Уни тушунгувчи дўст тополмадим,
Хиёнатлар юзин ҳеч ёполмадим.

IV

Эй осмон, олдимга тўкилдинг бугун,
Бошларим устига ёйилдинг бугун,
Шафақда чокма-чок сўкилдинг бугун,
Юлдузлар узилиб, сочилдинг бугун,
Сирларинг фош бўлиб очилдинг бугун,
Тухмат, ёлғонларга букилдинг бугун.

Сен қачон очилиб тўкиласан, дил,
Сохта дўстларингдан ўкинасан, дил.

V

Қуёш ботиб борар, йўллар узаяр,
Қон бўлган уфқларнинг ранги бўзарар.
Яралар битади, оғриқ тузалар,
Тонглар софлигидан умр узаяр,
Қаранг, ой тўлғанар, бугун кўз ёрар,
Яхшилик туғилар, эзгулик қолар.

Яхши ниятларим, қўлларимдан тут,
Ёруғ кунлар келар, сабр билан кут!

КЎНГЛИМ ТАКРОРЛАЙДИ ТАБИАТ

Неча кунки осмонни тарк этмайди булутлар,
Гоҳо ёмғир, гоҳо қор, гоҳо шамол шиддати.
Бироқ менда бошқа ҳол — қалбдан кетмиш умидлар,
Милт-милт сўнар бир чироқ, ардоқли муҳаббатим.

Дийдираган новдалар самоларга термулар,
Қачон офтоб кўриниб, нурга тўлар юзлари.
Қоп-қора туманларда энди қандай кун кўрар,
Энди қачон чарақлаб порлагай юлдузлари.

Чириётган қора қалб, моғорлаган ўйлари,
Ҳасад ўйинчоғига айланган тирик мурда.
Эшитолмас заминнинг энг покиза куйларин,
Меҳр нурын сезолмас на самода, на ерда.

Майли, ёмғирлар ёғсин, сурон солсин шамоллар,
Майли, қора туманлар тўшалсин сўқмоқларга.
Биламан, қора туман, қора мақсад, хаёллар,
Кезиб юрар ёнимда, гоҳ яқин-йироқларда.

Бу ҳақда хабар берар осмон ёмғирлар билан,
Келар хавфу хатарни шамоллар етказади.
Туманлар ўралади оёққа сирлар билан,
Тақдирда не борлигин юрагимга ёзади.

Қани энди кучолсам шу булутли осмонни,
Юрагимга жойланса оппоқ ёруғ юлдузлар.
Мен ўзимда асрагайман табиатнинг армонин,
Яхшилигим, оқ ниятим, тонгларию кундузлар.

Кел, эй менинг умидларим, уфқларнинг оқ ранги,
Синиқ хаёлларимни ула оқ нафасинга.
Яхшилик тозаликка Ватан бўлсин бу таним,
Кўзларим тўлиб кетсин яхшиликнинг сасига,

Майли, ёмғирлар ёғсин...

ТОПМАССАН

*«Неча ишни ақл билан жам этсанг,
Фалак шундай, бир кун ҳисоб топмассан...»*

Махтумқули

Бу умрнинг бош-оёғи саволдир,
Минг бор ўйлаб, бир бор жавоб топмассан.
Замини ҳам, осмони ҳам хаёлдир,
Кўнглингга тун чўкса офтоб топмассан.

Саҳарларда саҳросидан гул излаб,
Юракларга меҳр билан йўл излаб.
Яхши ният, тилакларни мўл излаб,
На яхши сўз, на бир савоб топмассан.

Ой тўлиб зулматли тунни ёритар,
Кўнглим ойдаи меҳрни интиқ кутар.
Кўзларим ёшини шамол қуритар,
Юракни юпатар бир дўст топмассан.

Ҳаммаси битилган тақдири азал,
Умрнинг йўлига битилган тугал.
Кунларим қисмати тушларимда ҳал,
Тақдир ёзмишига бир сўз топмассан.

Тоза ниятларни сотиб кетарлар,
Кун бермай кўз билан отиб кетарлар.
Кўз ёшинг пушмонлар ютиб кетарлар,
Ҳайрон бўлиб ақду ҳуш топмассан.

Нигоҳларга қора зулмат кўринур,
Садоқат изласанг, тухмат кўринур.
Ҳимматга маломат, иллат кўринур,
Бахт эгаси — ҳумоюн қуш топмассан.

Гулистон дер дўстинг, кўзларида ўт,
У сени англагай, ундан умид эт.
Ҳузурида бош эг, қўлларида тут,
Меҳру иззатига кам-кўст топмассан.

НАВРЎЗ

Куртаклар бўртибди олма шоҳида,
Қувончлар йўртибди еллар оҳида.
Қушлар чуғуридан ёришиб осмон,
Тунларда ой, юлдуз бир суҳбатижон.

Наврўз! Наврўз! — дея такрорлар тонглар,
Наврўз янги куйин излар оҳанглар.
Баҳорий қудратга тўлишар олам,
Ҳар сўқмоқ ҳурқадам, ҳар сўқмоқ хуррам.

Куртаклар бўртибди олма шоҳида,
Ўриклар бир қўшиқ бошлашга шайдир.
Қоратол тонгларга интиқ интилса,
Йўлини ёритиб порлаган ойдир.

Наврўз саломидан само мунаввар,
Кўнгилар очилган хушчақчақ, дилбар.
Меҳр кезиб юрар остоналарда,
Оқибат улғаяр кошоналарда.

Кенгаяр тонг билан дил кошонаси,
Муҳаббат улғаяр — умр нишонаси.
Юзларни ёритар оппоқ шуълалар,
Қалблардан кетади ўпка-гиналар.

Куртаклар бўртибди олма шоҳида...

СЕНИНГ ҚОРА КЎЗЛАРИНГДА ЯШАР МИНГ САВОЛ...

Шоира синглимга

Ҳавас этма, орзу қилма менинг умримни,
Бу умрнинг сўқмоқлари тошли, тиконли.
Ҳавас қилма, кўп софинма менинг кўнглимни,
Кўнглим менинг тилка-пора, ярали, зорли.

Бўйларингга қараб бўйим ўсади менинг,
Ўйларингдан минг айланиб ўргилсин опанг.
Бу дунёдан тўйган экан кўзлари кимнинг,
Кимга вафо қилган дунё бевафо.

Сенинг қора кўзларингга яшар минг савол,
Хиёнатга ёлгонларга тўла дунёда.
Жавоб излаб кўзлар мунгли, минг бўлак хаёл,
Ёмонларнинг бир қилиғи доим зиёда.

Менинг дардли юрагимга чўкаверар тош,
Синаверар умид отли қушнинг қаноти.
Бир қилиғи зиёд бўлган ёмонлардан қоч,
Ҳам улуғла, дилга ҳамроҳ ҳур муҳаббатни.

Гар кўнглингга сеза олсанг майин илиқлик,
Уни сенга қуёш бўлиб муҳаббат тўкар.
Баъзан калом, бир яхши сўз кўнглинг кўтарса,
Баъзан қора тухмат тиғи жонингдан ўтар.

Ишон, шунда меҳр яна сенга жон берар,
Мунгли, офир хаёлларга боғлайди қанот.
Умрни сев, ҳаётни сев, сен ёна-ёна,
Шунда очик йўлга бошлар яна муҳаббат...

Сингилжоним, ҳавас қилма менинг умримни,
Сен ўзингга гўзал, кўркам сўқмоқларни оч.
Менинг барча хатоларим сенинг кўзингни,
Равшан қилсин, ниятингга тилайин ривож.

Қабоҳатнинг қобиклари ишқ суратида,
Хаёлларинг эртақларга бошлаб кетмасин.
Хиёнатнинг ҳийлалари малоҳати-ла,
Юрагингни қоқ иккига бўлиб ўтмасин.

Хаёлингни олмасинлар кўқда юлдузлар,
Оёғинг остида илон-чаёнлар бордир.
Ҳали сени кутар қанча кеча-кундузлар,
Ҳали сенга гоҳо кулфат, гоҳо бахт ёрдир.

Ҳамдард бўлиб ичкин-ичкин сиринг оларлар,
На билурсан минг айланиб ўтса қошингдан.
Сўзларингга жон қулоғин бериб қолурлар,
Сен билмассан не савдолар солар бошингга.

Кулиб боққан юзда бўлар экан кўп ниқоб,
Битта эмас, олтигадир юраклари ҳам.
Томирида қон ўрнида сизади зардоб,
Ишларингни ривож кўриб бўлма хотиржам.

Тинч дарёни тоштиргайдир тоғларнинг тоши,
Гулдай очил, дарёлардай хайқариб оққин.
Тошлардан ҳам қаттиқ бўлсин сабру бардошинг,
Бу дунёга очик, ҳушёр кўз билан боққин.

Юрагингни эҳтиёт қил қора тошлардан,
Яхшилик-чун, муҳаббат-чун асра қалбингни,
Кўзларингни асра пушмон тўла ёшлардан,
Ҳавас қилма, Назиражон, менинг умримни.

КЎНГЛИМГА

«Кўнглим, на иш битирдинг,
Келдинг жаҳон ичинда...»

Махтумқули

Меҳр кўргизиб жоним зору гирён ичинда,
Яхши ниятлар кўзлаб, қолдим армон ичинда,
Хатоларим қатордир минг пушаймон ичинда,
Бошим танимда эрмас, тош тегирмон ичинда,
Умидимнинг гуллари абру найсон ичинда,
Кўнглим, шуми насибанг руҳи равон ичинда.

Қора сочим тун бўлиб бўйнимга чўлғонадир,
Тун қўйнида жуфт юлдуз гоҳ йиғлаб, гоҳ ёнадир,
У яхшилик, покликдан умидвор девонадир,
Тонг отса нурларини булутлар қизғонадир,
Қабоҳат кезиб юрар, оқибатдан тонадир,
Оёқ қўярга жой йўқ илон-чаён ичинда.

Зулматда йўл кўрсатар очик юз ой тополмай,
Меҳр билан қўл бериб кулган чирой тополмай,
Муҳаббатим асрашга мулки сарой тополмай,
Ботишга кўл, оқишга бир тошқин сой тополмай,
Оввораман умидим қўймоққа жой тополмай,
Нафс тўқир тўрини имон, виждон ичинда.

Маккорлик, хиёнатга тўлмиш ўнгу сўлларим,
Меҳру вафо изласам жафо топар йўлларим,
Макру ҳийла сеҳридан оқармайди тунларим,
Кулфатдан хабар келса олдига чиқ, кунларим,
Майли, умримни олсин, майли, сўлсин гулларим,
У дунёсида сўлмас гул бор гулистон ичинда.

ВУЖУДИМДА БИР ЎТ ЁНАР...

Вужудимда бир ўт ёнар, бир ўт ёнар — ўчмайди,
Осмонимда қора булут бошларимдан кўчмайди.
Булутларни эритолмас аждаҳодай ёнган ўт,
Мени ёқиб кул қилолмас ҳасратларим олган ўт.

Нигоҳ ёнар, яноқ ёнар, ёнар кўнглим саройи,
Ўтган умрим мендан тонар, осмондан тонар ойи.
Яшаганим, кўрганларим ҳақмикан, эртакмикан,
Менинг ожиз, содда умрим ёлғонга эрмакмикан.

Қоқ кўксимга теккан пичоқ қонларимни ичади,
Гумон тушиб чўккан сўқмоқ бугун мендан
кечади.

Мендан кечар юлдузлар ҳам, улар мени не
қилсин,

Она ерга таъзим қилиб, она ерга эгилсин.

Меники деб шу заминни, шу тупроқни суйганим,
Яхшисига, ёмонига қувонганим, куйганим,
Ота макон, Каъбамсан деб ардоқлаган юрагим,
У ҳам энди тинглагайми менинг дардли эртагим.

Менинг дардли эртагимда отолмаган тонглар бор,
Отолмаган тонгларимга кўнгил уфқи интизор,
Кўнгил уфқи ёришмайди тухмат деган балодан,
Яхшиликка отилган тош хиёнатдан, жафодан.

Хиёнатнинг жафолари ёмонликка малҳамдир,
Хиёнатнинг жафолари ҳасад билан кўркамдир.
Ҳасад деган қорақуя тор юракнинг ҳамроҳи,
Она юртим, азиз тупроқ, ўзинг ёлғиз паноҳим.

Она юртим, азиз тупроқ, сен оларсан дардимни,
Йўлларида яқин-йироқ, чақирарсан мардингни.
Борми экан менинг каби сенга жонин тикканлар,
Пойларингга бошин қўйиб таъзим билан
ўтганлар.

Менинг дардли эртагимда сенинг оҳу фиғонинг,
Шу фиғонга қўшилади ушалмаган армоним.
Ушалмаган армонларим муҳаббатдан сўйлайди,
Вужудимда ёнган ўтни ўз ҳолига қўймайди.

Азиз тупроқ, азиз ерим, ҳар қаричинг юракда,
Сени суйган, ардоқлаган жонлар яшар тилақда.
Кимдир сени уйим дейди, кимдир сени атар боғ,
Кимдир фарзанд ғамин ўйлаб, кўнгли ўсар
мисли тоғ.

Ҳаммасига балогардон, ҳаммасига онасан,
Бир кун келиб бизми сендан, ё сен биздан қоласан.
Вужудимда бир ўт ёнар, бир ўт ёнар, ўчмайди,
Кўзларимда бир ўй ёнар, бошларимдан кўчмайди.

Азиз тупроқ, тилга киргин, тилга киргин мен учун,
Бир жумбоқни ечиб бергин, шу жумбоқнинг оч
кучин.

Ер силкинар, ер титрайди оёқларим остида,
«Одам Ато зурриёди, сўзларимга қулоқ сол...»
Бу не ҳолки, не тилсимот, она замин сўйлайди,
«Мен олайн сенинг дардинг, сен ҳам менинг
дардим ол,

Яратибди Оллоҳ сени бир томчи сув, тупроқдан,
Жумбоқ эмас, унинг барин излама сен узоқдан.

Сен меники, жигарбандим, тоғу тошлар бандисан,
Қайда бўлма, қайга борма — менга қулсан, бандисан.

Меники деб шу оламни тинчитмадинг, тинмадинг,
Сезсанг ҳам шу ҳақиқатни асло билгинг келмади.
Сен меники, меникисан, майли, шоҳ бўл, гадо бўл,
Мол-дунё деб нафс йўлида, майли, куй, ён, адо бўл.

Меникисан, бир кун сени қучоғимга оларман,
Икки дунё бир қадамдир, ўзинг билмай қоларсан.
Менинг мулким деб эдинг сен, ҳузуримга келарсан,
Тупроқ эдинг бўй тиклаган, яна тупроқ бўларсан...»
Вужудимда бир ўт ёнар, бир ўт ёнар, ўчмайди...

СИЗНИ ТОПДИМ

Сизни топдим минг йилларнинг ичидан
излай-излай,
Кўҳна дунё, чархпалакка ёлбориб
сўзлай-сўзлай.
Томирдаги қонларимда, жонларимнинг ичида,
Кўзларингиз суратини минг чизиб,
сизлай-сизлай.

Сизни топган йўллар бугун оёғимга бош урар,
Сиз турарсиз йўл бошида, четларида тош турар.
Кулфатлардан омон чиққан тошдан қаттиқ
бардошим,
Сиз боқмаган юзларимда қатор-қатор ёш бўлар.

Сизни топдим, бу дунёга келганим ёлғон бўлди,
Қалбга чўккан туғёнларим ҳайқирган бўрон
бўлди.

Умид узиб минг бўлакка бўлинган юрагимнинг
Сатрларга сингиб кетган орзуси армон бўлди...

Сизни топдим минг йилларнинг ичидан
излай-излай...

Нима қилсам, онажоним, гул умрингиз чўзилади.

Онажоним, менга берган жонларингиз
қайтиб берсам,
Йиғлаб-йиғлаб менга айтган аллаларни
айтиб берсам.

Онажоним, кўзларингиз очинг бугун,
очинг бугун,
Наврўз тўккан оқ нурларга қўлларингиз
очинг бугун,
Рози бўлинг, онажоним, дил сандиғин
очинг бугун,
Неваралар, чеваралар ёнингизда, очун бугун,
Бор жонлари сизни дейди, фақат сизнинг
учун бугун,
Онажоним, менга берган жонларингиз
қайтиб берсам,
Йиғлаб-йиғлаб менга айтган аллаларни
айтиб берсам.

БИЗ ТЕРГАН ЧЕЧАКЛАР

Биз терган чечаклар сўлибди бугун,
Тоғлар этагида, қирлар бошида,
Ёзилмас қалбимда бир қаттиқ тугун,
Ботиб кетган каби тоғлар тошига.

Даштларга энибди яна олтинранг,
Уфқларга кўчгандай қадим саҳролар,
Менинг ўйларимдан яралган оҳанг,
Шамолларга ўтиб бермиш садолар.

Садолар бағримга қайтади бир дам,
Вужудим кўмади нафасингизга.

Айрилиқни ўйлаб адо бўлган ғам,
Қайта тиради хур сасингиздан.

Биз терган чечаклар сўлибди бугун,
Мунгли япроқчалар бунчалар ғариб,
Ёвшанлар тўкибди зумраддай гулин,
Йўлимизга чиқар дардли, сарғайиб.

Даштлар яралмишдир асли армондан,
Унган гул-чечаклар тоза умиддир.
Чечакларни аяб кенг осмонлардан,
Саҳроларга шошар оппоқ булутлар.

Кўрдим изларимиз тушган сўқмоқни,
Бизни чақиргандай ёлбориб боқар.
Умримизнинг барча савоб, гуноҳи,
Шу йўллар бўйида дашт бўлиб ётар...

БУ КҮНГИЛ...

Дунёлар ичинда дунё, жаҳонда жаҳон бу кўнги,
Бу дунёда адашган сарсон, саргардон бу кўнги.
Ғам бодасин нўш этиб, сархуш, нотавон бу кўнги.
Ҳар фаслдан гул кутиб, хокисор, хазон бу кўнги.
Гоҳо тупроқ бирла тенг, гоҳида осмон бу кўнги.

Ишқни топса вафо йўқ, жафолар йўлдош бўлар,
Ғам чекма, дерлар, завқу сафолар йўлдош бўлар.
Меҳр-муҳаббат истаса, савдолар йўлдош бўлар,
Оқибату маломатлар, ғавғолар йўлдош бўлар,
Етти қат осмон устининг мулкига султон бу кўнги.

Қон йиғлаб япроқ ёзар ғунчалар куз олдида,
Ўтган, келар кунлари равшандир кўз олдида,

Жон бериб, жон олади севган қора кўз олдида,
Меҳр билан айтилган калом яхши сўз олдида,
Тонгларга сирин очган бир абру найсон бу кўнгил.

Дарёларнинг бўйида сув бўлиб оқиб кетар,
Қабртош лавҳасига тош бўлиб ботиб кетар,
Чархпалак гоҳ юз бурар, гоҳида боқиб кетар,
Гулистонга кун йўқдир, йиғлатиб ёқиб кетар,
Бу дунёга сизмаган дардли армон бу кўнгил.

СИЗ БЕРГАН БАХТ

Муштдай юрагимга қандай сиздиргум,
Сиз берган бир дунё, бир олам бахтни,
Унинг бўёқлари жаннат рангида,
Оққа бўяб ташлар барча кулфатни.

Ой қилиб иларман осмонларимга,
Нурига нур қўшсин ой, юлдузимнинг,
Мақтаниб айтарман армонларимга,
Дардлари тўкилиб кетсин кўзимнинг.

На нигоҳлар тўяр қараб бу бахтга,
На тилларим сўзлаб адо қилмайди,
Шумикан интилиб етганим тахтга,
Бу бахт тилсимини ечиб бўлмайди.

Чархпалак тўхтагай бу бахт олдида,
Тўхтаб қолиб сукут сақлайди юрак.
Бу бахт рангларига ҳавасда кўқдан,
Оёғим остига тушар камалак.

Алишмасман асло мен уни, олам —
Бу кўҳна дунёнинг зеб-зийнатига.

318

Тиллодан ясалган илоҳий санам,
Азалдан ёзилган тақдир хатига.

Мен бу бахтни қалбга сиздиролмайман,
Юрагим ёрилар қувончларимдан.
Умидим кўксига тиф уролмайман,
Сақларман ардоқлаб соғинчларимда.

Азиз ўйларимда олиб юрарман,
Авайлаб, мўътабар, муқаддас билиб.
Тақдирим биларман, ўзим биларман,
Нурли эшигидан ой бўлиб кириб...

ГИЛОСЛАР

Гилослар пишгандир...
Узун шохаларга тизилиб, яшнаб.
Тонглар энди кимни интиқиб кутар,
Сизни у ён, мени бу ёнга ташлаб.

Бугун қирмизиланиб пушти жуфт гилос,
Қуёш нурларига интилиб турар.
Ҳеч на ўзгармаган, Сиз йўқсиз, холос,
Ўртада ўртаниб айрилиқ юрар.

Гилослар пишгандир...
Сизни соғиниб,
Бандларида қолган сўзингиз тафти.
Ошпоқ сахар вақти шамоллар тиниб,
Ёдлаб қолган фақат Сиз айтган гапни.

Гилослар пишгандир...
Юзига уриб
Қонларнинг рангига кирган тугёнлар.

319

Тонгу шом ораси танаффус қилиб,
Боғларга тўлади дардли армонлар.

Дарду армонларда танаффус бўлмас,
Кўнгил тан олмагай ўртанишларни.
Тонгу шом ораси ҳижронга қафас,
Тонгу шом ораси меҳру ишқларим.

Гилослар пишгандир...
Сизга илиниб,
Унинг умидлари рўё бўлмасин.
Бир дайди шамолга дош бера олмай,
Фарқ пишган гилослар зор тўкилмасин...

ЙЎҚЛАСА БИР ШАМОЛ ...

Йўлларнинг четида маъюс тераклар,
Сизни сўроқлайди тўрт томон боқиб.
Пушти гулларини тўкиб ўриқлар,
Зор-гирён йиғлайди ичларим ёқиб.

Ҳеч илож топмасман мен бу суратга,
Шу узун йўлларда бугун бир ўзим.
Фақат ялинаман ҳур муҳаббатга,
Унга илинади айтмоқчи сўзим.

Йўлларнинг четида қоратоллар ҳам
Маржондай барг ёзиб сизни йўқлайди.
Менга фақат ҳижрон, фақат ғам ҳамдам,
Менга бахт юқмайди, қувонч юқмайди.

Бахту қувонч акси осмондамикан,
Ёки булутларда ерга энтиккан.

Хокисор бу умрим армондамикан,
Сизнинг дийдорингиз йўл бўлиб кутган.

...Ёмғирлар ёғади, тинмай ёғади,
Томчилар заминга айтмоқдами сир.
Олча гули оппоқ сирға тақади,
Олмалар гул очиб безанар мағрур.

Сиз ўтган йўлларга бир сукут чўккан,
Ахтара бошлайман изларингизни.
Мурғак ниҳолларга бир умид чўккан,
Улар ёдлаб қолган сўзларингизни.

Менинг ҳам қалбимга муҳр у лаҳза,
Тупроқда юрагим ҳароратлари.
Олдинда узун йўл, узун йўл ортда,
Ўртада саргардон дил ҳасратлари.

Сиз билан ўтганда қисқарган йўллар,
Бугун бунча узун, бунчалар олис.
Боғларда япроғин тўкади гуллар,
Унда айрилиқ йўқ, ҳар лаҳза азиз.

Йўл ҳам тугамайди, вақт ҳам ўтмайди,
Кел, юрак, кеч энди, бор жонингдан кеч.
Барибир қалбингдан армон кетмайди,
Умр тугаб борар, энди жуда кеч.

Эҳ, йўллар, кўзимга термуласизми,
Ё кўзим ёндирган ҳаяжонларми?
Яқин келганини билсам ҳам кузнинг,
Баҳорга очади дил тугёнларни.

...Йўлларнинг четида маъюс тераклар,
Сизни сўроқлайди кўзимга боқиб.

Пушти гулларини тўкиб ўриклар,
Ёлғизсан-ёлғизсан, дер ичим ёқиб.

Биламан, ҳамдардим фақат тераклар,
Сирдошим, дўстим ҳам қалбим шу боғлар.
Йўқласа бир шамол мени дараклар,
Соғинса излагай тонготар чоғлар...

СИЗ МЕНГА

Сиз менга бир йўлни тортиқ этдингиз,
Бу йўл менинг ўтган умримга ўхшар.
Паст-баланд излари узоқ-узоқда,
Юракка томирдай уланиб тўхтар.

Бу йўллар армоним, икки ёнида
Жаннат ва дўзахнинг қўлидан тутмиш.
Бу йўллар туйғулар ҳаяжонида
Узоқ манзилларда бизларни кутмиш.

Бу йўллар умримга бунча эгизак,
Мени зориқтирар соғинчларимдай.
Бу йўллар бўйида унган гулчечак,
Зумда сўлиб қолар қувончларимдай.

Сиз менга бир йўлни тортиқ этдингиз,
Мен энди шу йўлда сарсон юрарман.
Мен энди шу йўлнинг тиконларини
Юрагимга санчиб, оғриқ туярман.

Миннатдор нигоҳим Сизни излайди,
Йўлларнинг машаққат азобин уқиб.
Кимдир тушунади, кимдир сўзлайди
Билган-билмаганин гоҳ бичиб, тўқиб.

Шу йўлдан умримга кириб келдингиз,
Сиз менга минг йиллик қадрдон, азиз.
Менинг юрагимни сезиб билдингиз,
Шу йўлда қоламиз энди иккимиз.

Кўзингизда тошган оташ не туйғу,
Кўнглингизда не бор, била олмасман.
Менинг нигоҳимда яшар бир орзу,
Мен энди шу йўлдан кета олмасман...

ҚАЛБИМГА

Менинг ишонувчан қалбим, титрама,
Қанча ёлғонларга дош берган бошинг,
Хиёнат, маломат ботқоқларини
Оқизиб кетган ҳам кўзларинг ёши.

Мен сени ҳеч қачон аяганим йўқ,
Кечир, нотинчлигинг сабаблари мен.
Сен мени ҳеч қачон алдаганинг йўқ,
Сенинг ёлғончинг мен, ситамкоринг мен.

Сени алдаб-алдаб ҳаётим туздим,
Сени ўртаб, ўзим юрдим хотиржам.
Сен йиғлаб турганда мен кулиб турдим,
Сен фарёд чекканда кўриндим хуррам.

Сени тилка-пора, минг бўлак қилиб,
Ўзимга бир бутун бахт ясаб олдим.
Умр ёлғонлигин билиб турсам ҳам,
Сени тингламадим,
Ўзни ўтдан олдим, ўтларга солдим.

Кечир, асло ҳатлаб ўта олмадим,
Мен учун очганинг кўнгил кўчасин.

Барибир сендан воз кеча олмадим,
Тонг бўлиб ёритдинг умрим кечасин.

Сени тушунмайин азоб берсалар,
Қўшилиб йиғладим, ғам-ғусса чекдим.
Сўнгра қонларингни сиёҳ қилдим-да,
Армон деб аталган бир битик туздим.

Унинг ҳар қатори сенинг кечмишинг,
Унда фиғонларинг, тугёнларинг бор.
Сенинг излаганинг, сенинг кутганинг
Бугун куз кирганда кўрсатди дийдор.

Менинг ишонувчан қалбим, титрама,
Куз – сен суйган суврат, сенинг ҳолатинг.
Топмишинг меҳрига сифин, йиғлама,
Сўнгги ипда зўрға турар ҳаётинг.

Мен энди ўзимга ишнолмайман,
Ҳам сени асрашга етмайди кучим.
Энди мен суянсам, сенга суянай,
Сўнгги бор қўлла шу топмишим учун.

Менинг ишонувчан қалбим, титрама,
Қанча ёлғонларга дош берган бошинг...

ДАЛИ ДУНЁ

Тушларимда кўрдим Сизни ёнларимда,
Кел эй, юлдуз, киргин менинг жонларимга.

Қалб уйингиз бунча кўркам, нурафшондир,
Туйғуларим шу нурлардан шамистондир.

Нафасларим сочларингиз тўлқинида,
Қувончларим тугёнларнинг ёлқинидан.

Сизни кўрдим, тушларимда кўрдим зиё,
Кўзларимга тўлиб кетди дали дунё...

ЮРАГИМДА ТАЛПИНИШЛАР...

Юрагимда талпинишлар, тарк этманг мени,
Интилайин соғинчларим қолган кунларга.
Талпинайин оромимни олган тунларга,
Қайғуларим, аҳволимни танг этманг менинг.

Юрагимга азоб берган улуғ муҳаббат,
Сиз бор бўлинг, осмон бўйи ўсар бўйларим.
Соғинчларнинг орқасидан кетар ўйларим,
Кўзни ўйчан, қалбни ўтлиғ кўрган муҳаббат...

МЕН ЭНДИ...

Мен энди ишондим, тугади бари,
Мен барини кўрдим, ишондим энди.

Хиёнатга ботдим, тухматда оқдим,
Разолат юзига тикма-тик боқдим.

Энди ҳаммасининг азобин ичиб,
Кетарман баридан бирдан воз кечиб.

...Сенинг кўзларингга тўймадим, бироқ,
Айтар сўзларингга тўймадим, бироқ,

Аммо мен кўзларинг қувончларини,
Кўрдим азиз меҳр ишончларини.

Тугёнларим йиғлар хоки пойингда,
Юрагим сингади осмонларингга.

Мен энди кетарман қолдириб барин,
Сен ўқиб юрарсан кўнгил дафтарин.

Кўнгил дафтариди опшоқ варақлар,
Сени, Сени, фақат сени сўроқлар.

Дунёларнинг ранги унда жамулжам,
Унда ер, осмоннинг яхшилиги жам.

Меҳру муҳаббатнинг тожини кийиб,
Меҳрли сўз яшар ёниб, гоҳ куйиб.

Яшайди безаниб эзгу мақсадлар,
Покиза ниятлар, сабру тоқатлар...

Сенга илинарми буларнинг бари,
Сен англариликсан бу дардни токи.

Токи мен меҳрингга ташна бир нурман,
Кўзларингга чўккан ойдин умрман.

Асло истамасман менинг дардларим,
Сенинг вужудингни ёқиб ўрташин...

Илтижо қиларман унут деб мени,
Юраги эзилган ошиқ сингари.

Муҳаббат қошида ожиз бир қулман,
Бинафшага монанд хокипой гулман.

Сенинг шамолингдан чирт этиб синиб,
Бошдан-оёғингга дард бўлиб сингиб,

Сўлсам хазонларга кўмиб кетарсан,
Ёмғирларга эзиб дафн этарсан.

Менинг бор ўйларим қолади ҳамон,
Билсанг, яшаганим, яшашим ёлгон.

Чунки сен кўрмадинг, кўрмадинг мени,
Кўрсанг ҳам билмадинг, билмадинг мени,

Сени ўзим топдим, мени кеч билдинг,
Хокисор кўнглимга не учун кирдинг?

Сенга кўнглим очдим, кўзлар осмони,
Ёмғирлари билан юзимни ювди.

Дунё озорлари, дунёлар сирини
Кўзларимга тошди, юзимда тинди.

Кўз ёш билан тошган сир-асрорларим
Кўнгил дарди бўлиб қўлингга томди.

Сени-ку билмадим, ўша лаҳзада
Ер, замин қўшилиб вужудда ёнди...

...Сенинг ҳузурингда кўнгил яланғоч,
Сирларим яланғоч, дардлар яланғоч.

Чокма-чок сўкилиб кетган умидим,
Қайта тирилтирди сен берган ишонч.

Мен уни ахтариб минг бора ўлиб,
Суяк-суяккача минг пора бўлиб.

Нимта-нимта бўлиб тоза тугёнлар,
Туйғулар. Ҳасратлар, ҳис-ҳаяжонлар,

Кузак чоғидаги хаслар, хазонлар
Каби оёқ ости бўлган у онлар.

... Дунёдан кўз юмиб, руҳимни кўмиб,
Жонсиз вужудимни судраган дамлар.

Сен қайларда эдинг, нигоҳлар ёниб,
Қирқ ўрим қора соч қалбдай тўлғониб,

Йўлларингга чиқиб излаган они,
Шамолдан, ёмғирдан, булутдан сўраб.

Эгасиз дийдорни қўмсаган они
Қайларда эдинг...
Шеърларим армонда фарёд қилганда,
Кўнгил интизорлик дардин туйганда,

Сўқмоқлар четида толларга айтиб,
Боғларнинг ичида гулларга айтиб.

Оппоқ армонлардан ясаб висолни,
Кўнгил осмонига чорлаб ҳиллолни,
Ёноғим куйдириб ҳис-ҳаяжонлар,
Юлдузим, мен сени излаган онлар.

Қайларда эдинг...
Учрашди бизларнинг юлдузларимиз,
Учрашди барибир дарду ғам билан.
Менинг кетар чоғим бўлган маҳали

Турибмиз, йўл кутар бир алам билан.
Дийдор ҳам ялт этган юлдуз сингари,

Бир туш каби менинг жонимга кириб,
Меҳру муҳаббатин қалбимга бериб,

Мени ўртаб-ўртаб энди юз бурар,
Буларнинг барини бир осмон билар...

ТУН АЗОБИ

Уйқу ўчган, кўзларимдан кетмас бир сурат,
Оқаради тун қўйнида ойнинг рухсори.
Юлдузлардан кўчар қалбга ёниқ бир ҳасрат,
Атиргулга ўтар мендан фироқ озори.

Намхуш-намхуш шамол келар дарё ёқлардан,
Қўлин чўзар куртак ёзган дарахт шохлари.
Нафасингиз ҳис қиламан мен узоқлардан,
Юлдузларимга урилади кўнгил оҳлари.

Ажиб сурат тикланади кўзим олдида,
Кўз ўнгимда баҳор боғи бир туп атиргул.
Сўлим-сўлим гунчалари саҳар олдида
Гоҳ оқариб, гоҳ қизарар, нурафшон, сумбул!

Сумбул-сумбул бўйларига қувонади ой,
Ойга интиқ интилади зумрад япроқлар.
Кўз ўнгимда нурланади сеҳрли чирой,
Маъюс нигоҳингиз мени излар узоқда.

Мен ҳам соғинч, илинж билан гулга боқаман,
Очилади гунчаларнинг алвон барглари.
Тиконлари сизга интиқ, дилга ботади,
Уйқу ўчган кўзларимга тошар дардларим.

Кўз ўнгимда ёнар гулшан, тўрт ён атиргул,
Оппоқ, пушти, мовий бўлиб боғни тўлдирав.

Ҳар баргида мингта ҳасрат, ҳар баргида сир,
Уйқудан воз кечган қора кўзим тиндирар.

Тасаввурим тўлиб кетар ёз боғларига,
Бунча эркин очилади ҳар барг, ҳар япроқ.
Мен ҳам озод бўлсам шундай тонг чоғларида
Ҳамда сизнинг ёнингизга келсам яқинроқ.

Кўз ўнгимда ёниқ гулзор, узун йўл турар,
На бир гулман, на бир эмин-эркин йўловчи.
Атиргулга мадад бўлиб ой кезиб юрар,
Менинг юзим куйдиради қайноқ ёш томчи.

Тасаввурим олиб кетар кўнгил боғига,
Бу боғда ҳам баҳору ёз ҳароратлари.
Кўзга оғир ёшдай ботган бу тун чоғида,
Нигоҳларим тўлдиради кўнгил дардлари.

Кўксимдаги боғда ўсар бир туп атиргул,
Шохларида алвонланар бағри қон гунча.
На баҳорда барг ёзолди ва на ёзда гул,
Азобларга ўралади тонглар отгунча...

Уйқу ўчган кўзларимдан кетмас бир сурат...

ЖИЙДАЛАР ГУЛЛАБДИ

Жийдалар гуллабди йўлларда яна,
Айланган бошларим тиндириб, яшнаб.
Олтин кўнғироқлар қилар тантана,
Мени сирли олам ичига бошлаб.

Бу сирли оламда нурли сиймонгиз,
Менга термулади меҳр кўзи-ла.

Мен интизорингиз, менман адоингиз,
Менман гоҳ орзу, гоҳ армон изида.

Жийдалар гуллабди...

СИЗ КЕТГАН ЁҚЛАРГА

Кўкрак қафасида асир қуш ҳалак,
Шу қуш дардларини айтгим келади.
Шу қуш илтижосин тинглаб жонсарак,
Сиз кетган ёқларга кетгим келади.

Сиз менинг топмишим, дил боғларидан
Ҳам нотинч, ҳам илиқ шамол елади.
Юлдузлар безовта тонг чоғларида,
Сиз кетган ёқларга кетгим келади.

Фақат хаёл экан бу ҳаёт асли,
Олдинда не борин тақдир билади.
На илож, мен тирик жон бўлсам ахир,
Сиз кетган ёқларга кетгим келади.

БИР ҚУЧОҚ ҚУВОНЧ...

Бир даста атиргул қучоққа тўлди,
Бир қучоқ қувончдан айланди бошим.
Бир меҳр кўнғимнинг султони бўлди,
Юзларимни ювди муҳаббат ёши.

Бармоғимга ботди гулнинг тикони,
Қонлари қўшилди алвон рангига.
Келдингми ардоқлим, ҳижрон тугёним,
Юбордингми жонинг гулнинг баргида.

Кўзларимга суртдим, бир ўтда ёндим,
Хуш келдинг яхшилик, салом, эй меҳр!
Бу кенг дунёларда бир ўзим қолдим,
Бағримда қучоқ гул, яхши қол, умр!

Бир даста атиргул қучоққа тўлди,
Бир қучоқ қувончдан айланди бошим,
Энди кенг дунёдан мен кетар бўлдим,
Бағримда қучоқ гул, меҳр, қуёшинг...

ТОНГЛАРИМ ОТАРМИ МЕНИНГ...

Мен қандай кетаман сизга хайр демай,
Кўришгунча, демай қандай кетаман.
Узайган тунларнинг азобларига
Чидамаса юрак, унда нетаман,
Видолашолмайман, қандай кетаман.

Меҳр тўкилади кўзларингиздан,
Қалбингиз сурати кўзимга ўтар.
Хайрлашолмайман, хўшлашолмайман,
Қувончу шодликлар юракдан кетар,
Қалбингиз сурати кўзимга ўтар...

Сиз тилаган тилак туш бўлса агар,
Юлдузлар узилиб жонимга кирсин.
Умр ўзи бир туш. Умр ситамгар,
Яхши сўзларингиз суянчиқ бўлсин,
Юлдузлар узилиб жонимга кирсин...

Мен қандай кетаман сизга хайр демай,
У оқшом тонгларим отарми менинг,
Юракдаги ҳасрат — қадаҳ тўла май,
Ичсам ўтган умрим қайтарми менинг,
У оқшом тонгларим отарми менинг...

СИЗГА ЖОНИМ ДЕДИМ...

Юрак уришингиз жонимни олиб,
Ўтди кўзларимдан, ўтди дийдамдан.
Бу дунёда жами сўзлар йўқолиб,
Сизга жоним дедим, жоним дедим ман.

Сизга жоним дедим, жоним дедим ман,
Жонимга қўшилиб кетди жонингиз.
Қайтиб ололмайсиз, кетолмайсиз ҳам,
Энди меникидир қалб исёнингиз.

Рухимизга кирди янги бир умр,
Кўзимизда отди бошқа ёруғ тонг.
Қонимиз қиздирди бир ардоқли сир,
Ўтган умримизни қайтарди тугён.

Сизга жоним дедим, жоним дедим ман,
Жонингиз чиқолмас энди жонимдан.
Энди иккимиз ҳам мангуликка тан,
Энди кетолмайсиз менинг ёнимдан.

Сизга жоним дедим...

ИЛИНЖ

Сиз менинг шеърларим ўқинг ҳар саҳар,
Ҳар саҳар мен кутган йўлларга чиқинг.
Осмонда булутлар, дилда умидлар,
Ўртадаги ҳижрон тоғларин йиқсин!

Дарё бўйларига чақиринг мени,
Оқиб кетсин дилга чўккан ғамларим.
Муқаддас туйғуни, азиз меҳрни,
Изимизга ёзсин кутган дамларим...
Сиз менинг шеърларим ўқинг ҳар саҳар...

МЕН СИЗГА

Мен сизга тобеман, итоаткорман,
Сиз айтган танаффус мангу бўлса ҳам.
Асли ёлғизликка маҳкум бўлганман,
Оллоҳ берган тақдир ёзмиши маҳкам.

Сизнинг хаёлингиз қалбимга ботар,
Шам янглиғ тутатиб, эритиб мумдай.
Барибир йўлимда қора тош ётар,
Мен унга қоқилиб ўтаман кунда.

У менга эслатар умр бошини,
Умрнинг сўнгин ҳам эслатиб турар.
Аммо бошларимни силаб онамдек,
Ёнимда яхшилик ва меҳр юрар...

Улар кўчмиш асли кўзларингиздан
Менинг итоаткор, тобе кўнглимга.
Мен Сизни чақирган йўллар изидан,
Сиз айтган танаффус кирсин умримга.

Мен унинг тугашин кутиб яшарман,
Сизнинг йўлингизга интиқ, зор бўлиб.
Излаб-излаб топган меҳрим ардоқлаб,
Сизга мангу тобе, итоаткор бўлиб...

МЕН ИЗЛАГАН ОЛАМ

Билдим, мен излаган олам қалбингиз,
Билдим, Сизсиз ўтган умр дардимдир.
Билдим, биз учрашган лаҳза умримиз,
Айрилиқ, доғимиз, ҳижрон, қайғумиз,
Яшарман айрилиқ тоғларин йиқиб.

Токи томиримда оқар экан қон,
Токи кетмас экан мени ташлаб жон,
Токи ҳаловатим олади ҳижрон,
Токи лабларимда сўз эмас, исён,
Яшарман сиз келар йўлларга чиқиб....

ХОТИРАЛАР

Сиз ҳайрон тикилманг кўз ёшларимга,
У менинг сув бўлиб оққан юрагим.
Билмассиз не ўтган бу бошларимдан,
Сабру тоқат менинг мангу тирагим.

Ўзимни оқимлар измига эмас,
Тўлқинлар тубига ташлаган жонман.
Хору хас илашиб бўйи бастимга,
Уни тўлқин ювиб ташлаган онда,
Қайта туфилганман ҳис-ҳаяжондан.

Сиз ҳайрон тикилманг кўз ёшларимга,
Қўлингизга томган томчи меҳрдир.
Хотиралар ёнар қарашларимда,
Сиз ёнадирган гулхан,
Мен куйган умр...

АЙЛАНСИН...

Мени излаб, истаб юрманг,
Висол ҳижронга айлансин.

Юзим нечун сўлгин, сўрманг,
Умид армонга айлансин.

Дилда озорларим билманг,
Озор исёнга айлансин.

Йўллар узоқ, узун — келманг,
Софинч тугёнга айлансин.

Кўзни юминг, кўзни юминг,
Кўнгил кўзларга айлансин.

Бир сўз деманг, бир сўз деманг,
Меҳр сўзларга айлансин...

МЕНГА БЕРИНГ

Недан Сизнинг кўзингизда мунг,
Кўзингизга қўнмиш ғам қайдан,
Нечун кўнгил нотинч ҳамда жим,
Юрагимда бўласиз пайдо.

Нигоҳларим дарёси Сизни,
Олиб кетар узоқ-узоққа,
Оқизади кўнгил тўлқини
Сизга интиқ, зор бўлган ёққа.

Недан Сизнинг кўзингизда мунг,
Менга беринг бу ҳасратларни,
Менинг умрим дарду ғамга тенг,
Тўлдиран ғам дафтарларини.

МЕН ҲАР САФАР...

Мен ҳар сафар ёнингизга
Дардли юрагимни олиб келаман.
Дардимдан кетсин деб сизнинг дардингиз,
Мен сизни соғиниб келаман.

Дардларимни айтмоқ ўлмоқ билан тенг,
Гапга келмай қолар тилларим.
Сизни кўриб кўнгил ёришиб кетар,
Бу ҳолатимни ҳам айта билмадим.

Дардим бир нидодир,
Дардим бир қўшиқ,
Уни фақат кўзим айтади,
Сиз уни тинглайсиз меҳрингиз қўшиб,
Нигоҳларга нурли бир жон қайтади.

Дардим унутарман уфқлар қадар,
Қувонч оламида қолиб кетаман.
Дардли юрагимга қўшиб ҳар сафар,
Кўзингиз дардларин олиб кетаман.

АЙЛАНСАЛАР ҚУШЛАРГА

Тушларимда кўрсам Сизни ҳеч уйғонгим келмайди,
Юрак ойдин қувончларин йўқотгиси келмайди.
Қани мангу қолиб кетсам Сизни кўрган тушларда,
Изтиробли хаёлларим айлансалар қушларга.

Қўнса улар учиб келиб очик деразангизга,
Меҳр, софинч дардларимни чуғурласалар Сизга,
Сокин-сокин, осойишта уйқунгизни бузсалар,
Сайраб-сайраб ўз тилида кўнгил байтин тузсалар.

Кўзингизга нур тўлса-ю, уйқунгиздан кечсангиз,
Рухларингиз енгил тортиб, Сиз ҳам қушдай
уцсангиз.

Шунда маъсум кўзларингиз бир хаёлга толсалар,
Бийрон қушлар дарчангизда мангуликка
қолсалар...

ШАМОЛЛАР

Шамоллар руҳимни уйғотар,
Гоҳ замин, гоҳ осмон устида.
Деразам ортида тонг отар,
Узайган тунларнинг қасдида.

Оқшомлар эртаги тугамас,
Оқармас қалбимнинг уфқлари.
Ёйилган туманлар эса маст,
Чувалган ўйларни йўқлайди.

Бир аёз қақшатар...
Новдалар...
Дардини ичига ютади,
Фунчага тугилган олмалар,
Меҳрли офтобни кутади.

Қизкетган чайқалар бир совуқ,
Тўлқинлар қирғоққа бош кўяр.
Қоратол мудрайди кўз юмиб,
Ёмғирга айланар саволлар.

Қўшилиб томчилар дардига
Қизкетган оқади қорайиб.
Ким мени чақирган олдинда,
У қайси шамоллар саройи...

ЁЛҒИЗЛИК

Мен бугун ёлғизман шунчалар,
Осмон ҳам нурларин қизғанган.
Узилиб-узилиб юлдузлар,
Ёш тўла кўзларга айланган.

Йўқолиб қувончининг ранглари,
Шеърларим ҳасратга бойланган.
Бошларим устида булутлар,
Беаёвёғмоққа шайланган.

Мен бугун ёлғизман шунчалар,
Руҳим ҳам тарк этмиш жисмимни.
Узайиб, қорайган кечалар,
Дўстларим унутган исмимни...

Мен бугун ёлғизман шунчалар...

ҚАЛБИМ КУЛБАСИ

Сиз топиб айтдингиз, ташаккур!
Мен Сизни чақиргум қалбимга.
Сиз билиб айтдингиз, сарсон нур,
Йўл излар меҳрдан-меҳрга.

Қалб уйим олтин сув берилган
Муҳташам бир кўркам сароймас.
Каҳрабо қандиллар илинган,
Хонасин безамас зар ойлар.

Юлдузнинг нуридан тикилган
Гидамлар хонасин безамас.
Кумушдан муҳрлар битилган,
Деворлар хонларни йўқламас.

Мен Сизни чақиргум қалбимга,
Лекин у ғариб бир кулбадир.
Қувончмас дард акс урилган,
Хоналар ичида руҳ дайди.

Сизни ташлаб кетгим келмас,
Олиб ҳам кетолмайман.
Руҳим қолар, ҳеч ким кўрмас,
Ҳатто Сиз кўролмайсиз.

Сизнинг юрак уришингиз,
У менга етказади.
Бераҳм, шум айрилиқнинг
Азобин кетказади...

СОҲИЛДА

Ой чиқар Қизкетган соҳилларида,
Тўлқинлар оқизар ойнинг нурини.
Кумуш жийдаларнинг хуш гулларидай
Қалбим такрорлайди ўтган умрини.

Шохаларда олтин қўнғироқчалар,
Бонг ургандай бўлар шамоллар эсса.
Хуш бўйлар таралиб ёйилмоқ истар,
Шамоллар Сиз бўлиб йўлларин тўсса.

Юрагим ҳаприқар мен истаган дил,
Мен чиққан соҳилдан оҳиста ўтса.
Менинг йўлларимга интиқ, орзиқиб,
Мен каби кўзида ёш билан кутса...

Ой чиқар Қизкетган соҳилларида...

ГУНОҲЛАРИ МЕНГА

Келсам-да, тиз чўкиб ҳузурингизда,
Ҳар айтган сўзингиз айласам тавоб.

Бир умр қолгайдир изларимизда
Қўшилиб-қўшилиб гуноҳу савоб.

Кўнглингиз очсангиз кенгликларида,
Ярашсам яхшилик бўйи бастига.
Сиз аниқ кўрсангиз кўз олдингизда,
Ҳаётим айланса ўзин аслига.

Бирга иқрор бўлиб тавбалар қилсак,
Шу асл ҳаётнинг гуноҳлари деб.
Ва яна жуда кўп гуноҳлар қилсак,
Беш кунлик дунёнинг савоблари деб.

...Келсам-да, тиз чўкиб ҳузурингизда
Ҳар айтган сўзингиз айласам тавоб.
Бир умр қолгайдир изларимизда,
Гуноҳлари менга, Сизга бор савоб.

СЎНГИ НИДО

Бу кўнглимнинг сўнги нидоси,
Тавбалари ва таваллоси...

Қўл урдимми оғир гуноҳга,
Оёқ қўйиб улуғ даргоҳга.

Улуғ даргоҳ қалбингиз Сизнинг,
Гуноҳларим меҳримми менинг.

Афвэтингиз, кечиринг мени
Азоблару қийноқлар учун.

Ўйингиздан ўчиринг мени,
Меңда қолсин кўнглингиз ўчи.

...Айб мендами, юракка тўлса,
Ўтган умр бир қайта бошдан.

Ой ҳам тўлиб дардини айтса,
Қалб эзилса бир қийноқ ёшдан.

Айб мендами, талпинса кўнгил,
Ўтли кўзга илинса кўнгил.

Сизни бойлаб сочлар торига,
Дил айланса юрак зорига.

Қон йиғласа, юрак қўймаса,
Сизни тинглаб, англаб тўймаса.

Бу кўнглимнинг сўнгги нидоси,
Тавбалари ва таваллоси...

Мен бир лаҳза тинмаган жонман,
Излаганман ўзимни жондан.

Излаганман бир улуғ ишонч,
Излаганман меҳр ва қувонч.

Излаганман ўзимни ўзим,
Сўнг топганман айтмоқчи сўзим.

Мафтун этиб сўзлар олами,
Қўлларимга берган қаламни.

Топмасам ҳам ўзимни ўзим,
Ҳамроҳ бўлган айтмоқчи сўзим.

Шу сўзлардан қуриб бир сарой,
Кўзни юлдуз, юрагимни ой.

Ўйларимни менглаб шамолга,
Тонгларимни тенглаб висолга.

Ёмғир ёғса кўнглим йиғлатиб,
Туман тушса кўзим тифлатиб.

Туйғуларим учқур фиротда
Олиб кетмиш бир хаёлотга...

Бу кўнглимнинг сўнгги нидоси,
Тавбалари ва таваллоси...

Йўлларинга чиқиб келар деб,
Менинг борлигимни билар деб.

Интиқ ҳам зор излаб бир жонни,
Қорачиққа жойлаб армонни.

Яшаганим минг азоб билан,
Вужуддаги ўт, офтоб билан.

Мени ёқиб-ёқиб кўрдилар,
Сўнгра Сизни топиб бердилар.

Туриб қолдим йўл ўртасида,
Қайриларми умр орқасига.

Сизни топган бошим айланар,
Бошда сабр тошим айланар.

Юрагимга ботади бу тош,
Дарду ғамга отади бу тош.

Бу тош тушган йўл ўртасига,
Қайтиб келмас умр орқасига.

Йўллар бекик, қайга кетарман,
Тош остида қолиб кетарман.

Мени сақлар сизни топганим,
Ўз ўтимга ўзни ёққаним.

Ўз ўтимга топмасам сабр,
Юрагингиз мен учун қабр.

Кўнглингизда қололсам агар,
Яшаганим юлдузлар қадар...

Бу кўнглимнинг сўнгги нидоси,
Тавбалари ва таваллоси...

ИЛТИЖО

Бир нуқтада туриб қолдими қуёш,
Боғлар сукутидан осмон ёрилар.
Бугун нега жимсан, эй Ер, тоғу тош,
Юрак тўхтаб, умр қайга сурилар.

Сукутнинг аксига кирган суратинг,
Бир лаҳза кетмайди нигоҳдаримдан.
Эй меҳр, шунчами сенинг қудратинг,
Қуёш эриб борар дил оҳларимдан.

Тушларда оғриган кўнгил ўксийди,
Номаълумлик олиб борар жонимни.
Тувёнлар қонимни ичиб тўхтайдди,
Куйдириб боради хонумонимни.

...Сизни олиб кетди булутлар тонгда,
Азиз бошларингиз осмонлардадир.
Менинг дардли кўксим ҳасратли онда,
Бошим минг саволдан ҳайронлардадир.

Гоҳ уйқу элитар кўзларингизни,
Гоҳ-гоҳ оромингиз олар бир хаёл.
Кўзлар тўла умид изларингизда,
Олдинда умидвор кутар бир висол.

Бағрим ўртанади кўзим ёшига,
Парчалаб ташласам шу тўрт деворни.
На битилган асли тақдир тошига,
Менинг шу қисматим сизга озорми.

Сизнинг кўнглингизга заррадай илиб,
Ёпмоқчи эмасман умрингиз йўлин.
Телба шоир дея кетарсиз кулиб,
Йўлингизда сўлар умидим гули.

...Қизкетган тошибди кўнглимга монанд,
Меними кутмоқда асовтўлқинлар.
Оқимлар соҳилга ташлайди каманд,
Унга жонин бериб кетдйикан кимлар.

Тўлқинлар измида кетган қайси қиз,
Дадил ўйларига келар ҳавасим.
Мен унинг руҳини излайман ёлғиз,
Очил, бугун олтин руҳлар қафаси.

Ол, менинг руҳимни ёнингга олгин,
Токи мен сифмасман жумла-жаҳонга.
Тўлқинлардан олиб гирдобга солгин,
Туйғулар қўшилиб кетсин тўфонга...

Жисмимни оқизиб кетсин оқимлар,
Озод дарёларнинг тубида оқсин.
Руҳим Қизкетганнинг соҳилларидан
Сиз кетган осмонга термулиб боқсин...

МАНГУЛИК

Сиз илк бора қадам босган ерларга
Кетиб бораяпман.
Ҳам содда,
Ҳам сирли болалигингиз,
Ҳам оддий,
Ҳам жиддий ёшлигингизни
Гоҳ англаб,
Гоҳ тинглаб кетиб бораяпман...

Кетиб бораяпман,
Илк бора дарёнинг тўлқинларида,
Ҳайрат бўлиб оққан нигоҳингизни,
Илк бора пишмаган ғўр довуччаларни,
Чангаллаб ушлаган бармоғингизни,
Сизга улкан олам, кенг дунё бўлиб,
Отангиз кўзида нур, зиё бўлиб,
Кўкарган мевали чорбоғингизнинг
Ҳароратларини қалбимда туйиб,
Кетиб бораяпман.

Сиз кўрган, Сиз билган,
Сиз яхши кўрган,
Одамлар, дарахтлар,
Тунлар, саҳарлар,
Осмондаги қушлар, безовта тушлар —
Барини суюб
Кетиб бораяпман... Кетиб бораяпман.
Сувларнинг бўйида Сизни кўраман,
Кўраман сервиқор бир туп гужумни,
Ўзингиз ўтқазган, мевага кирган,
Шохлари чирмашган зумрад узумни.

Барининг ёнида нафасингиз бор,
Барининг ёнида оёқ изингиз.
Мен ҳайрон бўламан, чунки олдинда
Кутиб тургандайин бўлаверасиз,
Сизнинг ўзингиз, Сизнинг ўзингиз.

Пешвоз чиқмоқчидай ҳар йўл бошида,
Ортга қараб-қараб кетиб бораман.
Бутун ўйларим-ла, хаёлларим-ла,
Юртингиз руҳларин тинчин оламан.

Тинчини оламан узун тераклар,
Бошлари эгилган мажнунтолларнинг.
Ҳам ҳайрон қоламан бу чархпалакка,
Не куйга солмайди ошиқ жонларин.

Кетиб бораяпман,
Сиз илк бора қадам босган ерларга,
Илк бора қизларга кўнглингиз очган
Ёниқ эҳтирослар оташларини,
Ой юлдузга очган сирларга
Етиб олаяпман.
Кетиб бораяпман,
Бу суратлар кўздан юракка ўтар.
Сизнинг нурдан тиниқ қалбингиз бўлиб,
Фақат эзгу, яхши ният қилувчи
Тоза мақсадингиз, қувончингиз бўлиб.

Кетиб бораяпман.
Бир ўй югуради,
Сизга кўнгил берган ойдин йўллардан.
Мен кетиб бораман, яхшилик келар,
Сиз ўсиб-улғайган азиз элларга.

Мен кетиб бораяпман,
Қалбим кўзи-ла
Барини суратга оламан.
Кетаман,
Шу суратда ўзим ҳам Сиз билан —
Мангу қоламан...

ТЎРТЛИКЛАР

. . .

Биз киммиз, йўловчи, умримиз йўлдир,
Йўқ, у ёниб тугар, бир ҳовуч кулдир.
Гулистон, ўзингни солма бозорга,
Бугун қадр, меҳр, иззат бир пулдир.

. . .

Гул бўлиб гул умрин яшаб ўтарман,
Армон қолар, ўзим қайга кетарман.
Ҳеч нарса кўрмадим, ё билолмадим,
Фақат ҳайрон бўлиб тугаб битарман.

. . .

Юлдузлар сўнмагай, тўхтамагай вақт,
Баҳор гули эрур очилган ҳар бахт,
Куз келса сарғайиб, қовжираб битар
Гуллардан тикланган ҳашамдор ул тахт...

. . .

Ёшланма кўзларим. Кўнгил, эзилма,
Сени эзгувчи бир қодир худодир.
Нигоҳлардан меҳр излаб тикилма,
Улардан қайтгани фақат жафодир.

. . .
Ҳақ йўли ёлғизлик, англагувчи йўқ,
Кўнгил дардларини тинглатувчи йўқ,
Дардларим дарёсин қоғозга бурсам,
Дарёни тўхтатиб боғлагувчи йўқ!

. . .

Эй яратган Тангрим, мени зор этдинг,
Ишқсизлар ичида бунча хор этдинг.
Муҳаббатнинг йўлини истиффор этсам,
Мени минг ўлдирдинг, яна бор этдинг...

. . .

Кимман мен, не учун келдим ҳаётга,
Терак шоҳидаги баргча қадрим йўқ.
Ҳамроҳ бўлсам меҳр ва муҳаббатга,
Кўксимга санчилар гоҳ ханжар, гоҳ ўқ!

. . .

Оққан дарёлармас, юрагим қони,
Ёғгани ёмфирмас, кўзим тугёни.
Мен кафтимда тавоб этсам дунёни,
У менга илинар дарду армонни.

. . .

Эҳ ҳаёт, ўйининг ўйингдан ортиқ,
Ўлчамларим етмас бўйингдан ортиқ,
Гоҳо бахт берасан, гоҳида кулфат,
Мусибат, маъраканг тўйингдан ортиқ.

. . .

Гар фарзандинг дардманд, сенга даво йўқ,
Осмон — Ер ўртаси, сенга ҳаво йўқ.
Бир одамга берсанг толени бердинг,
Ишқ ҳам бердинг, лекин унга вафо йўқ...

. . .
Итлар итлигини қилиб яшайди,
Шерлар ўз қадрини билиб яшайди.
Баъзан инсон инсонийлик қилолмас,
Гоҳо ит, гоҳ тулки бўлиб яшайди.

. . .
Оддийлик қаерда — улугворликда,
Соғинч, меҳр ўти интизорликда.
Мўл ризқ, баракани излайди одам,
У покизаликда, қўли корликда...

БУ ЧОҒЛАР

Салом, Наврўз,
Салом руҳи равоним.
Ассалом, кўксимдек мағрур ҳур тоғлар.
Наврўз — ҳақ раҳматин тўккан осмоним,
Ҳақ нури сочилар чоғдир, бу чоғлар.

Ҳайқир, Амударём, ҳаёт, яшна, ён,
Аждодлар руҳидан руҳ олиб уйғон,
Яхшиликлар тила, тила ҳур имон,
Гуноҳлар кечилар чоғдир, бу чоғлар.

Орзулар учтаси қирққа айланиб,
Ерга уруғ тушиб, ризққа айланиб.
Меҳр учқунлари ишққа айланиб,
Бахтингиз очилар чоғдир бу чоғлар.

Оллоҳнинг қудрати армон бергайдир,
Ҳатто қушларга хуш забон бергайдир.
Тупроқни уйғотиб, руҳ, жон бергайдир,
Омад кулиб боқар чоғдир бу чоғлар.

Юрт — янги кун, янги аср макони,
Аждодларнинг уч минг йиллик армони.
Ҳақ нури камолот бўлган эл жони,
Аму бўлиб оқар чоғдир бу чоғлар.

Бахт айланиб юрар азиз элимда,
Фидолик улғаяр жони-дилимда.
Меҳр қадаҳлари лим-лим қўлимда,
Жон бўлиб ичилар чоғдир бу чоғлар...

ТУШУНИШ

*(Раъно Раҳмоннинг «Тирилиш»
китобини ўқиб)*

Қай азиз пиринг эрур, сен девонага ўхшайсан,
Дунё бир тўйхонадур, сен ғамхонага ўхшайсан,
Гоҳ кўнгилда бир нурсан, гоҳ бегонага ўхшайсан,
Шўрли Аму Оролга дўст, дугонага ўхшайсан,
Бағринг анордек қонталаш, сен бир донага
ўхшайсан.

Билмадим бу не бир ҳолдир, не муаззам дордир,
Кўнгил тахти пойида ақллар ночордир.
Ўхшатолмам дил нолангни, оҳми ё зордир,
Йўллар чорлар, юролмассан, юкинг хўп бисёрдир,
Оларинг йўқ бозор ичра, не бир савдога ўхшайсан.

Ишқми қалбинг ўртаган, дардами енгмиш сени,
Тақдир бўрони туриб, дўл, селга бермиш сени,
Ҳолинг ким шодон билиб, ким ғамнок кўрмиш
сени,

Дўст кўнгил садоқатнинг нурига қормиш сени.
Тугёнингдан гул унар, сен сахрога ўхшайсан.

Нечун қисмат умрингни синовларга ҳукм этмиш,
Гоҳо нодўст, гоҳ афёр кўнглиннга ҳужум этмиш.
Ким дил кўзгунг синдирмиш, ким уни бутун
этмиш,

Ҳақсизликким, ҳақни суйганинг учун етмиш,
Ташналиқда не сир, ки сен мастонага ўхшайсан.

Кўзда нур, кўнгилда нур инояти Аллоҳнинг,
Тажаллийи ишқким, тирилтирмиш тупроқни.
Раъно Раҳмон қалб ўтида, қовурганда шафақни,
Гулистон дер, Хизр билдим сарғайган ҳар япроқни.
Бағринг анордек қонталаш, сен бир донага
ўхшайсан.

ЭҲТИРОМ

Устоз Ибройим Юсуповга

Шоиримга бахт берибсан, эй дунё,
Қалби дарё бўлиб оқар сел билан.
Лол бўл энди, ўтга тушиб, ён дунё,
Гадо кўнгил, кўр, бой бўлди эл билан.

Сурган умри алвон-алвон даврондир,
На-да даврон, айрилиқ ва армондир.
Эл дардидан топганлари имондир,
Ақлу руҳдан кўзлар тўлди сир билан.

Меҳр излаганга меҳр бўлди у,
Яхши-ёмон, ёлғон-ростни билди у.
Бу дунёнинг ишларига кўнди у,
Тулки кетиб, арслон қолди шер билан.

Жони устун меҳр қурган қасрида,
Тилагани яхшилик шеър шаҳридан.
Дунё – аждар, илон – чаён заҳридан,
Омон қолди илҳом деган ҳур билан.

Булутларни оқ бедовим дер шоир,
Бу ер ҳали зўр бўлади дер шоир.
Элда умид дарахтлари мўл шоир,
Сўзи дурга айланди бир сир билан.

«Умри зиё юлдузлари» сўнмади,
Кимдир «Шоир сўнди» деди, сўнмади.
Қисмат ханжарлари синди, синмади,
Қалб қушлари учди ҳикмат-нур билан.

Етмиш кўкламини кўринг, қудрат бор,
Қудратларда оқибат бор, журъат бор.
Ҳам иноят, ҳам шижоат, ҳиммат бор,
Муҳаббати қалам қонли из билан.

Кўнглидаги кенг дунёлар нурланар,
Шоир сўзи баландлагай, ҳурланар.
Кегайлининг ёқалари бўйланар,
Йигит вақтин унутмаган қиз билан.

«Соллана-соллана борар бир жонон»,
Дўстлар «Сўфитўрғай ўлими» ёмон.
Аббос шоир билан хўшлашган замон,
Булбулнинг тўйида меҳмон биз билан.

Шоир дер:
Ўзимни шоир сезарман,
Кўнглим хушёр, сергак бир ҳақ Бозирган.

Молимга харидор топилгай-да, деб,
Жонимни қийнарман, ерга тўзарман.

Гулистон дер, гулга менгзар бу замон,
Кўнгил кўнгиллардан сувичган меҳмон.
Ўзинг яхши бўлсанг, ҳамма дўст-ёрон,
Шоир йўли мангуликдир эл билан.



X
“Ота уйим”
китобидан



ИЖОДКОРНИНГ ЯНГИ ДОВОНИ

Таниқли шоира Гулистон Матёқубованинг «Юрак билан юзма-юз» номли китобига ёзган тақризимга «Довонлардан довонларга» деган сарлавҳа қўйганим эсимда бор. Мақоланинг хулоса қисмини қуйидаги жумлалар билан яқунлаган эканман: «Юрак билан юзма-юз» шеърий китоби Гулистон Матёқубованинг сўнгги йилларда шеъриятда қалами ўткирлашиб, маҳорати шаклланиб, довонлардан довонларга муваффақиятли кўтарилаётганидан дарак беради.

Бу фикрнинг айтилганига йигирма йилдан ошибди. Шу муддат ичида шоира ижоднинг машаққатли ва серзавқ йўлини босиб ўтди. Адабиёт зиналаридан дадил кўтарилиб, бир қанча марраларни эгаллади, эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб эришилажак чўққилар сари фаолиятини давом эттирди, яъни мунтазам қалам тебратиб, қатор ижод довонларига чиқишга муваффақ бўлди, талантли шоира сифатида мухлислар ва мутахассислар томонидан тан олинди.

Бадий ижод тажрибасида «довон» атамаси тез-тез тилга олинади: «Ижодда довон ошди, довонларни забт этди» ёки «довонлардан довонларга юксалиб бормоқда» ва ҳ.к. Шулар ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр атоқли шоир Миртемирнинг қуйидаги икки мисра шеъри ёдимга келди:

*Эй кўнглим, оламдан суюнчи сўра,
Довонлар, тоғлардан елдай учиб ўт.*

Бу гапларнинг «Ота уйим» китоби муаллифига қандай алоқаси бор деган фикр хаёлингиздан ўтаётган бўлса ажабмас. Гап шундаки, Гулистон

Матёқубова ижодининг дастлабки йилларида эришган ютуқларини сўнг ҳам жадал ривожлантириб, навбатдаги марралар сари ўзига йўл очди, ўқиб-ўрганди, ижод машаққатларини енгиб, маҳоратини ошириб борди. Бу тинимсиз меҳнат, изланишлар кўп куттирмай яхши самара берди, уни довонлардан довонларга «елдай учиб ўтишида», кўнгил армонлари ва орзуларини сўз санъати орқали ифодалашда парвозига қанот бўлди. Гулистоннинг ҳозирга қадар адабиётнинг турли жанрларида эълон қилган асарлари, нашр қилинган китоблари шу хулосани чиқаришга, ўйлашимча, тўла асос беради.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани қайд этиб ўтсам, ортиқчалик қилмас. Гулистон Матёқубова ўзбек ва қорақалпоқ адабиётига тенг даражада хизмат қилиб келаётган ижодкор, «қорақалпоқнинг ўзбеги» бўлиб ўз тақдирини, ижтимоий фаолиятини, қолаверса, ижодини шу юрт, шу ватан тақдири билан боғлаб, унинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилиб юрган давримизнинг энг илғор зиёлиларидан бири. Бу фақат менинг нуқтаи назаримгина эмас, аслида қорақалпоқ ва ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари, адабиётшунос-танқидчилари ҳам бундай фикрларни Гулистон Матёқубова ижодига бағишланган мақолаларида, китобларига ёзган сўзбошилари ва тақризларида бир неча маротаба билдиришган. Агар ҳозир шоира ҳақида асарлари юзасидан ижобий фикр айтган ўзбек ва қорақалпоқ адiblари, олимларини номма-ном санасам ёки фикрларидан кўчирма келтирсам, бир неча саҳифа ёхуд каттагина рўйхат юзага

келиши аниқ. Бу маълумотлардан илмий-адабий жамоатчилигимиз яхши хабардор, фикримча, уларни такрорлашга зарурат йўқ. Чиндан ҳам, у бадий салоҳияти, обрў-эътибори ҳавас қилса арзигулик қалам соҳибаси.

Гулистон Матёқубованинг ижоди билан батафсил танишман, деярли барча асарларини ўқиганман деб ишонч билан айта оламан. Адабий фаолияти тўғрисида турли тилларда мақолалар, китобларига тақризлар ёздим. Қисқаси, унинг адабиётда эришган ҳар бир ютуғидан хабардорман, танишиб боришга, матбуотда муносабат билдиришга ҳаракат қилиб келаман. Муаллифнинг «Ота уйим» деган навбатдаги китоби ҳам шоиранинг истиқлол йилларидаги ижодий меҳнатининг самараси ўлароқ юзага келган яхши асарларидан бири. Тўплам жанри бўйича хилма-хил: шеърлар, киноқисса, суҳбат, мақола, таржималар ва шеъроят сабоқларига доир илмий-назарий лавҳалардан тузилган. Уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида-алоҳида сўз юритиш, таҳлил қилиб баҳолаш мумкин эди. Бироқ мазкур сўзбоши — мақоланинг ҳажми бунга имкон бермайди. Шундай бўлсада, китобнинг ғоявий-бадий салмоғи ва савиясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг яна икки муҳим хусусиятини муаллифнинг ижодий ютуғи сифатида таъкидлаб ўтишни истайман. Биринчидан, китоб Гулистон Матёқубованинг адабиётнинг турли жанрларида бирдай қалам тебрата олиш қобилиятига эга ижодкор эканлигини тасдиқлай олади. Бу эса муаллиф дунёқараши, бадий адабиёт соҳасидаги мушоҳада уфқининг кенг ва ранг-баранглигини кўрсатади. Бундай кўпқиррали

истеъдод ҳамма шоир-ёзувчида ҳам бўлавермайди. «Ота уйим» китоби шу хусусияти — серқирралиги билан алоҳида баҳога муносиб.

Иккинчидан, тўпладан ўрин олган ҳар бир асарда, жанрига қарамасдан қорақалпоқ замини нафасини сезиб турасиз, ўлка ҳаётининг турли-туман манзаралари, одамларига хос бетакрор хислатлар, табиати кўринишлари дейсизми, бари-бари, чинакам миллий руҳда талқин этилгани Гулистон Матёқубованинг она юртига садоқати нақадар юксак эканлигидан дарак бериб туради. Бошқа бир ижодкорнинг қорақалпоқ колоритини бундай шакл ва мазмунда бадий ёритишига ўқувчини ишонтириш жуда қийин бўлса керак. Бу ўзгачалик, назаримда, шоира ижодининг етакчи, энг гўзал фазилатларидан биридир. «Ота уйим» китоби билан танишгач, сиз ҳам шундай хулосага келишингизга ишонаман.

Ҳа, Қорақалпоғистон халқ шоири, Бердах номидаги давлат мукофоти лауреати, икки қардош халқ, икки қардош адабиёт дўстлигининг чинакам тарғиботчиси, фидойи куйчиси, элимиз ардоғидаги адиба ва жамоат арбоби Гулистон Матёқубова бадий ижодда довол ошишда фаол давом этмоқда, мукамал асарлар яратиб, адабиётимиз хазинасини бойитяпти. Биз унга келажакда ҳам ижод доволларини забт этишда ҳеч қачон чарчаманг ва юксак марралар сари бўладиган галдаги ижодий парвозларингиз бундан ҳам баланд, янада ибратли бўлсин, деб тилак билдирамиз!

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
Филология фанлари доктори,
профессор.

ОТАМ ХОТИРАСИ

Отамни йўқотиб узум шохлари,
Меҳр-ла ўстирган қўлларни кутди.
Тўзиб кетди бирдан хазон тахлари,
Бу қачон бўлганди? Наҳот унутдим...

Ўчоқда сўнаётган оловга боқиб,
Кўзларим ёшини ичимга ютдим.
Ярмиси ўқилган китобни ёпиб,
Варақлар ичидан отамни кутдим.

Мунғайиб қолгандай кўзойнаги ҳам,
Китобнинг устида ёлғиз мўлтирар.
Кўкчой совиб қолган оқ чойнаги ҳам,
Пиёлага сокин суяниб турар.

Салқин боғ устига кўтарилар ой,
Нурлари тўкилар отам изига.
У шивирлар, менга сўзлар пойма-пой,
«Отанг учиб кетди ўз юдузига».

Осмонга боқаман, юлдузлар чақнаб,
Кўзларим ичига чўқади.
Гўё сочим силаб, юпатиб мени,
Отамнинг меҳрини тўқади.

Йўқ, мен унутмадим, ҳар кун хотира,
Боғни куз, бизларни ташлаб кетди отам.
Мен совуқ дарчага юзларим боссам,
Совуқ сукут билан юпатди хонам.

Ташқарида эса менга қўшилиб,
Йиғлади баргларин тўкиб бодомлар.

Азиз хотирага мунг-ла эшилиб,
Юпатди отамни билган одамлар.

Қанча йиллар ўтди, ортга қарайман,
Ҳам оддий, ҳам улуғ Ота эдингиз.
Сиздай эл корига мудом ярарми,
Изингизда қолган фарзандларингиз?

Бугун боғингизни парвариш этар,
Аҳмад отли жасур бир неварангиз.
Умр ўтиб кетар, юлдуз ярқ этар,
Демак ўлмадингиз, яшаяпсиз сиз...

МЕНИНГ ОТА УЙИМ

Болалигим ўтган менинг ота уйим—
Кечиксам жон қадар мени кутган олам.
Тунлари қайғуриб,
Кундузлар тинмай
Уйим деб, болам деб ўзини унутган онам.

Сочи қирқ ўрилган қўғирчоқларнинг,
Кўп ўйинчоқларнинг севинчин уйган,
Уй — бу орзуларнинг туғилган макони,
Асал, туз, қалампир таъмини туйган.

Уй — бу деразадан майин ҳид таралиб,
Сабзи, пиёз қовурилаётган паловқозони.
Музлаткич гоҳ тўлиб, гоҳида бўшаб,
Туғилган кунларнинг совға-саломни.

Ота уйини ҳеч севмасдан бўлмас,
Унда ёстиқларда қолган тушларинг,

Унда ҳеч кетмасдан яшагинг келар,
Унда онанг алла айтган қўшиқлари.

Ота уй эшиги ҳамиша очик,
Баъзан кузатганинг, баъзан кутганинг.
Меҳмонлар келганда очилиб дилинг,
Бор-йўфинг ўртага тўкканинг.

Бу бурчагида болта ва арра,
Чеккада ювилган кирлар учун дор.
Жажжи чақалоқнинг иштончаларин,
Дорга илаётган мунис онаизор.

Уй — бу баъзан дарддан эзилсанг,
Бўғзингга тиқилган алланималар.
Уй — бу қулфланган тутқин муҳаббат,
Ўспирин орзиқиб интилган дийдор.

Ота уйинг — сен ётган бешик,
Деразанг остида ўсган атиргул.
Сен илк бора кашф қилган эшик,
Дунёларга очилган кенг йўл...

КУТИБ ОЛ

Очил бугун кўнглим эшиклари,
Болаликни чорла бор овозинг-ла.
Ёшлик завқи билан тўлиб кетсин-да,
Чекка кўчадаги кичик бир кулба.

Муҳаббат учун очик бўл, юрак,
Ҳар томирингга сингсин нафосат.
Юлдузларга ўтсин ўт нигоҳ,
Агар учсам бўл маҳкам қанот.

Кенгроқ очил, кичик сўқмоғим,
Майса, дарахтларга улангин.
Митти ниначининг нафис қаноти,
Кучли қанотларга айлансин.

Умр, янгра тоза сас бўлиб,
Ақлимни тозала чанг-ғуборлардан.
Тоғлар виқоридай қудратга тўлиб,
Йиллар орасидан чиқиб келай мен.

Юрак садо берсин янги кунларга,
Ишончга, руҳингга бер сайқал.
Энг ёруғ нур билан шуълалан,
Вақт занжирларидан узилиб тарқал.

Юрагим, юлдузлар ичига жойлан,
У ерда яралар янги кун.
Нур билан узилиб ерга туш,
Кутиб ол...
Янгидир ҳаётинг бугун.

ШУКРОНА

Қоп-қора тунлардан, оппоқ тонглардан
Оллоҳга шукурлар қиламан.
Менга енгилмас юрак бергани учун,
Турли вазиятлар исканжасида
Янчилмаганим, эзилмаганим учун,
Тақдирнинг ҳам ҳар зарбасидан
Йиқилмаганим ва синмаганим учун.
Дўстларимнинг хиёнатидан,
Алдовлардан ва ёлғонлардан
Қолган бўлса кўз ёшлар қолди.
Олган бўлса мендан қасдини —
Сабр олди, ирода олди.

реферат - Ф. Бекбергенов
11.11.15.

Исканжалар, тўсиқлар аро,
Йиллар мени омон олиб ўтди.
Демак, мен ўз тақдиримга бек,
Демак, мен ўз қалбимга ҳоким.

Қоп-қора тунлардан, оппоқ тонглардан,
Оллоҳга шукурлар қиламан...

ЮРАК АМРИ

Ҳаёт нима? Фақат бир лаҳза,
Ҳозир борсан, эртага йўқсан.
Шундай эриб, нураб кундан-кун,
Сўнаверар кўзлардаги нур.

Ўлим билан чиқишмасам ҳам,
Нигоҳини кўриб тураман.
Ҳали юрагимда қонлар совимаган,
Ҳали соат каби юраман.

Вақти етиб агар кетсам ҳам,
Шу юракни
Шеърларимга ўраб,
Мен сизларга ташлаб кетаман...

УМИД

Тилимдан сўзлар узилиб эмас,
Тўкилиб-тўкилиб тушади.
Яланғоч боғларга сочилган барглар
Тупроқ юзин ёпгани каби,
Дафтаримга тўкилган сўзлар
Қалбим дардларини яширар.

Нигоҳимни эса яшириш учун
Бирор жой тополмам,

Куз ҳам хазонига ўролмас уни,
Ё вужудим иситолмайди,
Даволай олмайди ҳарорат билан,
Ҳароратин қиш олиб қўймоқда,
Юрак совуқ ҳисни туймоқда.

Менга энди
У дунёни совға қил, Тангрим.
Яхшиликлар эшигидан жим
Кириб борай янги дунёга,
Бағрим тўлиб кетсин зиёга.

КОИНОТНИНГ САДОСИМАН

Мен коинотнинг бир овозиман,
Гоҳо сокин, гоҳида ўйчан сукут маликаси,
Гоҳи тиниқ, гоҳида улуф бахт нашидаси,
Гоҳи эса сеҳрланган, уйқусираган
Қора қарғаларнинг
Бўғиқ саси каби маҳкум бўлган умидсизликка,
Коинотнинг сирли саси.

Мен куз тонгидаги аёзли шамол,
Сочларини ёйиб кекса мажнунтол,
Сувга дардин айтиб,
Синиқ куйлаётган узун шохлари
Менга қўлин чўзиб,
Бирдан йиғлаб юборган мисол,
Ёки юлдузларни бир ерга йиғиб,
Эшикларин очиб само даргоҳларин,
Нурларнинг карвонин йўллаган,
Мен куз тонгидаги аёзли шамол.

Мен қадамларнинг сукунатни бузган сасиман,
Унутилган, осмонгача етиб боролган

Жаранглаган сас,
Мен нафасман, юрак уриши
Кимнинг орзу, умидлари бўлиб,
Умрида бир бора кўрган сирли туши...
Мен коинотнинг бир овозиман.

ИШОНЧ

Кимдир чўкар, қазоси сувда,
Ким йиқилар тоғ чўққисидан.
Кимдир очлиқдан, ким емишлардан
Бўкиб, тўйиб кетар ҳаётдан.
Телба дунё кўз олдимизда
Кафтдек намоён,
Унда кино кўраётгандекмиз,
Лекин билмаймиз,
У дунёга кетиш лаҳзаларини.

Мана, нафис атиргулнинг аччиқ тиконлари,
Ҳам дилни яйратиб, ҳам қўлни оғритар.
Бу дунё ҳам шундай — ҳам ширин, ҳам аччиқ,
Чидасанг кел, атиргулни ол.
Аччиқ, ширинига чидасанг унда яшаб қол.

Биз бирга топайлик
У дунёга ўтиш лаҳзаларини,
Қанот боғласак ҳам кенг самоларда,
Ғаввос бўлиб денгиз тубига кирсак.
Эътиқод бўлмаса ишонч топилмас,
Бу дунёда эса ишончсиз асло яшаб бўлмас.
Демак, йўқолишга маҳкум қилинган лаҳза
Ишончда яшар,
Ишонч бўлса ичида агар,
Ўлмайди башар...

ЭЪТИРОФ

Тақдирдан нолиган эмасман,
Тақдирнинг ҳукмида яшадим.
Мен аниқ биладим — мен севдим,
Мен аниқ биладим: яшнадим.

Ўзига қул қилмади ҳаёт,
Менга учқур қанот берди у.
Кўнглим менинг эркин ва озод,
Қанотларим қудрати орзу.

Хотиралар қийнамас мени,
Бахтли онларимдан дарак у.
Неки бўлса бари меники,
Ҳаёт — ишонч тўла юрак у.

СИНОВ ВА САБР

Сукунат. Бўшлиқ. Яна ёлғизлик...
Бу умидсизликнинг сабабчиси ким?
Умр давом этар сал бошқачароқ,
Айбдор изламайман, сабабчи ўзим.

Сукунатда бўшлиқ, бўшлиқда қудрат,
Ёлғизликда эса кўринар ҳикмат.
Мени ким тушунар... Кўнглим ким англай?
Савол жавоби йўқ, бир сирли хилқат.

Оллоҳим, бандангни бунча синайсан,
Гоҳ олиб, гоҳида бериб синайсан.
Тегирмон тошини осиб бўйнига,
Майдалаб, сўнг яна териб синайсан.

Гоҳо йўқотасан ўз бўшлиғида,
Ўз умидларига қилиб ўзин бек.
Озодлигин бериб ҳур севгисида,
Сир билан сийлайсан ўзингдек.

ЭЪТИҚОД

Мен Аёлман, мен Онаман, тақдир ҳукмин сезаман,
Муштдайгина юрак билан вақт измида кезаман.
Яхшиликка қўл урмаган инсон бир кун ўкинар,
Абадият қонунининг кучин шунда сезаман.

Мен ўйлайман: туйғуларми, ё ақлми,
Қачон қайси яралди?
Ёки сўзми аввалида пайдо бўлиб дунёда,
Кейин сўздан ҳис-ҳаяжон, ақл сеҳри таралди...

Билолмадим, бу дунёда сўзларнинг ҳам тури кўп,
Гоҳ яхшилик, гоҳ қабоҳат ўраб олар оёқни.
Бу олам кенг, сўзларни ҳам яратгучи тили кўп,
Тоғлар боши омон турса тоштиргудай булоқни.

Бу оламни англаш қийин, саволлари бежавоб,
Билмоқ сари қадам қўйсанг, боши берк йўл чиқади.
Йўлни топсанг, коинотга уланади чор атроф,
Ҳар шуълада минг товланиб, минг бир олам боқади.

Саволларнинг чеки йўқдир, олам чегарасидай,
Дилга яна қайтганидай, минг савол ва жуфт нигоҳ.
Ҳар истагинг бўлак-бўлак, умрингнинг эгасидай,
Коинотдан излаганинг тинч гўша — кенг оромгоҳ.

Унда мангу бир ҳаёт бор — бу оламнинг охири,
Йиқилганга, турганга ҳам шудир олий мукофот.

Бошқа сирли фалакларда яшар руҳлар тақдири,
Улар қайта туғилади, қисматларда шарофат.

Ҳикматларда яшар асли фалакиёт андуҳи,
Кириб-чиқиб турган нафас одамзодни алдайди.
Эътиқодин излайди руҳ, шунда умр шукуҳи,
Қани, инсон бутун умр имон билан қолсайди.

Бахт ҳам асли тақдирларнинг камдийдор
меҳмонидир,
Оғир дард йўқ ишқу қалбдан бирдан жудо
бўлмоқдан,

Мен ўзимдан излаяман асли ҳаёт бошини,
Танграм, асра бу дунёда гуноҳкор бўп қолмоқдан.

Оллоҳ, учмоққа қанотмас, оёқ берган юрмоққа,
Ҳамда тўғри йўлин топиб, ерда маҳкам турмоққа.
Ҳам асраган бандасини йўлсиз бўлиб қолмоқдан,
Бу умрда неки бордир, унинг боши виждонинг,
Калимангни қайтариб юр, бутун бўлсин имонинг.

ЭРКИН РУҲ

Мен бу юз йиллардан эмасман,
Бу кунлар ҳасратин сўзлама.
Ичимдан ненидир излама,
Мен бу юз йиллардан эмасман.

Сен эмас, юлдузлар тушунар тилимни,
Коинот топади кўнглимни.
Тунларда руҳларим учади,
Эркинман,
Ҳеч кимга бермайман эркимни...

702 + реферат - Ф. Бектурсенов
11.11.15.

САВОЛЛАР

Қаерда ва ким гуноҳ қилди ҳозир,
Кейин тавба қилиб,
Гуноҳларин ажрин сўради,
Оллоҳ кечиримлидир.

Эртага нималар бўлади?
Кимнинг юрагини
Қандай ўртаётир хатолар?
Тинмай айланаётган
Ердан юзин буриб.
Неларни ҳис қилиб,
Неларни ўйлайди «худо»лар?

Илтижо илинжи тўкилар
Тутилган тиллардан,
Дуолар энтикиб,
Тўкилиб кетади қўллардан.
Оллоҳнинг меҳри кетмасин,
Тақдирларга шерик диллардан.

БИР ПАРЧА ҚОҒОЗ

Олдимда турибди бир парча қоғоз,
Жонсиз, қонсиз юзлари оппоқ,
Ҳозир унга жон эна бошлар,
Қорда унган чечакдай порлаб.

Мен берган жон ичра титрайди вужуд,
Балки йиғлай бошлар кўзга ёш тўлиб.
Жисмига ўралар сирли ўт — сукут,
Шу азоб-ла мангу қолар дард бўлиб.

372

У на тилга кирар ва на эшитар,
Оғриқларга чидар — ўйлари ёруғ.
Не дард бор... енгмоққа бардоши етар,
У шундай ягона, у шундан улуғ...

Олдимда бир парча қоғоз бор,
Ҳозир унга кириб кетар жон.
Гоҳ қувонар, гоҳ алам чекар,
Гоҳо йиғлар у хуни-гирён.

Олдимда бир парча қоғоз бор,
Жон бердим-у, беролмадим тил.
Кўз ёшларим тўкилди қатор,
Оғриқларим яширди буткул.

Қўлларимда турибди қоғоз,
Бағри мунгга тўла минг хил из,
Сўзлаб-сўзлаб тушунтиролмас
Дардларини, шундан у ёлғиз.

Ўз шеърларим ўзим пичирлаб,
Ўз кўнглимга кириб кетаман.
Сўз жонланар кўнгил ичида,
Тан руҳимдан чиқиб кетади.

Олдимда бир парча қоғоз бор...

КЕЧИР...

Декабрь,
Кечир мени.
Сени қийнаб қўйдим
Ўйлайвериб
Рўёбга чиқмаган орзуларимни.
Шошавериб етолмаган армонларимга,

373

702 + реферат - ф. Бекбергенов
114-15.

Ўйлайман:
Одамлар олдида фахрлангудек,
Нима ҳам берди менга табиат?
Розиман умримга, узоқ йилларга,
Бергани азиз Дўст, Ишқ ва Садоқат.

Менга икки эшик очилди:
Бири
Шаффоф нурларига белади.
Иккинчиси
Борса Келмас
Кенгликларидан
Мени олиб ўтиб,
Мангуликка йўллади.

Бугун деразамдан
Менга термуласан,
Қайтиб беролмайсан ўтган кунларни.
Декабрь, кечир мени,
Яшамаган,
Яшолмаган
Кунларим учун.
Ҳам сенга бахтиму бахтсизлигимни,
Тақдирдан бесўроқ
Бериб юбораётганим учун,
Кечир...

ЮРАК ИНШОСИ

Она тили ўқитувчисидай,
Юрак айтиб турди, мен ёздим диктант.
Гоҳо қалам билан, гоҳ мониторда,
Жумлалар жамланар ичган каби онт.

Бунча қийин қўйиш тиниш белгиларни,
Ундовоз, уч нуқта кўпайиб кетар.
Сўроқ белгилари ундан ҳам ошиб,
Барча хатоларни ичига ютар.

Диктант баҳосини билолмадим,
Ундаги ҳар бир сўз ҳаёт томчиси.
Дафтарни ҳеч кимга кўрсатолмадим,
Юрак бўлгандан сўнг ўқитувчиси.

БЕЗОВТАЛИК

Ўқилмаган китоблар учун,
Тугамаган фикрлар учун,
Айтилмаган сўзлар учун ҳам,
Ҳали севишмаганлар учун.
Яхшилигим етмаганлар ва
Танимаганларим учун ҳам,
Безовтаман, нотинчман ҳамон,
Умрим етмас,
Умр йўлин тугатади жон...
Ўйлайман...
Қуёшда ҳам қора доғлар бор,
Тўхтаб-тўхтаб урар юрак ҳам.
Ҳаёт учун кураш ҳар куни
Олиб келса ўлим ёнига,
Дейман, эҳтиёт бўл,
Огоҳ бўл ҳар дам,
Шайтон кирмасин-да қонингга...

Бекбердиев
реферат - ф. 114-15.

МИНГ ЙИЛЛАР

*Қорақалпоғистон ҳудудигаги
қадим қалъалар ёнида туғилган ўйлар*

Минг йиллар ортида сукутда ётар
Харобалар ичра тўкилган хоклар.
Лаҳзалар энг ёруғ хотира каби
Нотинч ва безовта руҳларни поклар.

Қаддин ростлаётир ҳар тўрт томонда
Тошлар орасидан чиққан ботирлар.
Аждодлари қадим, янги замонда
Яралган қиссани англар тақдирлар.

Эраларга тенгдош донишмандларнинг
Доно фикрлари умрга тиров.
Деворларда қолган ҳур ҳикматлари
Нақшинкор устунлар саҳнида ялов.

Нураган хоналар ичра бир соя,
Улайди бугунга ўтмиш изини.
Кулранг деворларга ўйилган ғоя
Ханжардай кесади тарих сўзини.

Минг йилки, уйқуда бойлар, боёнлар,
Ярқираган уфққа ўтган излари.
Қиличлар зарбидан ўртанган жонлар,
Руҳларга айланган қонсиз юзлари.

Бугун юлдузларнинг қадим буржидан
Ё наслин, ё аслин излаётган ким?
Қуёш тўккан заррин нурлар кучидан
Қабр устида гуллар нафас олар жим...

...Вақт эса тўхтайти эски деворнинг
Ҳар гишти яширган чорраҳасида.
Нидолар яшайди харобазорнинг
Тупроққа айланган ҳар заррасида.

Майли, юксакларда юлдузлар сўнсин,
Ва ерга интилиб қолсин сукутда.
Лекин тимдаланган дил ҳароратин
Ўтли алвидосин йиллар унутмас.

Тонг отар нураган сарой саҳнида,
Тахтдан қолган тошга қўнар бойўғли.
Кимнингдир қасоси қайнар қонида,
Ким у хиёнаткор, ким сўзи тўғри...

Улар соя каби ерда судралиб,
Қасосга айланиб шарпадек дайди.
Тош идишга чўккан заҳар қуйқасин
Кимларга атаган экан шум тақдир?

Дўзахгами тортар қасоскорларни,
Жаллод кийган ямоқ, қуроқ жандалар.
Шум ният, хиёнаткор ағёрларнинг
Лабларида қотиб қолган хандалар.

Тупроқда очилиб, кўриниб ётар,
Кимнингдир оёғи, кимнингдир қўли.
Кесакка айланган, тошга айланган,
Бир пайтлар меҳрга йўғрилган дили....

Мана, энди ҳаёт буткул ўзгарди,
Чехралар ўзгарди, ўзгарди сўзлар.
Кимдир чақиргандай бўлади бизни,
Уйғонар тарихнинг кўксига излар.

Тирилади қонда чайқалган юрак,
Орзуларни кўмган қасос ўтлари.
Она Ер зарраси жон қадар керак,
Рухларга айланиб яшар мардлари.

Эркинлик, озодлик нафаси кезар,
Қалъалари қадим янги маконда.
Тарих битикларин келажак безар
Эрталари буюк Ўзбекистонда.

ХУДБИНЛИК

Юрагим ёндириб беомон,
Кулга кўмилдимми, билмайман.
Биламан, мен сизни ҳеч қачон,
Ҳеч кимга бермайман, бермайман.

Бу золим йилларга чидам бермас жон,
Бешафқат тақдирнинг сирин билмайман.
Биламан, мен сизни ҳеч қачон,
Ҳеч кимга бермайман, бермайман.

Бошлаган қўшиғим ичимда ҳамон,
Куйин гоҳ эслайман, гоҳо билмайман.
Биламан, мен сизни ҳеч қачон,
Ҳеч кимга бермайман, бермайман.

. . .

Ўзим яратиб, ўзим чўкаман хаёл-сирларга,
Жавоби йўқ сўроқлардан тўлади кўзим.
Бир пайтлар иккимиз юрган ерларда
Қолдим бир ўзим.

Қайда чеки-чегараси истакларимнинг,
Уни қандай бирлаштирар хаёлий сўзим.
Бир пайтлар иккимиз кирган оламда
Қолдим бир ўзим.

Муҳаббат жазога айланмасин, йўқ,
Йўқолмасин меҳр яратган изим.
Бир пайтлар иккимиз учган осмонда,
Муаллақ турибман бир ўзим.

ИШОНЧ

Мен денгиз тубига шўнғиган гаввос,
Дурларни тергандай териб сўзларни.
Хазинадай асраб қалб гавҳарини,
Нурларга кўмаман тушларни.

Тушимда қумрилар дарчамга кўниб,
Ҳу-ҳулаб уйғотар, ҳикматлар айтиб.
Мен биламан, тонг саҳар айланиб улар,
Сиз юрган ёқлардан келарлар қайтиб.

Нафасингиз қумриларнинг ҳу-ҳуларидан,
Нафис оҳангларда куйга уланар.
Тиниқ самоларнинг тонг салқинида,
Майин шамолларга айланар.

Мен уйғонаман, кўзларимда ёш,
Ҳам қувонч, ҳам ҳижрон тўла кўз.
Ташлаб кетмас мени қумрилар,
Қушлар ҳам, тушлар ҳам ахир Сиз.

ЎЗИНГ БИЛАН БАҲС

Яна тақдир билан баҳслашиб,
Ойнинг ҳам тинчини бузаман,
Узунни қисқартиб, қисқани тортиб,
Синиқ, йиртиқларим гоҳ ямаб,
Гоҳида ҳаёт ипларини узаман.
Кетгим келиб яна ёлғизлигимга,
Излаб йиллар орасида йўқотганимни.
Тақдир лўли қизнинг башоратида,
Оллоҳ буйруғига бўйсуниб,
Унутиб, тақдирнинг ҳукмида
Гоҳ ёруғ, гоҳ хира тонглар отганин.
Мен яна кетгим келар
Ёлғизлигимга.

Ишонмай яшадим,
Дунёнинг ёлғонлигига,
Ҳам англадим унинг ёлғонлиги
Одамларнинг макри,
Ёлғонларидан.
Дунёнинг бевафолиги,
Одамларнинг дўстга хиёнати,
Бевафолигидан.
Не учун бу қайғу, бу алам, бу дард?
Фақатгина Оллоҳим беайб.
Яна кетгим келар
Ёлғизлигимга...

Муҳаббат берилган,
Севган ва севилган бўлсам ҳам...
Ҳаёт — бу мен учун
Бетиним, абадий ижод бўлса ҳам,
Ёлғончи дунёда

Ҳаммаси вақтинча эканин билиб,
Кетгим
Келади...
Дўстлар, мени йўқламанг энди,
Мен кетдим ўзим ўзимга...
Тақдирга ҳам, умрга ҳам келмасин малол,
Ёмғирларнинг томчисига кетади хаёл,
Бу томчилар менинг кўз ёшларим мисол,
Яна кетгим келар ёлғизлигимга...

Ҳеч кимдан қарзим йўқ,
Мендан ҳам қарзи йўқ ҳеч кимнинг.
Бу мажбуриятлардан озод юрагим,
Мен улардан осон кечаман,
Ахир бир одамга осон-ку,
Ҳеч ким бўлмаса ёнингда.
Сенга ҳеч ким хиёнат қилмас,
Ўзингга хон бўлиб,
Ўзингга султон,
Ёруғлик ва нур салтанатин
Бошларингга айлаб соябон,
Қанот бойлаб уча оласан.
Сенга ёқмай қолган недандир,
Осонгина кеча оласан.
Ёлғиз бўлсанг, учаётганингда
Қанотингни ҳеч ким қирқолмас,
Ва билдирмай орқангдан келиб,
Елканга ҳам пичоқ санчолмас...
Яна кетгим келар ёлғизлигимга.

Яна тақдир билан баҳслашиб,
Ўйларимдан қоча бошлайман.
Етар дейман ўзимга ўзим,
Фикрларим сўзлардан кечиб,

Ёлғизлик бу сенга хос эмас?
Нечун яна ўзинг алдайсан?
Бу мақсадинг нодонлигингдир.
Ёлғизликда ахир қандайсан?
Йўқ, ёлғизлик сенга тақдирмас,
Хиёнатдан қўрқаяпсанми?
Озми бу дунёда хиёнат?
Қўрқаяпсанми
Мажбуриятдан
Ё масъулиятдан?
Яшай оласанми яхшилардан кечиб,
Кечиб яхшиликлардан?
Энг асосийси —
Ўзинга хиёнат қилмаслик,
Энг асосийси — алдамаслик ўзинг ўзингни,
Ёлғонларга ишонганинг ҳам
Ўзингни алдашинг эмасми?

Яна тақдир билан баҳслашиб,
Олиб бўлишимни биламан.
Яхшилик-ла Дўст тутинганим,
Дўстимни Ягона билганим,
Уни гоҳо пайғамбарсифат,
Гоҳ Оллоҳ сифатда кўрганим
Қайта-қайта исбот қиламан...
Яна тақдир билан баҳслашиб,
Ёлғизликка қайтиб кетаман...

ҲИКМАТЛАР КЎП

Ҳикматлар кўп кўнгил ичида,
Йиллар ўтиб, сен кексайган дам.
Ақл ёшнинг синглиси бўлиб,
Кўяр кўнгил дардига малҳам.
Ёшлик қани, умр қайга кетди,

382

Оқиб ўтаётган дарё тўлқинидай.
Бир оз тошиб, бир оз чайқалиб,
Ахир тонгни ҳамон қаршилайман,
Жўшқин умид тўла юрак-ла қолиб.
Эҳ умр, сен жуда шошқалоқ,
Йўл юрсам-да мен жуда узоқ,
Ҳар куни янгидан яшашга тайёр,
Юрак тошиб, қайга шайланар,
Ақл янги курашга тайёр...

СЎЗ ТИЛСИМИ

Илоҳийлик илоҳларга, софлик, ростлик шоирга,
Йиллар узоқлатиб турар даврлар масофасин.
Сўз тилсими, сўз сеҳридан қайта келар дунёга,
Сатрларга руҳи чўккан шоирларнинг нафаси.

Улар берар асрларга муҳаббатнинг овозин,
Мир Алишер, Бобурмирзо, дили яра Нодира.
Зебунисо руҳларининг кўкда эркин парвози,
Ҳаётини сатрларга муҳрлаган тақдирлар...

Лутф айлаб ҳар сатрда қони, жони, юрагин
Фасллардан фаслларга олиб ўтар ҳарорат,
Ҳис этади келажакда авлодларга керагин,
Баҳор сеҳрин қиш қорида тирилтирар
муҳаббат.

НАЙ

Қайғу чекма, фиғон қилма, най,
Тақдирингдан нолима бунча.
Дардларингни ҳаволарга ёй,
Йўллар олис тонгга етгунча.

383

реферат - Ф. Бектёрбеков
14-15.

Тун бағрини чок-чок қилиб,
Нидоларинг бағримни эзар.
Дилни шиша каби синдириб,
Кўқда ойнинг парчаси кезар.

Кел, мен сени бағримга олай,
Юрагимдан ўтган нидони.
Қайғу чекма, фифон қилма, най,
Унутайлик у бевафони,
Қайғу чекма, фифон қилма, най.

ЎЗИНГ САРИ ЙЎЛ

Энг офир йўл – ўзинг сари йўл,
Бир нур тушмаган, ҳали ҳеч ким кезмаган.
Чексиз мақсадларга бериб маҳкам қўл,
Бир лаҳзада асрлар юкин сезасан.

Мен якка Оллоҳнинг бандаси,
Менинг номим Инсон.
Излайман ўзимнинг табиатимни,
Қаердан келганим, қайга кетишимни излайман.

Сен ҳам эшик оч,
Ўзингга ўз туйғуларингдан.
Ташла, кеч кибрингдан, қабиҳ Менингда.
Бефарқ бўлма отаётган тонг,
Келаётган эртанги кунга.
Сени қутқаролмас ҳеч ким ўзингдек,
Ишонсанг фақат ўзингга ишон.
Қўрқувлар қолмасин ичингда.
Илоҳнинг расми бор сенинг юзингда,
Оллоҳ эса сенинг ўзингда.

ҚОНУНИЯТ

Агар ўлсам, қолиб сўзсиз, қўлсиз,
Ажал олиб кетса бир кун жонимни,
Мен ўйлайман фақат фарзандларимни,
Улар олиб юрар менинг қонимни.

Майли, гуноҳкорлар куйсин дўзахда,
Хиёнаткорларга лаънат ёғилсин.
Яхшиларни яна яшнатсин жаннат,
Абадият йўли шундай туғилсин.

Майли, санаб турсин кимдир тепада,
Бу дунёга тўймай узилган жонни.
Одамзод кетади, насли қолади,
Юлдузларга тўлдириб кенг осмонни...

УМИД

Умиднинг охирги шуълалари бор,
Тақдирнинг охирги йўлин ёритган.
Бир нигоҳ, узоқда нафис меҳр билан
Менга тикилаётган, дилни ёритган.

Мен эса ҳис қилиб сезиб тураман,
Айтилган ҳар бир сўз моҳиятини.
Умрим сўнгигача олиб юраман,
Мен учун аталган муҳаббатини.

У мени чўктирмас, у менга қудрат,
Биламан олдаги йўл машаққатин.
Мени кутаётган умр сўнгигача,
Етмоқ, учун асрай дўст садоқатин.

Сўзлар тушиб кетар тилдан томчидай,
Ёмғир эса тинмай ёғаверади.
Бу совуқ томчилар титратиб дилни,
Соғинч азобларин туғаверади.

Яраларим баҳор даволай олмас,
Кузнинг энг охирги япроғи мисол.
Айрилиқ йўлида жон таслим қилар,
Ёмғирга қўшилиб тўкилган висол.

Бунчалар кўп ёғди бу совуқ ёмғир....

МАНЗАРА

Ойнинг нури — бахтнинг йўллари,
Вақтни тўхтатолмас
Нафис атиргулнинг
Шаффоф рўмолини тортган
Ўжар шамоли.

Бир томчи шудринг
Қип-қизил томчи,
Сомон йўлларига
Учиб томмоқчи.
Бизни олиб кетиб
Ойнинг нурлари,
Қайноқ қучоқ,
Қайноқ бўсаларга кўймоқчи....
Қизарган юзлар,
Қувончли сўзлар,
Ва ойдин излар,
Ой нурида
Мангу қолмоқчи...

ОЛМА БОҒ

Олма боғда олма гулларига хос
Висол ясанади мисли бир дилбар.
Гул бўлиб очилиб меҳр ва ихлос,
Кечпишар олмадан беради хабар.

Олмалар гуллайди менинг қалбимда,
Очилган гунчадан тўкилар соғинч.
Чақнаган юдузлар мовий уфқда
Типирчилар, тинмас, юракдай нотинч.

Бармоқларим гулнинг нафис баргида,
Юзларимда гулнинг ним қизил ранги.
Ранглар айланади гул оҳангига,
Куйлар чақиради оқарган тонгни.

Олма боғ сасидан уйғонар қушлар,
Мени ҳам уйғотар муаттар ҳиди.
Ҳам сокин, ҳам ширин, интиқ боқишлар,
Шохаларнинг ости жаннат ҳудуди.

Кўнглим яралари гулларда қонаб,
Тўкилади зумрад япроқ юзига.
Шамол узиб кетган гуллар титрашиб,
Кўчар муҳаббатнинг мунгли кўзига.

Олма гулларининг шивир-шивири,
Севгилим суҳбатин эсимга солар.
Айрилиқ азоби, юрак ҳовури,
Шу олма боғида мангуга қолар...

реферат - ф. Бекбергенов
ш- 15.

МЕН ШУ ЕРДАМАН

Тақдирлар ҳамиша ҳақ сўзни дейди,
Сўзлар ўхшаб кетар нақлга.
Қаердадир борман — тушда ё ўнгда,
Бўйсунмаган ерда юрак ақлга.

Юрак айланади бир парча музга,
Умидсиз лаҳзалар қолади изда.
Мен шу ердаман — олам четида,
Шунга ёзмиш мени тақдири азал.

Гоҳ оқиб кетаман, гоҳида тиниб,
Сувсароб сингари ичига ютар.

Мен ҳаволардаман, дуолардаман,
Коинотдан недир излаб учаман.
Қанотимга кимдир тошлар осади,
Мен пастга шўнғийман, ерга тушаман.

Олам чегараси бузилган ерда,
Ернинг чанги менга мукофот бўлар.
Умид соҳиллари бир-бирин чорлаб,
Ишонч шуълалари кўзларга қўнар.

Мен шу ердаман олам четида,
Сизнинг оламингиз эшикларин топдим.
Лекин очолмадим,
Демак, ичкарига кира олмадим...

Тақдирлар ҳамиша ҳақ сўзни дейди,
Фақат биз уларни эшитолмаймиз...

КЎНГИЛ ОЛАМИ

Бағримга босаман,
У ўша сурат,
Менга боқиб турар жуфт ўтли нигоҳ.
Нимадир айтмоқчи титраган лаблар,
Мени куйдирмоқчи бўлган эҳтирос.

Кўзлардаги у сирли қўшиқ,
Сукут бўлиб жаранглаб турар.
Дарёларнинг тўлқини каби,
Кўнгил ойнасини синдирар.

Энди ўша йўллар орқада,
Майли, майли, бу дардга малҳам.
Фақат озроқ чўқар елкалар,
Кулгичларни оралар ўрам.

Майли, дарё олсин йилларни,
Кўнгил оламини олмасин.
Йўқотмайлик нафис кулгичларни,
Уни майда ажин босса ҳам.

Қайтиб келсин яна ўша кун,
Умр ипи тортилсин маҳкам.
Биз барибир умр ипларин,
У дунё, бу дунё учун ҳам
Боғлаганмиз ахир мустақкам...

МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ

Қадр-қимматимсан, туғилган элим,
Таянч-ифтихорим, саждагоҳимсан.
Халқимнинг фурури, кўзимнинг нури,
Бизга отамерос зар тупроғимсан.

Бекмуратов
1985 г.
114-15.

Асрлар орзикиб, интилиб етган,
Озодлик ҳаётнинг маъно-мазмуни.
Онгу шууримиз кундек ёритган,
Ассалом, истиқдол-эрк, иқбол куни.

Ўз тақдиримизга ўзимиз султон,
Ер ости, устида тошар бойликлар.
Азалдан сахийдир бу отамакон,
Улуғлиги ҳам шу хотамтойликда.

Тикланиб, бўй олган қадриятимиз,
Буюк тарихимиз баркамоллиги.
Ҳикмат эрур дину диёнатимиз,
Беқиёс кучимиз бунёдкорликда.

Мустақиллик нима, озодлик нима,
Ҳеч кимга бўлмаслик тобе ё қарам.
Узоқни кўзлаган мақсадлар билан,
Ватан пойдеворин қилмоқ мустаҳкам.

Мустақиллик — ҳуқуқ, фаровонликдир,
Жаҳон ичра ортган элнинг нуфузи.
Давлатнинг бойлиги тинч-омонликдир,
Юксалиб, порлаган тинчлик юлдузи.

Мустақиллик — бахтли кунларга замин,
Ёшлар давом этган, равнақ топган иш.
Янгиланиб, гуллаб ҳар лаҳза, ҳар кун,
Яна обод бўлган фаровон турмуш.

Мустақиллик — орзу-мақсадга тўлиб,
Яшаётган жасур, бахтиёр авлод.
Мустақил фикрлаб, дунёни билиб,
Ишлаган ишидан бахт бўлиб бунёд.

Биз кеча ким эдик, бугун ким бўлдик,
Унутилмас халқнинг офир ҳаёти.
Қарамлик, тобелик элга дард эди,
Эрк учун етмади қурби, саботи.

Ортда энди ночор, аянчли онлар,
Мустақиллик—халқнинг орзусига мос.
Тоғдай маҳкам Ватан эришган шонлар,
Озод, обод, кўркам ҳаётга асос.

«Бизга тинчлик керак, омонлик керак»
Ҳар юракка синган ушбу ҳур даъват.
Юртбошим даъвати — энг олий тилак,
Тинчликдан куч олар мардик, жасорат.

Ўз куч-қудратига ишонган халқим,
Ўғлонларинг сақлар сарҳадларингни.
Миллий армиямиз тинчликни асраб,
Оширади буюк қудратларингни.

Биз бугун кечаги одамлар эмас,
Эл ободдир озод меҳнатимиздан.
Бизни улғайтирди бу эркин нафас,
Бизни шарафлади шу отамакон.

Ҳар қандай разил куч, ҳар қандай ғоя,
Бу йўлдан қайтара олмайди бизни.
Тараққий этган кўп юртлар олдида,
Юксақда кўрамиз давлатимизни.

Ҳушёрлик, уйғоқлик матлабимиздир,
Дўст-биродар бўлиб яшар одамлар.
Меҳр-оқибат ҳам мақсадимиздир,
Беғам, бепарволик ёт ҳар қадамга.

Халқимиз ҳурматда, ҳамжиҳатликда,
Яшар узоқ-яқин ўлкалар билан.
Осудалик топиб шу аҳилликдан,
Байроғи баландда юксалар Ватан.

Бағрикенг халқимнинг қўли дуода,
Сийлаб, олқишлайди Президентини.
Меҳр-ғамхўрликдан улғайсин дея,
Президент ардоқлар ҳар фарзандини.

«Азиз болаларим, кўзларингиздан
Нур олиб яшнасин бу она замин...
Маррани доимо олинг баланддан,
Давр ҳам, марра ҳам бизники бугун».

Юртбоши тилаги энг олий ҳикмат,
Ёшлар билан кўркам бу дилбар диёр.
Келажак ишонган ҳур, янги авлод,
Мустақиллигимизга маҳкам пойдевор.

Қадр-қимматимсан, туғилган элим,
Таянч, ифтихорим, саждагоҳимсан.
Халқимнинг гурури, кўзимнинг нури,
Бизга отамерос зар тупроғимсан.

1.09.2013 йил

ОНА ЮРТИМ

Менинг она юртим, сўлим бағрингда,
Олийжаноб, гўзал инсонлар яшар.
Шу юрт учун, бахтли келажак учун
Қалбларда дарёдай куч-қудрат тошар.

396

Биз ким эдик, бизга эрк эди армон,
Бугун озод, эркин, тинч осмонимиз.
Бағрикенг халқига таянч ва қалқон,
Эли севган Юртбоши сарбонимиз.

Танлаган йўлимиз босқичма-босқич,
Изчил ислоҳотлар жадали бизда.
Янги ғоялардан қолар ўчмас из,
Ҳикматга айланар тарихимизда.

Халқ манфаатларида яшар адолат,
Истиқлолдан топган қадр-қимматимиз.
Жадал тараққиёт халқимизга мос,
Ишончдан юксалган куч - қудратимиз.

Матонат кўрсатган азамат халқим,
Жаҳон аҳли кўзи бизга ҳавасда.
Янги жамиятнинг янги авлоди,
Янги турмуш қурар янги нафасда.

Обод уйлар, обод қишлоқ, шаҳарлар,
Ўзга тароватда гўзал заминим.
Ўзгариб шуурда онгу тафаккур,
Ўзгарди ҳаётнинг маъно-мазмуни.

Аразли ниятлар, ёвуз ҳаракат,
Қайтармагай янги ҳаёт йўлидан.
Адолатли давлат, халқчил жамият,
Асрайди ўз элин олчоқ қўлидан.

Қийинчилик, синовтоблади элни,
Мардона бардошдан тобланди Ватан.
Истиқлолни асраш энг улуг туйғу,
Танлаган йўлимиз мангуликка тан.

397

ДУНЁДА...

Бир тоза саҳифа очмоқ ниятим,
Муқаддас бурч яшар покиза қонда.
Авлодларга ибрат бўлса меҳнатим,
Бир бахт бўй тиклайди Ўзбекистонда.

Муқаддас дамларга салламно юртим,
Ҳар гиёҳ чечагинг азиз, мўътабар.
Фурур, Ифтихорим, Шоним, Шавкатим,
Жаҳонга мақтансам лойиқ шодилбар.

Аждодлар изида буюклик балқир,
Улуғ бир тарихнинг вориси ўзим.
Муҳаббат, Садоқат, Эътиқод ила
Сенга сифинади бир шоир қизинг.

Улуғвор истиқбол юз очаётир,
Шод бўлиб аждодлар муборак руҳи.
Миллат боши узра озод, ҳур осмон,
Умид, комил ишонч элнинг шукуҳи.

Ватан, сенга бугун не бера олдим,
Қуёш каби ёниқ меҳримдан бўлак.
Юрт ишқи байроқда баланддир бугун,
Ҳар янги кун билан уйғонар юрак.

Нотинч-тахликали замонга таянч,
Бунёдкорлик руҳи, тинчлик камари.
Эл билан яралиб тикланган бино,
Юртимнинг мангулик йўли-хабари.

Умримиз тинимсиз кураш, изланиш,
Ишонч, умид қанот меҳнатимизга.

Азиз Юртбошимиз!
Озод юрт учун
Меҳримиз қуёши нур сочсин Сизга.

Сиз қайта тиклаган озод Давлатнинг,
Авлодлар нияти — адолат, тинчлик.
Элимнинг яратиш салоҳияти,
Миллат камолига ишончли элчи.

Бағрингизга босиб ҳар ўғил-қизни,
Оллоҳдан сўрайсиз насиба, мадад.
Сиз қилган ҳар тилак ҳар биримизга,
Ҳам равнақ, ҳам омад, ҳам эзгу ният.

Сиз тилаган Озод нафас, Озод Нур,
Куч-шижоат бўлар танги деҳқонга.
Оталар тилайди абадий бу Эрк,
Бу йил қутлуғ келсин Ўзбекистонга.

Шу муқаддас замин эгаси инсон,
Мурод-мақсадига етиб яшасин.
Ёвузлик янчилсин мисли бир илон,
Ёлғон синдирмасин кўнгил шишасин.

Истиқлол юкини елкага олган,
Бор бўлсин Алпомиш бўйли йигитлар.
Беғубор болалар, ифбатли қизлар,
Ватан осмонида жасур бургутлар.

Омон бўлсин мудом
Муқаддас шу юрт.
Орзу ҳам, бахти ҳам бўлсин зиёда,
Адолат, Ҳақиқат, Яхшилик, Савоб,
Ўзбекистон бўлиб қолсин Дунёда.

Бекмуратов
1944-15.

ЯНГИ КУН

Ер мунаввар бўлар нурланса осмон,
Дил мунаввар бўлар нурланса имон.
Сўз мунаввар бўлар нурланса инсон,
Мунаввар бўл, нурларга тўл, янги кун!

Одам ўғли дунёйи дун зийнати,
Озод ҳаёт, ҳур Ватаннинг дилбанди.
Ҳар савоби яхшиликнинг фарзанди,
Ҳидоятли, ҳимматли бўл, янги кун!

Халққа саломатлик тилар Юртбоши,
Ҳақ, ҳидоят, шарофатнинг қуёши.
Ери, суви, маъданлари, тоғ-тоши,
Шифобахш бўл, қудратга тўл, янги кун.

Меҳру иззат муруватга қўл берса,
Мард йигитлар саховатга қўл берса.
Эл беклари адолатга қўл берса,
Садоқат бўл, ҳимоят бўл, янги кун!

Кимнинг ризқи-насибаси, меҳнати,
Кимнинг мол-дунёси, шони-шухрати,
Кимнинг имон, диёнати қудрати,
Диёнатли, шафқатли бўл, янги кун.

Бу дунёда кўрмаган кўп, кўрган кўп,
Одам қадрин билмаган кўп, билган кўп,
Ёмонга ҳам фақат яхши бўлган кўп,
Саховатли, ҳимматли бўл, янги кун.

Янги куннинг тилаги саломатлик,
Азиз юртим, ошсин шони-давлатинг.
Омон бўлсин Юртбошим, ҳар фарзандинг,

Муҳаббатли, қудратли бўл, янги кун.
Мунаввар бўл, нурларга тўл, янги кун.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲУР ЯГОНА

Ассалом, тонг — нурафшон кун, нурингда
меҳр ягона,
Жаҳон ичра Озод замин, Ўзбекистон —
ҳур ягона.

Янги йилнинг тонги отиб, қалблар ичра
меҳр ботиб,
Янги ой шаробин тотиб, уч юз олтмиш
кун ягона.

Бошлар узра ёруғ осмон, меҳр-муруватли
даврон,
Муҳаббат бор, бутун имон, Хўжа Аҳрор Пир
ягона.

Юлдузларда маъно кўпдир, кундузларда зиё
кўпдир,
Юракларда вафо кўпдир, яхшиликда сир ягона.

Ҳар янги кун янги китоб, ҳар лаҳзада
шиддат-шитоб,
Шафақдаги ойу офтоб, шуъласида дур ягона.

Элнинг Маҳмуд Паҳлавони, Ҳаким ота
Сулаймони,
Хўжа Юсуф Ҳамадоний, оталардай пир ягона.

Янги йилим — янги куним, муродин бер ҳар
бир дилнинг,

Тинчлик бўлсин деган ҳикмат маънодир,
Қўллар очилганда дуруд дуодир,
Кўнгил юзлангани Ҳа, Мустафодир,
Оқ нур ярашади давру давронга.

Бугун Озодлик ҳам, Тинчлик ҳам кураш,
Ўз уйингни ўзинг асра, замондош.
Бир худбин жангари қўлидаги тош
Ўзи билан тушар қора қопқонга.

Террорнинг қора хавф, жирканч юзи бор,
Бахтсиз манглайида тўнғиз кўзи бор,
Овлоқ, пана, ковак ичра изи бор,
Эл-юртнинг нафрати ўқдир ёмонга!

Миллатидан айри ватангадолар,
Дини, имони йўқ, дилдан жудолар
Мусулмонмиз дея, қилар даъволар,
Ўлиги бекафан қолар тўфонда.

Қуроли — хунрезлик, фитна, жиноят,
Ўзи дор остидан қочган риёзат.
Унда на номус бор, на ор, диёнат,
Қони заҳар, ҳатто илон, чаёнга.

Аввал Ватан, кейин фидо бўлсин жон,
Юксал, қадинг тик тут, ҳур ота макон.
Террор номи ўчсин дунёдан тамом,
Тинчлик сарҳад бўлсин Ўзбекистонга.

АРМИЯМ

Аҳиллик, бирликда нур бўлдинг ўзинг,
Эркин бўлдинг ўзинг, ҳур бўлдинг ўзинг.
Дунёлар ичида зўр бўлдинг ўзинг,

Йигитлик шарафим, шоним армиям,
Садоқат, муҳаббат кони армиям.

Ватанни асровчи қудратларинг бор,
Миллатнинг шаънидай шавкатларинг бор.
Душманга метиндай шиддатларинг бор,
Йигитлик шарафим, шоним армиям,
Жасорат, шижоат кони армиям.

Сен борсан, халқимнинг меҳнати ҳиммат,
Темур бобомиздан мерос садоқат,
Яшнасин, гулласин бу қадим давлат,
Йигитлик шарафим, шоним армиям,
Адолат, матонат кони армиям.

МИЛЛИЙ АРМИЯМ

Байрам қутлуғ, элнинг мард аскарлари,
Сиз билан юрт хавфсиз, ҳаёт тинч, обод.
Дунёни забт этсин шараф-шонлари,
Эй Миллий армиям, сенга куч-сабот.

Дерлар: Ватан азиз, жасорат мангу,
Ўсар она юртга меҳр-садоқат.
Жасур, мард аскарлар қалбида орзу,
Шонли сержант бўлиш олий саодат.

Миллий армиямиз офицерлари,
Обод турмуш, тинчлик онига посбон.
Элнинг ардоғида генераллари,
Ватан юрагига ишончли қалқон.

Давлат ҳимояси энг муқаддас бурч,
Омон бўлсин халқим, юртим мустаҳкам.

55-0188-815
реферат - Ф. Бекмурзаев
14-15.

Ҳар аскар шунқордир, ҳар сержант зўр куч,
Кўриб ҳавас қилсин юртимга олам.

Миллий армиямиз қудрати билан
Мамлакат хавфсиздир, тинч ва барқарор.
Мард лейтенантлари, сержанти билан,
Халқим хизматиға мудом тайёр.

Байрам қутлуғ, элнинг мард аскарлари,
Сиз билан юрт хавфсиз, ҳаёт тинч, обод.
Дунёни забт этсин шараф-шонлари,
Эй Миллий армиям, сенга куч-сабот.

ЮРТ ҲИМОЯСИ

Мустақил давлатнинг қутлуғ санаси,
Энг муқаддас бурчдир юрт ҳимояси,
Ҳудуд яхлитлиги, эл чегараси,
Она юрт ўтмиши, бугун, эртаси,
Сиз билан дахлсиз, сиз билан маҳкам,
Улуғ байрам қутлуғ, шонли армиям!

Ер айланар ойлар, йилларни оша,
Истиклол берган эрк элга ярашар,
Сиз борсиз— озодлик абадий яшар,
Сизга ҳавас қилар дунёи башар,
Юртимнинг кўкси тоғ баҳодирлари,
Миллий армиямиз алп аскарлари!

Элдаги омонлик, тиниқ осмони,
Қудратли йигирма йилнинг довони,
Мангулик онидир, қасамёд они,
Сиз қасамга содиқ Ватан посбони,
Халқимнинг шерюрак мард сержантлари,

Юртбошимиз—Олий Қўмондонимиз,
Элда азиз бўлди ҳар инсонимиз,
Оила аталган зўр қўрғонимиз,
Сиз билан мустаҳкам шараф-шонимиз,
Омон бўлинг юртим қалқон, шерлари,
Миллий армиямиз офицерлари!

Сиз борсиз, юрт хавфсиз, ҳаёт барқарор,
Миллатнинг шаънисиз, элга ифтихор,
Душманга метиндай шиддатларинг бор,
Ватан тақдири-чун курашга тайёр,
Темур бобомизнинг мард насллари,
Миллий армиямиз генераллари!

НАВРЎЗ

Қўшиқ

Кел Наврўзим, кел,
Бахт бўлиб кел.
Обод Ватанимга
Тахт бўлиб кел.
Кўзни яшнатсин
Чўллар гиёси,
Қорақалпоқнинг
Меҳригиёси.
Йигитлар ёрининг
Нози бўлиб кел.
Дуторлар торининг
Сози бўлиб кел.

Янгилансин ҳаёт,
Наврўз — янги кун.
Элимиз обод,
Бахтимиз бутун.

Обод турмушга
Шуъла сочиб кел.
Ёруф кунларга
Қучоқ очиб кел.
Боғлар бағрида
Чечаклар унсин,
Гуллар шохасига
Булбуллар қўнсин.

Кел Наврўзим, кел,
Иқбол бўлиб кел,
Янги авлодга
Камол бўлиб кел.

СЎНГГИ ЁМФИР

Хайр, менинг сўнги ёмфирим —
Куз бағрини алалаган руҳ.
Хайр, менинг ардоқли сирим,
Ёмфир билан ёлган ғам-андух.

Ёмфир ёвар, юракка кирар,
Томирларга ўтар нотинч қон.
Ёмфир билан хиёнатни қўшиб,
Дўстин сотар бир сохта виждон.

Юзга тушиб совуқ томчилар
Умидни ҳам олиб тўкилар,
Хиёнатга мен ишонмайман,
Куз эса алданганим билар.

Ёмфир тинмай интилиб ерга,
Фикрларим ювиб кетади.

Барибир бу олам ёмфирнинг
Томчисидан умид кутади.

Хайр, менинг сўнги ёмфирим,
Салом, томчилардан тўпланган умид...

КУЗ СОҒИНЧИ

Хазонлар айланар бошим устида,
Оёғим остида эзилар япроқ,
Шукур, сенга яна етишдим, кузим,
Сени кутдим, кутдим мен узоқ.

Минг ранг товланади бағрингда сенинг,
Сўнгра олов бўлиб ичимга кирар,
Узилган ҳар бир барг боғлар ҳикмати,
Кўнглим тўлдиран, кўзим тўлдиран.

Бир томчи ёмфирдай беғубор дамнинг,
Қўлларимни ушлаб бир қўшиқ бошлар,
Намхуш ҳаволари сулув кўкларнинг,
Бугун олтин ипли гиламин тўшар.

Олтин гиламларга бағримни босиб,
Қучоққа оламан олтин барглари,
Сизни соғинаман,
Умидлар тошиб,
Юрагимда тиклар олтин аркларни.

Фақат нур тўкади замин устида,
Олтин япроқлардан тикланган сарой,
Фариб бир куз кезар осмон остида,
Унинг суянчиғи — тун султони Ой...

ТУШ СЕҲРИ

Қуёш бунча эрта уфққа шошилар,
Тушларимнинг сири яшар шафақда.
Жийда гулларининг атри сочилар,
Қирларга, йўлларга, атрофга.

Жийда гулларидай олтинранг нурлар,
Жийда баргларидай кумушранг осмон.
Оламга ёйилган хушбўй атирлар,
Кўнгил осойишта, умид беармон.

Жийдаларнинг майда гуллари аста,
Кўнғироқчаларин чалар йўлларда.
Ишонгим келади гул хушбўйлари,
Асрайди юракни зулмат тунлардан.

Жийдали хуш оқшом уйқуга кетар,
Бир ширин тушларга бошини қўйиб.
Ўтади, ўтади, бу кун ҳам ўтар,
Юрак деворига дардини ўйиб...

ЮЛДУЗЛАР ОСМОНДАН ТУШГАНДАЙ

Майли, боғлар мени олиб қолмасин,
Боғда ёлғиз ўзим кетаман.
Юлдузлар осмондан тушгандай,
Ерга шеърларимни ёйиб кетаман.

Унда боғ, ўрмон ҳам, дарё ҳам яшар,
Майсалар ичида оқар булоқлар.
Нурларга ўзини уриб капалак,
Сирли бир оламга эшиклар очар.

Унда тутлардаги пилла қуртлари,
Нафис, шаффоф ипак тўқийди.
Ипак рўмоллар ҳам шабнамга тўлиб,
Мен ерга ёзган шеърларни ўқийди.

Менинг сатрларим икки оламнинг,
Чегараларини бирлаштиради.
Юрагим тўкилиб ёзган шеърларим,
Ер билан тенг яшаб, мангу туради.

ҚАЛБИМ АКСИ

Хазонлар кузнинг қабрига ўхшар,
Кечагина алвон чаман эди у.
Гўзаллик руҳига ватан эди у,
Хазонлар менинг қалбимга ўхшар...

Улар учиб кетар бир зарра мисол,
Бошқа коинотдан тушган нур каби.
Тонгда сулувланган пари, ҳур каби,
Сизни олиб қочар минг турли хаёл.

Сиз ҳам йўлга туша бошлайсиз,
Нурларга илашиб,
Дарахтдан узилиб бир япроқ.
Кўксингиз ўрайди бир титроқ,
Сўнг орқага назар ташлайсиз.

Нурлар соя каби бир зум тўхтамай,
Сизни таъқиб қилиб бораверади.
Дард билан мунғайиб қолаверади,
Ерда дарахт, уфқдаги ой.

Шунда тушунаман, энди лаҳзалар
Фироқ мисол совуқ нафаслигини.
Хазонлар гул эмаслигини...
Осмонга, кузга,
Дарахтларга қараб англайман.

Фақат мен эмас, ҳамма билсалар,
...Хазонлар кузнинг қабрига ўхшар,
Кечагина алвон чаман эди у,
Ўзаллик руҳига ватан эди у,
Хазонлар менинг қалбимга ўхшар...

КУЗ ҲАҚИДА

Яна куз келди...
Хазонлар тўкилар...
Қуёш узоқлашар заминдан аста,
Сиз ҳам мендан узоқлашган каби.
Шамол...
Менинг дардларим ҳам мендан узоқлат,
Энди бошқа сўз керак эмас,
Керак эмас бошқа ёлғонлар.
Куз, ёндиргин хазонларингни,
Дил,
Синдиргин ёлғонларингни.
Сенга таҳсин, куз,
Сенга шон-шараф,

Қалбимдаги муҳаббат учун!
Айрилиқ азобин хазонларга ўраб
Замин юрагига яшираётганинг,
Куз ҳавоси билан
Мени юпатаётганинг учун раҳмат!

XI

“Ўзониш нашидаси” китобидан



Хазонлар - ф. Бекбергенов
+ рефонтар - ф. М. - 15.

ДАЪВАТКОР ИЛҲОМ СОҲИБАСИ

Гулистон Матёқубова...

Бу ном мана ўттиз беш-қирқ йилларки, ўзбек китобхонларига, газетхонларга, зиёли қавмига, бадий адабиёт мухлисларига яхши таниш. Опанинг матбуотдаги ҳар бир чиқишлари шеърларию лавҳа-мақолалари, очерк ва эсселари гўзал ва мафтункор ўлка — қорақалпоқлар диёри томонлардан елиб келаётган дулдуллар гурросини, хушxabарлар парвозини, эзгуликларнинг шошқин мавжларини эслатади, одам беихтиёр ёруғ хотиралар оғушида, қайноқ ҳаёт қучоғида сезади ўзини. Э, айтаверса — гап кўп, эслайверса — ширин хотира кўп! Ахир, қорақалпоқ диёрига, юртимизнинг шимолдаги туманларига бориб, бу меҳмондўст юртнинг меҳридан, одамохунликларидан, ажойиб урф-одатларидан тўлқинланмаган одам бормикан ўзи?! Опа — мана шу юрт фарзанди, мана шу юртда туғилиб-ўсиб, шу диёрда яшаётган халқнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб келаётган истеъдод соҳибасидир. Мен бу гапларни бежиз тилга олаётганим йўқ. Сабаби, Гулистон опа гоҳ журналист сифатида, гоҳ давлат ходимаси, гоҳ катта бир газетанинг раҳбари, гоҳ эса чет эллик сайёҳларга «гид»лик вазифасини ўтаб, юртини таништираётган мезбон, қаламқаш-депутат, жамоат арбоби сифатида Қорақалпоғистондаги ҳар битта қўрғону шаҳарни кезиб чиққан десам, муболаға бўлмаса керак! Шунинг учун ҳам бу тиниб-тинчимас қалам соҳибасининг ёзган ҳар бир асарида — майли, бу шеър бўладими, дoston ёки эссе бўладими, очерк ёки оддийгина репортаж бўладими — бари-баридан ана ўша мунис ва мафтункор, меҳмондўст ва танги халқнинг ҳаётига, орзу-умидларига, келажак кунларига ишонч,

дахлдорлик сезилади, сезиладигина эмас, бу ҳис-ҳаяжон, ифтихор, жозоба ўқувчига ҳам «юқади», кўнглингизни кўтариб юборади.

Мен Гулистон опанинг навбатдаги китобини, публицистик мақолалар, эсселар, адабий суҳбатлар жамланган «Уйғониш нашидаси» номли мажмуасини варақлаб ўтириб, шу гаплар ҳаёлимдан кечди, кўнглим тўлиб, «Яшанг-э, опа!» деб юбордим. Мана, мамлакатимизда кечаётган туб ислохотларнинг ёрқин гулдурослари! Мана, халқимизнинг оташин меҳнатига эш бўлиб янграётган жаранглару гаплар, қилинаётган ишлар, эзгу ният ва умидлар мадҳияси! Мана, қайнаб турган ҳаёт, қаҳрамонлару қаҳрамонликлар!

Сезаётган бўлсангиз, мен ушбу тақризни қоғозга тушириш асносида атайлаб опанинг таржимаи ҳолига, журналистлик маҳоратига, адибалик жасоратига тўхталганим йўқ. Мен фақат китобдан олган дастлабки таассуротларимни саҳифаларга туширишга шошилдим, холос. Негадир, кўнглимда улкан бир ғурур-ифтихор уйғонди, кўз олдимда меҳнатқаш халқ тасвири, Юртбошимизнинг қурувчилар, деҳқонлар, кўли қадоқ кишилар орасида юрган сафарлари жонланди, «яшанглар-э, ватандошларим! Умр суринг, момоларим! Бор бўлинг, қадриятларга содиқ кишилар!» деб ҳайқиргим келди.

Янги ҳаёт тароналари янграб турган, қайноқ меҳнат, нашидали умр садолари жаранг бераётган, янги узилган нон каби иссиқ ва тароватли битикларни ўқувчилар қавмига, зиёлиларга барча-барчага тавсия этаётганимдан бахтиёрман, хушнудман.

Чарчаманг, Гулистон опа!

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Педагогика фанлари доктори,
профессор.

ЮРТИМНИНГ ЖАМОЛИ

Елкада энг олий мақсадлар юки,
Янги йил кирмоқда она заминга.
Бу ёруғ оламда инсон бор токи,
Тинчлик тилла тождир ҳар лаҳза кунга.

Келсин, Янги йилим, янги йўлларда,
Янгиланган юртнинг жамолин кўрсин.
Азиз меҳмон бўлиб, янги уйларда,
Элимнинг юксалган камолин кўрсин.

Қувонсин янги йил, кўзлари чақнаб,
Халқимнинг фидойи меҳнатларига.
Кўнгли тоғдек ўсиб, нурланиб, яшнаб,
Куч қўшсин элнинг куч-қудратларига.

Юртбошим танлаган йўлда сервиқор,
Юксалган истиқлол тоғларин кўрсин.
Дўстлик, биродарлик билан ҳосилдор,
Озод, обод юртнинг боғларин кўрсин!

Бу юртда оила мустаҳкам қўрғон,
Аёл — Яратганнинг олий неъматини.
Она билан бола, жон билан бир тан,
Келажак кунларнинг доно ҳикмати.

Юртбоши бағрида ҳар ўғил-қизи,
Ҳар ўғил-қизидан элга эҳтиром.
Ассалом, осмоним, ойим, юлдузим,
Тинч-осойиш тонглар сизга ассалом.

Она тилагида абадий ҳаёт,
Унга меҳримиз ва эъзозларимиз.
Бола соғлом бўлса авлод баркамол,
Улуғ аждодларнинг урпоғимиз биз!

Ассалом янги йил, салом ҳур замон,
Азиз Юртбошимиз, сизга минг таъзим.
360 куннинг китобига биз,
Буюк келажакнинг бахтин ёзамиз.

Аввало онаси, боласи соғлом,
Янги йил, кўр бугун Ўзбекистонни!
Барқарор юртимда тинчлик бардавом,
Мангу Ватан қил бу жаннатмаконни!

НАВРЎЗ РУҲИ

Салқин сабо майин елар,
Келди ҳур Наврўз элимга.
Дехқонимнинг ҳар қадами,
Муборак бир из элимда.
Тўкин-сочин дастурхонлар,
Ризқ-насиба туз элимда.

Озод, обод ҳаёти бор,
Тегмасин ҳеч кўз элимга.

Улуғ байрам, қутлуғ байрам,
Наврўзи олам салом сенга.
Гул баргида тоза шабнам,
Соғиниб етдик бу кунга.
Ҳар оила шоду хуррам,
Байрам томоша ҳар кунда.
Ноз-неъматни кўринг баҳам,
Тупроғи тилло заминда.

Тўй кеча-кундуз элимда,
Наврўз ярашар элимга.

Ҳар янги тонг юрт Наврӯзи,
Наврӯзимиз ҳар янги кун.
Қадриятлар халқ мероси,
Кекса авлод сизга таъзим.
Ёшлар келажак овози,
Ҳавас этар дунёйдун.
Уфқларга етар парвози,
Мангу яша она замин.

Фидо жонимиз элимга,
Сўнмагай юлдуз элимда.

Наврӯз — сенинг йўлинг очиқ,
Ошиқ сенга дала-қирлар.
Халқимнинг ҳам кўнгли очиқ,
Тарихингда минг-минг сирлар.
Янгилан минг йиллар ошиб,
Қадамингда майса гуллар.
Умр дарё каби тошиб,
Ҳеч сўнмасин жўшқин диллар.

Сен порлоқ юлдуз элимга,
Тилак ширин сўз элимда.

Хизр кўрган далаларим,
Наврӯз билан диллашади.
Тупроғига уруғ тушиб,
Қуёш билан тиллашади.
Шамол, ёмғир, жалалари,
Дехқон билан беллашади.
Қуёш ерга меҳрин тўкиб,
Бир-бирини қўллашади.

Ошар ризқу рӯз элимда,
Наврӯз очиқ юз элимда.

Баҳор соғинч тўла юрак,
Муштарақдир унда олам.
Очилар сулувгул-чечак,
Унда келажак намоён.
Ҳар лаҳзанг минг гўзал эртак,
Туғилади янги достон.
Орзу-ният, яхши тилак,
Биз сенга жон отамакон.

Қизлар оҳу кўз элимда,
Баҳор ширин сўз элимга.

Сумалак, ҳалим тиллоранг,
Ранг-баранг тансиқ таомлар.
Шундай эркин юртга қаранг,
Ўйин, суҳбат, соз жаранглар.
Меҳр-муҳаббатли оҳанг,
Уйғонар юз минг оламлар.
Фақат эзгу ният тиланг,
Қувонинг, қувнанг одамлар!

Фидо жонимиз элимга,
Сўнмагай юлдуз элимда.

Авестодан маҳобати,
Наврӯз савлат минг йилларга.
Ҳур Ватанга садоқати,
Меҳр-муҳаббат дилларда.
Оталар доно ҳикмати,
Тоза забондир тилларга.
Истиқлоли, шон шавкати,
Улуғ ҳавасдир элларга.

Бахт абадий из элимга,
Мангу қол Наврӯз элимда.

КЎКЛАМ НАФАСИ

Бугун келинчақдай ясанган юртим,
Кўклам нафаси бор яқин-йироқда.
Асрлар садоси билан туғилди,
Ҳар қиз чечак бўлиб Қорақалпоқда.

Нафосат байрами қизлар айёми,
Бахтли давралари бизга шараф-шон.
Асли ҳар бири сулувҳамда мард,
Қизларин ардоқлар Қорақалпоғистон.

Бўлажак оналар, баркамол авлод,
Ўз халқининг таянч келажагидир.
Оила мустаҳкам, бу Ватан обод,
Фаровон турмушдан диллари масрур.

Мустақиллик билан яшнаган элим,
Кўркам иморатлар юртим жамоли.
Йигирма йил олдин эккан ниҳолим,
Кўрсатар Нукуснинг қадди камолин.

Озод ҳаёт, бахту иқбол яшнаса,
Бу Гулойим, Тўмариснинг қудрати.
Юртимга ой парчалари тўкилса,
Ошар юрагимда юрт муҳаббати.

Гар Ватан чақирса хизматга шаймиз,
Ўн ҳунар яшар ўн бармоғимизда.
Халқим қадриятин жондай сақлаймиз,
Тинчлик рамзи яшнар байроғимизда.

Касбим камолимдир, элимда азиз,
Мен соғлиқ тилайман она халқимга.
Бугун юртин суйган садоқатли қиз
Қорақалпоқ меҳрин тилайди Сизга.

Фарзанди соғлом юрт қудратли бўлур,
Бу ҳикматни ақл билан уққанмиз.
Кўнглимизда тошар яхшилик, ғурур,
Фахр-ифтихордан улғайган жонмиз.

ШАМОЛЛАР ШИВИРЛАР БОДОМ ШОХИДА

Уйғониш, яшариш ўрик боғида,
Нафосатга тўлмиш юртим йўллари.
Шамоллар шивирлаб бодом шохида,
Бир хабар айтмоқчи бўлар гуллари.

Хуш келибсан баҳор, дилларни тўлдир,
Тўлдир шўх кўзларни, табассумларни.
Жилвагар сеҳрингдан чарақласин нур,
Тўлдир янги тонглар, янги кунларни.

Янги йилимизга дебоча бўлиб,
Юртимни соғиниб келдингми Наврўз.
Ҳар уйга қувончу шодиёна тўлиб,
Меҳрга айланди айтилган ҳар сўз.

Куч-қувватдир, хуштаъм тансиқ неъматинг,
Сумалаклар қайнар, тошар дошқозон.
Ҳар калом донолик, ҳар сўз ҳикматинг,
Дўст-биродарликдан яшарар инсон.

Наврўз, ҳур руҳингда меҳр улғаяр,
Одамлар тилаги тинчлик-омонлик.
Унутилиб кетар араз-гиналар,
Қалбларни яшнатар меҳрибонлик.

Қадамлари қутлуғ, эй гўзал айём,
Азиз Ватанимнинг бахт-саодати.

TSRN - 978-9910-200-2000
реферат - ф. Бекбергенов
ш. 15.

Интизорлик, меҳр, иззат, эҳтиром,
Сенга тортиқ бугун эл муҳаббати.

Гуллар билан ўра қир-адирларни,
Инсонга омад бер, элга фаровонлик.
Шоирлар безасин шох сатрларни,
Тўлсин ноз-неъматдан эл дастурхони.

Далага дон сочган деҳқон қувонсин,
Ният, мақсадидан унсин ризқу рўз.
Чечак, чучмомалар ҳам алвонлансин,
Гўзаллик, нафосат рамзи бўл Наврўз.

Ҳам кўҳна, ҳам янги, навқирон байрам,
Бағрингда яшнасин ҳур иқболимиз.
Хуш келдинг, юртимга Наврўзи олам,
Сен-ла мангу турсин истиқдолимиз.

МАЙСАЛАР

Яна ўсиб чиқар майсалар,
Бир қисм тупроқни оҳиста қучиб.
Митти баргли, мунис баргчалар,
Шамолларда кетади учиб.

Торлардан узилган нолалар
Қизғалдоқ жонига киради.
Наргиз гул, ёвшанлар бўйига,
Қуриган адирлар тўлади.

Йўлларнинг четида оқ атиргуллар
Менга недир, недир айтмоқчи.
Мен унинг гул сўзин англагум,
Ишқ бўлиб кўнгилга қайтмоқчи.

ЯНА КУЗ КЕЛДИМИ?

Яна куз келдими,
Табиат ранглари гулларга кўчиб.
Шафақ гоҳ қизариб, гоҳ ранги ўчиб,
Ойнинг кўйлагини ёмғирдан бичиб,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Қалбим сўқмоқлари хазонга тўлиб.
Боғлар гоҳ онам, гоҳ отамдай бўлиб,
Соғинчдан эзилиб, юзлари сўлиб,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Қизкетген сувлари тортилиб аста.
Сокин қирғоқларга сўзлаб оҳиста.
Шамол япроқларни узмоққа қистаб,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Билдирмай ўғирлаб сочлар қорасин.
Яна узоқлатиб йиллар орасин,
Сарғайиб кутгандай она боласин,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Хазонрезги боғлар сарғайиб қолиб,
Боғларда шамолнинг ўйлари толиб,
Сирини яланғоч новдалар олиб,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Салқин ҳаволарда лаҳзалар унсиз,

ИЗБИ - 378-8810-23
реферат - ф. Бекбергенов
ш-н.

Жуфтини йўқотган қумриқуш ёлғиз,
Сўқмоқда йўқолган ёлғизоёқ из,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Ойдан кимдир менга боққандай бўлар,
Кимдир деразамни қоққандай бўлар,
Кимдир япроқларни ёққандай бўлар,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Тақдир лаҳзаларга гоҳ сўроқ қўяр,
Гоҳида ундовлар бир-бирин қувар,
Нуқталар охирги сўзлардан тўяр...
Яна куз келдими...

ТУРНАЛАР

Турналарнинг овози келар,
Қаторлашиб учар турналар...

Хайрлашиб учар турналар,
Кетиб борар узоқ-узоққа.
Шошилади, энтикиб улар,
Қонга ботган уфқлар ёққа.

Куздай ўйчан ғамгин ўйларим,
Турна қанотига осилар,
Нигоҳимга чўккан куйларим,
Чексиз уммонларга ёзилар.

Турна учиб ўтган осмонга,
Потраб чиқиб кетар юдузлар,

Мен кўрмаган шафақ томонда,
Чорлар узун ҳам ёруғ излар.

Турналарнинг овози келар...

ВАТАН НАВРЎЗ ОНАСИ

Ватан Наврўз онаси,
Жаҳонда яғонаси,
Далаларда лоласи,
Ҳар куни шараф, шонли,
Юртим озода, давронли,

Оталари давлатли,
Фарзандлари ҳимматли,
Келажаги шавкатли,
Ҳар сўзда минг ҳикматдир,
Юртим менинг жаннатдир.

Янгиланган ҳаёти,
Мардлик, кучи, саботи,
Шарафланар ҳур оти.
Ҳар фасли ҳур, зийнатли,
Ўзбекистон қудратли.

Дилда ифтихоримсан,
Нур сочган баҳоримсан,
Озода диёримсан,
Ўз ўрнинг бор дунёда,
Бахту тахтинг зиёда.

Наврўз яшнар, эл яшнар,
Янги кунларга бошлар,
Истиқлол мангу яшар
Инсон улуғ, суюкли,
Ўзбекистон буюқдир.

TSRN - 278-8810-2222
+ рефертор - ф. Бектёрғиев
ш. - 13.

Жуфтини йўқотган қумриқуш ёлғиз,
Сўқмоқда йўқолган ёлғизоёқ из,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Ойдан кимдир менга боққандай бўлар,
Кимдир деразамни қоққандай бўлар,
Кимдир япроқларни ёққандай бўлар,
Яна куз келдими?

Яна куз келдими,
Тақдир лаҳзаларга гоҳ сўроқ қўяр,
Гоҳида ундовлар бир-бирин қувар,
Нуқталар охирги сўзлардан тўяр...
Яна куз келдими...

ТУРНАЛАР

Турналарнинг овози келар,
Қаторлашиб учар турналар...

Хайрлашиб учар турналар,
Кетиб борар узоқ-узоққа.
Шошилади, энтикиб улар,
Қонга ботган уфқлар ёққа.

Куздай ўйчан ғамгин ўйларим,
Турна қанотига осилар,
Нигоҳимга чўккан куйларим,
Чексиз уммонларга ёзилар.

Турна учиб ўтган осмонга,
Потраб чиқиб кетар юлдузлар,

Мен кўрмаган шафақ томонда,
Чорлар узун ҳам ёруғ излар.

Турналарнинг овози келар...

ВАТАН НАВРЎЗ ОНАСИ

Ватан Наврўз онаси,
Жаҳонда яғонаси,
Далаларда лоласи,
Ҳар куни шараф, шонли,
Юртим озод, давронли,

Оталари давлатли,
Фарзандлари ҳимматли,
Келажаги шавкатли,
Ҳар сўзда минг ҳикматдир,
Юртим менинг жаннатдир.

Янгиланган ҳаёти,
Мардлик, кучи, саботи,
Шарафланар хур оти.
Ҳар фасли хур, зийнатли,
Ўзбекистон қудратли.

Дилда ифтихоримсан,
Нур сочган баҳоримсан,
Озода диёримсан,
Ўз ўрнинг бор дунёда,
Бахту тахтинг зиёда.

Наврўз яшнар, эл яшнар,
Янги кунларга бошлар,
Истиқдол мангу яшар
Инсон улуғ, суюкли,
Ўзбекистон буюқдир.

**МЕН СИЗНИ СОҒИНДИМ,
ОНАЖОН...**

Онажоним, қаранг умр ўтиб борар,
Ҳамма йўллар фақат сиз томон борар.

Олам ичра олам бўлиб тўлдик, тошдик,
На ўйладик, на сўйладик, ҳаддан ошдик.

Онажоним, Сизга томон талпинаман,
Ўзлимдан ҳам тонаман, ҳам ёнаман.

Ҳар сўзингиз, умрнинг бир фалсафаси,
Ҳар бир лаҳза умрим сўнгги нафаси.

Англаяпман, қалбим, кўнглим, қоним билан,
Соғинаман онам сизни жоним билан.

Сизни олиб кетган йўлдан кетгим келар,
Кетгим келар, ёнингизга етгим келар.

Кўз ёшларим камлик қилар ғамларимга,
Сиз етмайсиз ушбу дарду дамларимга.

Сиздан ўзга кўнгил уйин нури сўлгин,
Тушунгучи, англагучи топмадим бир.

Топганларим сароб бўлиб чиқаверар,
Гоҳ ари, гоҳ чаён бўлиб чақаверар.

Онам сизнинг топганингиз нелар эди,
Кўзингизга недан ёшлар келар эди.

Шухрат, Саид, Сахи, Султон болаларим,
Болаларим, жонимга жон жалолаларим.


Менинг тақдир азалимга битилган жон,
Ҳаёт бир ён, неваралар бахти бир ён.

Улар менинг юрагимнинг парчалари,
Умр ичра яшнаб турар барчалари.

Онажоним, мен ҳам сизнинг парчангизман,
Нигоҳларим юрагингиз дарчасинда.

Осмон, замин чексизликка назар солар,
Соғинаман, онажоним, юрак қадар.

Бу сатрлар ўйларимнинг томчисидир,
Чарчаган руҳимнинг синган қамчисидир.



МУҲДАРИЖА

Ўзига хос поэтик олам яратган кўпқиррали ижод соҳибаси..... 3

I. ИЛК САТРАЛАР. УМИД ҚУШЛАРИ

Ёшлигим.....	10
Орзум.....	10
Қишлоқ сукунати.....	11
Куз лирикаси.....	12
Ҳосил тўйига кел.....	12
Гул.....	13
Бир шеър ишқи.....	14
Алданма юрак.....	14
Илҳом сабабчи.....	15
Куз манзаралари.....	16
Муҳаббат.....	16
Фурур, ҳаёдан.....	17
Юлдузларга ўхшатманг бизни.....	18
Садоқат ва севги.....	18
Машаққат керак.....	20
Саккизликлар.....	20
Тўртликлар.....	22
Севишинг ҳам сирми!.....	23
Ҳаёт сабоқлари олдимда.....	23
Илҳом ва қалам.....	24
Куз.....	25
Қувонч олиб келди Янги йил.....	26
Кумушбиби Отабекни кутмоқда.....	27
Келинг.....	28
Диёримга келибди баҳор.....	29
Субҳидамда ёғибди ёмғир.....	30

II. ҚУЁШ ҚЎШИҚЛАРИ

Соғинч сатрлари.....	34
Соғинч.....	34
Олтин тахт.....	36
.....	38

Аму сўзлайди.....	38
Ҳижрон ва муҳаббат.....	41
Она, яна бир қуйла.....	42
Сен томонга кетди гул баҳор.....	42
Осмон ва қалбим.....	43
Шеър ёзгим келади.....	44
Мен шундай.....	45
Сени кутганда.....	46
Фақат севги қолади.....	46
Ёнимдасан.....	47
Элликбоғ.....	48
Қадрдон Ер.....	48
Қиш кирди.....	50
Ҳаё ярашар.....	51
Аллада қиз орзуси.....	51
Ўйинларда қолсин.....	53
Тикланган ёшлик.....	53
Чақалоқ ухлайди.....	55
Эрка ўғилчам.....	55
Қуёшнинг расмини чизибди ўғлим.....	56
Эътиқод.....	57
Шаҳидлар хотирасига.....	58
Қўшиқ янграмоқда.....	59
Деразамда камалак нур.....	60
Январь қори.....	61
Келинчак келаётир.....	62
Мени бугун бахтим куйлатар.....	62
Дийдор.....	63

III. «ҲАЖОННИНГ ЕТТИ РАНГИ» КИТОБИДАН

Амударёга.....	66
Эҳтиром.....	66
Ишчилик шарафи.....	67
Одамлар.....	68
Заро.....	69



Жанна д'Арк тергови	70
Бахт	72
Замин тилаги.....	72
Бувимнинг айтганлари.....	72
Мангулик	73
Ёшлик	74
Сукунат саси.....	74
Қўшиқнинг овози	75
Юрагимга.....	75
Аму соҳилида.....	76
Кавказ илҳомлари.....	77
Лермонтовга.....	78
Қуёшга қаратиб қуринг деразаларни!.....	79
Нон ёпганимда.....	80
Икки тилак	81
Тут	82
Қиз муҳаббати.....	83
Хат.....	83
Манзара.....	84
Тунда.....	84
Далалар қуёшга яқиндир	85
Ёз оҳанглари	85
Анжирли боғ.....	87
Куз оҳанглари.....	87

IV. «ОЙДИН ОСТОНА» КИТОБИДАН

Баҳор келди, онажоним.....	92
Ватан	92
Баҳор билан суҳбат	93
«Нечун ўзин ой сойга ташлар»	94
«Шу кеча...».....	96
«Мақтовлар не ...»	97
«Кулдонда...»	98
«Юрагингда...»	98
«Чақмоқ чақди...».....	98
Бувимнинг айтганлари.....	99

Уллибоғ.....	100
«Севаман деб»	101
Ёз сонети	102
Пахта вақти.....	102
Тошда кўқарган гул	104
Дўстларинг кўпайсин.....	105
Отам хотирасига	106
Мени ўйлашингга қолсин фақат тун.....	106
Умр вазифаси.....	107
Майсага айлангим келади.....	109
Қора денгиз тўлқинланар.....	111
Тонглар қолар денгизда	111
Яшил шеър	112
Замин тилаги.....	113
Икки сонет	113
Неки ниёт қилсам.....	114
Денгизда сув тўқинланар.....	115
Ой парчалари.....	117
Ёшлик	117
«Сўқмоқлар...»	118

V. «СЕВИБ ҚОЛСИН» КИТОБИДАН

Тиниқ осмон	120
Севиб қолсин сени.....	121
Куз.....	121
Ҳар тонг.....	125
Тун деган шунчалар.....	125
Савол	126
Ортда қолди	127
Ёмғир қуйди	128
Ишонмайман.....	128
Ишонаман фақат тушларга	129
Кел, баҳорим.....	129
Ҳолат.....	131
Дардкаш	133
Илинж	133

Туйғулар совиган.....	134
Ҳаммаси кетгани йўқ.....	135
Манзара.....	136
Куз ўтиб борар.....	136
Ғамгин ўйлар.....	138
Булутлар.....	139
Амуга.....	140
Шоирлар ҳақида.....	141
Гулдай яша.....	146
Ер узра.....	147
Эслаш.....	148
Ҳали сени.....	149
Дарахтлар шоҳида оппоқ ҳаяжон.....	150
Умрнинг ҳам.....	152
Янги тонг.....	152
Нафосат, назокат.....	153
Икки саккизлик.....	154
Мактуб.....	154
Қолинг мен билан.....	156
Кайфият.....	157
Сиз қачон тугайсиз.....	158
Хотиралар.....	158
Дўстим.....	159
Ҳаёт ўтар.....	160
Янги кун.....	161
Йўқолган дўстлик.....	162
Дўстларнинг кўплиги.....	162
Манзара.....	163
Ўйингдан не кечди.....	164
Айтолмадим.....	165
Юрак эмас — тош.....	167
Бегона бўлдики.....	168
Келмасанг тонг отмас.....	169
Ёлғизлик.....	169
Сен кетасан.....	170
Ой чиқмайди.....	171
Ишонч.....	172
Совиндим деган сўз.....	173
	173

VI. «МЕН СЕН УЧУН ЯШАЯПМАН» КИТОБИДАН

Аёл юрагининг нозик туйғулари.....	176
Ўқувчимга.....	178
Ҳали дафтаримнинг варақлари кўп.....	183
Ёруғ кунлар.....	184
Ёнғин.....	185
Келдингизми жоним қушларим.....	187
Дил шишаси.....	187
Тинчлан шамол.....	188
Умид.....	189
Ёмғир қуйди бирдан.....	190
Хаёллар.....	191
Кўнглимга қулоқ сол.....	192
Мен чиққан йўл.....	194
«Мен ўша кўчага...».....	195
Шеърят.....	196
Оқшом фош қилган сир.....	198
Ортада қолди.....	199
Куз сонетлари.....	203
Сўз кўшиққа айланар.....	204
Курашларда чиқсин жон.....	204

VII. «ЙЎЛЛАРИГА ЧИҚДИМ» КИТОБИДАН

Биз билан қолган унутилмас дамлар.....	208
Гулистоннинг бўстони.....	220
Йўлларингга чиқдим.....	220
Менинг юртимдай.....	221
Тўрткўлга.....	221
Боғеп.....	222
Қорақалпоқ номаларини тинглаб.....	223
Қорақалпоғистон.....	224
«Қизкетган» бўйлари.....	226
Чимбой йўлларида.....	226
Икки бағишлов.....	226

Кутиб ол Бўзатов Ажиниёзни.....	230
Тарих тилга кирар.....	232
Байкал бўйлари.....	233
Чин-Мочин қуёши.....	236
Салом менинг она юртим.....	237
Тупроқ.....	238
Яхшиликлар келар элимга.....	239
Сув қадри.....	239
Хатолар.....	240
Онажоним.....	240
Мен садоман.....	241
Аксим шеъримда.....	242
Вақт.....	242
Қиш нотинчлиги.....	243
Декабрнинг шеъри.....	243
Янги кун.....	244
Қишлоқда куз.....	246
Сўнгги гунчага.....	246
Майсалар қопласин.....	247
Сочлари қирқ ўрим.....	249
...Мен кетдим.....	250
Мен сени изладим.....	250
Дарди кўп бу дардсиз жаҳоннинг.....	251
Умр ҳам йўқ, ўлим ҳам йўқдир.....	251
Кайфият.....	253
Ўрилмаган қора сочларга.....	254
Сирдошим ёмғир.....	254
Юрагимга.....	255
Паноҳ.....	256

**VIII. «ҚАЙТМОҚ УЧУН КЕТМОҚДАМАН»
КИТОБИДАН**

Юрак синиқлари.....	258
---------------------	-----

IX. «ИЗЛАГАНЛАРИМ» КИТОБИДАН

Дўстим менинг.....	300
Яхшиликнинг йўлларида.....	301

Осмонинг бир олам.....	301
Қаранг, ой тўлғанар, бугун кўз ёрар.....	303
Кўнглим такрорлайди табиат.....	304
Топмассан.....	306
Наврўз.....	307
Сенинг қора кўзларингда яшар минг савол.....	308
Кўнглимга.....	310
Вужудимда бир ўт ёнар.....	311
Сизни топдим.....	313
Онажоним, менга берган.....	314
Биз терган чечаклар.....	316
Бу кўнги.....	317
Сиз берган бахт.....	318
Гилослар.....	319
Йўқласа бир шамол.....	320
Сиз менга.....	322
Қалбимга.....	323
Дали дунё.....	324
Юрагимда талпинишлар.....	325
Мен энди.....	325
Тун азоби.....	329
Жийдалар гуллабди.....	330
Сиз кетган ёқларга.....	331
Бир қучоқ қувонч.....	331
Тонгларим отарми менинг.....	332
Сизга жоним дедим.....	333
Илинж.....	333
Мен сизга.....	334
Мен излаган олам.....	334
Хотиралар.....	335
Айлансин.....	335
Менга беринг.....	336
Мен ҳар сафар.....	336
Айлансалар қушларга.....	337
Шамоллар.....	338
Ёлғизлик.....	338
Қалбим кулбаси.....	339
Сочларингиз тўлқинлари.....	340

Сиз энди	341
Ойнинг изтироби	341
Соҳилда	342
Гуноҳдари менга	342
Сўнгги нидо	343
Илтижо	346
Мангулик	348
Тўртликлар	350
Бу чоғлар	352
Тушуниш	353
Эҳтиром	354

Х. «ОТА УЙИМ» КИТОБИДАН

Ижодкорнинг янги доवони	358
Отам хотираси	362
Менинг ота уйим	363
Кутиб ол	364
Шукрона	365
Юрак амри	366
Умид	366
Коинотнинг садосиман	367
Ишонч	368
Эътироф	369
Синов ва сабр	369
Эътиқод	370
Эркин руҳ	371
Саволлар	372
Бир парча қоғоз	372
Кечир	373
Юрак иншоси	374
Безовталиқ	374
Минг йиллар	375
Худбинлик	376
Ишонч	378
Ўзинг билан баҳс	379
Ҳикматлар кўп	380
.....	382

Сўз тилсими	383
Най	383
Ўзинг сари йўл	384
Қонуният	385
Умид	385
Вақт эртаклари	386
Томчилар	387
Аҳд	388
Дардлаш юрагим	388
Ёмғир сири	389
Манзара	390
Олма боғ	392
Мен шу ердан	393
Кўнгил олами	393
Мустақиллик мадҳи	396
Она юртим	498
Дунёда	400
Янги кун	401
Ўзбекистон — ҳур ягона	402
Ватан	403
Тинчлик	404
Армиям	405
Миллий Армиям	406
Юрт ҳимояси	407
Наврўз	408
Сўнгги ёмғир	409
Куз соғинчи	410
Туш сеҳри	410
Юлдузлар осмондан тушгандай	411
Қалбим акси	412
Куз ҳақида	412

ХІ. «УЙҒОНИШ НАШИДАСИ» КИТОБИДАН

.....	414
Даъваткор илҳом соҳибаси	416
Юртимнинг жамоли	417
Наврўз руҳи	417

Кўклам нафаси.....	420
Шамоллар шивирлар бодом шохида.....	421
Майсалар.....	422
Яна куз келдими?.....	423
Турналар.....	424
Ватан Наврўз онаси.....	425
Мен сизни соғиндим, онажон.....	426

Агабий-бадиий нашр

ГУЛИСТОН МАТЁҚУБОВА

САЙЛАНМА

Шеърлар

1-китоб

Муҳаррир *Г. Азизова*
 Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*
 Техник муҳаррир *Б. Каримов*
 Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*
 Мусаҳҳих *С. Салоҳитдинова*
 Саҳифаловчи *Б. Душанова*

Нашриёт лицензияси АIN№ 158.14.08.09.
 Босишга 2018 йил 24-апрелда рухсат этилди.
 Бичими 84 x 108^{1/32}. Офсет қоғози. «Virtec Baltica Uz»
 гарнитураси. Шартли босма табоғи 23,1.
 Нашр табоғи 11,83. Адади нусха 3000.
 Буюртма № 18-312.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
 «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011,
 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20
 Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
 e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

1
1
5
7
E
N

М 31 **Гулистон Матёкубова**
Сайланма. Шърлар. 1-китоб. — Тошкент:
«O'zbekiston» НМНУ, 2018. — 440 б.

ISBN 978-9943-25-548-7

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)6